



МУРОДИЛЛА ХАЙДАРОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВЛАТИ  
БОШҚАРУВ ТИЗИМИ:

ШАКЛЛАНИШИ,

БОСҚИЧЛАРИ

ВА МОҲИЯТИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАҒИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУРОДИЛЛА ҲАЙДАРОВ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВЛАТИ БОШҚАРУВ  
ТИЗИМИ:  
ШАКЛЛАНИШИ, БОСҚИЧЛАРИ ВА МОҲИЯТИ  
(1917–1941 йиллар)**

**ТОШКЕНТ  
«ABU MATBUOT-KONSALT»  
2012**

УДК 94(575.1)

321(575.1)

КБК 63.3(5Ў)-3

Х-19

**Масъул муҳаррир:**

тарих фанлари доктори, профессор *Р.Х. Муртазаева*

**Тақризчилар:**

тарих фанлари доктори *Қ.К. Ражабов,*

тарих фанлари доктори *С. Шодмонова*

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги Тарихий адабиётларни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш бўйича эксперт гуруҳининг 2012 йил 28 июлдаги қарори асосида нашрга тавсия қилинган.

**Ҳайдаров, Муродилла.**

Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими: шаклланиши, босқичлари ва моҳияти (1917–1941 йиллар). / М. Ҳайдаров; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Тарих институти; Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети; масъул муҳаррир Муртазаева Р.Х. – Тошкент: «ABU MATBUOT-KONSALT», 2012. – 272 б.

**КБК 63.3(5Ў)-3**

Мазкур монографияда Ўзбекистонда совет давлатининг бошқарув тизими, унинг шаклланиши, босқичлари ва моҳияти кўрсатиб берилган. Муаллиф кўп йиллик илмий изланишлари натижасида архив ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари ва тарихий тадқиқотлар асосида бу мавзунинг аҳолига ёритган.

Асар Ўзбекистон тарихи билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

## Сузбоши

Инсоният тарихида ўзига хос даврни ташкил қиладиган XXI асрнинг дастлабки ўн йили ҳам ортда қолди. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақил тараққиётининг дастлабки 20 йиллигини яқунлаб, учинчи ўн йилликка қадам қўйди. Ўзбек халқи ўзининг бунёдкорлик фаолияти билан ўтган қисқа муддат ичида халқ хўжалигининг барча жабҳаларида, жумладан, илм-фан ва таълим соҳасида катта ютуқларни қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида бугунги тарихий даврга қўйидагича баҳо берган эди: «Бугун биз тарихий бир даврда – халқимиз ўз олдига эзгу ва улуг мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамокдамиз.

Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий кадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз. бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани – бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз.

...Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилиқ тарихида кўп бора ўз неботини топган»<sup>1</sup>.

Тарихдан маълумки, совет даврида Ўзбекистонда иқтисодиёт бир томонлама ривожлантирилган эди. Асосан хом ашё етиштиришга йўналтирилган бундай ёндашув Марказ томонидан белгиланган эди. Маънавий ҳаётнинг барча жабҳаларида коммунистик мафкура ҳукмронлик қилар, Совет Иттифоқида яшовчи бошқа халқлар сингари ўзбек халқининг миллий урф-одатлари ва анъаналари инкор қилиниб, барча воситалар «ягона совет халқи»ни коммунистик онглилик руҳида

<sup>1</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 3-4.

тарбиялашга қаратилган эди. Сиёсий ҳокимият эса коммунистик партия қўлида бўлиб, республикалардаги биринчи котиблар КПСС МК Сиёсий бюроси Кремлда чиқарадиган қарорларни бажаришга мажбур қилинган эди.

Президент И. Каримов 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида ўзбек халқининг совет ҳокимияти йилларидаги ҳолатини бугунги мустақиллик даврига солиштириб, қуйидагича хулоса чиқарган эди:

«Маълумки, собиқ тузум даврида республикамизнинг иқтисодиёти бир томонлама ривожланган, фақат хом ашё етиштиришга йўналтирилган бўлиб, машъум салбий оқибатларга олиб келган пахта яккаҳокимлиги авжига чиққан эди. Ўзбекистон ўзининг қолоқ ишлаб чиқариш ва социал инфратузилмаси билан собиқ иттифокда жон бошига истеъмол даражаси бўйича энг паст ўринда турарди. Мустақил ривожланиш йилларида – тарихан қисқа бир даврда юртимиз янги ва улкан марраларни қўлга киритди, бунинг натижасида мамлакатимизнинг киёфаси бутунлай ўзгариб, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи юксалиб бормоқда»<sup>1</sup>.

Октябрь тўнтаришидан кейин Россияда большевикларнинг ҳокимиятга келиши ва янги совет ҳукуматига асос солиши билан дунё бир-бирига қарши икки кутбга бўлинди. Совет ҳокимияти қарийб 75 йил давомида мавжуд бўлиб турди. Тақдир тақозоси билан ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи халқлар, жумладан, ўзбек халқи ҳам совет тузумида яшашга мажбур бўлди. Мустабид совет давлат бошқаруви қарор топди. Большевиклар мамлакатда якка ҳукмрон сиёсий кучга айландилар. Коммунистик партия ва унинг раҳбарлари совет давлатини бошқардилар.

Бугунги кунда совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда қарор топган Совет давлати бошқарув тизимининг шаклланиши, босқичлари ва моҳияти тўғрисида, хусусан, совет ҳокимияти-

---

<sup>1</sup>Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 5–6.

нинг дастлабки чорак асрлик даври (1917–1941 йиллар) хусуси-  
да илмий тадқиқот олиб бориш муҳим илмий аҳамият касб  
этади. Ўзбекистонда мавжуд бўлган совет давлати бошқаруви-  
нинг бутун жиҳатларини комплекс ўрганиш, совет даври  
тарихидан етарли даражада сабоқлар чиқариш мустақиллик  
ўзбек халқига берган катта имкониятларни сарҳисоб қилиш  
заруриятини англатадики, мазкур ҳолатлар бугунги кунда  
муҳим аҳамият касб этади.

## 1 боб. Ўзбекистон худудида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва бошқарув тизими (1917–1920 йиллар)

### 1.1. Муаммонинг манбашунослиги ва тарихшунослиги

**Тадқиқотнинг манбавий асослари.** Тадқиқотни яратишда фойдаланилган манбаларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- Эълон қилинган ҳужжат ва материаллар тўпламлари;
- Архив ҳужжатлари ва материаллари;
- Даврий матбуот;
- Хотиралар ва эсдаликлар.

Манбаларнинг биринчи гуруҳига совет даври ва мустақиллик йилларида эълон қилинган турли ҳужжат ва материаллар тўпламлари<sup>1</sup> қиради. Хусусан, бу тўпламлар

---

<sup>1</sup> Мусбуро РКП(б) в Туркестане. 1, 2 и 3 Туркестанские Краевые Конференции РКП в 1919–1920 гг. С введением тов. Рыскулова. – Т.: Туркгосиздат, 1922; Сборник важнейших декретов, постановлений и распоряжений Правительства ТАССР за 1917–1922 гг. – Т.: Изд. Комиссии СНК, 1922; Отчёт о деятельности СНК и Экономического Совета Туркеспублики на 1 октября 1922 г. – Т.: Изд. ТЭС, 1922; РСФСР, ЦСУ Туркеспублики. Статический ежегодник 1917–1923 гг. Составитель и под редакцией Д. Красновского. Т. II. – Т.: Изд. ТЭС, 1924; Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Т. 1. Установление советской власти в Узбекистане. – Т.: Изд. АН УзССР, 1963; Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Т. 2. Упрочение советской власти в Узбекистане. – Т.: Фан, 1972; Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917–1926 гг.). Сборник документов. – Т.: Фан, 1962; Сплошная коллективизация сельского хозяйства Узбекистана (1930–1932 гг.). Сборник документов. – Т.: Узбекистан, 1980; Программные документы мусульманских политических партий 1917–1920 гг. – Оксфорд, 1985; Революция в Средней Азии глазами мусульманских большевиков. – Оксфорд, 1985; Трагедия советской деревни. коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы 1929–1939 гг. В 5-и томах. Составители: В. Данилев, М. Кудюкина и др. Т. 3. Конец 1920–1933. – М.: РОССПЭН, 2001; Советская деревня глазами ВЧК – ОГПУ – НКВД. 1918–1939. Документы и материалы в 4-х томах. Под редакцией А. Берловича, В. Данилова. Т. 2. – М.: РОССПЭН, 2002; ЦК РКП(б) – ВКП(б) и национальный вопрос. Сборник документов. Книга 1. 1918–1933 гг. – М.: РОССПЭН, 2005; Репрессия. 1917–1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 1. Составители: Р. Шамсутдинов, Н. Каримов, Э. Юсупов. – Т.: Шарқ, 2005; Репрессия. 1937–1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 4. Составители: Р. Шамсутдинов, М. Абдуллаев, Э. Дусмагов, Х. Курбанов. – Т.: Шарқ, 2008; Трагедия

орасида Оксфордда 1985 йили рус тилида чоп этилган китоблар ҳамда XXI аср бошларида Москва ва Тошкентда нашр этилган коллективлаштириш фожиаси ва совет режимининг қатағон сиёсатига оид тўпламлар муҳим роль ўйнайди.

Манбавий асослар ўртасида архив ҳужжатлари алоҳида ўрин эгаллайди. Тадқиқотни ёзишда ўнга яқин архивларнинг турли фондларидан фойдаланилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (Ўзбекистон МДА), Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архиви (Ўзбекистон РПДА), Андижон, Наманган ва Фарғона вилояти давлат архивлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архивининг Андижон, Фарғона вилояти ҳокимлиги филиаллари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, тадқиқотни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази архивида сақланаётган Россия Федерацияси давлат архиви (ГАРФ) ва Россия давлати ижтимоий-сиёсий тарихи архиви (РГАСПИ)га оид маълумотлардан ҳам унумли фойдаланилди.

Ўзбекистон МДАда сақланаётган Туркистон АССР Советлари Марказий Ижроия Қўмитаси (ф.17), Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети (ф.25), Туркистон АССР Миллий ишлар халқ комиссарлиги (ф.36), Туркистон Пахтачилик комитети (ф.111), Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Қўмитаси (ф.86), Ўзбекистон ССР Муваққат Инқилобий Қўмитаси (ф.870), Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети (ф.837), Ўрта Осиё республикалари Иқтисодий Кенгаши (ф.2027) ва бошқа фондлардаги ҳужжатлар тадқиқотни тайёрлашда муҳим роль ўйнади. Ўзбекистон МДАдаги архив материалларини таҳлил қилиш жараёнида уларни қуйидаги бир нечта гуруҳларга ажратиш мумкин:

---

среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929–1955 гг. Документы и материалы. Т. I–III. Составители: Р. Шамсутдинов, Б. Расулов. Под редакцией Д. Алимовой. – Т.: Шарқ, 2006; Среднеазиатский кишлак в годы Большого террора. Составители: Р. Шамсутдинов, Э. Юсупов, С. Хошимов, Э. Дусматов. – Андижон, 2007; Тарихнинг номаълум саҳифалари. Ҳужжат ва материаллар. Биринчи китоб. Масъул муҳаррир Н. Каримов. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009 ва б.



1. Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССР Советлари съездларининг стенографик ҳисоботлари;

2. Туркистон Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши, Туркистон Иқтисодий Кенгаши, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши каби хўжалик ташкилотларининг фаолияти ёритилган ҳужжатлар, бу иқтисодий органларнинг конференция, съезд ва турли анжуманларда қабул қилинган қарор ва резолюциялари;

3. Очарчиликка қарши кураш комиссиясининг маълумотлари;

4. Ўзбекистон ССР ҳукуматининг турли қарорлари ва декретлари.

Шунингдек, тадқиқотни ёзишда Ўзбекистон РПДА ва унинг Андижон ва Фарғона вилоятларидаги филиаллари материаллари асосий манба бўлиб хизмат қилди. Бу архивнинг мавзуга оид кўплаб ҳужжатлари мазкур тадқиқот орқали илк марта илмий истеъмолга киритилди. Ўзбекистон РПДАда сақланаётган Туркистон Компартияси Марказий Комитети (ф.60), Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети (ф.14), Хоразм Коммунистик партияси Марказий Комитети (ф.361), Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети (ф.58) фондларидаги материаллар 1918–1941 йиллардаги сиёсий ва иқтисодий жараёнлар, маданий ўзгаришлар, большевиклар партиясининг минтақадаги сиёсати асл моҳиятини очиб кўрсатишда муҳим ўрин тутди. Бу архивга тегишли ҳужжатлар ўртасида «мутлақо махфий» тамғаси билан сақланган кўплаб материаллар мавжуд бўлиб, уларда совет ҳокимиятининг қатагон сиёсати, Ўзбекистон худудида ишчилар ва деҳқонларнинг норозилик чиқишлари: иш ташлаш, турли ғалаён ва кўзғолонлар, ишсизлик ва унинг асоратлари, очарчилик ва унинг оқибатлари, Ўзбекистон ҳукумати раҳбарлари (Файзулла Хўжаев, И. Хидиралиев, Р. Иноятов ва б.)нинг Марказ сиёсатига қарши билдирган баъзи фикр-мулоҳазалари, Ўзбекистон партия ташкилотлари ва маҳаллий совет идораларидаги турли зиддиятлар ҳақида сўз боради.

Даврий матбуот материаллари манбаларнинг учинчи турини ташкил қилади. Тошкент ва Москвада рус ҳамда ўзбек тилларида нашр қилинган «Известия ТуркЦИК», «Наша газета», «Туркестанская правда», «Узбекистанская правда», «Правда

Востока», «Қизил Ўзбекистон» газеталари; «Военная мысль», «Жизнь национальностей», «За партию», «Народное хозяйство Средней Азии», «Народное хозяйство Туркестана», «Экономическое обозрение», «Коммунистическая мысль» журналлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, тадқиқотни тайёрлашда турли бюллетенлардаги материаллардан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқ қилинаётган даврда Туркистон ва Ўзбекистондаги ижтимоий ва сиёсий жараёнларнинг марказида турган таникли сиёсат ва давлат арбоблари Аҳмад Закий Валидий Тўғон (1890–1970), Полвонниёз Ҳожи Юсупов (1863–1936), Мунаввар Қори Абдурашидхонов (1878–1931), Нуриддин Муҳитдинов (1917–2008), файласуф олим Эркин Юсупов (1928–2003) ва бошқаларнинг хотиралари<sup>1</sup> манбаларнинг тўртинчи турини ташкил этади. Бу хотираларда 1917–1941 йилларда Ўзбекистонда юз берган ўзгаришлар, минтақада совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унинг оқибатлари, ўзбек қишлоқларидаги ғожиа каби ўша давр воқеалари бевосита шоҳидлар тилидан ҳикоя қилинади.

Мазкур мавзуга оид адабиётларни хронологик жиҳатдан икки даврга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ: *биринчи давр* – совет ҳокимияти йилларида нашр этилган тарихий адабиётлар; *иккинчи давр* – мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар.

Ўз навбатида биринчи давр адабиётларини ҳам бир нечта босқичга ажратиб таҳлил қилиш мумкин. *Биринчи босқичга* 1917–1941 йилларда нашр этилган тарихий адабиётлар киради. (Тадқиқотнинг даврий чегараси ҳам шу даврни ўз ичига олади.) Бу йилларда нашр этилган дастлабки тарихий тадқиқотларнинг

---

<sup>1</sup>Муҳитдинов Н. Кремлда ўтган йилларим (эсдаликлар). 1-китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1995; Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Булинганни бури ер. Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар. Бошқирд тилидан Ш. Турдиев таржимаси. – Т.: Адолат, 1997; Полвонниёз Ҳожи Юсупов. Ёш хиваликлар тарихи (Хотиралар). Нашрга тайёрловчи М. Матниёзов. – Урганч: Хоразм, 1999; Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (Жадидчилик тарихидан лавҳалар). Нашрга тайёрловчи С. Холбоев. – Т.: Шарқ, 2001; Юсупов Э. Зулмат ичида зиё излаб... Хотиралар. 1-китоб. – Чимкент, 2000; Яҳёев Ҳ. Тилсим. Хотира-роман. 1-китоб. – Т.: Шарқ, 2004 ва б.

муаллифлари кўпгина ҳолларда тарихчи мутахассислар бўлмай, улар партия, давлат ва жамоат арбоблари, хўжалик ходимлари, иқтисодчилар ва публицистлар эди.

XX аср 20-йилларида нашр этилган китобларда<sup>1</sup> Туркистон ўлкасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши жараёни, минтақада большевиклар партиясининг юритган сиёсати, совет ҳокимиятининг дастлабки тадбирлари ва бошқалар хусусида сўз боради. Бу мавзуга оид чоп этилган дастлабки йирик асар РКП(б) МК Туркбюро раисининг ўринбосари, Марказдан Тошкентга юборилган Георгий Сафаров (1891–1942) асари бўлиб, 1921 йил Москвада рус тилида чоп этилган бу асарда Туркистонда совет ҳокимияти амалга оширган мустамлака инкилоби хусусида сўз боради. Бу асар 7 бобдан иборат. Асарнинг «Туркистон-мустамлака» бобида Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасининг босиб олиниши ва бу ерда юритилган мустамлакачилик сиёсати кўрсатилган.

Муаллифнинг ёзишича, Туркистонга келган россияликлар «жамиятнинг куйқиндилари бўлиб, улар фақат маҳаллий халқни талаган, зўрлаган ва уларни қирган»<sup>2</sup>. Муаллифнинг фикрича,

---

<sup>1</sup> Очерки хозяйственной жизни Туркеспублики. Под редакцией А. Асаткина. – Т.: Изд. ЦСНХ, 1920; Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана) – М.: Госиздат, 1921; Дервиш. Ферганская проблема // Военная мысль. Кн. II. – Т., 1921. – С. 108–118; Очерки по экономике Средней Азии. Под редакцией Ю. Пославского и Г. Черданцева. – Т.: Изд. ТЭС, 1922; Бауман В. Борьба за власть Советов в Ташкенте. – Т.: Туркгосиздат, 1922; Борисов Н. Октябрь в Туркестане. – Т.: Изд. подотдела печати ЦК КПТ 1922; Варейкис И. и Зеленский И. Национально-государственное размежевание Средней Азии. – Т.: Средазгосиздат, 1924; Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Сборник статей, докладов, речей и тезисов с предисловием автора. Часть I. 1917–1919 гг. – Т.: Узбекгосиздат, 1925; Очерки революционного движения в Средней Азии. Сборник статей. – М.: Научная ассоциация востоковедения при ЦИК СССР, 1926; Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. – Т.: Узгиз, 1926; Алексеенков П. Крестьянское восстание в Фергане. – Т.: Средазкнига, 1927; Он же. Кокандская автономия. – Т.: Узгиз, 1931; Ходжанов С. К десятилетию Советской Автономии Туркестана. – Т.: Изд. Правда Востока, 1928; Фиёсов М. Октябрь революцияси ва жадидлар // Коммунист, 1928. № 103. – Б. 13–16; Галузо П.Г. Туркестан – колония (Очерк истории Туркестана от завоевания русскими до революции 1917 года). – М.: Изд КУТВ, 1929 ва б.

<sup>2</sup> Сафаров Г. Колониальная революция (опыт Туркестана) ... – С. 50.

Туркистондаги русларнинг ҳаммаси «маҳаллий халқни одам эмас, балки ҳайвон деб ҳисоблаб, уларни истаганча эзган»<sup>1</sup>.

Г. Сафаров ўз китобининг «Туркистондаги инқилоб» номли бобида Россияда бўлган 1905–1907 йиллардаги инқилоб Туркистонга озроқ таъсир кўрсатганини айтиб, 1917 йил февраль инқилоби «Туркистонга телеграф орқали қилинган инқилоб» деб баҳолайди ва Туркистондаги февраль инқилобида маҳаллий халқлар мутлақо қатнашмаганлигини ёзади. Октябрь тўнтаришини амалга оширишда ҳам Туркистонда маҳаллий аҳоли вакиллари иштирок этмаганлар<sup>2</sup>. Ўз даврида Г. Сафаровнинг бу фикрлари кескин танқид қилинди ва у кейинчалик қатагонга учради.

Туркистон ўлкасида совет ҳокимияти юритган иқтисодий сиёсатнинг моҳиятини очиб беришда, Марказнинг ўлкага нисбатан мустамлакачилик сиёсатини кўрсатишда рус тилида нашр этилган «Туркистон Республикасининг хўжалик ҳаётидан очерклар»<sup>3</sup> китоби муҳим роль ўйнайди. Бу китобга кирган Туркистондаги хўжалик ташкилотлари ҳақидаги ҳисобот ва маърузаларда ўлка халқ хўжалиги ва турмушининг турли соҳаларига оид маълумотлар жамланган. Бир гуруҳ мутахассислар томонидан тайёрланган ушбу китобда Туркистоннинг иқтисодий ҳаётини ўрганган тадқиқотчиларнинг фикрлари ҳам киритилган.

Китобнинг «Туркистон Республикасининг иқтисодий таърифи» ва «Совет Туркистонидаги саноатга раҳбарлик қилувчи ташкилотлар» номли бўлимларда минтақани хом ашё базаси сифатида янада ривожлантиришнинг умумий йўналишлари, яъни хўжалик сиёсатининг асосий принциплари илмий асосланган бўлиши ва Туркистоннинг Марказ хўжалик тизимидаги ўрнини аниқ белгилаб бериш ҳамда Россия билан муносабатлар масаласи алоҳида таъкидланган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Сафаров Г. Ўша китоб. – Б. 53–55.

<sup>3</sup> Очерки хозяйственной жизни Туркеспублики. Под редакцией А. Асаткина. – Т.: Изд. ЦСНХ, 1920.

<sup>4</sup> Очерки хозяйственной жизни Туркеспублики. Под редакцией А. Асаткина. – Т.: Изд. ЦСНХ, 1920. – С. 214–267.

Таниқли давлат ва сиёсат арбоби Турор Рискулов (1894–1938) ўзининг рус тилида нашр қилинган «Инқилоб ва Туркистоннинг туб аҳолиси»<sup>1</sup> номли асарида 1917–1919 йилларда Туркистондаги сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий вазиятни ёритган. Т. Рискулов Фарғона водийси ва Еттисувда совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейинги аҳволни кўрсатиб, очарчилик натижасида вужудга келган ҳолатни таърифлаб шундай ёзади: «Ҳар куни ўн минглаб кишилар очликдан қирилиб кетмоқда ва шундай пайт келиши мумкинки, бутун бир миллат йўқ бўлиб кетади».<sup>2</sup>

Совет ҳокимиятининг Туркистон ўлкасида юритган шовинистик ва мустамлакачилик сиёсатини, Фарғона водийси ва Еттисувдаги очарчилик ва унинг даҳшатли оқибатларини Т. Рискулов ўз асарида ҳаққоний кўрсатиб беради. Бу китобга муаллиф томонидан киритилган бир ҳужжатда маҳаллий аҳоли томонидан 1919 йили совет ҳокимияти органларига қилинган мурожаатномадан қуйида келтириладиган парча ўша даврнинг зиддиятли қиёфасини холислик билан ёритганлиги билан муҳимдир:

«Фарғонада Совет ҳокимияти йўқ, у фақат шаҳарларда рус аҳолиси ўртасида мавжуд. Мусулмон қишлоқларида эса Совет ҳокимияти мавжуд эмас. У жойларда Николай давридаги эски тартиблар, волость бошқарувчилари ва приставларнинг тартиби ҳукм сурмоқда. Приставлар ўрнини комиссарлар, волость бошқарувчилари ўрнини қароқчилар гуруҳи эгаллаган. Қароқчиларнинг сони ортиб бормоқда, бизнинг кузатишимизча, бутун аҳоли қароқчи гуруҳларини ташкил қилмоқда»<sup>3</sup>.

XX асрнинг 30-йилларида яратилган китобларда<sup>4</sup> эса бутунлай

<sup>1</sup> Рискулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Часть I. 1917–1919. – Т.: Узбекгосиздат, 1925.

<sup>2</sup> Рискулов Т. Революция и коренное население Туркестана. – С. 28.

<sup>3</sup> Рискулов Т. Революция и коренное население Туркестана. – С. 99.

<sup>4</sup> Файзулла Хужаев. Бухоро инқилобининг тарихидан материаллар. – Тошкент – Самарқанд: Ўзнашр. 1930; Унинг ўзи. К истории революции в Бухаре и национального размежевания в Средней Азии. – Т.: Узбекгосиздат, 1932; Лаврентьев В. Капитализм в Туркестане (Буржуазная колонизация Средней Азии). – Л.: Изд. Коммунистическая академия, 1930; Зелькина Е. Очерки по аграрному вопросу в Средней Азии. – Т.: Госиздат, 1930; Аршаруни А., Габидулин Х. Очерки ланисламизма и пантюркизма в России. – М:

бошқача манзаранинг гувоҳи бўлинади. Совет тоталитар режими қарор топган ва мустақкамланган бир шароитда яратилган тарихий тадқиқотларда марксизм-ленинизм таълимоти устунлик қилди ҳамда тадқиқотлар синфий кураш ва пролетар интернационализи ғояларига бўйсундирилди.

В. Лаврентьев асарида Туркистонда капитализмнинг ривожланиши (XIX асрнинг сўнги чорагидан XX аср бошларигача) илк марта тулиқ таҳлил қилинди. Муаллиф Туркистонда Октябрь тўнтаришидан кейинги ишлаб чиқариш муносабатларини Россия империяси даврида иқтисодий муносабатларда ўрнатилган туб ўзгаришларнинг давоми сифатида баҳолади.

Е. Зелькина эса ўз тадқиқотида Октябрь тўнтариши арафаси ва ундан кейинги дастлабки йилларда Туркистондаги аграр ва деҳқонлар масаласини ёритди. Унинг асарида асосий фикр сифатида Ўзбекистонда 1925 йилгача, яъни Ўрта Осиёда ер-сув ислохоти ўтказилмагунга қадар «Ўрта Осиё кишлоқларида социалистик инқилобгина эмас, хатто буржуа-демократик инқилоб ҳам бўлмади»<sup>1</sup>, деган фикр устунлик қилади.

Таниқли давлат арбоби Файзулла Хўжаев томонидан бу даврда яратилган кўплаб тарихий ва иқтисодий асарларда Ўрта Осиёда ўтказилган миллий ҳудудий чегараланиш, Ўзбекистон ССРда амалга оширилган ўзгаришлар билан бир қаторда Бухородаги жадидчилик ҳаракати ва Бухоро инқилоби тарихи, миллий озодлик ҳаракатлари ва миллий масала тўғрисида муҳим маълумотлар мавжуд. Хусусан, унинг «Бухоро инқилобининг тарихи ва Ўрта Осиёда миллий чегараланиш тўғрисида» номли асарида XX аср 20-йилларида Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилган сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар тўғрисида сўз боради.

Хуллас, биринчи даврнинг биринчи босқичида тарих фанида яратилган асарларда Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва қарор топиши, минтақадаги иқтисодий ва

---

Безбожник, 1931; Манжара Д.И. Революционное движение в Средней Азии в 1905—1920 гг. — Т.: Госиздат, 1934; Унинг ўзи. Борьба за власть. — Т.: Госиздат, 1935 ва б.

<sup>1</sup> Зелькина Е. Очерки по аграрному вопросу в Средней Азии... — С. 82.

маданий ўзгаришлар, Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш ва унинг оқибатлари, ўзбек қишлоғидаги ўзгаришлар ўз ифодасини топди. Тарихий адабиётларда аста-секин муаммога синфий ёндашув кучайиб, марксча методологияга амал қилинди. XX аср 30-йиллари ўрталарига келганда совет жамиятида фақат битта ғоя – коммунистик мафкура бутунлай қарор топди.

Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейин (1941–1985 йилларда) яратилган тарихий тадқиқотлар<sup>1</sup> биринчи даврнинг иккинчи босқичини ташкил этади. Бу босқичда яратилган айрим ижтимоий-иқтисодий адабиётларда<sup>2</sup> Марказнинг Туркистон халқ хўжалигига кўпол равишда аралашуви, ўлка иқтисодиётини назорат қилишга қаратилган чора-тадбирлари Тур-

<sup>1</sup> *Ненесов Г.* Победа Советского строя в Северном Туркменистане (1917–1936 гг.). – Ашхабад, 1950; Унинг ўзи. Из истории Хорезмской революции (1920–1924 гг.). – Т.: Госиздат, 1952; *Воскобойников Э., Зевелёв А.* Турккомиссия ВЦИК и Совнаркома РСФСР и Туркбюро ЦК РКП(б) в борьбе за укрепление советской власти в Туркестане. – Т.: Госиздат, 1951; *Ишанов А.И.* Создание Бухарской Народной Советской Республики (1920–1924 гг.). – Т.: Изд. АН УзССР, 1955; Унинг ўзи. Бухарская Народная Советская Республика. – Т.: Узбекистан, 1969; *Житов К.Е.* Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Узбекистане. – Т.: Госиздат, 1957; *Хакимов М.А., Серый Я.М.* Борьба большевиков за создание национальной советской государственности в Туркестане. – Т.: Ўздавнашр, 1958; *Ваҳобов М.Ф.* Ўзбек социалистик миллати. – Т.: Ўздавнашр, 1960; *Аминова Р.Х.* Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (1917–1920 гг.). – Т.: Изд. АН УзССР, 1963; *Нуруллин Р.А.* Советы Туркестанской АССР в период иностранной военной контрреволюции и гражданской войны. – Т.: Наука, 1965; *Бойжонов Р.* Ўзбекистонда марксизтик тарих фанининг ривожланиши. – Т.: Ўздавнашр, 1962; Унинг ўзи. Туркистонда Октябрь революцияси историографиясига доир (1917–1967 й.). – Т.: Ўзбекистон, 1969; *Яковенко Л.И.* Продовольственная политика Коммунистической партии и её осуществление в Туркестане (1918–1954 гг.). – Душанбе, 1974; *Чеботарёва В., Раджапова Р.* Историко-партийная наука в Узбекистане. – Т.: Узбекистан, 1982; *Погорельский И.В.* История Хивинской революции и Хорезмской Народной Советской Республики (1917–1924 гг.). – Л.: Изд. ЛГУ, 1984; *Мухаммадбердыев К.Б.* История Хорезмской революции. – Т.: Фан, 1986; *Искандаров Б.И.* Борьба за установление советской власти в Таджикистане (1920–1922 гг.). – Душанбе: Дониш, 1986 и др.

<sup>2</sup> Развитие экономики и культуры Советского Узбекистана. – Т., 1957; *Чунтулов В.* Народное хозяйство СССР. – Киев, 1962; Производительные силы Узбекистана и перспективы их развития. – Т., 1967 и др.

кистон ўлкасини оғир иқтисодий инкироздан чиқариш, саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг ягона тўғри йўли, деб очиқ равишда уқтирилди. Шунингдек, бу босқичда яратилган умумлаштирувчи йирик тарихий тадқиқотларда<sup>1</sup> Октябрь тўнтариши ва Туркистонда большевикларнинг ҳокимиятга келиши ҳамда совет ҳокимияти ўтказган сиёсат кўрсатиб берилган.

Биринчи даврнинг учинчи босқичи 1985–1991 йилларда яратилган тарихий тадқиқотларни ўз ичига олади. Бу йилларда совет жамиятида бошланган қайта қуриш ва ошқоралик жараёни, Ўзбекистонда миллий кўтарилиш ва тарихий хотиранинг уйғониши яратилган тадқиқотларда нисбатан ўзининг ечимини топди. Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти олимлари томонидан қисқа муддат ичида тарих фанининг долзарб муаммоларига бағишланган кўплаб илмий гўпламлар<sup>2</sup> чоп этилди ҳамда минтақавий ва республика миқёсидаги илмий-назарий конференциялар ўтказилди. Хусусан, Октябрь тўнтариши масалаларига бағишлаб 1989 йил 15–16 ноябрда Тарих институтида ўтказилган конференция муҳим аҳамият касб этди.

---

<sup>1</sup> Очерки истории Коммунистической партии Туркестана, Бухары и Хорезма. – Т.: Госиздат, 1959; Очерки истории Коммунистической партии Туркестана. – Т.: 1964; История гражданской войны в Узбекистане. В двух томах. Т. I. – Т.: Нцука, 1964; Т. II. – Т.: Фан, 1970; Победа Советской власти в Средней Азии и Казахстане. – Т.: Фан, 1967; Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1969; Ўзбекистон ССР тарихи. Тўрт томлик. Т. III. Бош муҳаррир И.М. Мўминов. – Т.: Фан, 1971; Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 1974; История рабочего класса Советского Узбекистана. – Т.: Фан, 1974 и др.

<sup>2</sup> Новая экономическая политика в Средней Азии и Казахстане: теория, история, суждения. – Т.: Фан, 1989; Современные проблемы развития рабочего класса Узбекистана (По материалам социалистических исследований 1987 г.). – Т.: Фан, 1989; Проблемы истории республик Средней Азии и Казахстана в 40–50-е годы. – Т.: Фан, 1989; Революционно-демократические преобразования в Узбекистане: итоги, поиски и перспективы изучения. – Т.: Фан, 1989; К истории некапиталистического пути развития (на примере Узбекистана). – Т.: Фан, 1990; Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: история, проблемы, перспективы изучения. Ответственный редактор Р. Раджанова. – Т.: Фан, 1991 и др.



Шунингдек, бу йилларда чоп этилган айрим монографияларда<sup>1</sup> ҳам совет ҳокимияти сиёсатининг баъзи жиҳатлари ёритилди.

Шундай қилиб, совет даврида яратилган катта ҳажмдаги тарихий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бу тадқиқотларда Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва мустақамланиши, минтақада амалга оширилган социалистик ўзгаришлар, Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш, совет ҳокимиятининг аграр сиёсати, ишчилар синфининг шаклланиши, миллий масала ва бошқа мавзулар ёритилган. Совет тарихчилари XX аср 20-йилларида яратилган адабиётларни истисно этганда то жамиятда қайта қуриш жараёни бошлангунча тарихга муносабатда коммунистик мафкура белгилаб берган талаблар бўйича иш кўришга мажбур бўлганлар. Шунинг учун бу даврда яратилган тадқиқотларда тарихий ҳақиқат бузилган ва воқеалар сохталаштирилган. Совет ҳокимиятининг миллий сиёсати, Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш, «босмачилик» ҳаракати, совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати ва қулоқлаштириш каби мавзулар совет даври тарихчилари томонидан нотўғри ёритилди. Қайта қуриш даврига келганда тарихга муносабат ўзгарди, тарихий хотира уйғонди. Бироқ қайта қуриш йилларида Ўзбекистонда яратилган тарихий тадқиқотларда ҳам чекланганлик ва ўз фикрини очиқ айта олмаслик каби жиҳатлар бошқа республикалардаги ижтимоий соҳа мутахассислари асарларига нисбатан кўпроқ кузатилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгач, 1991 йил сентябрдан муаммо тарихшунослигининг *иккинчи даври* бошланди. Мустақилликнинг дастлабки 20 йили – 1991–2011 йилларда Ўзбекистонда яратилган тарихий тадқиқотларда совет тузумининг моҳияти очиб ташланди. Большевиклар томонидан Ўзбекистонда амалга оширилган «инқилобий ўзга-

<sup>1</sup> Каримов Р.Х. Социально-экономическое развитие Узбекистана в 1921–1925 гг.: Узловые аспекты, исторический опыт – Т., 1989; Исхаков Ф.Б. Прошлое глазами историка. – Т.: Узбекистан, 1990; Акрамов А., Авлиякулов К. В.И. Ленин, Турккомиссия и укрепление Советской власти в Средней Азии. – Т.: Узбекистан, 1991; Алимova Д.А. Женский вопрос в Средней Азии. История изучения и современные проблемы. – Т.: Фан, 1991 и др.

ришлар» таҳлил қилиниб, совет тоталитар режимининг асл моҳияти кўрсатилди.

Иккинчи даврда яратилган тадқиқотларни мавзу кўламига кўра бир нечта гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи гуруҳга оид тарихий адабиётларда<sup>1</sup> мустабид совет тузумининг

---

<sup>1</sup> *Алимова Д.* Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьбы за независимость. – Т.: Ўзбекистон, 2000; *Алимова Д.А., Голованов А.А.* Ўзбекистон мустабид совет тузumi даврида: сиёсий ва мафкуравий таъйик оқибатлари (1917–1990 й.). – Т.: Ўзбекистон, 2000; Ўша муаллифлар. Ўзбекистан в 1917–1990 годы: противоборство идей и идеологий. – Т., 2002; *Алимова Д.А.* История как история, история как наука. В 2-х томах. Т. 1. История и историческое сознание. – Т.: Узбекистан, 2008; Т. 2. Феномен джадидизма. – Т.: Узбекистан, 2009; *Аъзамхўжаев С.* Туркистон Мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши таърибаси. – Т.: Маънавият, 2000; Унинг ўзи. История Туркестанской автономии (Туркистон Мухторияти). – Т.: Изд. Тошкент ислом университети, 2006; *Зиёева Д.* Туркистон миллий озодлик ҳаракати (Мустабид тузумга қарши 1916 йил ва 1918–1924 йиллардаги халқ қурашлари тарихшунослиги). – Т.: Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000; *Ражабов Қ.* Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917–1935 й.). – Т.: Ўзбекистон, 2000; Унинг ўзи. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши қураш: тарих ҳақиқати (1920–1924 й.). – Т.: Маънавият, 2002; Унинг ўзи. Файзулла Хўжаев. – Т.: Abu matbuot-konsalt, 2011; Унинг ўзи. Мадаминбек. – Т.: Abu matbuot-konsalt, 2011; Унинг ўзи. Шермухаммадбек. – Т.: Abu matbuot-konsalt, 2011; *Ражабов Қ., Хайитов Ш.* Усмон Хўжа. – Т.: Abu matbuot-konsalt, 2011; *Ҳасанов Б.* Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы 1917 – начала 50-х годов. – Т., 2000; *Қосимов Б.* Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т.: Маънавият, 2002; *Саидов И., Голованов А.* Истоки независимости: политическое противоборство по национально-государственному самоопределению узбекского народа (1917–1920 гг.). – Самарканд, 2003; *Исмоил Гаспиринский ва Туркистон.* Масъул муҳаррир Н. Каримов. – Т.: Шарқ, 2005; Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. Масъул муҳаррир Н. Каримов. – Т.: Шарқ, 2006; *Қосимов Ф.* Истиклол ва тарихий хотира. Мақолалар тўлами. – Бухоро, 2006; *Долимов У.* Туркистонда жадид мактаблари. – Т.: Университет, 2006; *Қўшчинов О., Полванов Н.* Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XIX аср иккинчи ярми – XX аср биринчи чораги). – Т.: Abu matbuot-konsalt, 2007; *Эргашева М.* Жадидларнинг давлат-ҳуқуқий қарашлари. – Т.: Адолат, 2007; *Каримов И.* XX аср адабиёти манзаралари. Биринчи китоб. – Т.: O'zbekiston, 2008; *Яхшишиқов Ж., Убайдуллаева Н.* Жадидчилик ва Бехудий. – Т.: Фан, 2004; *Холбоев С.* Бухоро амирлигининг олтин хазинаси (тарихи, тақдири, таҳлили). – Т.: Фан, 2008; *Хайитов Ш.* Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917–1991 й.). – Т.: Abu matbuot-konsalt, 2008; *Исхаков Ф.* Национальная политика

асл мохиятини очиб ташлаш билан биргаликда жадидларнинг давлатчилик борасидаги карашлари, Туркистон Мухторияти хукумати фаолияти, миллий давлатчиликни тиклаш учун олиб борилган ҳаракатлар, Ўрта Осиёда совет режимга қарши курулли кураш, Туркистон ва Ўзбекистондаги сиёсий ва ижтимоий жараёнлар, ижтимоий қатламлар фаолияти, кадрлар сиёсати, ҳарбий иш тарихи каби масалалар таҳлил қилинди. Хусусан, Р. Ражапова, Д. Алимова, Ф. Қосимов, Р. Абдуллаев, С. Аъзамхўжаев, А.А. Голованов, Д. Зиёева, Қ. Ражабов, Р. Шамсутдинов, Б. Ҳасанов ва бошқа тарихчиларнинг бу соҳадаги саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг аграр сиёсати, қишлоқ хўжалигини мажбуран коллективлаштириш, кулоқ қилиш ва қатағон сиёсати, вақф мулкларининг тугатилиши, хотин-қизлар масаласи, суғориш тарихи, назорат органлари ва иқтисодий кенгашлар фаолияти, тадбиркорлик тарихи ёритилган тарихий адабиётларни<sup>1</sup> шартли равишда иккинчи гуруҳга киритиш

---

царизма в Туркестане (1867–1917 гг.). – Т.: ART FLEX, 2009; Маҳкамова Н. Социальная структура общества на территории Узбекистана: традиции и трансформации (конец XIX в. – 30-е годы XX в.). – Т.: Aloqachi, 2009; Муртазаева Р. Толерантность как интегрирующий фактор в многонациональном Узбекистане. – Т.: Узбекистан, 2010; Базарбаев Р. Кадровая политика советской власти в Каракалпакстане (1917–1941 гг.). – Нукус: Каракалпакстан, 2000; Алеёв Ў., Сейтмуратов К. Каракалпоғистонда жадидчилик ҳаракати ва Сейфулғабид Мажидов. – Т.: Фан, 2010; Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1900–1924). – Т.: Akademnashr, 2011; Унинг ўзи. История социальных движений и политических партий Хорезма (1900–1924). – Т.: Akademnashr, 2011; Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан (Қадимги даврдан ҳозиргача). Масъул муҳаррир Д. Зиёева: – Т.: Sharq, 2012; Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида (1920–1924 йиллар). – Т.: Abu matbuot-konsalt, 2012.

<sup>1</sup> Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения 1917–1937 гг. – Т.: Фан, 1992; Голованов А.А., Саидов И.М. Дехканство Узбекистана на историческом повороте второй половины XIX – первой трети XX вв. – Самарканд, 2007; Аминова Р.Х. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. – Т.: Фан, 1985; Қор қўйида долалар (Очерклар). – Т.: Академия, 2001; Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.: Шарқ, 2001; Унинг ўзи. Истиқюл йўлида шаҳид кетганлар. – Т.: Шарқ, 2001; Унинг ўзи. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта

мумкин. Бу адабиётларда янгича методологик концепция асосида совет даври тарихининг илгари мутлақо ёритилмаган ёки бузиб кўрсатилган жиҳатлари тадқиқ қилинди.

Учинчи гуруҳ тадқиқотлари<sup>1</sup> муаллифлар жамоаси томонидан яратилган фундаментал тадқиқотлар ва коллектив

---

Осиё республикалари мисолида). – Т.: Шарқ, 2003; *Шамсутдинов Р., Акбарова М.* Шимолий Қозоғистон сурғундаги юртдошлар қисмати. – Т.: Шарқ, 2009; *Абдуллаева Х.* Қорақалпоғистон хотин-қизлари: кеча ва бугун. XIX асрнинг охири ва XX аср. – Т.: Ижод дунёси, 2004; *Расулов А.* Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. – Т.: Университет, 2005; Унинг ўзи. Туркистон тарихи бағрикенглиги. – Т.: Yangi nashr, 2011. *Ерметов А.* Туркистонда назорат органлари фаолияти (Ишчи-деҳқон милицияси ва Ишчи-деҳқон инспекцияси 1917–1924 йилларда). – Т.: Abu matbuot-konsalt, 2007; *Ҳайдаров И.* Ўзбекистонда Иқтисодий Кенгашлар фаолияти (1917–1934 й.). – Т.: Abu matbuot-konsalt, 2008; *Алимов И.* Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917–1929 й.). – Т.: Фан, 2009; *Насриддинов Қ.* Фарғона водийсининг сугорилиш тарихи (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср биринчи ярми). – Т.: Янги аср авлоди, 2009; *Раҳмонов Т.* XX асрнинг 30-йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий ва маданий ҳаёт (муаммо ва ечимлар). – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2011; *Ишанходжаева З.Р.* Репрессивная политика советской власти и культура Узбекистана: трагедия выживания (1925–1953 гг.). – Т.: Tafakkur, 2011; Очерки истории формирования и развития предпринимательства в Узбекистане. Ответственные редакторы: Д. Зияева и Д. Алимова. – Т.: 2011; *Уразбаева Р.* История образования в Каракалпакстане (последняя четверть XXI – начало XXI в.). – Т.: Yangi nashr, 2011; Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихшунослик изланишлари. 3-илмий тўплам. Масъул муҳаррир М. Исоқов. – Т., 2011; Очерки историографии Узбекистана в XX столетии (Сборник статей). Ответственный редактор Д. Алимова. – Т.: Yangi nashr, 2011; Тарихшунослик ўқишлари – 2010. Конференция материаллари тўплами. Масъул муҳаррир Д. Алимова. – Т.: Yangi nashr, 2011; *Исакова М.* Становление и развитие архивного дела в Узбекистане. – Т.: Университет, 2012 ва б.

<sup>1</sup> Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р. Раджапова. – Т.: Шарқ, 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жураев. – Т.: Шарқ, 2000; Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сўбсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари (1865–1990 й.). Масъул муҳаррир Д. Алимова. – Т.: Шарқ, 2000; Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. Масъул муҳаррир Д. Алимова. – Т.: Шарқ, 2001; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари (ўзбек ва рус т.). Масъул муҳаррирлар: Д.А. Алимова, Э.В. Ртвеладзе. – Т.: Шарқ, 2001; Қорақалпоғистоннинг янги тарихи (XIX асрнинг иккинчи ярмидан XXI аср бошигача) (қорақалпоқ т.). – Нукус: Қарақалпақстан, 2003; Устная история

монографиялар бўлиб, уларда Ўзбекистоннинг совет давридаги тарихи ёритилган. Шунингдек, Қорақалпоғистон тарихи ҳам ақс этган адабиётлар бор. Яқинда нашр этилган oral history – оғзаки тарих методологияси асосида яратилган Ўзбекистоннинг оғзаки тарихига оид йирик китобда совет даври тарихининг баъзи жиҳатлари таҳлил қилинган.

Шунингдек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳимоя қилинган номзодлик ва докторлик диссертацияларида<sup>1</sup> ҳам

---

в Узбекистане: теория и практика. Сборник статей. Выпуск I. Ответственный редактор Р. Абдуллаев. – Т., 2011 ва б.

<sup>1</sup> *Гаибназаров Ш.Г.* Общественное развитие Узбекистана в 20-годах. Противоречивость политических тенденций. Автореферат дисс... докт. политических наук. – Т., 1994; *Раджабов К.К.* Истиклолчилик ҳаракати в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918–1924 гг.). Автореферат дисс... канд. ист. наук. – Т., 1995; Унинг ўзи. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918–1924 гг.). Автореферат дисс... докт. ист. наук. – Т., 2005; *Рахмонкулова А.Х.* Общественно-политическая жизнь Узбекистана (20-е годы). Автореферат дисс... канд. ист. наук. – Т., 1995; *Набиев Ф.Х.* Проблемы и противоречия социальной политики в Туркестане (1917–1924 гг.). Автореферат дисс... докт. ист. наук. – Т., 1995; *Ташикулов Дж. З.* Основные направления политико-правовой мысли народов Узбекистана во второй половине XIX – первой четверти XX вв. Автореферат дисс... докт. юридических наук. – Т., 1995; *Коцанов Б.* Большевики в Туркестане (1918–1922 гг.). Доктрина и реальность. Автореферат дисс... докт. ист. наук. – М., 1995; *Азгамходжаев С.С.* Туркистон Мухторияти: борьба за свободу и независимость (1917–1918 гг.). Автореферат дисс... докт. ист. наук. – Т., 1996; *Куллиев Х.М.* Складывание экономических и духовных основ тоталитарного строя в Туркестане (1917–1920 гг.). Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Т., 1998; *Абдуллаев Р.М.* Национальные политические организации Туркестана в 1917–1918 годы. Автореферат дисс... докт. ист. наук. – Т., 1998; *Зияева Д.Х.* Национально-освободительное движение в Туркестане в историографии XX века (проблемы изучения истории восстания 1916 года и движения “истиклолчилик” 1918–1924 гг.). Автореферат дисс... докт. ист. наук. – Т., 1999; *Ерметов А.А.* Туркистон АССРда назорат органлари ва уларнинг тоталитар тузум ўрнатилишидаги ўрни (1918–1924 й.). Тарих фанлари номзоди... диссертация автореферати. – Т., 2005; *Ҳайдаров И.* Ўзбекистонда Иқтисодий Кенгашлар фаолияти (1917–1934 й.). Тарих фанлари номзоди... диссертация автореферати. – Т., 2007; *Курбонов Х.Р.* Ўзбекистонда зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш ва унинг оқибатлари. 1929–1938 йиллар (ҳозирги Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари мисолида). Тарих фанлари номзоди... диссертация автореферати. – Т., 2010; *Эркаев Э.М.* Совет даврида Ўзбекистоннинг пахта хом ашё базасига айлантирилиши ва унинг

мустабид совет режимининг тоталитар хусусияти очиб ташланган. Айниқса, С. Аъзамхўжаев, Р. Абдуллаев, Д. Зиёева, Қ. Ражабов, А. Расуловнинг докторлик диссертацияларидан тадқиқ қилинаётган мавзунинг айрим жиҳатлари атрофлича ўрганилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикасидан ташқари 1992 йилдан бошлаб Россия Федерацияси<sup>1</sup>, Қозоғистон<sup>2</sup>, Қирғизистон<sup>1</sup>,

---

деҳконлар ҳаётига салбий таъсири (1917–1940 й.). Тарих фанлари номзоди... диссертация автореферати. – Т., 2011 ва б.

<sup>1</sup> *Гайда Ф.А.* Февраль 1917 года: революция, власть, буржуазия // Вопросы истории, 1996, №3. – С. 31–43; *Волобуев П.В., Булдаков В.П.* Октябрьская революция: новые подходы и изучению // Вопросы истории, 1996. № 5–6. – С. 28–38; *Гинзбург Л.И.* По страницам «особых папок» Политбюро ЦК ВКП(б) // Вопросы истории, 1996. № 10. – С. 16–30; *Березкина О.С.* Коммунистическая элита: сущность, технология власти (1921–1927 гг.). Автореферат дисс... канд. политических наук. – М., 1997; *Земцов Б.Н.* Социально-психологические предпосылки революции 1917 г. в России. Автореферат дисс... докт. ист. наук. – М., 1999; *Гогохия Е.А.* Русская революция 1917 года в идейно-политическом наследии евразийцев (1921–1931 гг.). Автореферат дисс... канд. ист. наук. – М., 1999; *Орлов И.Б.* Новая экономическая политика: государственное управление и социально-экономические проблемы (1921–1927 годы). Диссертация в виде научного доклада... докт. ист. наук. – М., 1998; *Панин Е.Л.* Оппозиция в партии большевиков в 1925–1926 гг. Автореферат дисс... канд. ист. наук. – М., 2002; Государственная власть в СССР. Высшие органы власти и управление и их руководители в 1923–1991. Историко-биографический справочник. Автор-составитель В.И. Ивкин. – М.: РОССПЭН, 1999; *Залесский К.А.* Империя Сталина. Биографический энциклопедический словарь. – М.: Вече, 2000; История России XX век. Ответственный редактор В.П. Дмитренко. Учебное пособие вузов. – М.: Аст, 2000; *Ратковский И.С., Ходяков В.* История Советской России. Учебное пособие вузов. – Санкт-Петербург: Лань, 2001; *Карпов В.* Генералиссимус. Книга первая. – М.: Вече, 2003 ва б.

<sup>2</sup> *Карлыкова С.С.* Женщины Казахстана: проблемы историографии (20-е–80-е годы XX века). Автореферат дисс... канд. ист. наук. – Алматы, 1997; *Батпеннова З.С.* Историография национального вопроса в Казахстане (1956–1991 гг.). Автореферат дисс... канд. ист. наук. – Алматы, 1999; *Мулдахметова Ж.И.* Динамика межэтнических процессов 20–30-х годов XX века в Казахстане. История и историография проблемы. – Автореферат дисс... канд. ист. наук. – Алматы, 2001; *Алтысбаева Н.К.* Материалы фонда Совета Народных Комиссаров КАССР как исторический источник в изучении социально-экономических процессов в Казахстане (1925–1933 гг.). Автореферат дисс... канд. ист. наук. – Алматы, 2002; *Абдулин Р.Б.* Западная школа среднеазиатведения: организационные основы, исследовательская база и историографическое направление (1917–1991 гг.). Автореферат дисс... канд.

Тожикистон<sup>2</sup>, Туркменистонда<sup>3</sup> яратилган кўплаб умумлаштирувчи тадқиқотлар, айрим монографиялар, илмий мақолалар ва химоя қилинган диссертацияларда совет тузумининг тоталитар моҳияти очиб берилганлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Хусусан, россиялик тарихчилар ва политологлар бу соҳада кўплаб жиддий тадқиқотларни эълон қилишди.

Тадқиқ этилаётган мавзуга оид хорижий тарихий адабиётлар тарихий тадқиқотларнинг алоҳида турини ташкил этади. Ўзбекистонда мустабид давлат бошқарув тизимининг шаклланиши, босқичлари ва моҳияти тўғрисида XX аср ва XXI аср бошларида хорижда яратилган кўплаб тарихий тадқиқотларда айрим маълумотлар мавжуд.

Таниқли инглиз тарихчиси Эдвард Карр, италян тарихчиси Жузеппе Баффа, америкалик сиёсатшунос Роберт Такернинг асарларида Россияда большевикларнинг ҳокимият тепасига келиши, мустабид совет жамиятининг моҳияти, Ленин ва Сталин каби диктаторларнинг ҳокимият учун кураши тасвирланган. Шу нарса характерлики, бу асарлар 1990–1991 йилларда рус тилига таржима қилиниб, Москвада нашр этилди<sup>4</sup>.

---

ист. наук. – Алматы, 2005; Аяган Б. Методологические проблемы общественно-политической истории советского и постсоветского Казахстана // Отан тарыхы. (Отечественная история). – Алматы, 2003. №1. – С. 11–14; Абуситова М.Х. и др. История Казахстана и Центральной Азии. Учебное пособие. – Алматы: Дайк-Пресс, 2001; Масанов Н.Э. и др. История Казахстана. Народы и культуры. Учебное пособие. – Алматы: Дайк-Пресс, 2001; История Казахстана. Курс лекций. Под редакцией К. Каражана. – Алматы: Қазақ университети, 2008; Кан Г.В. История Казахстана. 3-издание. Учебник для вузов. – Алматы: Алматыки – пап баспасы, 2009; Аяган Б.Г., Шаймерденова М.Д. Новейшая история Казахстана. Учебник для 9-класса. 2-изд. – Алматы: Атамұра, 2009; История Казахстана. В пяти томах. Т. 4. Казахстан в советский период. – Алматы: Атамұра, 2010 и др.

<sup>1</sup> Имамқулов М. Қирғизистон тарихи (1917–1995 й.). 9-синф учун дарслик. – Жалолобод, 1996.

<sup>2</sup> Мамадазимов А. Политическая история таджикского народа. – Душанбе. Доғиш, 2000; Хайдаров Г.Х. История таджикского народа: XX век. – Худжанд, 2001; История таджикского народа. Т. V. Новейшая история (1917–1941 гг.). Под редакцией Р.М. Масова. – Душанбе, 2004 ва б.

<sup>3</sup> Туркменистанын тарыхындан материаллар. 1917–1994 й. – Ашгабат: Рух, 1997.

<sup>4</sup> Карр Э. История Советской России. В 14-и томах. Большевицская революция 1917–1923. Том 1–2. Переводчики: Вольская З., Захарова О.,

Сўнгги йилларда кўплаб Ғарб олимлари: Йорг Баберовски, Виктор Кондрашин, Элен Каррер д'Анкокс, Леонид Люкс, Хайнц – Дитрих Лёве ва бошқаларнинг тарихий асарлари<sup>1</sup> рус тилига таржима қилиниб, «Сталинизм тарихи» рукнида Москвада босилиб чиқди. Бу асарларда Ленин ва Сталин каби диктаторлар фаолияти, Россия ва Совет Иттифоқининг Лениндан Ельцингача бўлган тарихи, 1932–1933 йилларда Россия қишлоқларидаги фожиа ва қизил террор каби масалалар ўз аксини топган. Бу асарларда Ўзбекистон тарихининг мазкур даврига оид айрим маълумотлар мавжуд.

Туркистоншунос олим Боймирза Ҳайит (1917–2006) асарлари ҳам мазкур мавзунини ёритишда муҳим роль ўйнайди. Унинг немис ва турк тилларида хорижда чоп этилган «Туркистон XX асрда», «Туркистон Русия ила Чин орасинда» ва бошқа асарларида<sup>2</sup> совет империализмининг мустамлакачилик хусусияти, унинг қатағон сиёсати ва бошқалар очиб берилган.

Ғарб олимлари Густав Веттер ва Вольфганг Леонхарднинг асарларида<sup>3</sup> эса совет мафкураси ва унинг XX асрдаги сиёсий жараёнларга таъсири масалалари ёритилган. Бу асарлар турк тилига таржима қилинган.

---

Кольцов Н. – М.: Прогресс, 1990; Унинг ўзи. Русская революция от Ленина до Сталина. 1917–1929. Перевод с английского Л.А. Черняковской. – М.: Интер-Версо, 1990; *Бобфа Дж.* История Советского Союза. В двух томах. Том 1. От революции до второй мировой войны. Ленин и Сталин. 1917–1941. – М.: Международные отношения, 1990; *Такер Р.* Сталин. Путь к власти. 1879–1929. История и личность. Переводчики: Бляблин Г.П., Зур А.К. – М.: Прогресс, 1991.

<sup>1</sup> *Баберовски Й.* Красный террор. История сталинизма. – М.: Российская политическая энциклопедия, 2007; *Кондрашин В.* Голод 1932–1933 годов: трагедия российской деревни. – М.: Российская политическая энциклопедия, 2008; *Каррер д'Анкокс Э.* Ленин. – М.: Российская политическая энциклопедия, 2008; *Лёве Х.-Д.* Сталин. – М.: Российская политическая энциклопедия, 2009; *Люкс Л.* История России и Советского Союза. От Ленина до Ельцина. – М.: Российская политическая энциклопедия, 2009 и др.

<sup>2</sup> *Baymirza Hayit.* Turkistan im XX. Jahrhundert. – Darmshad, 1956; Унинг ўзи. Turkistan Rusya ile Cin arasinda. – Istanbul, 1975; Унинг ўзи. Berichte und Forschungen ubu Turkistan. – Koln, 1997.

<sup>3</sup> *Wetter G.* Bugunki sovyet ideologisi. №1. 2-baski. – Ankara, 1976; *Keonhard W.* Bugunki sovyet ideologisi. №2. 2-baski. – Istanbul, 1980.



Шундай қилиб, Ўзбекистон ва хорижда яратилган кўплаб асарларда Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, большевиклар сиёсатининг моҳияти, унинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Бироқ Ўзбекистонда совет давлат бошқарув тизимининг 1917–1941 йилларда шаклланиши, босқичлари ва моҳияти алоҳида тарзда ўрганилмаган.

## **1.2. Совет тоталитар давлатчилиги генезисада асосий омиллар ҳамда инқилобий ғоя ва амалиётнинг тутган ўрни, уларнинг ўзаро алоқадорлиги**

Тарихни олдиндан белгилаб қўйилган ва дастурлаштирилган жараён тарзида эмас, балки воқеаларнинг диалектик ривожланиши тарзида тушуниш муҳим. Тарихий жараёнлар тасвирланган тарихий ҳақиқатнинг ўзида муқобил йўللار ва уларни танлаш имконияти бор. Шунинг учун ҳам тарихчи маълум бир тарихий жараёнларни таҳлил қилганда ана шу реал имкониятларнинг ҳаммасини кўришга мажбур, бунда у ўз эътиборини нафақат бўлиб ўтган ҳодисаларга, балки бой берилган имкониятларга ҳам қаратиши, қандай сабаблар туфайли ана шундай воқеалар юз берганлиги ёхуд юз бермаганлигини тушунтириб бериши керак. Жамиятни тубдан ўзгартирувчи ана шундай ижтимоий инқилоблар (социал революциялар) қонуниятлари ҳам мавҳум, жонсиз схемалар тарзида эмас, балки турли ижтимоий гуруҳлар, синфлар ва партияларнинг ўз манфаатларига жавоб берадиган имкониятларни танлаш ва рўёбга чиқариш учун аёвсиз кураши билан турмушда намоён бўлиши тарзида гавдаланади. Кураш натижаси тенг таъсир этишда ўз ифодасини топади. Шу жиҳатдан олиб қараганда 1917 йилдаги конкрет тарихий вазият одатдан ташқари мураккаблиги, ўзгарувчанлиги ва кескин бурилишлари, зиддиятли жараёнлари ва улкан йўқотишлари, мухтасар айтганда, катта фожеаси билан тараққиётнинг хилма-хил ва тез алмашилиб турган турли имкониятларига эга бўлганлигини тарихий далиллар асосида ҳолис ёритиш ва таҳлил қилиш лозим.

Тарихий жараёнлар кўп ўлчовлидир, у турли ижтимоий-иқтисодий шаклларга асосланади, ўн ва юз миллионлаб одамларни ўзига қамраб олади, бинобарин, у ҳеч қачон бир

хилда бўлмайди. Шунинг учун тарихий шахслар ва ҳодисаларга баҳо беришда бир хил позициядан туриб ёндашиш мумкин эмас, бу жараёнларда фақат ижобий ёки салбий, зарарли ёхуд фожиали томонларни кўрмаслик керак.

Тарихчи Ю.А. Поляков ёзади: «Биз тарихий жараёнга баҳо беришда кўп ўлчов билан ёндашишимиз керак деб ўйлайман. Совет жамиятининг бутун тарихи давомида турли йўллар ривожланди, ҳар хил ҳолатлар таъсир қилди.

Жараённинг кўп ўлчовлилиги, бу жараённи ташкил этган оқимларнинг зиддиятли ва ҳатто қарама-қарши туриши биз англаб етмаган ажиб бир куч билан совет жамияти тарихида ҳам аниқланди. Бу зиддиятликни кўрмай биз мушкул аҳволдан ва чалкашликлардан чиқа олмаймиз».<sup>1</sup>

«Революция – бу сиёсий қаллақесарлар ўз гуноҳларини ювадиган қонли ҳавза»<sup>2</sup>, – деб ёзганида машхур немис файласуфи Фридрих Ницше ҳақ эди.

«Инқилобни даҳолар ўйлаб топади, мутаассиблар амалга оширади, ҳузур-ҳаловатини лўттибозлар кўради»<sup>3</sup>, деганида Германия давлат арбоби Отто Бисмарк (1815–1898) заррача муболаға қилмаган. Сўнги йилларда Октябрь тўнтариши, унинг моҳияти, большевикларнинг ҳокимият тепасига келиши, совет ҳокимиятининг зўравонлик йўли билан ўрнатилиши ҳақида яратилган айрим тадқиқотларда (бу тадқиқотларнинг аксарият муаллифлари Россия Федерацияси тарихчилари, файласуфлари ва политологлари ҳисобланади) ҳамон қатъий исбот талаб қилмайдиган тайёр хулосаларга дуч келинади. Бу хулосаларда ўткир муаммолар четлаб ўтилади ёки улар силликланади, ўхшаш схема ва андозаларга мойиллик сезилади, кўпинча қуруқ ва жонсиз фактик материаллар маълум қолипга жойлаштирилади. Ваҳоланки бутун инсоният тарихини XX асрда жиддий равишда ўзгартириб юборган ва катта оқибатларга олиб келган воқеалар ибтидоси айнан Россияда бўлган 1917 йилги Февраль инқилоби, хусусан, Октябрь тўнтариши билан боғлиқ. Октябрь

<sup>1</sup> Поляков Ю.Ф. Тарихий жараён кўп ўлчовлидир // Совет жамияти тарихи саҳифалари. Фактлар, муаммолар, одамлар. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – 31-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: “Гулистон”, 1999, №5. – Б. 16.

<sup>3</sup> Қаранг: “Фан ва турмуш”, 1991. №11. – Б. 1.

тўнтаришининг қонли тарихи – ХХ асрнинг буюк фожиаси, ўзбек халқи бошига солинган қулфатларнинг ибтидосидир. Бу тўнтариш тарихи одамлар, партиялар, синфлар ўртасидаги ашаддий олишувлар билан тўла, инсоний ҳиссиётлар жўш урган суронли ўзгаришлар юз берган, хатолар, уқубатлар, урушлар билан тўлган бутун бир халқлар, ижтимоий табақалар ва синфлар учун фожиавий натижалар келтирган ўзгаришлардан иборат.

Россияда 1917 йилнинг атиги 8 оyi ичида бўлган иккита инқилоб, Октябрь тўнтариши (совет адабиётларида Улуғ Октябрь социалистик революцияси деб улуғланган) вужудга келишининг ижтимоий-психологик омиллари хусусида сўз юритилар экан, ушбу ўринда россиялик тарихчи олим Б.Н. Земцовнинг қуйидаги фикрларига тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик: «Россияда революцияни келтириб чиқарувчи муҳим омил бу ҳокимиятнинг ҳар томонлама обрўсизланиши эди. Ҳукуматга қарши ташвиқот ва тарғибот, турли миш-мишларнинг оммавий тарқалиши ўз кучини кўрсатди. Ҳокимиятнинг ўзи кишиларни қалтиратмай қўйди. Подшоҳнинг ўзи халқ қуллуқ қилмай қўйганини эътироф этганди... 1917 йилги инқилоб тизимли империя инқирозининг мантикий яқуни сифатида эмас, сиёсий ва психологик вазиятнинг ягона тарихий нуқтага жамланиб қолиши билан белгиланади.»<sup>1</sup>

1917 йил инқилобини қишлоқларда ижтимоий келиш-мовчиликни вужудга келтирган помешчик ер эгаллиги томонидан мужиклар (деҳқонлар) ерларининг эгаллаб олиниши ва турли йўллар билан экинзорларини қўшиб олишга интилиши бошлаб берди. Кенг тарқалган ижтимоий норозиликлар чергов томонидан ташвиқот қилинадиган расмий мафкурага қарш и бўлди. 1917 йил инқилобининг муҳим сабабларидан бири маълум бир аҳоли қатламларининг черковдан, диний таълимотлардан совиб бориши ҳисобланади. Бу Муқаддас Синодга ёзилган барча черков иерархияси ҳисоботларида қайд этилган.

<sup>1</sup> *Земцов Б.Н.* Социально-психологические предпосылки революции 1917 г. в России. Автореф. дисс... докт. ист. наук. – М., 1999. – С. 37–38.

Оммавий ёшлар безорилиги социал норозиликнинг бир учкунни сифатида кўрина бошлади. Маҳаллий ёшлар безорилигига маҳаллий ҳокимият томонидан сиёсий оппозиция сифатида аҳамият берилмади. Шундай бўлишига қарамай, муҳит чоризм учун хавфли эдики, халқнинг салмоқли қисмини ёшлар ташкил этарди. Жамият нормаларидан нафратланиш маълум шароитда тез ва осонлик билан вайрон қилувчи инқилобий вайронагарчилик ва кўзғолонга айланиши мумкин эди.

Биринчи жаҳон уруши арафасида юқори даражадаги зўриқиш пролетариатга ҳам алоқадор эди. Майда ва ўрта корхоналарнинг ишчилари ўз норозиликларини майда-чуйда иқтисодий талаблар қўйиш ва бирор талаб қўйиб ўтирмай ишни тўхтатиб қўйиш билан билдирдилар. Бу бир томондан асабий аламзадаликдан бўлса, иккинчидан, забастовкалар бирор натижага эга бўлишидан умид йўқлигидан эди. Йирик заводлар ишчиларининг маоши бошка социал гуруҳлар (савдогарлар, хунармандлар, кичик офицер ва амалдорлар, бошловчи актёрлар, губерня ўқитувчилари ва врачлари) маошидан анча юқори эди. Аммо социал муносабатларда уларга нисбатан иккинчи тоифадек муносабатда бўлишлари бу ишчиларни газабга келтирарди. Ишчиларнинг социал фаоллиги ошишига оиладан узилиб қолганлик, ўзининг «иссиқ ўрни»га эга бўлмаслик ҳам таъсир қилди. Дарбадар ҳаёт тарзи уларнинг кўпчилигига хос эди. Уруш солдатлар аксарият қисмининг сиёсий маданиятини оширмаганлиги баробарида киприк қокмай ўлдира оладиган зўравон кишиларнинг сонини орттирди.

Ҳарбий қисмларда ўз газабларини ва ҳокимиятга беписандлик билан қарашларини кўрсата олмаган солдатлар таътил вақтида барчадан ўзларига иззатталаб бўлиб қолишди. Улар урушгача жорий қилинган нормаларга чидай олишмасди. Уруш кечиб қон кўрган солдатларда аввалги чиновниклар, жандарм, урядник, пристав сингари полиция ходимларига бўлган эҳтиром ва ҳайқиш ҳисси йўқолиб борди. Солдатнинг жамиятдаги мавқеи эндиликда уларни қаноатлантира олмасди.

Армиядаги офицерлар масаласига келганда, улар дунё-қарашда ҳам омма психологиясида кечаётган эволюция акс эта бошлади. Урушнинг биринчи кунларида Ватан учун қаҳрамонона жангга кирилган бўлса, тез орада офицерлар бу

ишончдан айрила бошладилар. Аммо 1916 йилнинг охиригача ҳам армиядаги норозиликлар сиёсий характерга эга эмасди.

Нон истеъмол қилувчи ҳудудларда ижтимоий норозиликнинг асосини ғалла таъминотидаги узилишлар ташкил қилади. Ғалла етиштирувчи ҳудудлар аҳволи бундан ҳам оғир эди. Ниҳоят, ишчилар ҳаракатининг боришига революционерлар (инқилобчилар) фаолиятининг таъсири сўнгги омил бўлди. Революционерларнинг ҳатти-ҳаракатлари бирмунча мураккаб хусусиятга эга бўлиб, уларнинг чоризмга қарши позицияда туришларига сабабчи бир неча омиллар мавжуд эди ва улар инқилобчиларнинг синфий келиб чиқишлари, мавқеларидан қатъи назар ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Биринчи омил ўсмирлик эди. Революционерларнинг асосий қисми 25 ёшгача бўлган.

Иккинчидан, уларда доимий турар жой мавжуд эмас эди. Чунки саёқ ва чала пролетариатнинг норозилиги ўз уйида, оиласи даврасида бўлганларга нисбатан юқори эди. Майда халқлар ва элатлар (яхудий, поляк ва б.)нинг камситилиши натижасида пайдо бўлган рус бўлмаган революционерларнинг вужудга келганлиги ҳам маълум аҳамиятга эга бўлди. Революционерларни сиёсий курашга олиб келган социал сабаблар асосий социал қатламларга мансуб бўлмай, оқибатда революционерлар тинчлик пайтида етарлича социал таянчга эга эмасди.

Ҳокимиятнинг фалаж бўлишида сезиларли масъулият зиёлилар зиммасига тушади. Зиёлилар ўз имкониятларини ягона нуқтага жамлай олдилар, умумлаштирдилар ва бу билан жамиятнинг қолган-қутган шон-шавкатини пастга тушириб ташладилар.

1916 йилнинг кузига келиб тушқунлик, норозилик кайфияти ҳатто армиядаги генералитетни ҳам камраб олди. 1915–1916 йиллардаги сиёсий инқироз сабабли келиб чиққан 1916 йилнинг охири ва 1917 йилнинг бошларидаги ҳокимиятнинг фалажлик ҳолати шиддатли воқеликлар тўфонига қарши

тура олмади. Бунда подшоҳ ва Давлат Думаси вакиллари бошчилигидаги зиёлиларнинг айблари тенг кучга эга бўлди.<sup>1</sup>

Россия талабаларининг «инқилобий» таранглик ҳолатидаги, таназзул арафасидаги ўнлаб талаблари сирасига ўқувчилар учун мажбурий ўқув режаларини бекор қилиш, ҳар бир талабага ўз шахсий режасини эркин тузиш, олий ўқув юртларини ҳеч қандай монеликсиз йўлга қўйиш, ўқиш ва таълим олиш, сўз ва фикрда тўла эркинлик бериш, университет ўқув тизимига барча илмий ва ижтимоий қарашларнинг эркин кириб бора олиши ва бошқалар киради.<sup>2</sup> Москвадаги ўрта мактаб ўқувчиларининг бир гуруҳи ўз мустақил иш юритишлари ҳуқуқини қўлга киритиш учун «ота-оналар ва ўқитувчилар» билан кураш олиб боришга қақирди.<sup>3</sup>

Октябрь тўнтариши Туркистонда европалик аҳоли ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги муносабатни кескинлаштириб юборди. Октябрь тўнтариши ҳақида замонавий тарихшунослик ўзида кўплаб зиддиятли, карама-қарши қарашларни жамлаган. Кейинги даврларда яратилган аксарият тадқиқотларда 1917 йил воқеалари давлат тўнтариши эканлигини акс эттирувчи нуктаи назарлар кўпроқ учрайди. Тарихий публицистика янада чуқурлашиб, Октябрь тўнтариши «дунё масончилигининг агентлари фитнаси» ёхуд «Кайзер Германиясининг Бош Штаби томонидан сотиб олинган қўпоровчилар ҳаракати» деб баҳоланмоқда.<sup>4</sup>

1917 йил Октябрь тўнтаришини совет мафқураси анъанавий марксча формула билан тушунтиришга ҳаракат қилди: «юқори бошқара олмай қолди – қуйи бўйсунитишни хоҳламади». Аслида эса воқелик жуда чалкаш омиллар мажмуидан иборат бўлди. Бу омилларни қуйидагича изоҳлаш мумкин: Биринчидан, ўша пайтда Россияда демократик анъаналар ҳали қарор топмаганлиги сабабли кўп ҳолларда инқилоб тараққиёти ўзига хос хусусиятларни шарт қилиб қўйди. Тарихий адабиётларда келтирилишича, «Февраль инқилоби

<sup>1</sup> Земцов Б.Н. Социально-психологические предпосылки революции 1917 г. в России. Автореф. дисс... докт. ист. наук. – М., 1999. – С. 30–36.

<sup>2</sup> Вестник воспитания (Москва). 1917, апрель–май. № 4–5. – С. 25.

<sup>3</sup> Ўша асар, 45–б.

<sup>4</sup> Масанов Н.Э. и др. История Казахстана: народы и культуры. – Алматы, Дайк-Пресс, 2001. – С. 257.

пайтида полициянинг фаол қаршилиги ва бошқа кучлар кураши натижасида 1600 киши ҳалок бўлган бўлса, Октябрь кўзғолони кунарида Петроградда атиги 6 киши ҳалок бўлди».<sup>1</sup>

Иккинчидан, Европадаги демократик анъаналар тўғрисида гапирганда Венгрия, Германия (Бавария ва Пруссия)даги инқилобий кўзғолонлар қатъий усуллар ёрдамида бостирилганлигини унутмаслик лозим.

Инқилобий тўс-тўполонларнинг асосий сабаби Бутунроссия социал-иқтисодий ва давлат-сиёсий инқирози эканини тан олмаслик мумкин эмас. Биринчи жаҳон урушининг фаол иштирокчиси бўлган Россиянинг уч йиллик уруш ҳаракатлари 1917 йилнинг баҳорига келиб мисли кўрилмаган иқтисодий вайронагарчиликка олиб келди ва давлат захирасининг силласини курутди. 1916 йилга нисбатан (урушгача бўлган иқтисод ҳақида гапирмаса ҳам бўлади) ишлаб чиқариш сектори 36,5 фоизга қисқариб кетди. 1917 йил мартдан октябргача 800 та ташкилот ёпилдики, натижада оммавий ишсизлик пайдо бўлди. Молиявий тизим буткул ишдан чиқди. «Керенка» деб номланадиган пулнинг улкан оқими иқтисодиётни тўлдириб, мисли кўрилмаган инфляцияни келтириб чиқарди. Иқтисодий фалокатларга сиёсий инқирозлар қўшимча бўлди. Муваққат ҳукумат мамлакатни бошқара олмаслигини кўрсатди.

Аҳолининг аянчли аҳволи, очликнинг перманент даҳшати, иқтисодий ва сиёсий хаос жамиятнинг сабр-косасини тўлдирди. Россияда чоризмнинг ағдарилиши билан ҳам орзу-умидлари ушалмаган халқнинг қаҳр-ғазаби ортиб, аҳолининг кучли радикаллашувига олиб келди.

Россия империяси бағрида шиддат билан ривожланаётган турлича зиддиятлар мумкин қадар тезроқ ҳал этилишини кутаётганди. Афсуски, мавжуд сиёсий кучлар орасида большевиклар вазиятга ўзгалардан кўра тўғрироқ ташхис қўя олди ва ундан ўз мақсади йўлида, ҳокимиятни эгаллашда фойдалана билди.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Смирнов Г. Исторический опыт Октября и перестройка // Страницы истории КПСС: Факты. Проблемы. Уроки. – М.: Высшая школа, 1988. – С. 76.

<sup>2</sup> Масанов Н.Э. и др. История Казахстана: народы и культуры. – Алматы: Дайк-Пресс, 2001. – С. 257.

Большевиклар томонидан илгари сурилган халқларнинг ўз-ўзини бошқариш, ер-сув масаласини адолатли ҳал этиш, тинчлик, тенглик, биродарлик каби ғоялар халқнинг маълум қисмини ишонтира олди. Революция арафасида Россия империясининг аграр ўлкаларида капитализмгача бўлган босқич ва капиталистик элементлар мавжуд эди.

Қишлоқ хўжалигидаги тараққий топмаган хусусий мулкчилик, оммавий пролетаризация (маълум бир мулк ва малакага эга бўлмаслик), пауперизация (умумий ишлаб чиқаришдан четда бўлиш) ва маргинализация (меҳнатқашнинг майиб психологияси) қатламлари аҳолининг аксарият қисмини қамраб олди.

Паупер-люмпен тўфони оммавий маргинализация жараёнини (жамиятни тутиб турувчи маънавий ахлоқий қадриятларнинг бекадрлиги, инсоф-диёнатнинг бир пул бўлиши) бошлаб берди. Шаҳарликка айланган қишлоқ аҳолиси, шундан матрос ва солдат бўлганлари, қочоқ, майда буржуа, профессионал революционер ва яна шу каби типларга айланган собиқ шаҳарликлар асосий маргиналлар бўлишди.

Айнан омmanınг *паупер* – *люмпен*лари ва *маргинал*лари революциянинг ижтимоий таянчи бўлиб хизмат қилди. Ушбу инқилобий кайфиятнинг олий ва марказлашган нуқтасини кечаги деҳқон – бугунги «қуролли одам»: жангчи солдат намоён қилди. Қишлоқдаги осуда ҳаётини йўқотган, қашшоқликнинг аянчли гирдобидан чиқмоқчи бўлган ва ўз шахсий тинчлигини топишга интилган бу ярим пролетарлар «даҳшатли куч» бўлиб шаклланди. Улар ўз излаганларини топишда «янги авторитетлар» билан дуч келди. Бу «авторитетлар» большевиклар эди. Большевикларнинг «таланган бойликларни талаш», «эксплуататорларни эзиш», «ошпаз аёл ҳам давлатни бошқариши мумкин» деган асосий шиорлари жамиятнинг маргинал паупер-люмпен қатлами томонидан иштиёқ билан кутиб олинди. Бундан ташқари, инқилоб «шаҳар» характериға эға эди. Қишлоқлар эса бу ғоялардан бутунлай четда бўлган. Октябрь тўнтариши аввал бошданоқ шаҳар «революцияси» эди. Большевиклар партияси дохийси ва совет ҳукуматининг раҳбари В.И. Лениннинг ўзи фақат 1918 йилнинг кузига келиб қишлоқлар инқилоб ғояларини хис қила бошладилар, деб ёзган эди. Охлократия (оломон



ҳокимияти) учун кўзгу саналган, «қуроли одам» «эски дунё»ни бузишни бир пасда қойиллатиб бажарди, аммо яратувчилик фаолиятини бошлаши учун унинг имконияти, онги, шуури етишмасди.

Туркистон ўлкасида 1917 йил март ойдан ноябргача осуда кунлар деярли бўлмади. Турли сиёсий ташкилотлар ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётига аралашшига ҳаракат қилишди. Большевикларнинг Туркистонда ўлка маҳаллий ҳамда европалик аҳолиси ўртасидаги обрўси шундай паст эдики, ҳокимиятни уларга топшириш ҳақидаги мурожаатларига рад жавобини олишган.

Совет адабиётларида Туркистондаги «инқилобий» кўтарилиш 1917 йил сентябрь ойида юқори даражага чиқди, деб кўп ёзилган. Аммо бу фикрлар ўзини оқламайди. Бу пайтда европалик аҳоли вакиллари саросимага тушиб, ҳокимиятга интилишди ва улар келажакдан хавфсираб, яқинлашиб келаётган очарчилик олдида жунбушга келишди.

Туркистон Коммунистик партияси тарихчиси Е. Фёдоров кейинчалик шундай ёзади: «Ишчилар ва солдатлар қуйидаги икки омил туфайли жадал революционлашдилар:

1) Ўлкага ғалла келиши тўхтаганилиги ва ҳосилсизлик туфайли Туркистонда очарчиликнинг кенг ёйилиши;

2) Солдатлар оммасининг урушда ҳолдан тойганлиги. Солдатларнинг биринчи оммавий чиқишлари – савдо расталари, бинолари ва магазинларни ўзбилармонларча тинтув қилиш, йўловчиларнинг озиқ-овқат ва бошқа юкларини мусодара этишдан иборат бўлди. Жабрдийдалар Тошкентга четдан келган ўзбеклар эди. Бундай ҳолат 1917 йил август ойининг ўзида ўттиз мартадан зиёд содир бўлди.»<sup>1</sup>

Туркистон ўлкасининг Ер ишлари бўйича халқ комиссари Романов ҳам қишлоқ аҳолиси ўзларига берилган ҳуқуқларидан, ваколатларидан кенг фойдалана олмаётганлиги, ер комитетларининг 1917 йил охиридаги фаолиятига тўхталиб, «улар Октябрь тўнтаришидан олдин ташкил қилинган» деб қайд

<sup>1</sup> Қаранг: «Коммунистическая мысль». Книга 3. – Т: Изд САКУ, 1927. – С. 299–309.

этади.<sup>1</sup> Демак, кишлок аҳолиси психологиясида хусусий мулкнинг муқаддаслиги ҳисси чуқур илдиз отганлиги ушбу ҳужжатда яққол кўринади.

Фарғона области ишчи, солдат ва мусулмон депутатлари Советларининг 1918 йил 10 апрелдаги йиғилишида делегат Бризгайлов мавжуд воқеликка муносабатни шундай таърифлайди: «Бухоро воқеаларининг содир бўлиши<sup>2</sup> билан Тошкентдаги омманинг кайфияти даҳшатли таранглашиб кетди. Бухоро воқеаларини тафтиш қилиб ўтирмайман, бу ҳақда тарих ўз хулосасини чиқаради, яъни воқеалар иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларига ҳолисона баҳо беради. Воқеалар Халқ Комиссарлар Советининг аъзоларига ўз таъсирини ўтказиб, уларни тушкун аҳволга солган.

Комиссарлар томонидан қўйилган қатор масалаларнинг жавобини олдик. Охириги вақтда кузатилаётган аҳвол кенг демократик оммани қаноатлантириши мумкин эмас. Бундан келиб чиқадики, Туркистонда бошқарув аппаратини бошдан-оёқ қайта тузиш лозим.

Тошкентдаги таранг вазият яна шуниси билан изоҳланадики, маълум бир тамойилларни амалга оширишда таяниш мумкин бўлган ягона демократик фронт мавжуд эмас. Тошкентда бир-бирига дўстона муносабатда бўлмайдиган учта ташкилот бор: қизил армия, қизил гвардия ва милиция.

Одамлар (большевиклар – Ҳ.М.) ўз зиммаларига кучлари етмайдиган оғирликни ортмоқлаб олганликлари сезилади. Айтиб ўтилганларнинг бари Тошкентдаги аҳволнинг ўта аянчли эканлигини кўрсатади. Совет ҳокимиятининг фаолияти кундузи бир оз жонлангандек бўлиб, кечга бориб музлайди.»<sup>3</sup>

Кейинчалик Ўзбекистон Компартияси биринчи съездининг йиғилишида И.А. Зеленский Октябрь тўнтариши арафа-

---

<sup>1</sup> Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т. II. Упрочение советской власти в Узбекистане. Сборник документов. – Т.: Фан, 1972. – С. 136; ЎзМДА, Р-25-фонд.1-руйхат, 42-иш, 34-варақ.

<sup>2</sup> Бу ўринда Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Советининг раиси Ф. Колесов бошчилигидаги қизил гвардиячилар қўшини 1918 йил март ойи бошларида Бухорога бостириб боргани кўзда тутилмоқда

<sup>3</sup> Фарғона вилояти давлат архиви (Фарғона ВДА), 121-фонд, 1-руйхат, 40-иш, 16–20-варақлар.

сида Туркистон ўлкасидаги аҳволни шундай баён қилади: «Биринчидан, партия ва ишчилар синфи Иттифоқ марказида ҳокимиятни эгаллаган даврда Ўрта Осиёда аҳвол ўзгача эди. Помешчик ва капиталистлар қўлидан ҳокимиятни тортиб оладиган синф мавжуд эмасди. Иккинчидан, Ўрта Осиё халқлари мустамлакада эдилар.

Ўрта Осиёнинг миллий таркиби орасида ҳокимиятни қўлида тутиб турадиган қатлам йўқ эди. Маҳаллий ишчилар синфи шаклланмаганлиги сабабли Россиянинг Европа қисмидан келган ишчилар Октябрнинг ҳимоячиси ролини ўйнадилар. Улар Марказдаги ишчи ва деҳқонлар билан фикрдош бўлиб, у ерда ҳам, ўлкада ҳам бир вақтда инкилобни амалга оширдилар.»<sup>1</sup>

Хулоса қилиб айтганда, совет тоталитар давлатчилиги ўз тараққиётида мураккаб йўлни босиб ўтди. Большевиклар ҳокимиятни эгаллагач (1917 йил октябрь), дастлаб қисқа муддат давомида сўл эсерлар билан келишган ҳолатда янги совет ҳокимияти муассасаларини ташкил қилдилар. Бироқ орадан кўп ўтмасдан сўл эсерлар ва бошқа сиёсий партияларнинг оз сонли вакиллари ҳукумат таркибидан чиқарилди, совет ва ҳўжалик органларидаги вазифаларидан озод қилинди. Большевиклар совет Россияси ва унинг таркибида бўлган Туркистон ўлкасида якка ҳукмрон партия ва ягона сиёсий кучга айландилар. Меньшевиклар, эсерлар, жаидлар, бошқа сиёсий партиялар ҳамда уларнинг нафақат раҳбарлари, балки оддий аъзолари ва уларга хайрихоҳлик билдирган барча одамлар тазйиққа учради ва қатағон қилинди.

Совет тоталитар давлатчилиги генезисига тўхталиб ўтар эканмиз, энг аввало унинг мустабид характерга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Большевиклар ва совет ҳокимиятининг барча расмий вакиллари халқ номидан иш кўришларини доимий равишда таъкидлашган бўлишса ҳам, аслида бу ҳокимият ягона партияга (коммунистик партияга) ва бир гуруҳ сиёсий элитага хизмат қилди. В.И. Ленин ва И.В. Сталин даврида ҳам, совет ҳокимияти тараққиётининг кейинги босқич-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг архиви (ЎзРПДА), 58-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 50–52-варақлар.

ларида ҳам олий сиёсий ҳокимият тепасида ўтирган ва партия номидан иш кўрган Политбюро (Сиёсий бюро) аъзолари бутун ҳокимиятни тўла равишда назорат қилдилар ва барча жабҳаларни ўз қўлларида тутиб турдилар. Марказда фаолият кўрсатган Политбюро ва унинг иттифокдош республикалардаги гумашталари «совет халқи» номи билан юритилган юздан ортик миллатни қаттиқ исканжада ушлаб туришди.

СССРда, хусусан, Ўзбекистонда етмиш беш йил амалда бўлиб келган давлатнинг моҳияти пролетариат диктатураси қандай эди, деган саволга бериладиган жавобга боғлиқ ҳисобланади.

Ўз даврида пролетариат диктатураси шундай тушунилган: диктатор – чексиз ҳуқуқ ва ваколатларга эга ҳамда давлат, маълум синф, гуруҳ ва ҳ.к.ларнинг бутун кучига таянадиган шахс. Россияда 1917 йил кузидаги диктатор ишчилар синфи бўлиб, у ўз синфининг барча кучи ва воситасини ўз қўлида жамлаган.

Хуллас, СССРда казарма социализмининг энг ашаддий шакли қурилди. Очигини айтганда, бу тузум И.В. Сталин даврида ўзидан аввал ўтган антагонистик тузумларнинг барча кўринишларини деформация қилган ҳолда ўз ичига олган эди: ГУЛАГ тизими – кулчиликни, колхоз тизими – крепостнойликни қайта тиклаган бўлса, саноат ва совхоз тизими казармача социализмни, денгиз балиқчилиги ва чекка Шимолдаги айрим қурилишлардаги ҳақ тўлаш қисман шаклланаётган капитализмни, яширин иқтисодиёт илк ва ўрта тараққий этган капитализмни маълум даражада қайта тиклади.

### **1.3. Туркистон АССРда большевиклар якка партия ҳукмронлигининг вужудга келтирилиши**

Совет даврида партиянинг расмий сиёсатида миллий масалага алоҳида эътибор қаратилган. В.И. Ленин ва И.В. Сталин асарларидан бошлаб то коммунистик партиянинг расмий ҳужжатлари (партия Дастури ва Устави, съездлари ва конференцияларида қабул қилинган резолюциялар, Марказий Комитет ва Сиёсий бюронинг кўплаб қарорлари ва ҳ.к.) ҳамда партия раҳбарларининг маърузаларида миллий масалага алоҳида урғу

берилган. Большевиклар партияси «миллий ўз-ўзини бошқариш» ва «миллатларнинг тенг ҳуқуқчилиги» сиёсатини назарий жиҳатдан маъқуллаган бўлса ҳам, амалда совет ҳокимияти даврида СССРда миллий масала бирёқлама ҳал қилинди ва турли миллатларнинг, хусусан, Ўрта Осиёда яшовчи туркий халқларнинг ҳуқуқлари камситилди. Расмий сиёсат «миллатларнинг тенг ҳуқуқчилиги ва ўз тақдирини ўзи мустақил ҳал қилиши» тўғрисида жар солса ҳам, аслида ҳаётда унинг тесқариси бўлди. Совет жамиятида ҳар бир халқнинг озод ва эркин яшаши, у ўзининг мустақил давлатини тузиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида декларатив қонунларда тегишли моддалар мавжуд бўлса ҳам, бундай қарашларни илгари сурган кишилар «миллатчи» сифатида қораланди ва қатағон қилинди. Бу ҳуқуқлар де-юре мақомига эга бўлиб, де-факто ҳолати унинг аксини кўрсатар эди.

Ўз даврида «марксизм-ленинизм классиклари» деб улуғланган Маркс-Энгельс-Ленин-Сталин таълимоти таҳлил қилинар экан, уларнинг қарашларида миллатларнинг ўз-ўзини бошқариш сиёсати ҳамда давлат ва революция масалаларига «катта эътибор» берилганлиги кўринади.

К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан ишлаб чиқилган марксизм таълимотида моддий ишлаб чиқариш усули, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари жамиятнинг негизи сифатида қаралади. Марксизм хусусий мулкчиликка асосланган жамиятда ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва ўзлаштиришнинг хусусий характерга эга эканлигига таяниб, ижтимоий инқилоб тўғрисидаги қонунни асослашга уринади. Ижтимоий-иқтисодий формациялар ва синфий кураш билан боғлиқ назарияни илгари суради. Жамият тарихига синфлар кураши сифатида қарайди. Марксизмга кўра, синфий кураш пролетариат диктатурасига олиб келади. Пролетариат диктатурасининг мақсади эса синфсиз жамият қуришдан иборат, деб ҳисобланади. Марксизм ишлаб чиқариш воситаларига фақат ижтимоий мулкчиликни тан олади, бошқа мулк шаклларини инкор этади. Хусусий мулк – барча ижтимоий иллатларнинг асосий сабаби, деган ногўғри қарашни илгари суради.

Марксизм таълимоти XIX асрда ижтимоий фикр тараққиётига таъсир кўрсатди. Айни пайтда ундаги хаёлий,

зиддиятли ва хато тасаввурлар танқидга учради. Марксизмда ижтимоий карама-қаршиликлар, синфий кураш ва зўрлик назарияси мутлақлаштирилади, пролетариатнинг тарихий роли асоссиз равишда улуғланади. Марксизм Россиядаги Октябрь тўнтариши ва коммунистик тоталитаризмга хизмат қилди.

В.И. Ульянов (Ленин) ва И.В. Жугашвили (Сталин) XIX аср бошларида ўз асарларида бу таълимотни бойитиб, унга ленинизм назариясини қўшишди. В.И. Ленин «Миллий масала тўғрисида танқидий мулоҳазалар» (1913) мақоласида «миллий ўз-ўзини бошқариш» сиёсати ҳақида тўхталиб ўтган. Мақола 6 қисмдан иборат бўлиб, сарлавҳаларининг ўзи «Миллий маданият» (2-қисм), «Маданий-миллий автономия» (4-қисм), «Миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва майда миллатларнинг ҳуқуқлари» (5-қисм), «Централизация ва автономия» (6-қисм) кабилар большевикларнинг миллий масаладаги сиёсатини кўрсатиб турибди. В.И. Ленин «миллий маданият» тушунчасига таъриф берар экан, ҳар бир миллат турмушида муҳим роль ўйновчи миллий маданиятни инкор қилади, у миллат ва халқларни бир-бирига қарама-қарши гуруҳларга ажратиб, кейинчалик бу гуруҳлардан мақбуллари ҳисобига ягона социалистик миллат яратишга интилишини баён қилади. «Миллий маданият шиори – буржуача (кўпинча эса қора-гуруҳча-клерикалча) алдовдан иборат», – деб таъкидлаган В.И. Ленин ўз фикрини қуйидагича давом эттиради:

«Ҳар бир миллий маданиятда, гарчи ривожланмаган бўлса-да, демократик ва социалистик маданият элементлари бор, чунки ҳар бир миллатда меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи омма бор. Бу омманинг турмуш шароити муқаррар суратда демократик ва социалистик идеологияни туғдиради. Лекин ҳар бир миллатда буржуа маданияти (кўпинча эса ҳалигача қорагуруҳча ва клерикалча маданият) ҳам бор, бўлганда ҳам «элементлар» шаклидагина эмас, балки ҳукмрон маданият шаклидадир. Шу сабабли умуман «миллий маданият» помешчиклар, поплар, буржуазия маданиятидир».<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Ленин В.И. Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 1984. – Б. 100.

В.И. Ленин «маданий-миллий мухторият» гоёсига ҳам қарши чиқади. Маълумки, Россия империяси юздан ортик миллатлар ва элатлар яшайдиган, мустамлакачилик зулми авж олган, рус бўлмаган халқларнинг ҳуқуқлари камситилган, бир сўз билан айтганда, «халқлар турмаси» бўлган давлат эди. Большевиклар партиясининг доҳийси В.И. Ленин ўз асарларида, бир томондан, миллий зулмга қарши чиқса, иккинчи томондан, миллий маданият, маданий-миллий мухторият, миллий тараққиёт учун курашни инкор қилади. В.И. Ленин қарашлари-даги бундай зиддият ва тафовутлар, унинг дунёқарашидаги иккиюзламачилик ва чалкашликлар «назариётчи»нинг қуйидаги сўзларида ҳам яққол кўриниб турибди:

«Ҳар қандай миллий зулмга қарши кураш – мутлақо керак. Ҳар қандай миллий тараққиёт учун, умуман «миллий маданият» учун кураш мутлақо керак эмас...

Маданий-миллий автономиянинг ғоявий асоси ва мазмуни – миллатчиликни маълум, «адолат билан» чекланган доира ичида мустаҳкамлаб қўйишдан, миллатчиликни «қонунлаштиришдан», алоҳида давлат муассасаси воситаси билан барча миллатлар орасига маҳкам ва мустаҳкам ғов солиб, уларни бир-биридан ажратиб қўйишдан иборат. Бу – ўтакетган буржуача ва ўтакетган сохта фикрдир».<sup>1</sup>

Марксизмнинг миллий масала ҳақидаги таълимоти XX аср бошларида Россияда кўпчилик ўйлаганидек В.И. Ленин эмас, балки И.В. Сталин томонидан ривожлантирилди. Бунинг тарихий сабаблари ва изоҳи Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва толерантлик илмий марказининг етакчиси, олима Р.Х. Муртазаеванинг тадқиқотларида яхши очиб берилган. Олиманинг илмий изланишларида советлар тузумининг миллий масаладаги сиёсати бош бурилиш нуктаси шундай келтирилади: 1917 йил 26 октябрь (8 ноябрь) куни Петроградда Советларнинг Бутунроссия II съезида Халқ Комиссарлари кенгаши, яъни ҳукумат тузилди. Совет таркибида Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ташкил этилди. Давлатнинг миллий сиёсати тамойилларини амалга ошириш лозим бўлган бу

<sup>1</sup> Ленин В.И. Миллий масала ва миллий-мустамлака масаласи тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти, 1957. – Б. 146–147.

махкама кўпмиллатли Россия давлатининг бутун тарихи давомида биринчи мартаба тузилган бўлиб, унинг вазифаси миллий муносабатлар соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишдан иборат эди. Мазкур комиссарлик ҳайъати миллий комиссарлар йиғилишидан иборат эди. Ҳайъат мажлиси ҳафтасига бир мартаба чакирилар эди. Ушбу ҳайъат комиссарликнинг рус тилидаги матбуот органини нашр қилиши керак эди. Комиссарлик таркибида умумий декретларни тайёрлаш; ташвиқот ва тарғибот; миллий комиссарликлар билан алоқа, чет эллар билан алоқа; статистика бўлимлари; «Жизнь национальностей» газетаси таҳририяти таъсис қилинди.

1919 йилнинг охирида партия ва ҳукумат органларида Миллатлар ишлари халқ комиссарлигини тугатиш тўғрисидаги масала расмий ва норасмий тарзда кўтарилди бошланди. Уларнинг асосий далили айрим соҳаларда халқ комиссарлиги давлат миқёсида худди шундай вазифаларни бажараётган бошқа муассасалар қилаётган иш билан шуғулланишида эди.

Миллатлар ишлари халқ комиссарлигини тугатиш тўғрисидаги таклифлар ғоят қатъият билан кўйилганлиги сабабли 1919 йил 12 декабрда комиссарлик ҳайъати ўз маҳкамасининг бундан буёнги фаолияти нақадар мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги масалани муҳокамага кўйди. Бутунроссия Марказий Ижроия қўмитаси Миллий масалалар бўйича халқ комиссарлигининг ҳолати ҳақида тегишли ахборотни олгач, «миллий масалалар бўйича халқ комиссарлигини қайта ташкил этиш тўғрисида» декрет қабул қилди.

Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг 1920 йил 19 майдаги декрети аслида унинг ташкилий тузилмасига тааллуқли эди. Ушбу ҳужжат маҳкаманинг давлат бошқарув тизимидаги, миллий давлат қурилиши соҳасидаги мавқеини асло мустаҳкамлагани йўқ. Қонуний ваколатларга эга бўлмаган, молиявий аҳволи заиф бўлган мазкур халқ комиссарлиги миллий мухториятларга тааллуқли масалаларни ҳал этишда бошқа идора-ларга жиддий таъсир ўтказма олмас эди.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Муртазаева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. – Т.: Университет, 2007. – Б. 73–76.



Илк қадамлариданок шундай зиддиятли фаолият бошлаган РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг биринчи ва охири комиссари И.В. Сталин эди. (Унинг 1953 йилгача давом этган узоқ муддатли раҳбарлик лавозимлари дебочаси шундан бошланган.)<sup>1</sup> Айнан Сталин томонидан ишлаб чиқилган большевикларнинг миллий масала ҳақидаги назарий қарашлари бутун совет даврида амал қилиб келди. И.В. Сталин «Миллий масала ва марксизм» номли асарида миллатга қуйидагича таъриф берган:

«Миллат одамларнинг тарихан таркиб топган мустаҳкам бирлиги бўлиб, бу бирлик тил, территория, иктисодий турмуш ва маданият бирлигида кўринадиган психик тузилишининг бирлиги заминида вужудга келгандир»<sup>2</sup>.

Миллатнинг ушбу таърифи бутун XX асрда совет адабиётларида қўлланиб келинди. СССР таркибига кирган иттифокдош ва автоном республикалар шу принцип асосида ташкил қилинди. И.В. Сталиннинг миллат ҳақидаги таърифи XXI асрга келиб фақат жузъий ўзгаришларга учради. Бугунги кунда илмий адабиётларда миллатга қуйидагича таъриф берилмоқда:

«Миллат – узоқ давом этган ижтимоий, иктисодий, сиёсий ва этномаданий жараёнда, аниқ ҳудудий доирада, тил ва ўзликни англаш бирлиги асосида шаклланган халқ этник тарихининг энг юксак чўққиси, ўзига хос маданият, онг ва менталитет заминида таркиб топган ижтимоий бирлик шакли. Миллат кишиларнинг жипс тарихий бирлиги, умумиктисодий турмуш, тил, ҳудуд бирлиги, маданият, онг, руҳият уйғунлиги ва муштараклиги демакдир»<sup>3</sup>.

Шу ўринда большевизмнинг замондош файласуф зиёлилари назаридаги миллат тушунчаси моҳиятига берган баҳосига тўхталиш лозим. 1917 йил Октябрь тўнтариши кунларида

---

<sup>1</sup> Государственная власть СССР. Высшие органы власти и управления и их руководители. 1923–1991. Историко-биографический справочник. – М.: РОССПЭН, 1999. – С. 542–543.

<sup>2</sup> Сталин И. Марксизм ва миллий масала // Асарлар. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1948. – Б. 345.

<sup>3</sup> Миллат // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. – Т.: ЎзМЭ нашриёти, 2003. – Б. 659.

машхур ёзувчи Максим Горький «Новая жизнь» газетасида<sup>1</sup> эълон қилган «Демократия борасида» мақоласида ҳокимиятни зўравонлик билан босиб олган большевиклар ва улар йўлбошчиларининг мудҳиш қиёфасини кўрсатиш билангина чекланмасдан, большевиклар сиёсати оқибатларини ҳам ҳайратомуз даражада олдиндан кўрган ҳолда қуйидагича ёзган эди:

«Ленин, Троцкий ва уларга эргашган кимсалар аллақачон ҳукмдорликнинг чирик оғуси билан заҳарланганлар, сўз эркинлиги, шахс эркинлиги ва барча ҳуқуқлар тантанаси учун курашган демократияга нисбатан улардаги шармандаларча муносабат шундан шоҳидлик беради.

Сўқир мутаассиблар ва виждонсиз авантюрачилар жонини жабборга бериб, гўёки «социал инқилоб» йўлидан югуриб ела-ётгандек бўлдилар, аслида эса бу бошбошдоқликка, йўқсиллар ҳалокатига олиб борувчи йўлдир.

Бу йўлда Ленин ва унинг тарафдорлари Петербург (Петроград) остоналаридаги одамқушлик, Москвани харобага айлантириш, сўз эркинлигини йўқотиш, бемаъни ҳибслар сингари Плеве ва Столипинлар қилган қабиҳликларга ўхшаш барча жиноятларни амалга оширишни ўзлари учун мумкин деб ҳисоблайдилар».<sup>2</sup>

Файласуф ва тарихчи олим Н.А. Бердяев «Рус коммунизмининг моҳияти ва манбалари» асарида пролетариат диктатураси ҳақида қуйидагича фикр юритади: «Пролетариат диктатураси, яъни коммунистик партия диктатураси буржуа давлатларига қараганда нисбатан кучли ва мустабид давлат ҳокимиятини ифодалайди. Марксча назарияга кўра, давлат доимо синфий ҳукмронлик ташкилоти, ҳукмрон синфларнинг эзилган ва эксплуатация қилинган синфлар устидаги диктатураси бўлган. Синфлар йўқолганидан сўнг давлат ўз-ўзидан

<sup>1</sup> Бу мақола 1917 йил 7 (20) ноябрда «Новая жизнь» газетасида эълон қилинган. Бу газета М. Горький муҳаррирлигида Петроград шаҳрида 1917 йил апрелдан 1918 йил июль ойигача чиқиб турган. Газетада эркин фикрлар мавжуд мақолалар босилганлиги учун у большевиклар томонидан ёпиб ташланди.

<sup>2</sup> Горький М. Несвоевременные мысли. Заметки о революции и культуре. – М.: Советский писатель, 1990. – С. 149; Унинг ўзи. Бемаврид мулоҳазалар // Жаҳон адабиёти, 2000. №6. – Б. 128.

ўлади ва ташкилотчи жамият билан алмашади. Синфлар ҳозирча бор экан, давлат ҳам мавжуд бўлади. Аммо синфларнинг бутунлай йўқолиши пролетариат инқилобидан кейин дарҳол юз бермайди. Ленин Россияда Октябрь инқилобидан сўнг бирдан коммунистик жамият қурилишини умуман ўйламаган эди. Ҳали олдинда тайёргарлик жараёни, ҳали синфсиз жамиятга ўтилмаган бир даврда, кучли марказлашган ҳокимиятга эга давлатга буржуа синфлари ва уларнинг қарашларини бостириш учун пролетариат диктатураси зарур»<sup>1</sup>.

Мустамлака марказидаги сиёсий ўзгаришлар ўз навбатида Туркистон ўлкасида ҳам акс-садо бера бошлади. Туркистондаги Октябрь тўнтариши қатнашчилари 1917 йил 1 ноябрда ҳокимиятни зўравонлик йўли билан қўлга киритиб, Туркистон ҳарбий округи қўмондони генерал-майор П.А. Коровиченко ва Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Комитети аъзоларини қамоққа олдилар. Худди шу куни Тошкент совети (Тошсовет) Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилганлигини эълон қилди.

Туркистон ўлкасида ҳокимият большевиклар қўлига ўтиши билан Муваққат ҳукуматнинг барча бўғинлари тугатилиб, ўрнига аввало жазо органлари ва совет бошқарув тизими ўрнатилди. Бу тасодифий эмасди. Большевиклар ҳукмронлиги нафақат ағдарилган синфлар, балки большевиклар билан келишмайдиган маҳаллий аҳолининг каттагина қисми устидан зўравонлик ўрнатилгандагина сақланиб қолиши мумкин эди. Туркистон Халқ Комиссарлари Совети 28 ноябрда ўлкада қизил гвардия бўлинмалари тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу бўлинмалар дастлабки аксилсовет чиқишларни бостиришда фаол иштирок этди. 1918 йилнинг бошларидан ўлкада қизил армиянинг қисмлари ташкил қилина бошлади. Шу вақтнинг ўзида фавқулодда комиссия органлари (ЧК) ва инқилобий трибуналлар ташкил қилинди. Пролетариат диктатурасининг бу жазо органлари ўзга фикр, озодлик ва демократияни бўғишда муҳим қурол бўлди ва Октябрь тўнтариши туфайли юзага

<sup>1</sup> Бердяев Н.А. Истоки и смысл русского коммунизма. – М.: Наука, 1990. – С. 103–104.

келган совет режими даврида тарихимизда улар дахшатли саҳифаларни ёздилар.<sup>1</sup>

Совет ҳокимиятининг жазолаш органлари большевиклар ҳукмронлигини тан олмаган бошқа партиялар ва ташкилотларга қарши аёвсиз қураш олиб борди. Шаҳар Думалари тарқатиб юборилди, ҳолбуки Думадаги ўринларнинг кўпчилиги мусулмонларга тегишли эди. «Шўрои Исломия» ва «Уламо» жамиятлари<sup>2</sup> ҳам тарқатиб юборилди. Уларнинг журнал ва газеталари ёпиб қўйилди. Худди шундай ҳолат Россиядаги барча сиёсий партиялар ва уларнинг матбуот нашрларига нисбатан ҳам қўлланилди.

Архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, 1917 йилнинг кузига келиб ўлка шаҳарлари, вилоятлари ва уездарида аҳолининг ҳокимият советларга ўтишини талаб қилувчи чиқишлари кузатилмаган. Аксинча, жойлардан келиб турган хабарлар ва телеграммаларда Муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлаш ҳақида гапирилар экан, большевиклар ва бошқа кучларнинг ҳокимиятни советларга бериш ҳақидаги талаблари асл моҳияти фош этилар, мамлакат тақдирини ҳал қиладиган Таъсис Мажлисини чақириш гоёси қўллаб-қувватланарди. Ўлка Советларининг ўзи (Тошкент Советидан ташқари) ҳокимиятнинг советлар қўлига ўтишини ёқлаб чиқмадилар, чунки уларнинг кўпчилиги ўша даврда коалицион Муваққат ҳукумат ва Туркистон Комитети таркибига кирган эсерлар ва меньшевиклардан иборат эди.<sup>3</sup>

Маҳаллий аҳоли ва улар йўлбошчиларининг Октябрь тўнтаришига муносабатини кейинчалик Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси А. Раҳимбоев ўлка советлари IX съезди (1920 йил сентябрь)да қилган маърузасида қуйидагича таъкидлаган эди: «Мусулмон аҳолиси ҳар қандай янги тартиб-

<sup>1</sup> Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я. Раджапова. – Т.: Шарқ, 2000. – С. 66–67, 79–80.

<sup>2</sup> “Уламо” жамиятининг Тошкент шўъбаси 1918 йил 13 майда Туркистон совет республикаси Совнаркоми қарори билан тарқатиб юборилди. Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон МДА, Р-25-фонд, 1-руйхат, 35-иш, 280-варақ; Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т. II. – С. 265.

<sup>3</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 42–43.

лардан чўчир эди. Социалистик революция принциплари унга бегона эди, бу принциплар аҳолининг европали қисми томонидан шубҳали тарзда қабул қилинган эди»<sup>1</sup>.

Туркистондаги коммунистик ташкилотлар тарихининг тадқиқотчиси И. Сольцнинг эътирофи ҳам бу ҳодисани тасдиқлайди: «Туркистонда Февраль ва Октябрь инқилоблари Питер ва Москвадаги революцияларнинг акс-садоси сифатида пайдо бўлди. Ўлкада совет ҳокимияти подшо ва Керенский ҳукумати мағлубиятидан сўнг ўз-ўзидан вужудга келди. Бу ҳокимият аввалги мустамлакачилик тузумининг таянчи бўлган европали аҳоли қўлида ўйинчоқ бўлиб қолди. Бу кўз юмиб бўлмайдиган ҳақиқат эди... 1918 йил давомида Туркистонда партия ташкилотлари ташкил топди ва улар ўзини совет давлатининг асосчилари қилиб кўрсата бошлашди. Бу ташкилотлар сафида маҳаллий миллат вакиллари – қирғиз, ўзбек, туркманлар бўлмаган. Бундай коммунистик партия Туркистондаги инқилобнинг тартибсиз тўлқинида сузишга мослашган эди, лекин уни бошқаришга эмас... Бу партияда бошқарувнинг мустамлакачилик руҳи ҳукмронлик қиларди»<sup>2</sup>.

РКП(б) МК Туркистон бюроси (қисқача Туркбюро) таркибида Петрограддан Тошкентга келиб, кейинчалик фаолият кўрсатган Г. Сафаров 1917 йил Октябрь воқеаларини, большевиклар партиясининг ўша пайтдаги мавкеини куйидагича тасвирлаган эди: «Большевиклар партияси бу ерда воқеаларни бошқармади. Фақат айрим большевиклар инқилоб тўлқинининг устига чиқиб олдилар. Партия бўлса Октябрь инқилобидан сўнг ташкил қилина бошланди»<sup>3</sup>. Мантиққа зид бўлишига қарамасдан, Туркистонда большевиклар партияси совет ҳокимиятини эмас, балки совет ҳокимияти ҳамда советлар ҳокимиятини ташкил қилиш зарурияти бу ерда большевиклар ва сўл эсерлар партиясини яратди. Бунинг оқибати шу бўлдики, большевиклар

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 40-иш, 14–19-варақлар.

<sup>2</sup> Сольц И. К истории К.П.Т. // Три года советской власти. – Т.: Туркгосиздат, 1920. – С. 47.

<sup>3</sup> Г. Сафаровнинг бу фикрларини ўша даврга оид архив ҳужжатлари ҳам тасдиқлайди. Ўзбекистон РПДАда мавжуд бир ҳужжатда келтирилишича, 1917 йил ноябрда Туркистон ўлкасида атиги 40 нафар большевик бўлиб, уларнинг 30 нафари Тошкентда иш олиб борган.

ва сўл эсерлар партияси дастлабки кунлардан бошлабоқ авантюристлар, амалпарастлар ва жинойтчи унсурларнинг бошпана-насига айланди. Характерли томони шундаки, «большевиклар» ўзларини «большевиклар ҳукумати партияси» деган расмий ном билан атамадилар... Шунинг учун ҳам пролетариат диктатураси биринчи қадамдан бошлаб типик мустамлакачи кўринишида бўлди: рус ишчилари «Туркистон халқларини бошқариш»ни ўз кўлларига олдилар»<sup>1</sup>.

Октябрь тўнтаришидан сўнг «Бутун ҳокимият – Советларга!» деган шиор курук гап бўлиб қолди. Большевиклар партияси бу шиорни ҳаётдан сиқиб чиқарди. Ишчи ва деҳқонлар Советларга «цензчилар» – сиёсий ҳуқуққа эга бўлмаганлар (буржуазия, шаҳарнинг ўрта қатлами)ни киритмади. Сердолға тарихий вазият (уруш, иқтисодий таназул, миллий низолар) демократик ислохотларни татбиқ қилиш йўлида ўзаро келишувчиликка йўл қўймай, аксинча, конфронтация сари етаклади. Пролетариат диктатурасининг ўрнатилиши бу можаролар куч билан ҳал этилишини кўрсатди.<sup>2</sup>

Совет жамиятида синфий ёндашувга катта эътибор қаратилди. Синфий ёндашув аста-секин мафкуравий муросасизлик, биқиқликка олиб келди. Синфий ёндашув муқаррар равишда Марксгача бўлган тафаккур давлат ва ҳуқуқ ҳамда уларнинг роли ҳақида принципиал масалаларни нафақат очиб беради, балки уларни тўғри қўйишни ҳам уддалай олмасди, деган фикрга олиб келарди.

Давлатнинг функцияси пировард натижада фақат эзувчиларни ҳимоялашга қаратилади, деб ҳисобланган. Шу сабабдан ҳам давлатни таърифлашда унинг синфийлик жиҳатига урғу бериларди. Бу – синфий антагонизм ғояларини мутлоқлаштирган ва ҳокимиятни қурол кучи билан эгаллаб олган мустабид тузум мафкураси эди. Синфий кураш ғояси асосига қурилган ва миллионлаб кишилар тақдирида машъум из қолдирган бу

---

<sup>1</sup> Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). – М.: Госиздат, 1921. – С. 71.

<sup>2</sup> Самуилин Д.Л. Современные американские истории о Советах Петрограда 1917–1918 гг. // Вестник Ленинградского университета. Выпуск 4. Декабрь 1990. – С. 83.

мафкура жамиятни бир-бирига қарама-қарши тарафларга ажратиб юборди. Зурлик асосига қурилган ва зиддиятли тизимга асос бўлган бу мафкура дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан ҳудудда етмиш тўрт йил ҳукм сурди. Охир-оқибат бу мафкура ўзининг ғайриинсоний ва ғайриилмий моҳияти, мустабид табиати туфайли таназулга юз тутди. Шу тариқа у ўзи таянган давлатни ҳам ўзи билан бирга олиб кетди.<sup>1</sup>

Марксча-ленинча назария нуқтаи назарига кўра жамиятнинг муросасиз зиддиятларга эга бўлган қарама-қарши синфларга бўлиниб кетиши давлатнинг пайдо бўлишига асосий сабаб бўлган. В.И. Ленин ўзининг «Давлат ва революция. Марксизмнинг давлат тўғрисидаги таълимоти ва пролетариатнинг революциядаги вазифалари» (1917 йил август-сентябрь ойларида ёзилган) номли асарида давлатнинг келиб чиқиши ва моҳияти ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган эди: «Давлат – синфий зиддиятлар муросасизлигининг маҳсули ва кўринишидир. Давлат синфий зиддиятларни объектив суратда муроасага келтириш мумкин бўлмаган жойда, мумкин бўлмаган чоқда ва мумкин бўлмагани туфайли пайдо бўлади. Ва аксинча: давлатнинг бўлиши синфий зиддиятларнинг муросасиз эканлигини исбот қилади.»<sup>2</sup>

В.И. Ленин марксизмнинг давлат ҳақидаги таълимотини баён қилар экан. қуйидаги зиддиятли хулосага келади: «Ҳар қандай давлат эзилган синфни «бостириш учун хизмат қиладиган алоҳида куч»дир. Шунинг учун ҳар қандай давлат – эркин давлат эмас ва халқ давлати эмас. Маркс билан Энгельс 70-йилларда<sup>3</sup> ўзларининг партиядош ўртоқларига буни бир неча марта тушунтирган эдилар»<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Ҳуқуқшунос олим З. Исломовнинг “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” (Тошкент: Адолат, 1997) асарида давлатларнинг пайдо бўлиши, ҳуқуқий давлат ҳақидаги тарихий назариялар, шунингдек, марксистик назарияларнинг ғайритабиий характери чуқур очиб берилган. Атоқли ҳуқуқшунос олимнинг ушбу китоби бизнинг тадқиқотларимизда анча фойдали бўлганини таъкидлаб ўтамыз.

<sup>2</sup> Ленин В.И. Тула асарлар тўплами. Русча 5-чи нашридан таржима. Т. 33. Давлат ва революция. – Т.: Ўзбекистон, 1977. – Б. 8.

<sup>3</sup> Бу ўринда XIX аср 70-йиллари кўзда тутилмоқда.

<sup>4</sup> Ленин В.И. Тула асарлар тўплами. Т. 33. – Б. 23.

Давлат ва ҳуқук масалаларига К. Маркс ижтимоий тараккиётнинг синфийлиги ҳақидаги ўзи таърифлаган назариядан келиб чиққан ҳолда қарарди. Ушбу назарияга мувофик, синфсиз жамиятга ўтиш жараёнида синфларнинг барҳам топиши билан давлат ва ҳуқук ҳам йўқолиб кетиши керак эди. Буржуа давлати ва ҳуқуқининг ўзаро нисбатини таҳлил этар экан, Маркс юридик қонун синфий жамият моддий ишлаб чиқариш муносабатларининг ифодасидир, дея исботлашга уринади. У қонунчилик иқтисодий муносабатлар тақозо этадиган талабларни фақат қайд қилади, деб ҳисобларди, давлатга эса одамлар ўртасида тарихан таркиб топган ўзаро муносабатлар муайян ижтимоий-иқтисодий тузумга мос келадиган қонунларда қанчалик мутаносиб акс эттиришгина боғлиқ деб қарарди. Ўз навбатида Н.А. Бердяев томонидан берилган аниқ таърифга кўра, марксизмнинг жони «иқтисодий детерминизмда эмас, балки инсон иқтисодиётга қарам бўлмайдиган келажакда мукамал жамият ҳақидаги таълимотдир... Марксизм фақат фан ва сиёсатнинг ўзи эмас, балки у эътиқод ва дин ҳамдир».<sup>1</sup>

Октябрь тўнтаришидан кейин Россияда ва у ишғол қилган мустамлака ҳудудларда ҳуқуқий давлат ғоялари реал ҳаётдан бутунлай истисно этилган янги давр бошланди. Аниқ ҳокимият ягона партия-давлат аппарати қўлида жамланган бир шароитдаги ҳуқуқий нигилизм (ҳар қандай норма, принцип, қонунларни инкор этиш), мазкур ҳокимиятнинг халқдан ажралиб қолганлиги назария ва амалиётда ижтимоий ҳаётни адолат асосида ҳуқуқий ташкил этишнинг тўла рад қилинишига ҳамда тоталитаризмга асосланган давлат ўрнатилишига олиб келди. Ҳуқуқий давлатчилик назарияси ва амалиётининг кўп асрлик тажрибасини қатъиян инкор этиш ва илмий тан олмаслик жамият ҳаётида жиддий ижтимоий-иқтисодий, маданий маънавий ва миллатлараро можароларни келтириб чиқарди.

Марксистик таълимотда пролетариат диктатурасига алоҳида эътибор қаратилган. Диктатура – бу бир синфнинг бошқаси устидан, аҳоли бир қисмининг бошқаси устидан муттасил зўравонлиги ташкилоти бўлиб, диктатура қонунга эмас, кучга таянувчи чекланмаган ҳокимиятдир. Диктатуранинг илмий

<sup>1</sup> Бердяев Н.А. Истоки и смысл русского коммунизма... – С. 80.



тушунчаси ҳеч нарса билан чекланмаган, ҳеч қандай қонун билан, ҳеч қандай мутлоқ қоидалар билан жиловланмаган, бевосита кучга таянадиган ҳокимиятни англатади, «инқилобчи халқ» эса бевосита «суд қилади, жазо беради, ҳокимиятни ишга солади, янги инқилобий ҳуқуқни ижод этади».

Бундан ташқари, марксистик назарияда хамиша совет давлати икки асосий функцияни, яъни яратувчилик (социалистик жамиятни куриш) ҳамда мажбурлаш (эксплуататорлар қаршилигини бостириш) функцияларини бажараётгани таъкидлаб келинади. Бироқ булар фақат назариядагина мавжуд эди, холос. Амалда «эксплуататорларни» бостириш учун бутун меҳнаткаш халққа қарши қатағонга, ҳар қандай бош тортишлар жиноий жавобгарлик билан меҳнат мажбуриятининг жорий этилишига, давлат томонидан тоталитар равишда иш ҳақининг чекланишига, крепостной колхоз-совхоз тузумига, геноцидга, совет давлатининг зўравонлик шакл ва функцияларига олиб келди<sup>1</sup>.

1918 йилдаги дастлабки РСФСР Конституцияси ижтимоий табақалар тенгсизлигини, ўз мақсадларини амалга оширишда зўравонликдан фойдаланишни эълон қилган давлат тури сифатида совет давлатини қонуний мустақамлади. Юқоридаги мақсадлардан бири сифатида жаҳон инқилобини амалга ошириш шиори эълон қилинганди.

Бошқарув шакли бўйича совет давлати республика деб эълон қилинди. Бироқ бу ғалати республика эди: унда ҳокимиятнинг бўлиниши инкор этилар, аксинча, ҳокимият барча тармоқларининг совет давлати атрофига бирлашиши шиори олға сурилари. Унда депутатлар корпусининг ўзи қонунларни қабул қилар, уларни жорий этар ва ҳатто ўша қонунларнинг жорий этилишини назорат ҳам қилар эди.

Марксизм-ленинизм классиклари ўз асарларида социалистик давлатни бошқа ҳар қандай турдаги давлатларга қарши қўйдилар. Уларнинг фикрича, бу давлатларда ҳокимият эксплуатация қилувчи озчилик қўлида бўлиб, эксплуатация қилинувчи кўпчилик қаршилигини бостиришда ундан фойдаланилади. Социалистик давлат, классиклар фикрича, социалистик

<sup>1</sup> *Исломов З.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: Адолат, 2007. – Б. 114.

инқилоб натижасида вужудга келиши керак эди, яъни ҳокимиятни қўлга киритиш зўравонлик йўли билан амалга оширилиши шарт эди. Эски давлат машинасини синдириб, пролетариат (йўқсиллар синфи) диктатурасини ўрнатиш зарурати бунга сабаб қилиб кўрсатиларди.

Республика шаклининг уч кўриниши: Коммуна (Париж коммунаси), совет республикаси ва халқ-демократик республикаси (халқ республикаси) қайд этилади.<sup>1</sup>

Тоталитар режимда сиёсий ҳукмрон партия, сиёсий раҳнамо, халқ дохийси бошчилигидаги ҳукмрон элита томонидан яратиладиган ягона расмий мафкура мавжуд бўлади. Тоталитар режим жамиятнинг етакчи кучи деб эълон қилинувчи ҳукмрон партиянинг бўлишигагина йўл кўяди. Унинг қоидалари муқаддас ақидалар сифатида қабул қилинади. Ҳукмрон партия давлат бошқаруви жиловини эгаллаб олади: партия ва давлат маҳкамаларининг чирмашиб-чатишиб кетиши рўй беради.

Бундан ташқари, ҳукмрон партиянинг мислсиз муваффақиятлари ҳақидаги ахборотлар халқ онгига муттасил синдириб борилади. Чунки оммавий ахборот воситалари ҳам партиявий ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси тоталитар режим асосий қонунлар билан эмас, балки партия фармонлари, фармойишлари ва йўриқномалари асосида яшашини англатади. Қонунлар ҳали умуман мавжуд эмас, улар тўлалигича партия йўриқларига бўйсундирилган бўлади. Давлат органлари шунчаки амал қилади, аслида улар партия диктатурасини яшириб турувчи пардага айланади.

Давлат бошқарувида тоталитар режим ўта марказлашганлиги билан тавсифланади. Тоталитар тизимга «дохий» бошчилик қилади. У энг оқил, доно, энг адолатли одам ҳисобланади. У дахлсиз, уни танқид қилиш мумкин эмас.

Ижро этувчи органлар, айниқса куч ишлатувчи тузилмалар аҳамиятининг кучайиши содир бўлади. Тоталитар режим аҳолига нисбатан кенг қўламли ва доимий қатағонни қўллайди. Террор ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва амалга оширишнинг биринчи шarti бўлиб қолади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ленин В.И. Тула асарлар тўплами. Т. 41. – Б. 65, 90.

Тоталитаризм шароитида ҳаётнинг барча соҳалари устидан давлатнинг тўла назорати ўрнатилади. Иқтисодий ҳаётда мулкнинг барча шакллари давлат тасарруфига ўтказилади.

Сиёсий нормаларнинг ҳуқуқий нормалардан устунлиги зўравонликни келтириб чиқаради ва тоталитар тузум учун замин яратади. Маълумки, бундай режим сиёсат ҳуқуқий асосга эга бўлмаган, ҳуқуқ сиёсий ҳокимиятни чеклай олмайдиган, инсон ҳуқуқлари уларни амалга оширишда назорат воситаси сифатида майдонга чиқа олмайдиган жойда муқаррар равишда пайдо бўлади.

Совет жамиятида сиёсатнинг устуворлиги ўзгармас қонун даражасига кўтарилганди. Қонунлар олдидан партия директивалари қабул қилинарди. Тартибга солишнинг мисли қўрилмаган шакли – давлат ва партия органларининг қўшма ҳужжатларини қабул қилиш амалиёти кенг тарқалганди. Бажариб бўлмаслиги аввалдан аён бўлган дастурларни илгари сурган большевиклар сиёсати қонунни заифликка маҳқум этиб, объектив ҳуқуқий нормаларни инкор қилиш орқали уни самарадорликдан маҳрум этганди. Сиёсий ҳокимият инсонни мулкдан маҳрум этаркан, кўпинча уни бошқа ҳуқуқларидан ҳам – сўз эркинлиги, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиш эркинлиги, шахс, турар жой дахлсизлиги, кўп ҳолларда ҳатто яшаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этарди.<sup>1</sup>

Ушбу ўринда большевик раҳбарлари томонидан 1917 йил ноябрь ойида Петроградда қабул қилинган икки ҳужжат хусусида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Россия Халқ Комиссарлари Советининг раиси В. Ульянов (Ленин) ва Миллатлар иши Халқ комиссари И. Жугашвили (Сталин) 2 ноябрда «Россия халқлари ҳуқуқларининг декларацияси» ва 20 ноябрда «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаатномани имзолашди.

Дабдабали декларацияда халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи расмий равишда тан олинган эди: «Россия халқларининг тенглиги ва суверенлиги; Россия халқларининг ўз тақдирларини ўзлари эркинлик билан белгилашлари, ҳаттоки ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузиш ҳуқуқи; ҳамма ва ҳар

<sup>1</sup> *Исломов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: Адолат, 2007. – Б. 505.

қандай миллий имтиёз ва чеклашларни ва миллий-диний имтиёз ва чеклашларни бекор қилиш...»<sup>1</sup>.

Декларацияга асосланиб қабул қилинган «махсус мурожаатнома»да эса қуйидаги баландпарвоз фикрлар бор эди: «Россия мусулмонлари, Волгабўйи ва Қрим татарлари, Сибирь ва Туркистоннинг қирғиз ва сартлари, Закавказьенинг турк ва татарлари, Кавказнинг чечен ва тоғликлари... Сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буён эркин ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан баҳузур туза берингиз. Шундай қилишга ҳақлисиз... Ўз мамлакатингизда ўзингиз хўжайин бўлмоғингиз лозим! Ўз турмушингизни кўнглингиздагидай ва ўз хоҳишингизга мувофиқ қилиб ўзингиз тузмоғингиз лозим. Сиз шундай қилишга ҳақлисиз, чунки сизнинг тақдирингиз ўз қўлингизда...»<sup>2</sup>.

Россиядаги большевиклар ҳукуматининг раҳбарлари Ленин ва Сталин томонидан халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ҳақида эълон қилинган ушбу «дабдабали» декларациялар амалда бир парча қоғоздан иборат қуруқ ташвиқот бўлиб чиқди. Большевиклар ҳокимиятга келган дастлабки кунларидан бошлаб «сўзи бошқа, иши бошқа» қабилида сиёсат юритдилар. Улар ўз сиёсатларига легитим (қонуний) тус беришга уриниб, кўплаб қонунларни ишлаб чиқдилар. «Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари декларацияси» (бу декларация 1918 йил 4 январда «Известия ЦИК» газетасида эълон қилинган) ана шундай «қонунлар»дан бири бўлиб, уни Таъсис Мажлиси қабул қилмаган эди. У 1918 йил 12 январда бўлиб ўтган Советларнинг III Бутунроссия съездида тасдиқланди ва кейинчалик дастлабки Совет Конституциясига асос бўлди. Ушбу Декларацияда ҳам мунофиқлик билан қуйидаги фикрлар ёзилган эди:

<sup>1</sup> Россия халқлари ҳуқуқларининг декларацияси // В.И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида. – Б. 490.

<sup>2</sup> Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига // В.И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида. – Б. 493–494.

«1. Россия Ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советлари республикаси деб эълон қилинади. Марказда ҳам, жойларда ҳам бутун ҳокимият шу Советларга ўтади.

2. Россия Совет республикаси эркин миллатларнинг эркин иттифоқи асосида, миллий Совет республикаларининг федерацияси шаклида тузилади...

Таъсис Мажлиси Финляндиянинг тўла мустақиллигини эълон қилган, Эрондан ўз аскарларини олиб чиқиб кета бошлаган, Арманистоннинг ўз тақдирини ўзи белгилаш эркини эълон қилган Халқ Комиссарлари сиёсатини табриқлайди»<sup>1</sup>.

Хуллас, Октябрь тўнтариши ғалаба қозонгач, Россияда бутун ҳокимият пролетариат диктатураси қўлига ўтди. Жамият турли-туман гуруҳларга парчалаб ташланди. Бошқача қилиб айтганда, давлат қурилишининг ҳар қандай шакли ва демократиядан воз кечилиб, зўравонларча бошқарув ўрнатилди. Оқибатда жамиятда алдов, куч, қўрқинч устун бўлиб қолди. Туркистонда ҳам ўлка аҳолисининг 95 фоизини ташкил этган туб аҳоли русийзабон миллатлар ўрнатган пролетариат диктатурасининг қақшатқич ҳукмига бўйсундирилди.

Туркистонда большевиклар томонидан ўрнатилган Совет режими чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатидан ҳам ошиб тушди. Туркистон ўлкаси Россияга яна бир бор сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қарам бўла бошлади.

Большевиклар ва сўл эсерлар мусулмон аҳолисининг ўлкани бошқаришга бўлган қонуний ҳуқуқини инкор қилиб, ҳокимият тўғрисидаги масалани келишиб ҳал қилиш имкониятини йўққа чиқарди ва шу билан Туркистон сиёсий ҳаётида миллий ва демократик кучларнинг келгусида муҳолифликка ўтишини олдиндан муқаррар қилиб қўйди.

Туркистондаги большевиклар халқни мустақиллик учун курашдан чалғитиш мақсадида турли йўллارни ўйлаб топдилар. Улар ўзлари эълон қилган демократик эркинликлар ва шиорларга зид тарзда совет матбуотидан ташқари барча нашрларни ёпиб қўйдилар. 1918 йил 29 мартда Туркистондаги барча типографик ва литографик мулклар Совет ҳокимияти томонидан

<sup>1</sup> Мехнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари декларацияси // В.И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида. – Б. 310–311.

мусодара қилинди. Тараққийпарварлар ва уламоларнинг ўзбек тилида чиқаётган миллий газета ва журналлари ёпилди. Ана шундай газеталардан бири «Улуғ Туркистон» газетаси бўлиб, унинг саҳифаларида мухторият ва миллий мустақилликка бағишланган кўплаб мақолалар эълон қилинган эди. Газета ўз пайтида (1917 йил ноябрь – 1918 йил февраль) Туркистон Мухторият ҳукумати фаолиятини ёритишга алоҳида эътибор қаратган бўлиб, у мухторият ҳукуматининг расмий нашрлари билан биргаликда бу соҳада катта ишларни амалга оширди.

«Улуғ Туркистон» газетаси ўзининг охириги сонларидан бирида большевикларнинг миллий газеталарга нисбатан муносабатини қоралаб қуйидагича ёзган эди: «Булар (большевиклар) ҳар хил миллий масалалар қўйдириб, халқнинг диёнатини йўқ нарсалар билан жалб қилиб, умуминсоният фикридан гафлат этади... Ўзлари миллатларни алдаш учун ҳеч бир миллатчи ўйлаб чиқармайдиган фахш йўллар ўйлаб чиқардилар»<sup>1</sup>.

1918 йил 20 апрель – 1 майда Тошкентда Туркистон ишчи, солдат, крестьян, мусулмон ва деҳқон депутатларининг V ўлка съезди бўлиб ўтди. Съезд делегатлари совет Россияси ҳукумати раҳбарлари В.И. Ленин ва И.В. Сталиннинг кўрсатмаси асосида 30 апрелда «Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси ҳақидаги Низом»ни қабул қилди. Ушбу Низомнинг дастлабки икки моддаси қуйидагича кўринишда эди:

«1. Туркистон ўлкасининг ҳудуди Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси деб эълон қилинади. Туркистон Республикасининг таркибига бутун Туркистон мамлакатининг Хива ва Бухородан ташқари, ҳозирги жуғрофий чегараси доирасидаги ҳамма ҳудуди киради.

2. Туркистон Совет Федератив Республикаси автоном тарзда бошқарилади ва Россия Совет Федерацияси марказий ҳукуматини тан олади ва ўз фаолиятини у билан мувофиқлаштиради»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> *Кабир Бакир*. Тафакисс тугалми? // Улуғ Туркистон. 1918, 2 март.

<sup>2</sup> Положение о Туркестанской Советской Республике Российской Советской Федерации // Наша газета, 1918, 5 мая. №89; Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т. II. – С. 251.

Туркистон Республикаси Советларининг фавкуллда V съезди (1918 йил 5–14 октябрь)да РСФСР Конституцияси андозасидаги Туркистон Совет Республикаси (ТСР) Конституцияси қабул қилинди.<sup>1</sup> Туркистон Советларининг IX съезди (1920 йил 19–25 сентябрь)да ТСР номи Туркистон Совет Социалистик Республикаси (ТССР) деб ўзгартирилди.

Туркистон ўлкасида совет автономияси эълон қилинган (1918 йил 30 апрель), минтақани советлаштиришнинг янги даври бошланди. Архив ҳужжатларида келтирилишича, мана шундай шароитда давлат органлари ва ҳукумат таркиби большевиклар ва сўл эсерлардан иборат бўлиши расмий тарзда тантанали равишда эълон қилинди<sup>2</sup>. Бироқ Туркистон АССР МИК ва ХКС таркибининг ҳар икки партия аъзоларидан пропорционал ҳолатда тузилганлиги, сўл эсерлар билан большевикларнинг ҳукмронлиги узоқ вақт давом этмади. Сиёсий эътиқоднинг ўзгачалиги, сўл эсерларнинг ижтимоий келиб чиқиши (уларнинг кўпчилиги мулкдорлар синфига тааллуқли эди) большевикларнинг жазо органлари томонидан уларни жазолашга асос бўлди<sup>3</sup>.

Фарғона области Махсус бўлимига 1919 йил 24 сентябрда юборилган «мутлақо махфий» телеграммада кўрсатилишича, Кўқонда Махсус бўлимнинг Фронт шуъбаси томонидан оммавий равишда тинтув қилиш ва қамоққа олишлар амалга оширилган. Кўқонда қамоққа олинган 64 нафар кишига «совет тузумига қарши тарғибот олиб борди», «сиёсий жихатдан ишонч-сиз», «жосус», «Эргаш кўрбошининг гуруҳида бўлган ва қурол сотиш билан шуғулланган», «буржуй бўлган», «офицер бўлган», «эсерлар партиясининг аъзоси», «турли сиёсий партияларнинг аъзоси» каби турли сиёсий айблар қўйилиб, улар қатағон қилинган. Большевиклар томонидан жазоланган ушбу жабрдийдалар орасида Низомиддин Тошмухамедов, Охунжон

<sup>1</sup> Каранг: Конституция Туркестанской Республики Российской Социалистической Советской Федерации. – Т.: Изд. Бюро печати при Турк. ЦИК Советов, 1918.

<sup>2</sup> ЎзРПДАнинг Фарғона вилояти ҳокимлиги филиали, 121-фонд, 1-руйхат, 37-иш, 9-варақ.

<sup>3</sup> ЎзРПДАнинг Фарғона вилояти ҳокимлиги филиали, 121-фонд, 1-руйхат, 288-иш, 16–17-варақлар.

Турсунмухамедов, Муҳаммад Мурод Олим, Охун Муҳаммад Бобоев, Мулла Абдул, Эшон Зокирбоев, Охунжон ҳожи Дадажон, Каримкулов, Содик Ҳожи Аминбоев каби маҳаллий аҳоли вакиллари билан биргаликда Буров, Черкашев, Эдварт Новицкий, Николай Минин, Константин Медведев, Мединский, Прокофьев сингари европалик аҳоли вакиллари ҳам бўлган.<sup>1</sup>

1918 йил 17–25 июнда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон большевикларининг ўлка конференцияси Туркистон большевиклар (Коммунистлар) партиясининг I съезди деб номланди. Ўлкадаги коммунистик гuruhлар ушбу съездда илк марта ташкилий жиҳатдан расмийлашиб, Туркистон Коммунистик партияси – ТКПга (РКП(б) таркибида) асос солинди. Съездда И. Тоболин раислигида 7 кишидан иборат Марказий Комитет сайланди. ТКП МК таркибига маҳаллий коммунистлардан Низомиддин Хўжаев ҳам киритилди.<sup>2</sup> Республика сиёсий ҳаётида Туркистон Коммунистик партияси етакчилик мавқеини эгаллади.

1918 йил 5–14 октябрда бўлган Туркистон Республикаси Советларининг фавкулудда VI съездида янги таркибдаги Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси (раиси – В. Вотинцев) ва Туркистон Халқ Комиссарлари Совети (раиси – В.Д. Фигельский) сайланди. Туркистонда Совет ҳукумати илк бор нуқул коммунистлардан тузилди. Ҳолбуки Туркистондаги аввалги совет ҳукуматлари таркибида большевиклардан ташқари сўл эсерлар, меньшевиклар, максималистлар, интернационалистлар каби сиёсий партияларнинг вакиллари бор эди. Бу ҳолат Туркистон Республикасидаги сиёсий вазиятни кескинлаштириб юборди. Чунки бу пайтда ўлкадаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол ўта қалтис эди.<sup>3</sup> Шундай аҳволда низо армия қисмларига ҳам ўтиб кетди.

<sup>1</sup> Фарғона вилояти давлат архиви (Фарғона ВДА), 121-фонд, 1-руйхат, 288-иш, 16–17-варақлар.

<sup>2</sup> “Наша газета”, №129, 28 июня 1918 г.; Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях съездов и конференций. – Т.: Узбекистан, 1988. – С. 6–9.

<sup>3</sup> Ражабов Қ. Ўзбекистон 1917–1924 йилларда: мустабид совет тузумининг қарор топиши // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12-жилд. – Т.: ЎзМЭ нашриёти, 2006. – Б. 166.



Назарий ва сиёсий жихатдан етилмаган, чаласавод бўлган Компартия етакчилари ва комиссарлар ҳокимият учун бўлаётган курашда ўзларининг шовинистик кайфияти ва манманликларини яққол кўрсатдилар. Советларнинг V съездида етакчи лавозимлардан четлатилган И. Тоболин (Туркистон МИК раиси) ва Ф. Колесов (Туркистон ХКС раиси) – «эски коммунистлар» гуруҳи билан Марказдан келган ходимлар – «янги коммунистлар» гуруҳи ўртасида қаттиқ кураш авж олиб кетди. Улуғ давлатчилик сиёсати ва шовинизмнинг ашадий тарафдори бўлган И. Тоболин съездда аламзадалик билан шундай деган эди: «Туркистонда инқилобни мен амалга оширдим. Сизларни большевик қилган ҳам мен. Сизларга бўйсуншни истамайман».<sup>1</sup>

Туркистон Республикаси Фарғона, Самарқанд, Сирдарё вилоятларидаги 3 млн аҳолининг аксарият қисми деҳқонлар эди. Дастлабки йилларда совет ҳокимияти бошқаруви ўлканинг чекка жойларига етиб бормади. Асосан шаҳарлар ва шаҳар атрофидаги аҳоли сиёсий воқеалар гирдобига тортилган, холос. Сиёсий зиддиятлар кескинлашган ва ҳарбий ҳаракатлар кучайган жойларда, жумладан, Фарғона вилоятида ҳокимиятни фавқулодда органлар – инқилобий кўмиталар (ревкомлар) ҳарбий шароит қоидалари бўйича бошқарди. 1920 йилда ҳам совет қурилиши аҳолининг арзимас қисмини қамраб олган эди.

Туркистонда совет ҳокимияти қурила бориши билан ижтимоий муносабатдаги зиддиятлар кучайди. Туркистон Республикаси «халқ» комиссарликларида кучли бюрократия авж олиб кетди. Совет бюрократиясининг табиатини атокли рус файласуфи Н.А. Бердяев шундай изоҳлайди: «Пролетариат диктатураси давлат ҳокимиятини кучайтирар экан, бутун мамлакатни ўргимчак тўри сингари босиб кетган ҳаддан ташқари улкан бюрократияни вужудга келтирди. Бу янги совет бюрократияси чоризм бюрократиясидан кучли бўлиб, янги имтиёзли кишилар табақасини етиштирдик, улар халқ оммасини шафқатсиз эзиши мумкин»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Антропов Т. 2-ой краевой съезд РКП(б) в Туркестанской республике // Революция в Средней Азии. Сборник № 2. – Т., 1929. – С. 27–28.

<sup>2</sup> Бердяев Н.А. Истоки и смысл русского коммунизма... – С. 105.

Амалдорларнинг саботажларини қийинчилик билан енгган большевиклар уларни қайтадан давлат бошқарувига оммавий жалб этишга мажбур бўлишди. Натижада В.Д. Бонч-Бруевич ёзганидек, «Янги ҳаётиинг бошланганига бир неча ой бўлмай туриб, Москва ва Петроград, сўнгра унинг орқасидан барча шаҳарлар ва бепоён Россия янги амалдорлар қатлами билан тўлиб тошди. Худди дунё яралгандан бери бизнинг кунларимизгача, яъни Октябрь революциясидан кейинги кунлардагидек куёш нурлари тараладиган бирор ерда биздагидек қудратли, тўлиб тошган амалдорлар оқими бўлмагандек».<sup>1</sup> Ушбу бюрократия Россия империяси генерал-губернаторлиги аппаратидан ҳажми ва савод даражаси билан ажралиб турар эди.

Хуллас, Туркистонда диктатурани ўз қўлида мустаҳкам тутиб туриши мумкин бўлган пролетариат қатлами маҳаллий аҳоли орасида шаклланмади. Европа миллатларига мансуб ишчилар аввалги ҳукуматнинг империяча сиёсатидан заҳарланганлиги боис сиёсий элита учун даъвогарлик қила олмади. Большевикларнинг фикрича, Туркистонда совет ҳокимияти қурилишида Россия пролетариати ва унинг асосий кучи Россия коммунистик партиясига таяниш зарур эди.

1920 йил 5 майда Туркистон Компартияси МК ва Бутунроссия МИК ва РСФСР ХКС хузуридаги Туркистон комиссияси (Турккомиссия) томонидан қабул қилинган «мутлақо махфий» резолюцияларидан бирида Туркистондаги партия ва совет органларига қуйидагича кўрсатма берилган:

1) Туркистонда алоҳида гуруҳларнинг РКП(б) асосий йўналишига қарши чикувчи ҳар қандай уринишлари илдизини қуритиш; хусусан, совет ҳокимиятининг тадбирларига қаршилик қилувчи турли хил ташкилотларнинг партиясиз ва партиявий унсурлари: чоризм амалдорлари, кишлок қулоқлари, сўл эсерлар, бойлар, руҳонийларга қарши кураш олиб бориш; бундан ташқари, европалик аҳоли қатламларида мустамлакачилик қолдиқларини тугатиш ҳамда Ўлка комитетининг Еттисув бўйича қабул қилган қарорларини амалга ошириш;

<sup>1</sup> *Леонов С. Советская государственность: замысел и действительность (1917–1920 гг.). // Вопросы истории, 1990, № 17. – С. 29–47.*

2) Туркистон Коммунистик партияси сафларида синчиклаб тозалаш ўтказиш керак. Бунда уларнинг орасидан антикоммунистик унсурлар, асосан сўл эсерларни юлқиб ташлаш лозим...;

4) қизил армия сафларини мустамлакачилик оғусига чалинган қатламдан тозалаш лозим. Ҳозиргача қоғозда қолиб келаётган мусулмон аҳолисини мунтазам армияга олиш ҳақида қарорларни амалга ошириш керак;

5) кенг тарқалган порахўрлик ва бюрократизмга қарши курашиш учун ижроия қўмитаси, инқилобий қўмиталар ва Туркистондаги бошқа ташкилотлар штатини имконият даражасигача қисқартириш керак;

6) Ўлка Комитети ва РКП(б) комитетлари амалдорлар қатламига айланиб улгурган ва маҳаллий аҳоли билан ишлашни истамайдиган Туркистон Компартияси аъзоларининг европалик қисмини туб аҳолининг (урф-одаглари, тил ва ҳ.к.ларни билмайдиган) эзилган маҳаллий қисми билан оммавий фаолиятни ташкил этишга мажбур этиш; барча коммунистларга маҳаллий тиллардан бирини ўргатишни шарт қилиб қўйиш.

ТКП(б) МК Иш бошқарувчиси<sup>1</sup>.

Туркистон Компартияси сафларида, хусусан, унинг жойлардаги органларида порахўрлик, ичкиликбозлик, ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш каби иллатлар урчиб кетган эди. Фарғона областидаги партия ячейкаларининг ҳолати ва большевикларнинг «фаолияти» мисолида бу фикрларни далиллар билан исботлашга ҳаракат қиламиз.

Фарғона область партия комитети (Фарғона обкоми) ҳузуридаги партиявий назорат ва ишчи-деҳқон инспекцияси бўлими фаолияти ҳақида 1924 йил феврида тайёрланган «мутлақо махфий» тамғали маърузада Андижон уезди партия ташкилотларидаги бу иллатлар куйидагича кўрсатилган: «Андижон уезди ташкилотларидаги носоғлом аҳвол – ичкилик-бозлик; бугунги кунгача ҳам энг кенг тарқалган нохуш ҳолатдир. Шунингдек, район ва волость масштабидаги масъул ходимлар орасида мансабидан фойдаланиб жиноят қилиш ҳолатлари мавжуд.

<sup>1</sup> ЎзРПДнинг Фарғона вилояти ҳокимлиги филиали, 1-фонд, 1а-руйхат, 135-иш, 46-варақ ва унинг орқаси.

Бунга аҳолига нисбатан тамагирлик, турли тўловлар йиғини пайтида, уруғлик учун ссуда тарқатиш пайтида ўз хизмат вазифасини суниестемол қилиш ҳолатлари учраб туради.

Шунингдек, баъзи партия аъзоларининг хусусий хўжалигини кенгайтириб юбориши, ўзгалар меҳнатидан фойдаланиши, бозорларни ижарага бериши кузатилади. Улар партия аъзоси ниқоби остида ўзининг шахсий манфаатини кўзлаб, ўзини бойитиш мақсадида юрганлардан бўлапти<sup>1</sup>.

Фарғона обкоми ҳузуридаги назорат комиссиясининг текширув гуруҳида шу даврга оид фаолиятининг махфий «А» литерли протоколлари билан танишилганда партия аъзолари орасида сиёсий дунёқараш шаклланмаганлиги, ичкиликбозлик ва шу каби турли носоғлом ҳолатлар аниқланганлиги кузатилади<sup>2</sup>.

Фарғона область коммунистларининг партия конференцияси (1925 йил 10 сентябрь)да Назорат комиссиясининг фаолияти юзасидан алоҳида тўхталиб ўтилди. Тафтиш қуйидаги камчиликларни аниқлади:

#### 1. Ташкилий характер:

а) партия ячейкаларининг қурилиши кўп ҳолларда нотўғри бўлиб, турли ташкилотларда ишловчи кандидат ва аъзоларни тўплаб олган йиғма ячейкаларни эслатади. Бундан ташқари, бир ташкилотда ишловчи партия аъзолари турли ячейкаларга бўлиниб кетган;

б) партия аъзолари ва номзодлари орасида партиявий юклама тенг тақсимланмаган;

в) ячейка бюроси ўртасидаги мажбуриятлар нотенг тақсимланган. Кўп ҳолларда асосий ишларни ячейка секретари олиб боради; бюро аъзолари ҳеч қандай иш олиб бормайдилар. Баъзи ячейкаларда секретарлар ўз ўрнига мос эмас, тафтиш чоғида мутлақо сиёсий саводсиз эканлигини кўрсатди;

<sup>1</sup> ЎзРПДАнинг Фарғона вилояти ҳокимлиги филиали, 1087-фонд, 1-рўйхат, 45-иш, 1-7-варақлар.

<sup>2</sup> ЎзРПДАнинг Фарғона вилояти ҳокимлиги филиали, 1088-фонд, 1-рўйхат, 13-иш, 24-варақ.

г) партия кунлари мунтазам ўтказиб турилади, обком ва угоркомларнинг режалари ячейкаларда мавжуд, бироқ кўпчилик ячейкаларда ишлаб чиқилмайди;

д) партиявий йиғилишлар жудаям дангасалик билан номига савол бериш, фақат маърузачини тинглаш билан ўтади. Маърузалар тайёргарликсиз ва кўпчилик тушунмайдиган тум-тароқ сўзларга бой ўқиладики, оқибатда ўта зерикарли бўлади;

е) ячейкаларда партиявий интизом барибир бўшлиғича қолмоқда. Мажлисларга иштирок этиш батартиб эмас, йиғилишлар кечикиш билан, баъзан бир соатгача кеч бошланади. Мажлисларга қатнашувчилар ҳисоби олиб борилмайди, баъзи ячейкаларда мутлақо бу нарса йўқ;

ж) баъзи ячейкаларда бюро йиғилишлари тасодифий характерда бўлиб, бу ячейка фаолиятида ўз аскини топган;

д) угорком томонидан жонли бошқарув ва инструкторлар томонидан ячейкаларга келиш қониқарсиз ...

## II. Тарбиявий ишлар:

Тафтиш 750 нафар партия аъзолари ва кандидатларининг катта қисми мутлақо сиёсий саводсиз эканлигини кўрсатди. Текширилганлардан сиёсий саводчилар 212 (28,27 фоиз), қуйи саводчилар 204 (26,8 фоиз), сиёсий саводсизлар 337 (54,93 фоиз) кишидан иборат. Агар Эски шаҳар қисмини олсак, сиёсий саводсизлар сони 70–75 фоизни ташкил қилади.

Ячейкалардаги оғриқли ҳолатлар қуйидагича:

а) ичкиликбозлик; в) партиявий интизомни бузиш, партиявий йиғилишларда иштирок этмаслик; б) партия аъзолари орасида давлат ва жамоат мулкларини талон-торож қилиш.<sup>1</sup>

Туркистон АССРдаги Ишчи-деҳқон милицияси ва Ишчи-деҳқон инспекцияси сингари назорат органларининг 1917–1924 йиллардаги фаолияти синчиклаб таҳлил қилинса,<sup>2</sup> партия

<sup>1</sup> ЎзРПДАнинг Фарғона вилояти ҳокимлиги филиали, 1088-фонд, 1-руйхат, 1-иш, 3–9-варақлар.

<sup>2</sup> Бу ҳақда тадқиқотчи А. Ерметов ўзининг номзодлик диссертацияси ва монографиясида махсус тўхталиб ўтган. Қаранг: Ерметов А. Туркистон АССРда назорат органлари ва уларнинг тоғалитар тузум ўрнатилишидаги ўрни (1918–1924 й.). Тарих фанлари номзоди... диссертация автореферати. – Т., 2006; Унинг ўзи. Туркистонда назорат органлари фаолияти (Ишчи-деҳқон

ташкilotларида мавжуд бўлган кўплаб иллатлар уларда ҳам борлигини кўриш мумкин. Туркистон АССР вилоятларидаги милиция органларининг фаолияти тўғрисида архивларда кўплаб ҳужжатлар сақланиб қолган. Бу ҳужжат ва ҳисоботларда милиция органлари ва милиционерларнинг аҳволи, улар йўл кўйган камчилик ва хатолар тўғрисида фикрлар мавжуд.

Вилоятлардан келаётган ана шундай ҳисоботлар асосида Туркистон АССР Милиция Бош бошқармаси бошлиғи Д. Саликов Туркистон ХКСга 1921 йил 6 мартда ёзган билдиришномасида милиция сафидаги ҳолатни кўйидагича кўрсатади: «Чекка қишлоқларда милиция ходимларига давлат томонидан ажратилган кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари (хусусан, гўшт, сариёғ, балиқ ва бошқалар) берилмайди. Сабаби, милиция бўлимлари ҳарбий таъминотга ўтказилганидан кейин биринчи навбатда жанговар ҳарбий қисмлар, сўнг орқа томондаги ҳарбий қисмлар ва учинчи навбатда милиция бўлимлари таъминланади. Ўз-ўзидан маълумки, милиция ходимларига ҳарбий қисмлардан қолган маҳсулотлар тарқатилади, агар ҳеч нарса қолмаса улар яна оч қоладилар. Ҳарбий қисмлардан узоқроқда жойлашган район милиция бўлимларида вазият бундан ҳам баттар, уларга белгиланган маҳсулотлар умуман етиб бормайди»<sup>1</sup>.

Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссарлиги томонидан вилоят милиция бўлимларида ўтказилаётган текширув ишлари 1921 йил сентябрда Фарғона вилоятида ҳам олиб борилди. Текширув натижалари юзасидан топширилган ҳисоботда келтирилишича, Фарғона вилояти бўйича барча милиция ходимлари оч ва яланғоч бўлиб, улар умуман ҳолдан тойган. Тез орада совуқ тушади, милиция идораларида эса кийим-бошнинг ҳеч бир тури (шинель, этик, иссиқ кийим ва бошқалар) қолмаган, ходимлар озиқ-овқат билан таъминланмаган. Бу ерда ойликнинг бошқа ташкilotларга нисбатан жуда камлиги натижасида бошқармадаги ходимлар ўз хизматларини ташлаб, бошқа комиссарликларга ўтиб кетмоқдалар. Оддий милиция ходимлари эса «босмачилар» сафига қўшилмоқдалар, чунки уларда бизга

---

милицияси ва Ишчи-деҳқон инспекцияси 1917–1924 йилларда). – Т.: Abu matbuot-konsalt, 2007.

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 339-фонд, 1-руйхат, 176-иш, 187-варақнинг орқаси.

қараганда шароит анча яхши, улар кийинтирадилар, озиқ-овқат билан таъминлайдилар ва кўпроқ ойлик тўлайдилар<sup>1</sup>.

Тошкент уезд-шаҳар милиция бўлими бошлиғи С. Ринкевич «Туркистон милициясининг фаолияти ҳақида» Милиция Бош бошқармасида 1922 йил 31 майда қилган маърузасида милиция фаолиятидаги нохуш ҳолатларнинг сабабини аниқ ва равшан қилиб тушунтириб беради. Нотиқ Милиция бўлимларининг фаолиятига батафсил тўхталишдан олдин Туркистон милицияси сафларидаги қайгули ҳолатнинг сабабларини кўрсатиб ўтган. Маърузанинг қисқача мазмунидан англашиладики, бу сабаблар уч турга бўлинади: одатдаги, яъни ўз-ўзидан бўладиган, умумий ва техник сабаблар. Учинчи сабаб битта – камбағаллик (ёки қашшоқлик) сўзи билан изоҳланади. Нотикнинг фикрича, камбағаллик ҳамма жойда – бошқарув органларида, оддий ходимлар орасида, отличлар таркибида, қурол-яроғ, озиқ-овқат, девонхонадаги асбоб-ускуна масалаларида, қисқаси, таъминот билан боғлиқ бўлган барча тармоқларда ҳукм сурмоқда. Факт ҳамда аниқ рақамларга ўтишдан олдин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, келтирилган рақамлар ташкилотдаги аянчли аҳволни ҳақиқий маълумотлар асосида тасвирлаб беради<sup>2</sup>.

Совет режими 1920 йили Туркистон ўлкасини советлаштириш жараёнидаги янги босқични бошлади. 1920 йил февралда Хива хонлиги, 1920 йил сентябрда Бухоро амирлиги қизил армиянинг ҳарбий қисмлари томонидан ағдариб ташланди. 1919 йил 8 октябрда Бутунроссия МИК ва РСФСР ХКСнинг Туркистон ишлари бўйича комиссияси (Турккомиссия) ҳамда 1920 йил июнда РКП(б) МК Туркистон бюроси (Туркбюро) тузилиб, Туркистонга жўнатилди. Туркбюро Марказнинг гоявий-сиёсий таъсирини кучайтириш мақсадида большевиклар партияси сафларини мунтазам равишда «ёт унсурлар»дан тозалаб турди. Бу вазифани амалга ошириш учун Марказ Туркистон минтақасига доимий равишда «тажрибали партия ва совет

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1327-иш, 76-варақ; Ўзбекистон МДА, 339-фонд, 1-руйхат, 111-иш, 99-варақнинг оркаси.

<sup>2</sup> Ерметов А. Туркистонда назорат органлари фаолияти. (Ишчи-деҳқон милицияси ва Ишчи-деҳқон инспекцияси 1917–1924 йилларда). – Т.: Abu matbuot-konsalt, 2007. – Б. 127.

ходимлари»ни, яъни ўз вакилларини жўнатиб турди. Кейинчалик РКП(б) МК Туркистон бюроси ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси (Средазбюро)га айлантирилди.

Шу даврдан эътиборан Туркистонда большевиклар партиясининг якка ҳукмронлиги бошланди. Совет ҳокимиятининг сўнги 70 йиллик тарихи давомида «партия» сўзи тилга олинганда фақат Коммунистик партия кўзда тутилди. Коммунистлар бутун совет жамиятида ҳал қилувчи сиёсий кучга, давлат ичидаги давлатга айландилар. Коммунистларнинг ҳукмронлик мавқеига ҳатто совет Конституциясида махсус модда билан ҳуқуқий жиҳатдан қонуний тус берилди. Бу ҳолат совет жамиятида, бир томондан, коммунистларнинг мавқеини оширишга хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан, халқ ўртасида «коммунистик элита» – бошқарув тизимининг обрўсизланишига, коммунистларнинг халқ нафратига учрашига олиб келди. Совет жамиятида коммунистларга нисбатан нафрат аста-секин, бироқ муттасил равишда кучайиб борди.

Аммо бундай ҳолат акс этган ҳужжат ва ҳисоботлар ўта махфий бўлиб, улар билан санокли партия раҳбарлари таниш эди. РСФСРда, кейинчалик СССРда большевиклар партияси органлари билан партия комитетларининг алоқалари яширин ва конспиратив характерга эга эди. 1920 йилдан РКП(б) МКда махфий директива бўлими ташкил этилганди. Унинг ваколатига МКга келган махфий ҳужжатларни қайд этишгина эмас, балки МКнинг пленумлари, сиёсий бюро, ташкилий бюро қарорларининг бажарилиши юзасидан иш юритишни ташкил этиш, чет элдаги яширин партиялар билан алоқада бўлиш, партиявий шифрни тайёрлаш ва тарқатишдан иборат ишларни йўлга қўйиш, телеграммаларни шифровка қилиш ва шифрдан ажратиш каби ишларни амалга ошириш кирган. Большевиклар партияси ичида уч ўлчамли махфийлик – юқоридан қуйига (Райкомлардан халқ оммасигача), қуйидан юқорига (партиянинг қуйи ижрочи органидан юқори раҳбар ташкилотларигача), горизонтал йўналишда (тенгдан тенггача) мавжуд бўлган. Махфийликнинг бундай тизими аппаратнинг кўплаб фаолияти катта «аппаратчи»ларнинг ўзларидан ҳам хуфёна кечишини таъминлаган. Махфийлик совет даври тарихининг умумий манзарасига айланди. Коммунистик ҳокимият ўзининг сўнги кунларигача ашаддий



махфийлик шароитида яшади. Партия аппарати тинчлик шароитида ҳам душман куршовидаги яширин партия қўллаган усул ва воситаларни қўллади. Бу партия аппаратида СССРдаги барча давлат идоралари бўйсуниб, давлатнинг барча кудрати унинг измида эди.

1924 йил 19 августда РКП(б) МКнинг пленумида «РКП МКнинг конспиратив ҳужжатлари билан ишлаш қоидаси» тасдиқланади. Ушбу Қоидада конспиратив ҳужжатларга очиқчасига шундай таъриф берилади: «МКнинг конспиратив ҳужжатлари деб МК Сиёсий бюроси, Ташкилий бюро ва Секретариати пленуми протоколлари, шунингдек, МКдан «ўта махфий» ёзуви билан чиқадиган ҳужжатлар (қарорлардан кўчирма ва шу кабилар) ҳисобланади».

Бу ҳужжатлар тарқатиладиган ходимлар МК котиблари томонидан белгиланиб, шахсий манзил кўрсатилган. Яна қоидада «ушбу конспиратив ҳужжатни олган шахс, мабодо МКнинг кўрсатмаси бўлмаса, унинг ким бўлишидан қатъи назар ўзга кишига бериши, таништириши мумкин эмас эди. Ушбу ҳужжатдан кўчирма ва нусха олиш қатъиян ман этилади, деб таъкидланган. «Қайтарилиши шарт» деб белги қўйилган ҳар қандай материал ва ҳужжатлар ҳеч бир истисносиз белгиланган муддатда МК Секретариат Бюросига топширилиши шарт бўлган. Белгиланган муддатда уч марта протокол қайтарилмаса, вақтинчалик жўнатиш тўхтатилган. МК секретариатига қайтарилган ҳужжатлар МК секретариати томонидан тасдиқланган комиссия томонидан ҳар икки ҳафтада бир марта куйдириб йўқотилган.

Махфий маълумотлар бир неча серияларга бўлинган. Алоҳида муҳим бўлган «К» серияси мутлақо махфий бўлган буйруқлар, ёзишмалар ва докладларни қамраб олган. «К» серияси ҳужжатлари кўрсатилган манзилдаги масъул ходимнинг қўлига берилиб, олинганлиги ҳақида пакетга имзо қўйилиши шарт бўлган. Адресат томонидан конверт бир суткадан ортиқ тутиб турилиши мумкин эмасди, бу ерда ҳужжатлар қайтарилмаслиги ҳақида мутлақо гап бўлиши ҳам мумкин эмас эди. «К» сериясидаги корреспонденциянинг ўта жиддий иш эканлигини ОГПУнинг фельдегерь корпуси бошлиги Жуковнинг фельдбўлимлар бошлиқлари йиғилишида айтган сўзлари ёрқин ту-

шунтириб беради: «Мабодо сиз 50 ёки 100 минг рубль йўқотиб қўйсангиз аҳвол чатоқ, аммо сиз «К» сериясидаги 5 та пакетни йўқотсангиз аҳвол ундан кўра кўп марта ёмонроқдир. 10–15 минг йўқотган кишиларга коллегия 3–5 йил қамоқ жазоси беради. Иккита махфий хат йўқотган масъул ходим баъзан 10 йил қамоққа, баъзан олий жазога ҳукм қилинади». «А» литерли корреспонденция (срочно-секретно) ва «В» серияси (секретно, но не срочно) давлат органларининг ўта махфий ёки махфий ёзишмалари бўлиб, унда ОГПУ–НКВДнинг фельдалоқаларидан фойдаланилган.<sup>1</sup>

Хулоса қилиб айтганда, XX аср бошларида Туркистон жамиятида катта ўзгаришлар рўй берди. Россия империясининг чекка ўлкаси ҳисобланган Туркистонда, бир томондан, чоризмининг мустамлакачилик сиёсати авж олдирилган бўлса, иккинчи томондан, турли сиёсий ҳаракатлар, партиялар ва жамиятлар ташкил топиб, улар ўлкани асрий қоқоқлик, жаҳолат ва мустамлакадан озод қилиш учун курашдилар. Ана шундай ҳаракатлардан бири Туркистон жамиятида салмоқли кучга эга бўлган тараққийпарварлар ҳаракати эди. Туркистон тараққийпарварлари (жадидлари) XX аср бошларидан бошлаб ўз сиёсий қарашларини дадил баён қилишди.

Туркистон тараққийпарварлари сиёсий курашларининг янги босқичи 1917 йилдан бошланди. Февраль инқилоби Туркистон жамиятига, туркистонликларнинг турмушига сезиларли таъсир кўрсатди. 1917 йил баҳорида Туркистон ўлкасининг Самарканд, Скобелев (ҳозирги Фарғона), Қўқон, Андижон қаби йирик шаҳарларида турли жамиятлар ва уюшмалар ташкил топди, сиёсий партиялар тузилди. Бу ҳолат Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида ҳам кузатилади. Жадидларнинг миллий давлатчиликни тиклаш ҳақидаги ғоялари 1917 йил кузида ўз самарасини берди. Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ташкил топиши ва қисқа муддатли фаолияти жадидлар фаолиятининг чўққиси бўлди.

Бироқ Туркистон жамиятида, хусусан, Россия империясининг марказий шаҳарларида 1903 йилдан бошлаб сиёсий

<sup>1</sup> Павлова И. Механизм политической власти в СССР в 20–30 годы // Вопросы истории, 1998, №11–12. – С. 56–65.

оқим ва таълим сифатида пайдо бўлган бошқа бир сиёсий партия – большевиклар 1917 йил октябрда ҳокимиятни зўравонлик билан босиб олдилар. 1917 йил ноябрда большевиклар томонидан совет ҳокимияти Туркистонда ҳам ўрнатилди. «Большевизм балоси» (Фитрат ибораси) Туркистон жамиятини ҳам емиришга киришди. Туркистон Мухторияти ҳукуматининг 1918 йил февралда Тошкентдан юборилган ҳарбий кучлар ёрдамида ағдариб ташланиши Совет ҳокимиятининг нафақат Туркистон ўлкасида, балки бутун совет Россиясида амалга оширган дастлабки хуружи, большевизмнинг биринчи хужуми, тинч аҳолига нисбатан қўллаган илк хунрезлиги сифатида тарихда қолди.

Большевиклар партиясининг дастурий ҳужжатларида, хусусан, партия «доҳийлари» В.И. Ленин ва И.В. Сталиннинг миллий масалага оид асарларида большевикларнинг «миллий ўз-ўзини бошқариш» сиёсатининг асосий тамойиллари кўрсатилган эди. «Доҳийлар»нинг фикрича, большевиклар миллий зулмга қарши бўлган. Бу ҳолат совет ҳокимиятининг дастлабки расмий ҳужжатларида, миллий масалага оид қабул қилинган декларациялар ва қарорларда ҳуқуқий жиҳатдан ҳам ўз аксини топган эди. Бироқ сўзи билан иши бир бўлмаган большевиклар ҳокимиятни босиб олган дастлабки кунлардан бошлаб икки-юзламачилик ва мустамлакачилик сиёсатини олиб боришди. Бир томондан, 1917 йил охирида Россия империясининг собиқ мустамлакалари – Финляндия ва Польшанинг мустақиллиги совет ҳокимияти томонидан эътироф этилди. Иккинчи томондан, демократик Россия Федерацияси таркибида мухторият эълон қилган ва Россиядан ажралиб чиқишни кўзда тутмаган Туркистон Мухторияти ҳукумати большевикларнинг ҳарбий кучлари томонидан ағдариб ташланди, Қўқон шаҳри ва унинг атрофларида тинч аҳоли қирғин қилинди. Большевиклар Туркистон, Кавказ, Украина ва собиқ империя худудида яшовчи бошқа халқларга ҳеч қандай мустақиллик бермадилар. Бу ўлкаларда яшовчи туб аҳолининг миллий давлатчилик тузиш йўлидаги ҳар қандай интилиши «буржуа миллатчилиги» деб баҳоланди ва уларга қарши аёвсиз кураш олиб борилди.

Большевиклар томонидан ўрнатилган совет ҳокимияти тез орада тоталитар давлатга айланди. Мустабид совет режими

қарор топди. Большевиклар ижтимоий ҳаётда бошқа сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва кучларнинг мавжуд бўлишига тоқат қила олмай, 1918 йил кузидан бошлаб якка ҳукмрон партия ролини ўйнади. Бу ҳолат Туркистон ўлкасида ҳам кузатилди. Туркистонда большевиклар билан бирга совет ҳокимияти тепасига келган эсерлар, сўл эсерлар, меньшевиклар, максималистлар, интернационалистлар ҳамда бошқа сиёсий партиялар ва кучларнинг вакиллари 1919 йил бошларида ҳокимиятдан батамом четлаштирилди ва қамоққа олинди. Мусулмон жамиятлари ва ташкилотлари тугатилди, уларнинг аъзолари ва тарафдорлари эса большевиклар томонидан қатагон қилинди. Хуллас, Туркистон ўлкасида ҳам якка партия ҳукмронлиги қарор топди. Большевиклар совет жамиятида асосий раҳбар кучга айландилар. Большевизм (коммунизм) таълимоти эса ягона тўғри таълимот ва дунёқараш сифатида тан олинди.

Совет тоталитар давлатчилигининг асосий белгилари XX асрнинг 20–30-йилларида шаклланиб бўлди. В.И. Ленин томонидан асос солинган, И.В. Сталин томонидан ривожлан-тирилган ва ҳаётга татбиқ этилган СССРда социализм куриш режаси бу давлатчиликнинг асосий мақсади эди. Тоталитар давлатчилик авторитар режимга таянган ҳолда иш олиб борди. Коммунистик ғоя бу давлатчиликнинг асосий қон томири бўлган. Ўзбек халқи ўз тақдирини ўзи мустақил ҳал қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Туркистонда миллий давлатчиликни қайта тиклаш учун совет режимига қарши курашган жадидлар ва истиқлолчилар мағлубиятга учрадилар. Хуллас, Ўзбекистон ҳудудида совет давлатчилиги мажбурий равишда қарор топтирилди.

## II боб. Тоталитар бошқарув тизимининг қарор топиши ва унинг марказлаштирилиши (1920–1924 йиллар)

### 2.1. Марказнинг ваколатли органлари – мустабид бошқарувнинг негизи

Туркистон ўлкасида совет ҳокимияти зўравонлик йўли билан ўрнатилгач, ўлка Халқ Комиссарлари Совети тузилган дастлабки кунларидан бошлаб Марказ сиёсатини амалга оширишга киришди. Туркистон ўлкаси янги ҳукумати 1917 йил 23 ноябрда аҳолига қилган мурожаатида ўзининг асл мақсадларини яшириб ўтирмади: «Халқ Комиссарлари Совети Марказий ҳокимиятнинг барча декретларини оғишмай амалга оширади ва ўз фаолиятида съезднинг юқорида кўрсатилган қарорларига амал қилади. Бу топшириқларни бажариш йўлидаги ҳар қандай қаршилик советлар томонидан кескин чоралар кўриш билан кутиб олинади»<sup>1</sup>.

Ўлка комиссарлиги таркибида бўлган ва бошқарувда асосий роль ўйнайдиган ҳарбий, ташқи савдо, шунингдек, почта, телеграф ва темир йўллар бошқаруви масалалари бутунлай Россиядаги тегишли идоралар ихтиёрига бериб қўйилдики, оқибатда Туркистон ўлкаси ХКС ижрочи органга айланиб қолди. Марказдан юборилган барча масъул ходимлар, турли комиссия ва ташкилотлар ўз сиёсатларини қўғирчоқ органга айланган ўлка ХКС орқали юритдилар.

В.И. Лениннинг буйруғи билан большевик П.А. Кобозев Ўрта Осиёга фавкулдда комиссар сифатида жўнатилди. У 1918 йил апрель ойининг бошларида Тошкентга етиб келди. 1918 йил 10 апрелда П.А. Кобозев Тошкентда махсус буйруқ чиқариб, совет ҳукуматининг Ўрта Осиёдаги фавкулдда комиссари лавозимини бажаришга киришганлигини қуйидагича таъкидлайди: «Ҳукуматнинг Ўрта Осиё бўйича алоҳида ваколатларини ўз зиммамга олган ҳолда Туркистон ўлкасини буткул бошқаришга мен бугундан бошлаб киришдим».<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, И-22-фонд. 1-рўйхат, 1380-иш, 74-варақ.

<sup>2</sup> Қаранг: «Наша газета», 13 апреля 1918 г.; *Хасанов К. Пётр Алексеевич Кобозев.* – Т.: Ўзбекистан, 1979. – С. 42.

Ўлкада вужудга келган алохида вазият туфайли ҳамда сиёсий курашларнинг натижаси ўлароқ Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети қайта ташкил қилинади. 17 апрелда бўладиган ўлка съездига янги таркибдаги Туркистон ҳукумати ҳақидаги масала қўйилади.<sup>1</sup>

Туркистон ўлкасининг «янги хўжайини» 1918 йил 11 апрелда буйруқ чиқариб, Туркистон Совет Республикаси таркибини қуйидагича эълон қилди:

Совет (ҳукумат) раиси: Ф.И. Колесов.

Халқ хўжалиги кенгаши: Полторацкий (меҳнат ва пахта тармоғи), Совет (ҳукумат) аъзоси; Ляпин (озик-овқат), ҳукумат аъзоси; Казаков (озик-овқат), ҳукумат аъзоси; Сафонов (балиқчилик); Аниаловский (тоғ-кон саноати); Вотинцев (Меҳнат биржаси бошлиғи ва Туркистон ўлкаси ХКС нашр органлари бўйича маълумот берувчилар бошлиғи); Романов (ер-сув ишлари), ҳукумат аъзоси; Домогатский, Крутоголовов (махсус топшириқлар); Панюшкин.

Ҳарбий штаб: Стасиков (штаб бошлиғи, ҳукуматнинг вақили); Степанов, Колузаев, Белов, Кузьмин, Тузин, Осипов, Павлов, Цируль.

Фуқаролик маъмурий бўлими: Агапов (ҳукумат аъзоси); Габитов (мусулмонлар ташкилоти), ҳукумат аъзоси.

Молия бўлими: Богоявленский, ҳукумат аъзоси; Успенский, ҳукумат аъзоси.

Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш: Вайнштейн (Кушқадан).

Миллий ишлар: Чегодаев, ҳукумат аъзоси.

Юстиция: Сидоров, ҳукумат аъзоси.

Секретарь: Рожков.<sup>2</sup>

Совет Россиясининг Ўрта Осиёдаги фавкулудда комиссари П.А. Кобозев ва Туркистон ўлка ХКС раиси Ф.И. Колесовнинг Марказдан 100 млн рубль ёрдам сўраб 1918 йил 25 мартда юборган телеграммаси диққатга сазовордир. Телеграммада Туркистон ўлкаси Россия саноатининг йирик хом ашё

<sup>1</sup> Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т. II. Упрочение советской власти в Узбекистане. Сборник документов. – Т.: Фан, 1972. – С. 227.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 35-иш, 214-варақ ва унинг орқаси.

базаси ва таянчи эканлиги алоҳида уктирилади. Шунингдек, коммунистлар бу телеграммада рус инқилобчилари ҳанузгача буткул қоқоқ Осиё халқлари орасига суқилиб кира олмайётганлигидан зорланишади.<sup>1</sup>

Марказ вакили П.А. Кобозевнинг миссияси Туркистон Республикасини бошқариш билангина чекланмасдан, унга Бухоро ва Хивани босиб олиш ҳам кирар эди. У 1918 йил апрель ойи ўрталарида Россия Халқ Комиссарлари Советига юборган радиотелеграммасида шундай маълумот етказди: «Мен Оренбургдан телеграф орқали Москвага хабар қилган ўз шахсий маърузамда аввал кўрсатиб ўтганимдек, Бухорода кўзғолон кўтаришнинг иложи бўлмади, бироқ сунъийлаштирилган хоинларча ифвогарлик ва провокация ишлари давом этмоқда.

Мен томонимдан «Қизил Армия» таҳририятига юборилган ҳужжатлар эълон қилинганидан кейин маълум бўлдики, Қўқондаги кўзғолон билан Дутов ўртасида алоқа бор экан».<sup>2</sup>

Туркистон Советларининг V ўлка съезди (1918 йил 20 апрель – 1 май) Совет Туркистонининг қонун чиқарувчи олий органи – 36 кишидан иборат (18 тадан большевиклар ва сўл эсерлар кирган) Туркистон Совет Республикаси Марказий Ижроия Комитети (ТСР МИК)ни сайлади.

Туркистон МИК раиси қилиб Марказдаги ҳукуматнинг фавқулудда комиссари П.А. Кобозев (хамраис қилиб А. Солькин) сайланган. Шунингдек, Туркистон Совет Республикаси Халқ Комиссарлари Совети (ТСР ХКС) таркибига 16 киши (9 та большевик ва 7 та сўл эсер) киритилди. Ф. Колесов Туркистон ХКС раиси қилиб сайланди. Биринчи марта маҳаллий миллат вакилларида 4 киши – С. Жўрабоев, С. Юсупов, Ш. Остонбоев, С. Азимбоевлар Туркистон МИК аъзолигига сайланди. Саъдуллаҳўжа Турсунҳўжаев (ТСР Соғлиқни сақлаш халқ комиссари), Тошхўжа Ашурхўжаев (ТСР Миллатлар ишлари халқ комиссари) туб халқларнинг дастлабки вакиллари сифатида совет ҳукумати таркибига киритилди. Шунингдек, татарлардан Исмоил Обидий ТСР Ички ишлар халқ комиссари ва Ҳ. Иброхимов Адлия халқ комиссари қилиб сайланди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 25-фонд, 1-руйхат, 20-иш, 401-варак.

<sup>2</sup> «Наша газета», 10 апреля 1918 г.

Марказ Туркистон ўлкасини советлаштириш жараёнини амалга ошириш учун барча воситаларини ишга солди. Биринчидан, совет Россиясининг Туркистондаги сиёсий ҳукмронлиги ўлкада совет асосидаги автономиянинг ўрнатилиши (1918 йил апрель) билан йўлга қўйилган бўлса, бу жараённинг иккинчи босқичи давлат бошқаруви асосий функцияларининг федерал «қонуний» ҳукуматга топширилиши конституция йўли билан расмийлаштирилиши (1918 йил октябрь)дан иборат бўлди.

Совет Россияси Туркистон ўлкасининг сиёсий ва иқтисодий қарамлигини ҳуқуқий йўл билан «қонуний» жиҳатдан мустаҳкамлагач, ўлкани бошқариш учун Марказ манфаатларининг сўзсиз ижрочиси бўлган ўз эмиссарларини жўната бошлади. Туркистон минтақаси Марказ билан вақтинчалик боғланиб турган қисқа муддат ичида (1919 йил январь–апрель) Кремль ҳукумати бу ерга «тажрибали партия ва совет ходимлари»дан иборат ана шундай эмиссарлар юборишни мунтазам йўлга қўйди.

1919 йил 12 февралда РКП(б) МК ва РСФСР ХКСнинг Туркистон ишлари билан шуғулланувчи Алоҳида муваққат комиссияси тузилди. Ш.З. Элиава раислик қилган бу комиссияга А.С. Киселёв ва П.А. Кобозев киритилган эди.<sup>1</sup> Бу ҳақда РСФСР ХКС томонидан 1919 йил 12 февралда берилган махсус мандатда сўз боради.<sup>2</sup>

Муваққат Туркистон комиссиясининг вазифалари РКП(б) МК кўрсатмаси билан РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссари И.В. Сталин томонидан 1919 йил 12 февралда ёзилган «Туркистондаги советлар ва партия ташкилотларига»<sup>3</sup> махсус хат ва «Правда» газетасида 2 мартда босилган «Бизнинг Шарқдаги вазифаларимиз»<sup>4</sup> номли мақолада батафсил баён қилинди. 1919 йил 17 мартда бўлган РКП(б) МК пленумида муваққат Туркистон комиссияси таркибига қўшимча равишда Ф.И. Голошчекин ва Г.И. Бокийлар киритилди. Лекин комиссия

<sup>1</sup> Ўрта Осиё Коммунистик ташкилотларининг тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1969. – Б. 348.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 87-иш, 1-варак.

<sup>3</sup> Сталин И. Совдедам я партийным организациям Туркестана // Сочинения. Т. 4. – М.: ОГИЗ, 1947. – С. 230–231.

<sup>4</sup> Сталин И. Наши задачи на Востоке // «Правда», №48. 2 марта 1919 г.



аъзоларидан фақат П. Кобозев бошчилигидаги бир гуруҳ ходимлар 4 март куни Тошкентга етиб келишди, холос. Комиссия Тошкентда 1919 йил январь ойида бўлган Осипов исёни натижасида деярли раҳбариятсиз қолган Туркистон Республикасида бутун бошқарувни ўз қўлига олиши, ўлкада Россия ҳукумати-нинг декрет ва қарорлари сўзсиз бажарилишини қатъий назорат қилиши керак эди.

Туркистон ўт-олов ичида ёнаётган бир пайтда – 1919 йил 8 октябрда В.И. Ленин Бутунроссия МИК ва РСФСР ХКСнинг Туркистон ишлари бўйича комиссияси (Турккомиссия)ни Ш.З. Элиава (раис), В.В. Куйбишев (раис муовини), М.В. Фрунзе, Г.И. Бокий, Ф.И. Голошчекин, Р.Э. Рудзутакдан иборат таркибда тузиш тўғрисидаги қарорни имзолади. Туркистон комиссиясининг асосий таркиби 1919 йил 4 ноябрда Тошкентга етиб келди. М.В. Фрунзе ва Г.И. Бокий бирмунча вақт Самарада ушланиб қолиб, сўнгра Тошкентга келишди. Туркистон комиссияси амалда минтақадаги барча партия, совет, хўжалик ва ҳарбий ташкилотларга раҳбарлик қилиб, Марказдаги большевистик сиёсатни қатъий равишда амалга оширишга киришди. Туркистон комиссияси ўлка тарихида ўта машъум роль ўйнади.

Тарихий тадқиқотларда келтирилишича, Туркистон комиссияси аъзолари ўртасида вазифалар куйидагича тақсимланган: Ш.З. Элиава – комиссия раиси, шунингдек, унга Туркистон совет ва маъмурий муассасаларига раҳбарлик қилиш ҳам топширилган; В.В. Куйбишев ҳарбий сиёсат масалалари билан шуғулланди (у 1920 йил майидан бошлаб Турккомиссияга раислик қилди) ва Ф.И. Голошчекин билан бирга партиявий ишларга раҳбарлик қилди; Я.Э. Рудзутак эса иқтисодий сиёсат ва озик-овқат органларига раҳбарлик қилиш билан шуғулланди.<sup>1</sup> Шунингдек, М.В. Фрунзе ҳарбий ҳаракатлар билан бевосита шуғулланса, Г.И. Бокий республикадаги ЧК (Фавқулодда комиссия) органлари ва Туркистон фронтининг Махсус бўлим ишларини назорат қилиши лозим эди.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг тарихи. – Б. 400.

<sup>2</sup> Акрамов А., Авлиякулов К. В.И. Ленин, Турккомиссия и укрепление Советский власти в Средней Азии. – Т.: Узбекистан, 1991. – С. 42.

В.И. Лениннинг «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» хати ва Шарқ халқлари коммунистик ташкилотларининг 2-Бутунроссия съездида 1919 йил 22 ноябрда қилган доклади Туркистон комиссияси аъзолари учун кўрсатма бўлиб хизмат қилди. Большевиклар партиясининг дохийси бу «кўрсатмалари»да ўзининг шовинистик туйғуларини усталик билан никоб-лаб, «Туркистон халқлари билан тўғри муносабат боғлаш эндиликда Россия Социалистик Федератив Совет Республикаси учун, ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, жуда катта жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эгадир»<sup>1</sup>, – деган фикрни билдирган эди.

Совет ҳокимияти ўз кўрсатмалари бажарилишини осонлаштириш, туб халқларни янги ҳокимиятдаги бошқарув ишларига жалб қилиб, туркистонликларни ўз томонларига ағдартиш учун кейинчалик Туркистон комиссияси фаолиятига маҳаллий халқ вакилларида иборат миллий «коммунистлар»ни ҳам жалб қилди. Абдулла Раҳимбоев ва Собир Юсупов (иккаласи ҳам ўзбек), Назир Тўрақулов ва Султонбек Хўжанов (иккаласи ҳам козок), Қайғусиз Отабоев (туркман), шунингдек, В.П. Ногин (рус), Д.Ю. Гопнер (яхудий) 1920 йил январда Туркистон комиссиясининг аъзолари бўдилар. Бундан ташқари, Турор Рисқулов ва Юсуф Ибрагимовлар Турккомиссия таркибига киритилди.<sup>2</sup>

Туркистон ўлкасида совет режимига қарши бошланиб кетган қуролли ҳаракат<sup>3</sup> Марказий ҳукуматни маҳаллий аҳолига нисбатан олиб бораётган сиёсатни бир оз юмшатишга мажбур қилди. РКП(б) МКнинг 1919 йил 12 июлда Туркистон Компартияси (ТКП) Ўлка комитети ҳамда Туркистон МИК номига йўллаган радиограммасида маҳаллий аҳолини давлат фаолиятига иштирок этишга кенг жалб қилиш зарурлиги қуйидагича кўрсатиб ўтилган эди: «...ишчи-деҳқон ҳукуматининг Шарқдаги сиёсати манфаатларини кўзлаб, Туркистоннинг ерли аҳолисини,

<sup>1</sup> В.И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 1984. – Б. 365.

<sup>2</sup> Акрамов А., Авлякулов К. В.И. Ленин, Турккомиссия и укрепление Советской власти в Средней Азии. – Т.: Узбекистан, 1991. – С. 47.

<sup>3</sup> Совет даври тарихий адабиётларида “босмачилик” деб қораланган ҳаракат кўзда тутилган.

партияга мансубликни шарт қилиб қўймай, номзодларнинг мусулмон ишчи ташкилотлари томонидан кўрсатилганлиги билан кифояланиб, давлат ишларига кенг, пропорционал тарзда жалб этиш лозим».<sup>1</sup>

Буюк давлатчилик шовинизми билан заҳарланган бир гуруҳ масъул партия ва совет ходимлари бу радиограммага қарши чиқишди. «Актив гуруҳ» деб номланган бу гуруҳга Туркистон МИК раиси А.А. Казаков, унинг ўринбосари К. Успенский, Туркистон ХКС раиси К.Е. Сорокин ва уларнинг тарафдорлари кирган эди. Улар РКП(б) МК номига йўллаган телеграммада ўлкани бошқаришга маҳаллий аҳолини кенг жалб қилиш ҳақидаги директивани тезлик билан бажариш мазкур минтақада Совет ҳокимиятининг ҳалокатига олиб келиши мумкинлигини исботлаб кўришга уриндилар.

Марказ Туркистон Комиссияси (Турккомиссия) фаолиятини янада кучайтириш ҳамда партиявий раҳбарликни амалга ошириш учун янги ташкилот тузди. 1920 йил июлда РКП(б) МКнинг Туркистон бюроси (Туркбюро) ташкил қилинди ва у Москвадан Туркистонга жўнатилди. Туркбюро ҳам Турккомиссия сингари Тошкентда фаолият кўрсатди.

Туркистон бюроси партия ташкилотларини назорат қилиши, республика коммунистларининг «ғоявий штаби» бўлиши керак эди. Туркистон бюросининг дастлабки таркиби РКП(б) МК Ташкилий бюроси томонидан 1920 йил 29 июлда қуйидагича тасдиқланди: Г.Я. Сокольников (раис), Л.М. Каганович, Я.Х. Петерс, Г.И. Сафаров, Я.З. Суриц.<sup>2</sup> Туркистон бюроси Туркистон Комиссиясининг издоши ва партиявий раҳбари сифатида минтақада Марказнинг мустамлакачилик сиёсатини ўтказишга интилди. Шунингдек, 1920 йил 29 июлда Туркистон Комиссиясининг янги таркиби Г.Я. Сокольников бошчилигида Москвада тасдиқланган эди.

Туркистон бюроси фаолиятини 1920–1922 йилларда Г.Я. Сокольников, Я.Э. Рудзутақ, А.А. Иоффе ва С.И. Гусев бошқарди. Туркистон бюроси таркибига 1921 йил декабрдан

<sup>1</sup> «Туркестанский коммунист», 16 июля 1919 г.

<sup>2</sup> Гражданская война и военная интервенция в СССР. Энциклопедия. – М.: Советская энциклопедия, 1987. – С. 612–613.

бошлаб маҳаллий раҳбарлардан Қайғусиз Отабоев (туркман), Абдулла Раҳимбоев (Ўзбек), Назир Тўрақулов (козоқ), Файзулла Хўжаев (Ўзбек) киритилди.

Туркистон бюроси Марказнинг Туркистон минтақаси-даги ишончли мафкуравий идораси эди. Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида большевиклар ташкил қилган коммунистик партияларга бюро «ғоявий-ташкилий» жиҳатдан «ёрдам бериши ва мустаҳкамлаши» лозим эди. Аслида Туркистон бюросининг ташкил қилинишига Бухоро амирлигининг босиб олиниши, Ўрта Осиё республикаларида совет режимига қарши кураш ҳаракатининг кучайиши, кейинчалик Туркистон АССР, БХСР ва ХХСРдаги бир қатор раҳбар кадрларнинг Миллий манфаатларни қатъийлик билан ҳимоя қилиши, Миллий республикаларда «советлаштириш» жараёнининг жадаллик билан амалга ошмаётганлиги, энг асосийси, Марказнинг Ўрта Осиё республикаларидаги маҳаллий раҳбар кадрларга ишонмаслиги сабаб бўлган эди.<sup>1</sup>

Туркистон бюроси Марказнинг ғоявий-сиёсий таъсирини кучайтириш мақсадида партия сафларини мунтазам равишда «ёт унсурлар»дан тозалаб турди, миллий раҳбар ходимларнинг «ғоявий софлиги»ни назорат қилди. Бу вазифани амалга ошириш учун Марказ Туркистонга мунтазам равишда «тажрибали большевиклар»ни юбориб турди. Фақат 1921 йилда РКП(б) МК Туркистон бюроси ихтиёрига Марказдан 354 нафар коммунистларни эмиссарлар сифатида юборди.<sup>2</sup> Улар Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида масъул лавозимларда ишладилар. Марказ чиновниклари Туркистон халқларининг шарт-шароитлари, урф-одатлари ва хусусиятларини билмаган ҳолда зўравонлик билан ҳокимият органларида ҳукмронлик қилдилар. Улар маҳаллий аҳолининг ҳақ-ҳуқуқини менсимай уларнинг манфаатларига қарши сиёсат юритдилар.

Туркистон комиссиясига эса Марказнинг бошқа ташкилотларига нисбатан энг катта ва чексиз ҳуқуқ берилган эди. Уларнинг асосий вазифаси қандай қилиб бўлса ҳам Туркистонда

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 169.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 778-иш, 92-варак.

совет ҳокимиятини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш эди. Туркистон Комиссияси бу вазифани амалга оширишда асосий восита сифатида зўравонлик усулидан фойдаланди. У ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб ҳукмини ўтказишга ҳаракат қилди. Марказдан келган комиссия аъзолари, худди Туркбюро аъзолари каби, Туркистондаги миллий раҳбар ходимлар (миллий коммунистлар)нинг ўлка ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишларига, Марказ сиёсатига қарши чиқишларнинг барча кўринишларига қарши аёвсиз курашдилар. Айниқса, Туркистон минтақасидаги истиқлолчилик ҳаракатини тугатиш учун комиссия барча имкониятларини ишга солди. Туркистон комиссиясини тугатиш учун интилган Турор Рискулов ва унинг тарафдорлари масъул лавозимлардан олиб ташланди ва ўлкадан бадарға қилинди. Миллий раҳбар ходимларга нисбатан таъқиб ва қатағон сиёсати қўлланилди. Совет ҳокимиятига хайрихоҳ бўлмаган маҳаллий аҳоли вакиллари «босмачилар»га шерик сифатида қораланиб ёки бошқа анти-совет ҳаракатларда айбланиб, қамоқхоналарга ташланди. Уларнинг кўпчилиги ўша давр учун оммавий бўлган усулда – суд ва сўроқсиз отиб ташланди. XX аср 20-йилларида ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари совети аъзоларидан жазо экспедициялари тузиш ва режа асосида фаолият кўрсатиш талаб этилган.

Туркистон АССРда аслида Туркистон МИК ёки Туркистон ХКС эмас, балки Туркистон Комиссияси ва Туркистон бюроси ҳукмрон эди. Минтақада барча ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий масалалар фақат Туркистон Комиссияси руҳсати ва кўрсатмаси билан амалга оширилди.

Ўрта Осиёдаги охирги миллий давлатлар бўлган Хива хонлиги ва Бухоро амирлигининг тугатилишида Туркистон Комиссияси асосий роль ўйнади. Бу мустақил давлатларга нисбатан босқинчилик режалари Туркистон комиссияси аъзолари М.В. Фрунзе, В.В. Куйбишев, Ф. Голошечкин ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилди ҳамда Марказнинг руҳсати билан амалга оширилди. Бухоро ва Хоразмда совет республикалари (БХСР, ХХСР; кейинчалик БССР, ХССР) ташкил қилиниши ҳам Туркистон Комиссияси «сценарийси» асосида бажарилди. Туркистон комиссияси минтақада мустамлакачилик

сиёсатини олиб борди, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги бойликларининг, минтақадаги хом ашё ресурсларининг мунтазам равишда Марказга олиб кетилишига раҳбарлик қилди.<sup>1</sup>

Хуллас, Туркистон комиссияси ва Туркистон бюроси минтақадаги барча ҳукумат органларидан устун туриб, республикадаги юқори партия ва давлат назоратини амалга оширдилар. Сиёсий назорат сифатида эса халқнинг барча қатламлари кайфиятидан туну кун бохабар бўлиб боришди. Бунда нафақат «антисовет элементлар», балки ишчи, деҳқон ва айниқса зиёлилар доимий назоратга олинди. Бундан ташқари, Марказ Туркистон ўлкасига партия, совет ва хўжалик ходимларининг кўп сонли «десантлар»ини мунтазам равишда юбориб турди. Фақат 1920 йилдан 1923 йилгача бўлган даврда Туркистон АССРга 1396 нафар Марказ вакили жўнатилди. Улар орасида большевиклар «генералитети»нинг С.М. Будённий, Г.И. Бройдо, Г. Бокий, С. Гусев, В.В. Куйбишев, С.С. Каменев, Л.М. Каганович, Ф. Голошчекин, А. Иоффе, В. Новин, Я.Э. Рудзутак, Я.Х. Петерс, Г. Сокольников, Г. Сафаров, С. Оржоникидзе, М. Томский, Л.Д. Троцкий, М.В. Фрунзе, Ш. Элиава каби таниқли намояндalари бор эди. Совет ҳокимияти йилларида бу «тажриба» муттасил равишда амалга ошириб турилди.

Марказ Туркистонни сиёсий жиҳатдан ўзига бўйсундиргач, иқтисодий соҳада ҳам ўзининг қатъий сиёсатини юритди. Туркистон ўлкасида мавжуд бўлган кўп тармоқли иқтисодиётдан воз кечилиб, мулкчиликнинг барча шакллари давлат тасарруфига олинди. Давлат мулки монополиясининг жорий қилиниши қаттиқ марказлаштиришни олдиндан белгилаб берган бўлиб, халқ хўжалигининг мустамлакачилик йўналишини сақлаб туришни осонлаштирди. Москвалик вакилларнинг сиқуви остида Туркистон АССР Советларининг VIII қурултойи (1919 йил октябрь)да қабул қилинган резолюцияда, жумладан, қуйидагилар бор эди: «Туркистоннинг иқтисодий

---

<sup>1</sup>1920 йил июлда РКП(б) МК Туркистон бюроси ташкил қилиниши муносабати билан Туркистон Комиссиясининг партиявий ваколати тўхтатилди. 1922 йил май ойида Туркистон бюроси РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси (Средазбюро) қилиб қайта тузилди. Ўрта Осиё бюросининг тузилиши билан 1922 йил 16 августда Туркистон комиссияси тугатилди.

сиёсати Россиянинг иқтисодий сиёсати билан қатъиян бир-галикда олиб борилиши лозим».<sup>1</sup>

Иқтисодий қарамликнинг янги андозасини қарор топтириш дастурида анъанавий равишда пахтачилик соҳасига ҳам алоҳида аҳамият берилди. Марказ раҳбарияти Туркистон ўлкасининг пахтачилик тармоғини марказлашган бошқарув тузилмалари таркибига киритди. Шу билан бирга, Туркистон қишлоқларидан озиқ-овқат маҳсулотлари кенг миқёсда ташиб кетила бошланди.

В.И. Лениннинг ташаббуси билан Совет Россиясининг барча жойларида ташкил қилинган озиқ-овқат отрядлари (продотрядлар) қишлоқ аҳолисини шафқатсизлик билан талаш йўлини тутди, ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини «тўплаш» ваҳшиёна зўравонлик, оммавий қон тўкишлар билан қўшиб олиб борилди. Масалан, Самарқанд вилояти Хўжанд уездининг Фалгар қишлоғида озиқ-овқат отряди қишлоқ Шўроси раиси ва бир неча деҳқонни тўкиб чиқарилган баҳоналар билан «донни яшириб қолди» деб отиб ташлаган. Сўнгра озиқ-овқат отряди томонидан қишлоқ аҳолисининг барча қимматбаҳо нарсалари зўравонлик йўли билан тортиб олинган. Бу воқеа тасвирлаб берилган махфий маълумотномада қайд этилганидек, «фалгарликлар одамлар... отилганидан кейин буни ўз кўзлари билан кўриб, совет ҳокимиятига ишонмасликларини ошқора равишда гапира бошлашган».<sup>2</sup>

Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини босиб олиб, бу худудларни янада руслаштириш ва советлаштириш мақсадини амалга ошириш учун «Марказ» ўзининг ваколатли органлари (Турккомиссия, Туркбюро, Туркфронт)дан унумли фойдаланди. Ана шу мақсадда большевиклар совет Туркистонида сиёсий муҳожир сифатида яшаётган Ёш бухороликлар ва Ёш хиваликларнинг радикал қисмидан 1918 йил ёзида Бухоро Коммунистик партиясини, 1919 йил бошларида эса Хоразм Коммунистик партиясини тузишди.<sup>3</sup> Айни вақтда бухоролик ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 36-иш, 22–25-варақлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, 38-фонд, 2-рўйхат, 19-иш, 145-варақ.

<sup>3</sup> Қаранг: Очерки истории Коммунистических партий Туркестана, Бухары и Хорезма. – Т.: Госиздат УзССР, 1959. – С. 8, 22.

хивалик коммунистлар Тошкент ва Москвада очилган махсус ташвиқотчилар курсларида тегишли мафкуравий ва ҳарбий тайёргарликдан ўтдилар.

Марказ ва унинг Туркистондаги вакиллари томонидан ишлаб чиқилган инқилобий тўнтаришнинг умумий режаси анча оддий эди. Бу режа воқеаларнинг қуйидагича авж олишини назарда тутарди: маҳаллий «инқилобчилар» ҳукмрон тартибга қарши «халқ чиқиши»ни уюштирадилар. Сўнгра коммунистлар РКП(б) МК ва совет Россиясига мурожаат қилиб, улардан «байналмилал ёрдам» кўрсатишни илтимос қиладилар. Шундан сўнг бу давлатлар ҳудудига «қонуний» равишда киритилган қизил армия монархик тузумни ағдариб ташлаб, янги ҳокимият ўрнатилишини таъминлайди. Янги ҳокимият «совет республикаси» типига бўлиб, дастлаб улар «мустақил» тараққиёт йўлидан боради.

Совет режими айнан шу сценарий асосида Хива ва Бухорода 1920 йил мобайнида ҳокимиятни қўлга киритди. Совет давлати бу усулдан XX аср давомида Европа ва Осиёда кўплаб давлатлар ҳудудини босиб олишда, бу мамлакатларда социалистик жамиятни қарор топтиришда унумли фойдаланди. Уларга кўрсатилган ҳарбий ва иқтисодий ёрдамлар совет халқи зиммасига оғир юк бўлиб тушди.

Қизил армия қисмлари 1919 йил охири – 1920 йил бошларида Хива хонлиги ҳудудини босиб олишди. Хива хонлиги тугатилди ва Хоразм Халқ Совет Республикаси ташкил топди. Туркистон Комиссиясининг Хивадаги вакили Г.И. Бройдонинг эътироф этишича, «қизил қўшинларнинг юриши вақтидаёқ совет отрядлари... ҳаддан ташқари зўравонлик кўрсатиб, хонадонларни, бутун-бутун қўрғонларни таладилар, вайрон қилдилар, ҳатто ўзлари Жунаидхондан расман «қутқарган» кишиларга нисбатан ҳам шундай зўравонликни қўлладилар».<sup>1</sup> Бундан ташқари, Туркистон fronti ва Туркистон комиссияси вакили Б.Б. Скалов бошчилигидаги ҳарбий раҳбарият қарор топган мустамлакачилик анъаналарига амал қилиб, муваққат «инқилобий ҳукумат»га сурбетларча муноса-

<sup>1</sup> Коцанов Б., Сейтназаров М. Революция? Вторжение? События в Хивинском ханстве (1919–1920 гг.). – Нукус: Билим, 1997. – С. 32.



батда бўла бошлади. Бу «хукумат»нинг раиси Жуманиёз Султонмуродов алам билан эслаганидек, «бутун Муваққат хукумат штаб ва ҳар бир қизил аскарнинг оддий хизматкорига айланиб қолган эди. Ҳамма вақт хукумат аъзоларини кўрқитишар, улар ҳамиша арава топиш, беда келтириш, қизил аскарларни жойлаштириш билан банд эдилар. Хивада шакшубҳасиз ҳақиқий ҳокимият рус ваколатхонасига қарашли эди».<sup>1</sup>

Бухорода ҳам воқеалар шу тарзда такрорланди. Фақат Қизил Армия Бухорони босиб олиш жараёнида жиддий қаршилиққа дуч келди ва катта моддий талафотга учради. 1920 йил 2 сентябрда Бухорода амирлик тузуми ағдариб ташланди. Бу воқеадан бир ой олдин, 1920 йил 1 августда Туркистон fronti кўмондони ва Туркистон комиссияси аъзоси М.В. Фрунзе Совет Россияси хукуматининг раиси В.И. Ленинга телеграмма юбориб, Бухоро амирлигидаги инқилобий жараённи авж олдиришнинг икки йўли борлигини кўрсатиб ўтади. Биринчиси – «инқилоб»нинг ички манбаларига асосланган секин йўл, иккинчиси – ташқаридан қизил армиянинг мунтазам қисмларини кенг жалб қилиш асосида фаол «ёрдам» кўрсатишни назарда тутувчи жадал йўл эди.<sup>2</sup> Большевикларнинг доҳийлари Ленин, Сталин, Бухарин ва Троцкий иккинчи – босиб олиш йўлини танлашди.

Хуллас, Бутунроссия МИК ва РСФСР ХКС ҳузуридаги Туркистон комиссияси ва РКП(б) МК Туркистон бюроси аъзолари, Туркистон fronti жангчилари Ўрта Осиёда Марказ манфаатларини амалга оширишди. 1920 йил 8 сентябрда Туркистон комиссиясининг аъзоси В.В. Куйбишев «озод ва мустақил» Бухорога келди. У РСФСР хукуматининг Бухоро Республикаси ҳузуридаги мухтор вакили, РКП(б) МКнинг Бухоро Компартияси ҳузуридаги вакили мақомига эга бўлиб, «РСФСР манфаатлари йўлида қандай ҳаракатларни зарур деб

<sup>1</sup> Кошанов Б. Право на вторжение... (Неизвестные страницы истории Каракалпакии и Хорезма в 1919–1920 годы). – Нукус: Каракалпакистан, 1993. – С. 81.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА, 361-фонд, 1-рўйхат, 260-иш, 14-варақ; 14-фонд, 1-рўйхат, 700-иш, 8-варақ.

ҳисобласа, уларнинг ҳаммасини амалга ошириш» ҳуқуқига эга бўлган.<sup>1</sup>

В.В. Куйбишев ва Туркистон бюроси раисининг ўринбосари Г.И. Сафаров 1920–1921 йилларда БХСРда амалда ҳокимиятни ўзлари бошқаришга интиланган. Бу ҳолат янги ташкил топган БХСР раҳбариятининг кучли норозилигига сабаб бўлган. БХСР раҳбарияти бир неча марта Москвага мурожаат қилиб, ўз эмиссарларини Бухородан чақириб олишни сўрашган. Бироқ Марказ уларнинг бу норозилигига дастлаб аҳамият бермаган.

РСФСР Всеобуч Бош бошлиғи Н. Подвойскийнинг 1921 йил 25 мартда чиқарган «мутлақо махфий» буйруғига кўра РКП(б) МК ташкилий бюросида тасдиқланган «РСФСРнинг алоҳида топшириқларини бажарувчи отрядлар ҳақидаги Низом»ни ҳаётга татбиқ қилиш учун чоралар кўрилди. Алоҳида топшириқларни бажарувчи отрядлар таркибига қизил армия қисмлари, милиция, ёнгиндан сақланиш қисмлари ва ВЧК органларида ишлаётган кишилар махсус инструкция асосида алоҳида кўрсатма билан қабул қилинган.<sup>2</sup>

Бу отрядлар Россиянинг марказий губернияларидагина ташкил қилинмай, балки Туркистон ўлкасининг турли жойларида ҳам тузилган. Улар ҳам Марказдан юборилган турли комиссия, бюро ва фронтлар сингари ўзларининг қабиҳ фаолияти билан Ўзбекистоннинг янги тарихида машғум из қолдирган.

Архивларда сақланиб қолган ҳужжатлар гувоҳлик беришича, 1921 йил 23 сентябрда қабул қилинган «Туркфронтнинг алоҳида топшириқларини бажарувчи қисмлари» ҳақидаги «мутлақо махфий» буйруқда Туркистондаги ушбу отрядларнинг фаолияти хусусида маълумотлар мавжуд. Буйруқ уч қисмдан иборат бўлиб, унда мазкур отрядларни ташкил қилиш, уларнинг структураси, фаолият тури ва бошқалар хусусида сўз боради.<sup>3</sup> Бу отрядлар фаолияти ҳақидаги махсус инструкцияда эса (бу инструкция Туркфронтнинг ЧОН – Алоҳида топшириқларини

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА. 14-фонд, 1-рўйхат, 705-иш, 27-варақ.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА. 60-фонд, 1-рўйхат, 1049-иш, 22-варақ ва унинг орқаси.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1049-иш, 21-варақ ва унинг орқаси.

бажарувчи қисмлари) отрядларни ташкил қилиш ва ҳисобга олиш, таълим бериш, таъминот ва мобилизация масалалари ҳақида фикр юритилган.<sup>1</sup>

1922 йил 30 январда Тошкентда бўлган РКП(б) МК Туркистон бюроси ва Туркистон Компартияси МК (ЦК КПТ)нинг қўшма йиғилишида Туркистон Республикасида озиқ-овқат соҳасидаги аҳвол муҳокама қилинган. Мажлис баённомаси 7-протоколда ўз аксини топган. Унда кўрсатилишича, мажлисда Каганович, Сольц, Тўракулов, Хўжанов, Отабоев, Манжара ва Икромов қатнашганлар. Мажлисга Ногаев, Врачев, Фокин, Кафанов, Конобеев, Троцкий, Прибитков, Гудович, Рабкин, Яблонко, Зелькина ва Андреев сингари Туркистон АССРдаги турли ташкилотларнинг вакиллари таклиф этилган. Мажлисга Каганович раислик, Церпицкий эса котиблик қилган.

Мажлис баённомасида кўрсатилишича, озиқ-овқат отрядлари ғалла тайёрлашни кўпайтириш учун барча воситаларни ишга солишлари лозим. Туркистонга қўшни бўлган давлатлар, хусусан, Бухорода ҳам ғалла тайёрлашни кучайтириш Ташки савдо (Внешторг) ташкилоти зиммасига юклатилган. 1922 йил февраль ойида Туркистонда 60 000 пуд<sup>2</sup> ғалла тайёрлаш Турксоюз зиммасига юклатилган ва ушбу ғалла Озиқ-овқат халқ комиссарлиги ихтиёрига топширилиши шарт бўлган.<sup>3</sup>

РКП(б) МК Туркбюронинг 1922 йил 4 мартда Гусев раислигида бўлган мажлисида (16-протокол) «РКП(б) МКнинг Бухоро ҳақидаги қарори ва ўрт. Сурицнинг Бухорога сафари ҳақида»ги масала кўрилган. Мажлисда қабул қилинган қарорда айтилишича, Бухоро ҳукумати таркибига Дехқонлар уюшмаси, профсоюз, Шарқий Бухоро ва туркманлардан вакиллар киритиш топширилган. БХСРда советлаштириш жараёнларини жадаллаштириш учун Туркистон бюроси бир гуруҳ партия ходимлари ва профессионал ходимларни Бухорога ишга жўнатишни Туркистон Компартияси МКга топширади.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1049-иш, 20-варақ ва унинг оркаси.

<sup>2</sup> Бир пуд – 16.38 килограммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1820-иш, 9–10-варақлар.

<sup>4</sup> Ўзбекистон РПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1820-иш, 24-варақ ва унинг оркаси.

Туркистон бюросининг 1922 йил 20 мартда Гусев раислигида бўлган мажлисида (23-протокол) Бухоро бойликлари (амирлик хазинаси) ҳақида муҳим маълумотлар бор. Унда айтилишича, Бухоро бойликлари Молия халқ комиссарлигига сақлаш учун топширилади. Бойликларни топшириш янги акт асосида амалга оширилади, бу бойликлардан Турккомиссия рухсатисиз фойдаланиш тақиқланади. Турккомиссиянинг махсус вакили ўрт. Клементьев Бухоро бойликларини Молия халқ комиссарлигига топширишга масъул қилиб тайинланади.<sup>1</sup>

1922 йил майда РКП(Б) МК Туркистон бюроси партиянинг Ўрта Осиё бюроси (Средазбюро)га айлантирилди. РКП(Б) МК Ўрта Осиё бюросига Туркбюро зиммасидаги барча вазифалар юкланди, шу билан бирга, унинг ғоявий ва сиёсий таъсир доираси янада кенгайди. Туркистон АССР, БХСР ва ХХСРда советлаштириш жараёнининг сўнгги босқичи, Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш, коллективлаштириш ва қулоқлаштириш сиёсати, индустрлаштириш, Ўзбекистон ССРни хом ашё базасига айлантириш, мулкдорларни синф сифатида тугатиш, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда амалга оширилган репрессия бевосита РКП(Б) МК Ўрта Осиё бюросининг ғоявий раҳнамолиги ва қатъий назорати остида амалга оширилди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларидаги барча ғоявий-сиёсий тадбирлар ва ўзгаришлар Средазбюронинг рухсати ва унинг раҳбарлигида қилинди. Туркистон бюроси ва Ўрта Осиё бюроси Марказнинг ушбу минтақа устидан назорат қилувчи махсус бошқарув органи эди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари раҳбарияти бу ташкилотга сўзсиз бўйсунушга мажбур эдилар.

Хуллас, Туркистон комиссияси, Туркистон бюроси, Ўрта Осиё бюроси сингари Марказнинг ваколатли органлари Туркистон АССР, БХСР, ХХСР, Ўзбекистон ССРдаги фаолияти давомида маҳаллий халқ турмушига ёт бўлган коммунистик ғояни сингдириш билан бир қаторда миллий раҳбар ходимлар ва зиёлиларга нисбатан кўплаб қувғин ва катағонларни уюштирдилар, маҳаллий аҳолининг миллий маданияти, ислом дини ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1820-иш, 35–36-варақлар.

қадриятлари топталишига раҳбарлик қилдилар.<sup>1</sup> Марказнинг ваколатли органлари, айниқса, Ўрта Осиё бюроси бошқарувнинг шундай шаклини ишлаб чиқдики, Ўзбекистондаги барча ташкилотлар пировардида бу механизмнинг бир қисмини ташкил этди.

Марказдан юборилган ходимлар кўп ҳолларда шахсий манфаатлари учун ҳар қандай жиноятдан тоймаганлар. Ана шундай ходимлардан бири Хоразм Республикасига юборилган Волошин эди. Хоразм Компартияси МК масъул котиби Машарипов, Хоразм МИК раиси Ҳожибобо, ХХСР Нозирлар Шўроси раиси Отажонов имзолари билан Тошкентга Ўрта Осиё бюроси номига (нухалари Туркистон fronti штаби, Туркфронт Махсус бўлими, Хоразм МИК ва Нозирлар Шўросига) 1923 йил 28 августда юборилган махсус маълумотда кўрсатилишича, ХХСР ҳарбий ишлар нозири Волошин 6 август куни кечкурун ҳеч кимни огоҳлантирмай, катта миқдордаги бойликни олиб, Хивадан шошилинич жунаб кетган. Унинг орқасидан юборилган ҳарбий бўлим бошлиғи Годецкий бошчилигидаги қизил аскарлар Хива йўлида 6 вёрст<sup>2</sup> йўл юргач, Волошинга етиб олганлар. Бироқ Волошин шаҳарга қайтишни хоҳламаган. Брюханов ГПУ Махсус бўлимининг фавқулодда вакили Валуйскийга топшириқ бериб, мабодо Волошин партиявий интизомга бўйсунмаса, уни қамоққа олиб, Хоразм Компартияси МК ихтиёрига юборишни сўраган. Бироқ Валуйский ва унинг ўринбосари Васильев Волошинни қўлга олмасдан, унинг бутун бойликлар билан қочиб кетишига кўмаклашганлар. Расмий ҳужжатда таъкидланишича, Волошинни Хўжайли ёки Мўйноқда қўлга олиш режаси тузилган. Уни Аральск станциясида (Орол денгизи атрофида) қўлга олиш ва соқчилар билан Хоразмга юбориш сўралади. Шунингдек, бир қанча жиноятлар қилган Валуйскийни қамоққа олишга ҳам

<sup>1</sup>1934 йил 2 октябрдаги СССР ХКС ва ВКП(б) МК қарори билан Ўрта Осиё бюросининг фаолияти тугатилди. Чунки бу пайтга келиб совет ҳокимияти мингакада мустақкам қарор топган, совет режимига қарши турувчи сиёсий ва ҳарбий кучлар бутунлай тор-мор қилинган эди.

<sup>2</sup> Бир вёрста – 1.0668 км. га тенг рус узунлик ўлчов бирлиги.

рухсат берилган. Бу ҳақда телеграф орқали шошилиш хабар қилинган.

РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ва Туркистон Компартияси МК ташкилий бюросининг 1924 йил 28 январда Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида (61-протокол) Хоразм Республикасидаги вазият ҳақида Туркистон fronti қўмондони С.А. Пугачёв<sup>2</sup> маъруза қилади. Ушбу маъруза юзасидан қабул қилинган қарорда қуйидагилар таъкидланган:

«1. Ўрт. Пугачёвнинг ахборот маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

Хивада кўтарилган қўзғолон ва Жунаидхоннинг ҳужуми муносабати билан БКП МК, Амударё ва Туркман обкомларига зарур директив кўрсатмалар берилсин.

ТКП МКдан Амударё обкоми масъул партия ходимлари билан қанчалик таъминланганлиги масаласи аниқлансин, зарур бўлганда, тегишли партия кучлари юбориш билан у кучайтирилсин.

Хоразмдаги аҳвол ҳақида маълумотларни магбуотда эълон қилиш масаласига келсак, Туркфронт РВСга Хоразмдаги ҳарбий аҳволни магбуотда қанчалик ёритиш лозимлигини ҳал қилиш вазифаси топширилсин. Партия ва совет ташкилотларига Туркфронт РВС рухсатсиз Хоразм ҳақидаги ҳар қандай маълумотларни эълон қилмаслик мажбурияти юклансин.

РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси котибаси Глаголева».<sup>3</sup>

Ўрта Осиё бюросининг мажлисида қабул қилинган ушбу қарор матнидан кўриниб турибдики, Марказнинг нуфузли ташкилотлари РСФСР, кейинчалик СССР таркибига киритилган Туркистон АССРдаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий вазиятнигина бошқармасдан, балки улар «мустақил» давлатлар ҳисобланган Хоразм ва Бухоро республикаларининг суверенитетига ҳам дахл қилганлар. Хоразм ва Бухорода ҳар қандай янги қонунлар ва буйруқлар Марказ вакилларининг рухсати билан

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 361-фонд, 1-рўйхат, 266-иш, 4-варақ ва унинг орқаси.

<sup>2</sup> Пугачёв С.А. (1889–1943) 1923 йил августдан 1924 йил апрелигача Туркистон фронтининг қўмондони бўлган. “Босмачилар”га қарши курашдаги “хизматлари” учун у 1924 йили Бухоро ССРнинг I даражали Қизил юлдуз ва Хоразм ССРнинг Қизил байроқ ордени билан мукофотланган.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 3832-иш, 1-варақ.

қабул қилинган, бу қонунларнинг бажарилиши устидан назорат ҳам улар қўлида бўлган.

1923 йил 30 январда бўлиб ўтган РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси мажлисида (мажлис раиси — Я.Э. Рудзутак) Марказ вакиллари И. Любимов, Я. Рудзутак ва Михайлов томонидан БХСР ҳукумати раҳбарияти, айниқса, Файзулла Хўжаев кескин танқид остига олинган. Бу мажлисда БХСР ва ХХСРдаги иқтисодий жараёнлар муҳокама қилиниб, ушбу республикаларнинг иқтисодий салоҳиятидан Марказ манфаатлари йўлида фойдаланиш масаласи қўйилган. Бироқ БХСР Нозирлар Шўросининг раиси Файзулла Хўжаев мажлисда Бухоро Республикасининг иқтисодий мустақиллигини дадиллик билан ҳимоя қилади. Файзулла Хўжаев ўз сўзида Бухоро давлат банкида 5 млн сўмдан иборат тилла фонд борлигини, БХСР иқтисодиёти қўшни Туркистон АССР, ҳатто Совет Россияси иқтисодиётига нисбатан анча барқарор ривожланаётганлигини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам у БХСРда совет Россияси рубли жорий қилиниши ва Бухоро Халқ Совет Республикасини иқтисодий жиҳатдан Туркистон АССР билан бирлаштиришга қарши чиқади. Файзулла Хўжаев ўз фикрини қуйидаги кескин иборалар билан тугатган: «Ўртоқ Рудзутак, ... сиз ушбунни жуда яхши биласизки, мен тижорат билан ҳам шуғулланмайман, менда пул ҳам, шахсий манфаатлар ҳам йўқ. Мени фақат бизнинг давлатимиз БХСР манфаатлари қизиқтиради ва шунинг учун ҳам биз ўз фикримизда қоламиз ва сизлар ҳам бунга қўнишга мажбурсизлар».<sup>1</sup>

Хуллас, Туркистондаги маҳаллий раҳбарларнинг қатъий талаби билан 1922 йил май ойида Туркистон бюроси ва ўша йили август ойида Туркистон комиссияси фаолияти тугатилсада, Ўрта Осиё бюроси ҳар учала республикадаги сиёсий ва иқтисодий вазиятни жиддий назорат қилиб турган. Бунинг устига, Марказ янги кенгашлар тузиш орқали минтақада ўз сиёсатини кучайтирган. 1923 йил март ойида Туркистон, Бухоро ва Хоразм иқтисодий кенгашлари бирлаштирилиб, янги ташкил

<sup>1</sup> Ўзбекистон РИДА, 14-фонд. 1-руйхат, 387-иш, 12-варақ.

килинган Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (Средаз ЭКОСО)<sup>1</sup> Марказнинг бутун Ўрта Осиё республикаларидаги кенг ваколатли органи сифатида иқтисодий сиёсатни назорат қилиб турган.

Бу жараён қуйидагича амалга оширилди: 1923 йил 5–9 мартда Тошкент шаҳрида Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларининг I иқтисодий конференцияси чақирилди.<sup>2</sup> Анжуман фаолиятига Ўрта Осиё бюроси номидан Любимов раҳбарлик қилди. Конференцияда ҳар бир республиканинг иқтисодий аҳволи тўғрисидаги асосий маърузаларни Туркистон Иқтисодий Кенгаши (Турк ЭКОСО) раиси С. Паскуцкий, Бухоро Нозирлар Шўроси Раиси Файзулла Хўжаев, Хоразм республикаси номидан Отажонов қилишди. Шунингдек, конференцияда молиявий аҳвол бўйича Иевлев ва Любимов маърузалар қилишди.<sup>3</sup>

С. Паскуцкий ўз маърузасида Марказ манфаатларидан келиб чиқиб Туркистонни пахта етиштирувчи хом ашё манбаига айлантириш тўғрисида қуйидаги фикрларни баён қилади: «Ҳозирги куннинг навбатдаги вазифаси – бу федерация (бу ерда СССР кўзда тутилмоқда – М.Х.) бизга берган ўша имкониятдан кенг фойдаланиб, хом ашё етиштиришни ва биринчи ўринда пахтачиликни тиклашдан иборатдир. Пахтачиликни тиклаш вазифаси алоҳида муҳим аҳамият касб этадики, бу ерда масала фақат Туркистоннинг келажаги устида эмас (Туркистоннинг келажаги яна узоқ вақт унинг хом ашё имкониятлари билан белгиланади), балки бизнинг (бу ерда Марказ кўзда тутилмоқда – М.Х.) тўқимачилик саноатимиз гуллаб-яшнаши ва, шунингдек, биз хорижий мамлакатларга чопиб борамизми ёки республика-

<sup>1</sup> Туркистон Иқтисодий Кенгаши ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши фаолияти тўғрисида тадқиқотчи И. Ҳайдаров ўзининг номзодлик диссертацияси ва монографиясида сўз юритган. Бу ҳақда қаранг: *Ҳайдаров И. Ўзбекистонда Иқтисодий кенгашлар фаолияти (1917–1934 й.).* – Т.: Abu matbuot-konsalt, 2008. – 152 бет.

<sup>2</sup> Первая Экономическая конференция Средне-Азиатских республик – Туркестана, Бухары и Хорезма. 5–9 марта 1923 г. Стенографический отчёт. – Т.: Туркгосиздат, 1923. – С. 86.

<sup>3</sup> Бюллетень Первой Экономической конференции Средне-Азиатских Республик (Туркестанской, Бухарской и Хорезмской). № 2. 6 марта 1923. – С. 7–12.



мизнинг ички кучларидан фойдаланиш эвазига ўзимизнинг хўжалигимизни тиклаймизми, шунинг устида боради».<sup>1</sup>

Конференцияда уч республикадан келган вакиллар ўз давлатларидаги иқтисодий аҳвол билан анжуман қатнашчиларини батафсил таништирдилар. Уларнинг нутқларида уч республиканинг моддий ва маънавий бирликка эга эканлиги қайд этиб ўтилди. Бироқ айрим делегатлар ўз нутқларида Марказ манфаатларини ҳимоя қилдилар. Масалан, Хоразм МИК вакили Отажонов ўз нутқида «балиқ сувсиз яшай олмаганидек, биз ҳам Россия ва Туркистонсиз яшай олмаймиз»,<sup>2</sup> деб таъкидлади. Вакиллар республикаларни иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш энг аввало қишлоқ хўжалиги (асосан, пахтачилик), ирригация, саноатни қайта тиклаш учун зарур эканлигини таъкидлашди. Ўрта Осиё иқтисодий районидаги қишлоқ хўжалиги ва саноатни Россия халқ хўжалиги билан боғлаш мумкинлиги конференцияда алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Ниҳоят, конференциянинг 1923 йил 9 мартда бўлган охириги мажлисида Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиниб, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (Средаз ЭКОСО) ташкил этилди. Конференцияда 10 кишидан иборат Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши Президиуми тузилди. Унга РСФСРдан 1 та вакил (Любимов), Туркистондан 4 та вакил (Хидиралиев, Паскуцкий, Прибитков, Рискулов), Бухородан 3 вакил (Ота Хўжаев ва б.), Хоразмдан 2 вакил (Якубов, Сарсонбоев) сайланди.<sup>3</sup> Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши раиси қилиб Туркистон Иқтисодий Кенгашининг бошлиғи С. Паскуцкий тайинланди.

Конференция қабул қилган Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ҳақидаги Низомда Туркистон, Бухоро ва Хоразм Иқтисодий Кенгашлари Средаз ЭКОСОнинг низоми асосида ҳаракат қилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, бу кенгаш СССРнинг Меҳнат ва мудофаа кенгаши ташкилий структура-

<sup>1</sup> Бюллетень... №1. 6 марта 1923. – С. 10.

<sup>2</sup> Бюллетень... №3–4. 7 марта 1923. – С. 1.

<sup>3</sup> Бюллетень... №6. 9 марта 1923. – С. 4.

сига кириши ва унинг умумий директивалари асосида фаолият кўрсатиши алоҳида таъкидланди.<sup>1</sup>

Хуллас, Средаз ЭКОСОНинг асосий вазифаси Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий имкониятларини бирлаштириб, Марказ эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда социализм қурилишига йўналтириш эди. Бу кенгашнинг қарорларини барча Ўрта Осиё республикалари ҳукуматлари бажаришга мажбур бўлган. Средаз ЭКОСО ўз фаолияти давомида Ўрта Осиё республикалари иқтисодиётини Марказ манфаатларига мослаштиришга ҳаракат қилди, Ўрта Осиё республикаларининг Иттифок иқтисодий мажмуасидаги ўрни ва вазифаларини белгилаб берди. Ўзбекистон кишлок хўжалигида пахта яккаҳокимлигининг юзага келишида, саноатни бир томонлама хом ашё шаклида маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштиришда Ўрта Осиё Иқтисодий кенгашининг «хизмати» катта бўлди.

Республикаларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланиш истиқболлари асосан Ўрта Осиё Иқтисодий кенгашида ишлаб чиқилди. Бир сўз билан айтганда, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши Марказнинг мустамлакачи тузилмаси сифатида минтақадаги республикаларни иқтисодий жиҳатдан бошқариш тизимини марказлаштиришда муҳим роль ўйнади.<sup>2</sup>

Марказ Ўрта Осиё минтақасини бўйсундириш ва ўз таъсирида сақлаб туриш учун бошқа турли воситалардан ҳам фойдаланди. 1923 йил 9–12 июнда Москвада бўлиб ўтган РКП(б) МКнинг миллий республикалар ва областлар масъул ходимлари иштирокидаги 4-кенгаши ҳам шу мақсадга хизмат қилди. РКП(б) МК Бош котиби И.В. Сталин ўзининг сўнгги сўзида (у кенгашда мўлжалланган 2 та асосий маърузанинг биттасини қилган) Туркистон АССР ва БХСР раҳбариятини, хусусан, Файзулла Хўжаевни кескин танқид қилади. И.В. Сталиннинг қуйидаги мулоҳазалари БХСРдаги ҳақиқий аҳволни ифодаламаган: «...Бухоро ҳукумати таркибида битта ҳам деҳқон йўқ экан. 9 ёки 11 кишидан иборат ҳукумат аъзолари орасида

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 20-фонд, 1-руйхат, 249-иш, 26–29-варақлар.

<sup>2</sup> Ўрта Осиё Иқтисодий кенгаши ўз вазифасини бажариб бўлгач, 1934 йил 2 октябрда СССР ХКС ва ВКП(б) МКнинг қарори билан тугатилди.

бой савдогарнинг ўгли, савдогар, зиёли, мулла, савдогар, зиёли, яна савдогар бор, аммо лекин бирорта ҳам деҳқон йўқ...

...Бухоро банки ташкил қилинганидан кейин ўтган вақт ичида хусусий савдогарларга 75%, деҳқонлар кооперациясига эса 2% кредит берган. Рублга чақиб ҳисоблаганда бундай бўлиб чиқади: савдогарларга олтин билан 7 млн рубль, деҳқонларга олтин билан 220.000 рубль берилган. Сўнгра Бухорода ер ҳали ҳам мусодара қилинмаган».<sup>1</sup>

Кенгаш стенограммасидан маълум бўлишича, Файзулла Хўжаев ушбу кенгашда И.В. Сталиндан бир кун олдин – 1923 йил 11 июнда сўзлаган нутқида БХСР Марказий Ижроия Кўмитаси таркибининг 66%и деҳқонлардан иборат эканлиги, БХСР МИК Президиумининг 11 аъзосидан 2 киши деҳқон, 1 тадан аъзо мулла ва савдогар эканлигини айтган экан.<sup>2</sup> И. Сталиннинг бундай «саводсизлиги»дан жаҳли чиққан Файзулла Хўжаев кенгашнинг сўнгги мажлисида (12 июнь кечкурун) яна сўз олиб, ўзининг аввалги фикрларини такрорлаш билан чекланмай, Бош котиб келтирган маълумотлар нотўғри ва асоссиз эканлигини босиқлик билан таъкидлайди.<sup>3</sup>

Ушбу Кенгашда Туркистон АССР вакиллари ҳам сўзга чиқиб, улар ўз нутқларида Марказнинг мустамлакачилик сиёсатини фош қиладилар. Масалан, Туркистон АССР Ер ишлари халқ комиссари Султонбек Хўжанов ўз фикрини қуйидагича ифодалаган: «Ҳар қандай совет никоби ёпиштирилмасин, мустамлака ҳозир ҳам мустамлака сифатида қолмоқда, бу ҳолатни изоҳлаш ва баҳолаш керак».<sup>4</sup>

Кенгашда сўзга чиққан таниқли давлат арбоби, Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети раиси Т. Рискулов ҳам сўзида Бош котиб И.В. Сталин фикрлари асоссиз эканлигини, уни миллатчиликда айблаш нотўғрилигини қуйидагича кўрсатди: «Мен баёнот бераман, менинг ўз қарашларим бор. Мен ҳеч қачон Султон-Ғалиевнинг фикрларига бўйсунмаганман. Мен

<sup>1</sup> Қаранг ва таққосланг: Тайны национальной политики ЦК РКП. Стенографический отчет секретного IV совещания ЦК РКП, 1923 г. – М.: Инсан, 1992. – С. 261–262; Сталин И. Асарлар. Т. 5. – Т.: Ўздавнашр, 1949. – Б. 379.

<sup>2</sup> Тайны национальной политики ЦК РКП... – С. 165.

<sup>3</sup> Тайны национальной политики ЦК РКП... – С. 268–269.

<sup>4</sup> Тайны национальной политики ЦК РКП... – С. 43.

жуда ҳам мустақил одамман, мен ҳеч қачон ўз қарашларимни яширмаганман. Ўртоқ Сталиннинг баёноти нотўғри. Сталин хато қилмоқда».<sup>1</sup>

Совет ҳукуматининг миллий сиёсатига қарши чиққан ҳамда партиянинг Бош котиби И.В. Сталинни танқид қилган туркистонлик миллий раҳбар арбоблар Ф. Хўжаев, Т. Рисулов, С. Хўжанов, А. Икромов, И. Хидиралиев ва бошқалар кейинчалик қатағон қилинди. Совет режими ва коммунистик партия ушбу миллий етакчиларнинг барчасини 1937–1938 йилларда олий жазога ҳукм қилди. Шунингдек, бундай ўта оғир жазо ўз фикрига эга бўлган бошқа минглаб арбоблар учун, ҳатто РКП(б) МК масъул ходимларига нисбатан ҳам қўлланилди.

РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси ўринбосари Карклин 1924 йил 10 февралда БКП МК котиби Н. Мавлонбековга юборган «махфий ва шахсий» хатида «Бухоро иши» бўйича Марказ юборган директив кўрсатмаларни баён қилиб, унинг олдига тегишли вазифаларни қўяди. Хатда Бухоро коммунистларининг раҳбарлари Позднышев ва Мавлонбеков Марказ сиёсатини БХСРда изчил амалга оширишда масъул эканликлари таъкидланади. «Сизларнинг қурултойларингиз ва умуман Бухоро иши ҳақида мен ўрт. Рудзутакга ёзиб юбордим. Мен маблағ ажратиш масаласини, корпус қарзларини тўлашни қатъиян қўйдим. Ҳозирча 250.000 рубль ажратилди... Албатта, ҳарбий таййиқ сусаймаслиги керак»<sup>2</sup>, – деб баён қилади хатда Карклин.

Хулоса қилиб айтганда, Марказнинг ваколатли органлари Туркистон ўлкасида совет режими қарор топиши ва мустақамланишида асосий роль ўйнаганлар. Бутунроссия МИК ва РСФСР ХКСнинг Туркистон Комиссияси (Турккомиссия), РКП(б) МК Туркистон Бюроси (Туркбюро), ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси (Средазбюро) сингари Марказда ташкил қилиниб Туркистонга юборилган комиссия ва бюролар минтақада мустамалакачилик сиёсатини олиб бордилар. Бу ташкилотлар сафида ўлкага юборилган эмиссарлар миллий раҳбар ходимларнинг фаолиятини чеклашга уриндилар. Туркистон комис-

<sup>1</sup> Тайны национальной политики ЦК РКП... – С. 96.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА, 14-фонд, 1-руйхат, 710-иш, 17-варақ ва унинг орқаси.

сиясининг фаолиятига қарши чиққан Турор Рискулов ва унинг тарафдорлари «буржуа миллатчилиги», «ўнг оғмачилик», ҳатто «пантуркизм» ва «панисломизм» да айбланди.

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (Средаз ЭКОСО) эса иқтисодий сиёсатнинг асосий жиҳатларини назорат қилди. Ўрта Осиё республикалари (Туркистон АССР, БХСР, ХХСР) иқтисодиётини Марказга бўйсундириш, уларни бирлаштириш орқали Марказ манфаатларига хизмат қилдириш ушбу кенгашнинг асосий вазифаси сифатида белгиланди. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши минтақа халқ хўжалигини СССР талабларига мувофиқ қайта қурди. Бу ерда етиштирилаётган арзон хом ашё маҳсулотлари Марказга олиб кетилишини изчил суръатда кўпайтириш, ўлка иқтисодиётини ихтисослаштириш орқали иқтисодий самарадорликни оширишга ҳаракат қилинди. Хуллас, сиёсий соҳадаги мустамлакачилик иқтисодий мустамлакачилик билан биргаликда амалга оширилди.

## **2.2. Миллий коммунистларнинг марказлаштириш сиёсатига муносабати**

Туркистонда совет ҳокимияти ва Марказнинг ваколатли органлари томонидан олиб борилган мустамлакачилик сиёсати ва қаттиқ марказлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ТАССР бошқарув органларида фаолият кўрсатаётган миллий раҳбар ходимларнинг кучли норозилигига сабаб бўлди. Миллий коммунистлар даставвал «Октябрь ғоялари»дан ўз халқларининг бахт-саодати йўлида фойдаланмоқчи бўлдилар. Лекин улар бу ғояларни Туркистон ўлкасининг ўзига хос хусусиятларига мослаштиришга ҳаракат қилган эдилар.

Туркистон АССРда миллий коммунистлардан Турор Рискулов, Қайғисиз Отабоев, Абдулла Раҳимбоев, Санжар Асфандиёров, Назир Тўрақулов, Иномжон Хидиралиев, Султонбек Хўжанов, Низомиддин Хўжаев, жадид тараққийпарварларидан Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний ва бошқалар бу даврда совет идораларида турли масъул лавозимларда ишлашларига қарамасдан туб халқларнинг манфаатлари учун ўз мухолифларига қарши мардонавор курашдилар. Совет ҳокимия-

тининг дастлабки даври – 1919–1920 йилларда уларнинг фаол саъй-ҳаракатлари билан сезиларли натижаларга эришилди.

Туркистондаги миллий коммунистларнинг марказлаштириш сиёсатига муносабати хусусан Турор Рискулов бошчилигида 1919–1920 йилларда қисқа муддат иш олиб борган Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси (Мусбюро) фаолиятида яққол кўринди.

Маҳаллий миллат вакиллари давлат аппарати ишига жалб этиш масаласи Туркистон ўлка Советларининг ҳар бир съездида қизғин мунозараларга сабаб бўлса-да, у деярли самарасиз тугарди. Ниҳоят, 1919 йил март ойида Тошкентда бўлган Туркистон АССР Советлари VII фавқулодда съездининг миллий ишлар секциясида бўлган мажлисларда бу масала яна кун тартибига қўйилди. Кескин мунозараларда мусулмон депутатлари совет ҳокимиятининг маҳаллий аҳолига бегоналиги, мусулмонларга ишончсизлик билан қараши, уларни ҳокимият ташкилотларига яқинлаштирмаслигини кескин танқид остига олган эдилар.<sup>1</sup>

Миллий ишлар секцияси ўлка партия комитети республиканинг маҳаллий миллат вакиллари орасида етарли даражада иш олиб бормаётганлигини, турли миллатга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тобора кескинлашаётганлигини кўрсатиб ўтди. Секция Туркистон Компартиясининг ўлка комитетига ишончсизлик билдириш тўғрисидаги машҳур қарорини қабул қилди. Қарорда буюк давлат шовинизми майллари кучаяётганлиги, туркистонлик туб ерли аҳоли вакиллари республиканинг юқори органларидаги раҳбарлик ўринларига мутлақо тайинланмаётганлиги таъкидланди.<sup>2</sup>

Марказдан Туркистонга юборилган ва ўзининг шовинистик ҳаракатлари билан ёмонотлик бўлиб танилган А. Казаковнинг ушбу съездда Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси лавозимига сайланганлиги европа миллатига мансуб коммунистлар ва Советларнинг бу съезди қатнашчилари кайфиятининг яққол натижаси эди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-руйхат, 17-иш, 13-варак.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-руйхат, 16-иш, 94-варак.

Туркистон АССР Советлари VII съездининг 1919 йил 8 мартда бўлган ёпиқ мажлисида миллий коммунистларнинг етакчиси Турор Рисқулов шундай деган эди: «Руслар ҳеч қандай асосга эга бўлишмаса ҳам мусулмон меҳнаткашлари ва мусулмон раҳбарларига ишончсизлик билдиришмоқда. Менинг ўзим очликка қарши кураш комиссиясида ишлаганимда бўлиб ўтган воқеаларга асосланиб мусулмон йўқсилларининг раҳбари сифатида бизга ишончсизлик билан қарашаётганликларини биламан»<sup>1</sup>.

Т. Рисқуловнинг бундай ҳақли талабига ашаддий шовинист К. Успенский шундай жавоб беради: «Озиқ-овқат директорыси билан бирга очликка қарши кураш комиссиясини ҳам судга бериш керак. Ишончсизлик масаласига келсак, коммунистик қурилишда ишлашни билиш керак, мусулмонлар орасида эса ҳали онгли ишчилар ва раҳбарлар кам»<sup>2</sup>.

Съезд қатнашчиларидан бири Ю. Алиев ўз нутқида таъкидлашча, «Туркий тил рус тили билан бир қаторда давлат тили деб эълон қилингани билан аслида унга амал қилинмаяпти. Маҳаллий тилда гапирилса, залда шовқин кўтарилмоқда, мабодо аҳвол шундай давом этса, мусулмон делегатлари норозилик билдирадилар ва съездни ташлаб кетадилар»<sup>3</sup>.

Съездда яна мусулмон аҳолисини ҳисобга олиш, мобилизация қилишдаги хатолар натижасида маҳаллий аҳоли қаттиқ ташвишга тушиб қолганлиги, мол-мулкни олиб яшаш жойларини ташлаб кетаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Маҳаллий коммунистларнинг етакчиси Низомиддин Хўжаев ўз маърузасида совет режимининг мустамлакачилик моҳиятини куйидагича очиб ташлайди: «Сўзга чиққан нотиклар даъво қилишича, «Бу ердаги мусулмонлар ҳарбий ишга яроқсиз, улар тараққиётдан орқада қолишган». Коммунистлар менинг гапларимдан хафа бўлишмасин, маҳаллий йўқсиллар мустамлакачилик тузумида эзилиб ва хўрланиб келди, ҳозир ҳам улар куллик асоратида ва ҳозир ҳам уларнинг устидан хукмронлик қилувчи кучлар бор. Партиянинг биринчи съездида рус тили

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 9-варак.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 10-варак.

<sup>3</sup> Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 12-варак.

билан бирга туркий тил ҳам давлат тили деб эълон қилинган эди, амалда эса ҳозиргача... Мен ўз тушунчам бўйича гапираман, балки сўзларим ёқмаётгандир, балки ҳақиқат кўзни ачиштираётгандир...

Агар ким қулдорлик психологиясида турган бўлса, эшитиб олсин, мен қул эмасман ва бўлмайман ҳам... Афсуски, бу ерда рус психологияси ҳукмронлик қилмоқда»<sup>1</sup>.

Мазкур съездеда европа миллатига мансуб большевиклар нукул руслардан иборат президиум ташкил қилдилар ва мажлисни алоҳида равишда олиб бордилар. Т. Рискуловнинг кўрсатишича, «Президиум съездни олиб боришда уқувсизлик кўрсатди. Шунинг учун президиумга ҳеч қандай ишонч йўқ, уни қайтадан сайлаш керак»<sup>2</sup>. Т. Рискулов бу сўзларни айтгач, съездни тарк этди ва унинг ортидан бутун мусулмон делегатлари зални ташлаб чиқиб кетдилар.

Съезд ўтаётган кунларда Туркистон коммунистларининг II ўлка партия конференцияси ҳам бўлиб ўтди. Конференцияда Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси (қисқача Мусбюро) тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мусулмонлар бюроси зиммасига туб аҳоли ўртасида иш олиб боришни ташкил этиш вазифаси юклатилди. Ўлка партия комитети Мусулмонлар бюросининг функциялари ва вазифалари тўғрисида махсус Низом ишлаб чиқиш таклиф қилинди. Туркистон ўлка Мусулмонлар бюросига раис қилиб Турор Рискулов сайланди<sup>3</sup>.

1919 йил 1 ва 6 апрелда Туркистон Компартиясининг ўлка комитети қўшимча равишда махсус қарорлар қабул қилиб, унда Мусулмонлар бюросининг вазифа ва функцияларини белгилаб берди. Қўшимча қарорда Мусулмонлар бюроси ўлка партия комитетининг бўлими сифатида унинг раҳбарлиги ва назорати остида мусулмон аҳолига нисбатан ўлка партия комитети зиммасида бўлган барча ишларни бажариши ва шу тариқа унинг ёрдамчи органи бўлиши лозим деб кўрсатилди. Мусулмонлар

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-руйхат, 34-иш, 458-варақ.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-руйхат, 17-иш, 109-варақ.

<sup>3</sup> Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1969. – Б. 362.



бюросига «Иштирокиюн» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газета-сига раҳбарлик қилиш вазифаси ҳам юклатилди.<sup>1</sup>

Туркистон АССР партия ва совет органларида жойлашиб олган буюк давлатчи-шовинистларнинг зўр бериб қаршилиқ кўрсатишларига қарамай Туркистон ўлка Муслмонлар бюроси<sup>2</sup> ва унинг жойлардаги ташкилотлари Тошкент, Самарқанд, Хўжанд, Қўқон ва бошқа шаҳарларда оммавий митинглар ва йиғилишлар ўтказдилар, уларда большевикларнинг мустамлакачилик сиёсати фош қилинди, мамлакатни бошқаришга маҳаллий аҳолини кенг жалб қилиш тўғрисидаги талаблар илгари сурилди.<sup>3</sup>

1919 йил 24–30 майда Тошкент шаҳрида Туркистон Компартияси Ўлка комитети Муслмонлар бюросининг 1-конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ишини бошқарган Муслмонлар бюроси раиси Т. Рыскулов «Ҳозирги аҳвол тўғрисида» қилган катта маърузасида куйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: «Ишчи-деҳқон ҳукуматининг Туркистон шароитидаги икки йиллик мамлакат бошқаруви, афсуски, ўзаро ишончсизликни кучайтириб, чуқурлаштириб, тескари натижага олиб келди. Муслмонлар инқилоб ғоялари амалдаги фаолият билан мос келмаслигини ўзлари кўриб ишондилар. Мамлакатнинг барча бурчакларида ҳокимиятдан норозилик овозлари эшитилмоқда. Ўлка аҳолиси 95 фоизининг ҳуқуқи ҳисобга

---

<sup>1</sup> Рыскулов Т.Р. Избранные труды. – Алма-Ата: Казахстан, 1984. – С. 56.

<sup>2</sup> Муслмонлар бюроси (Мусбюро) – Туркистон миллий коммунистлари томонидан ташкил қилинган раҳбар ташкилот (1919–1920). Туркистон Коммунистик партияси (ТКП)нинг 1919 йил 30 мартда бўлган 2-ўлка конференциясида Турор Рыскулов (раис), Низомиддин Хўжаев, Абдулқодир Мухитдинов, Юсуф Алиев, Й. Иброхимов (аъзолар)дан иборат таркибда тузилди. Муслмонлар бюроси ўз сафларига миллий раҳбарларни бирлаштириб, совет режимининг мустамлакачилик сиёсатини танқид қилди. Унинг фаолиятида Абдулла Авланий ва Мунаввар Қори ҳам иштирок қилди. Муслмонлар бюросининг 1920 йил 20–27 январда бўлган сўнги 3-конференциясида Туркистон комиссиясининг тазйиқи билан ўз фаолиятини тўхтатди.

<sup>3</sup> Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана (Сборник главнейших статей, докладов, речей и тезисов). Часть I. 1917–1919. – Т.: Узбекское Государственное издательство, 1925. – С. 183–192; Мусбюро РКП(б) в Туркестане. 1, 2 и 3 Туркестанские краевые Конференции РКП(б). 1919–1920 гг. С введением тов. Рыскулова. – Т.: Туркгосиздат, 1922. – С. 48–65.

олинмади. Бу норозилик давлат ҳаётининг барча жабҳаларига сингиб кетди. Масалан, озиқ-овқат тақсим қилишни олайлик, ҳамма жойда мусулмонларнинг манфаатларига бефарқ қаралиб, баъзи жойларда бу жиноят даражасига етиб борган. Халқ хўжалигида ҳам аҳвол шу. Кўпгина ёт, салбий унсурлар, ҳатто жиноятчилардан тузилган қизил армия фаолияти натижаларини узоқ кутишга ҳожат бўлмади (айниқса, Фарғона вилоятидаги дашноқлар фаолияти). Қизил армиянинг интизомсиз отрядлари қишлоқларга келиб, реквизиция шиори остида аҳолини таладилар, қўлларига тушган ҳамма нарсани: этиклар, кўрпа ва гиламлардан бошлаб энг оддий буюмларгача орқа-ўнгиларига қарамай тортиб олдилар, аҳолини азобга қўйдилар. Агар армиядаги ичкиликбозликни ҳам қўшсак, ҳокимият ва куролли кучларга бўлган ишонч нега йўқолганини тушуниб оласиз. Тинч аҳолини ҳимоя қилиш учун борган армия аҳоли турмушида оғир яралар пайдо қилди. Маҳаллий раҳбарларга ишончсизликни яширмайдиган ҳам бўлишди»<sup>1</sup>.

Конференцияда сўзга чиққан Ю. Алиев ҳам бу ҳақда ушбу фикрларни билдирган эди: «Туб аҳолига нисбатан юритилаётган ишончсизлик сиёсати давримизнинг сурункали касаллигига айланиб қолди. Ишончсизлик билдирган жаноблар миллатчилик сиёсатини амалга оширмоқдалар... Бу хилдаги муносабат фақат жойларда эмас, балки айнан ўлка марказида ҳам содир бўлмоқда»<sup>2</sup>.

Миллий раҳбар ходимлар ва коммунистларга, умуман, туб ерли аҳолига нисбатан европали большевикларнинг ишончсизлик сиёсати ва улар томонидан ўлкада мустамлакачилик зулми давом эттирилаётганлиги 1-конференция қарорларида ўз ифодасини топди. Масалан, «Ҳозирги аҳвол тўғрисида» номли резолюцияда шундай дейилади: «Фарғонадаги аҳвол миллий масалада совет сиёсатининг қанчалик нотўғри ва бир томонлама эканлигини равшан кўрсатади, у ерда мусулмон пролетариатининг ҳуқуқлари шу қадар бузилганки, мусулмонларни

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 39-фонд, 1-руйхат, 137-иш, 8-варақ; Мусбюро РКП(б) в Туркестане. 1, 2 и 3 Туркестанские Краевые конференции РКП 1919–1920 гг. С введением товарища Рыскулова. – Т.: Туркгосиздат, 1922. – С. 9–10.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, 39-фонд, 1-руйхат, 137-иш, 8-варақ.

хўрлаш учун уларга қарши арман миллий «Дашноқ-цутюн» партияси куруллантирилди; натижада мусулмон коммунистлар ишлашдан маҳрум бўдилар, ўзларига нисбатан ишонччи кўрмадилар ва қувғинга учрадилар»<sup>1</sup>.

Конференцияда қабул қилинган «Жойлардан қилинган нутқлар тўғрисида»ги резолюцияда ҳам туб ва келгинди халқлар ўртасида миллий ихтилоф ва тенгсизликлар мавжудлиги, давлат қурилишида мусулмон меҳнаткашлари иштирок этмаётгани, маориф ва ер масаласида руслар имтиёзли аҳволда эканлиги таъкидланади.<sup>2</sup>

Большевиклар томонидан Туркистондаги маҳаллий аҳолига ишончсизлик шу қадар кучли эдики, Марказнинг Туркистон ўлкасидаги фавқулудда комиссари П. Кобозев мазкур 1-конференцияда мусулмонларга қуйидагича ёлғон ваъдалар берди: «Туркистон Республикаси аҳолисининг фақат 5 фоизи руслардан иборат ва айнан ушбу 5 фоиз аҳоли бутун ҳокимиятни ўз қўлларига тўплаб олганлар. Шундай қилиб, миллий зўравонлик, яъни озчиликнинг миллий зўравонлиги бўлмоқда. Лекин бу вақтинчалик ҳол. Қачонки мусулмон дунёси тайёр бўлганда биз унга республикани бошқаришни топширамиз ва унга ёрдам берамиз»<sup>3</sup>.

Туркистон ўлка комитети Мусулмонлар бюросининг 1919 йил 12–19 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган 2-конференциясида бу масалалар яна ҳам кескинроқ тарзда кун тартибига қўйилди. Конференцияда «Ҳозирги аҳвол тўғрисида» маъруза қилган Т. Рисқулов Марказдан юборилган кўрсатмага қарамай Туркистонда аҳвол ўзгармагани, совет ҳокимияти раҳбарлари ўлкада мустамлакачилик сиёсатини давом эттираётганини далиллар билан кескин фош қилиб ташлади. Т. Рисқулов ўз сўзида қуйидагича мулоҳаза билдирган: «Бизнинг талабларимиз ва Марказдан берилган кўрсатмаларга қарамай, Туркистонда унинг манфаатларига зид сиёсат юритилмоқда. Бизга ишончсизлик билдириб, сизга ҳокимият берилса барбод бўлади, сиз ҳали тайёр эмассиз, дейишмоқда. Биз бундан норозимиз... Бизни

<sup>1</sup> Мусбюро РКП(б) в Туркестане... – С. 18.

<sup>2</sup> Мусбюро РКП(б) в Туркестане... – С. 19.

<sup>3</sup> Мусбюро РКП(б) в Туркестане... – С. 5.

сал бўлмаса шовинизмда айблашмоқда, улар биз миллий сиёсат юрита олишимизни тушунмаяптилар. Туркистонда совет ҳокимияти ағдарилса биринчи зарба мусулмон пролетариати ва коммунистларга тушишини биз жуда яхши биламиз»<sup>1</sup>.

Т. Рисқулов ўз нутқида Туркистон АССР МИК раиси А. Казаков ва унинг ўринбосари К. Успенский (Успенский сўл эсерларнинг собиқ йўлбошчиси бўлган), Туркистон АССР ХКС раиси К. Сорокин гуруҳининг шовинистик сиёсатини қатор далиллар билан кўрсатиб беради.<sup>2</sup>

Маҳаллий аҳолига паст назар билан қараш айниқса давлат бошқарув аппаратидаги ходимлар масаласида яққол кўринар эди. Шунинг учун Т. Рисқуловнинг талаби ҳақли эканлигини ўша пайтдаги миллий раҳбар ходимлардан бири Султонбек Хўжанов кейинчалик куйидагича тасдиқлайди: «Ҳокимият органларида европали ва маҳаллий аҳолининг ажратилиши амалда бўлмоқда. Сорокин партиянинг 3-съездида Туркистон Ижроия Қўмитаси мажлисларининг бирида баъзи масалаларни ҳал қилишда эски шаҳар вакилларини хонадан чиқариб юборганлигини айтишди»<sup>3</sup>.

Туркистондаги миллий раҳбар ходимларнинг Туркистон АССР раҳбар ходимлари орасидаги буюк давлатчилик кайфиятини тарқатувчиларга қарши олиб борган қатъий кураши натижасида 1919 йил сентябрда бўлиб ўтган ТКП IX съезди ва Туркистон Советларининг VIII съезди Казаков – Успенский ва Сорокин бошчилигидаги гуруҳнинг «буюк давлатчи-шовинистик» оғмачилигини фoш қилдилар ва маҳаллий аҳоли вакилларини давлат курилишига жалб қилиш чора-тадбирларини белгиладилар.<sup>4</sup>

1920 йил 20–27 январда деярли бир вақтнинг ўзида ТКП Ўлка Комитети Мусулмонлар бюросининг III конференцияси ва Туркистон Компартиясининг V ўлка конференцияси бўлиб ўтди.

<sup>1</sup> Мусбюро РКП(б) в Туркестане... – С. 35–36.

<sup>2</sup> Мусбюро РКП(б) в Туркестане... – С. 34–35; *Рисқулов Т.Р.* Собрание сочинений в трёх томах. Т. 3. – Алматы: Қазақстан, 1988. – С. 168–169.

<sup>3</sup> *Ходжанов С. К.* 10-летию Советской автономии Туркестана. – Т.: Изд. «Правда Востока», 1928. – С. 12.

<sup>4</sup> Ўзбекистон РПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 127-иш, 10–13-варақлар: Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-руйхат, 287-иш, 3-варақ.

Мусбюро III конференцияси делегатлари айна пайтда V ўлка конференциясининг делегатлари ҳам эди. Ҳар икки конференция ишида Т. Рискулов фаол иштирок қилди. 25 январда бўлган Мусбюронинг сўнгги конференциясида Т. Рискулов миллий масала тўғрисида қизиқарли маъруза қилди. У ўз сўзида Туркистонда ҳукм сураётган буюк давлатчилик шовинизмини куйидагича очиб ташлади: «Чоризм даврдан буён давом этаётган мустамлакачилик тартиботини йўқотиш зарур. Миллий қарама-қаршилик ҳозиргача тугатилмаган. У европали аҳолининг кеккайган варварлик хулқ-атворидан куч олмоқда. Мусулмон аҳолисининг ўртасида социал инқилоб ғояларини татбиқ этиш ўрнига бемаъни ва нохуш ходисалар содир қилинмоқда».<sup>1</sup>

Конференцияда Туркистондаги уч мустақил партиявий ташкилот – ТКП Ўлка комитети, Мусулмонлар бюроси ва Ажнабий коммунистлар комитети ягона коммунистик партияга бирлаштирилди. Конференция резолюциясида «Туркистон туркий халқларининг коммунистик партияси» деган расмий ном олган бу партия туркий халқлар кенг меҳнаткашлар оммасининг партияси бўлиши, РКП(б) МКга нисбатан у область (ўлка) комитети ҳуқуқларидан фойдаланувчи ва унга бўйсунувчи ўз Марказий Комитети томонидан бошқарилиши керак эди.

«Туркистон туркий халқларининг коммунистик партияси» (Совет тарихий адабиётларида «Турк компартияси») тузилишини Мусулмонлар бюроси сўнгги конференцияси делегатлари кизгин қаршилашди. Т. Рискулов томонидан Туркистон Совет Республикаси (ТСР) номини ўзгартириб, унга Турк Республикаси (русча хужжатларда – Тюркская Республика) деб аташ таклиф қилинганда бу фикр ҳам катта олқишларга сазовор бўлди ва конференция иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Хуллас, Т. Рискулов томонидан Туркистон Компартиясининг V ўлка конференциясида қилинган «Миллий масала ва миллий коммунистик секциялар тўғрисида»ги маъруза<sup>2</sup> кизгин муҳокама ва мунозарага сабаб бўлди. Т. Рискуловнинг «Туркистон туркий халқларининг коммунистик партияси»ни

<sup>1</sup> Мусбюро РКП(б) в Туркестане... – С. 77.

<sup>2</sup> Мусбюро РКП(б) в Туркестане... С. 77–78.

тузиш ҳақидаги таклифи энг аввало ўлка бошқарувида коммунистик партиянинг роли тобора ошаётганлигини назарда тутиб, мамлакат бошқарувида маҳаллий халқлар иштироки ва уларнинг сиёсий фаоллигини таъминлаш, умуман олганда, Мусулмонлар бюроси фаолияти тажрибасидан келиб чиқиб, уни шу йўналишда давом эттиришни кўзда тутган эди.

Мусулмон ташкилотларининг III конференциясида қабул қилинган «Туркистон мухторияти ва конституцияси ҳақидаги резолюция» V ўлка конференцияси делегатлари томонидан ҳам маъқулланди. Ушбу резолюцияда «Турк республикаси»ни тузиш ғояси қўйидагича асослаб берилган:

« I. Беш вилоят – Сирдарё, Еттисув, Фарғона, Самарқанд, Закаспий вилоятларидан иборат Туркистон қирғиз, ўзбек, қорақалпоқ, қипчоқ, таранчи, татар, дунган ва бошқалардан иборат туркий халқлар (шунингдек, тожик, келиб чиқиши турк бўлмаган маҳаллий яхудийлар) мамлакатидир.

II. РСФСР Конституциясининг иккинчи моддасига мувофиқ, Туркистон мухтор республикаси миллий совет республикаси ҳисобланиши, унда ўз тақдирини ўзи белгиловчи маҳаллий халқ туркий халқлардир. Шу туфайли ҳудудий мазмун касб этувчи «РСФСР Туркистон Республикаси» номи «РСФСР Турк Республикаси» деб ўзгартирилсин.

III. Совет Турк Республикаси ўз давлат фаолияти ва конституциясини маҳаллий аҳолининг тарихий, иқтисодий, турмуш талабларига жавоб бера оладиган асосда куриши лозим.

IV. Туркистоннинг беш вилояти ўртасидаги жуғрофий чегаралар тўсиқ ҳисобланмасин.

V. Туркистон Республикаси Советларининг VI съездида тасдиқланган Конституцияси қайта кўриб чиқилсин. Советларнинг IX съездини ўтказиш учун янги маҳаллий ҳаётга мувофиқ келадиган, РСФСР меҳнаткашлари ва эзилган халқлари ҳуқуқлари Декларацияси асосидаги янги Конституция ишлаб чиқилсин.

VI. Эзилган халқлар меҳнаткашларини байналмилал жипслаштириш манфаатларини кўзлаб, туркий халқларни татар, қирғиз, бошқирд, ўзбекларга ажратиб бўлиб ташлаш ва алоҳида майда республикалар тузиш учун интилишларга коммунистик ташвиқот йўли билан барҳам берилсин.

VII. Конференция синфий кураш муваффақиятларини кўзлаб, республика ҳаётининг айрим умумфедератив аҳамиятига молик соҳаларини марказлаштиришга қаршилик билдирмаса-да, Туркистоннинг Марказдан узоқлиги, худуди катталиги, этнографик, топографик, турмуш хусусиятларини назарда тутиб, совет Турк Республикаси Марказий ҳокимиятга ички қонунчиликда тенг ҳуқуқлар берилишини зарур деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, эндиликда давлат ташкилотларида туркий тилнинг давлат тили сифатида киритилиши учун зарур чоралар кўриш лозим».<sup>1</sup>

Резолюцияда ифодаланган фикрлар сиёсий вазият тақозоси билан қисман социализм ғояларига мослаштирилган бўлса-да, у ягона олий мақсад – Туркистонни Марказ исканжасидан қутқариб, уни парчалаб юборилишдан сақлаб қолиш, маҳаллий ўз-ўзини бошқаришга эришиш эди. РКП(б) МК Туркистон бюроси (Туркбюро) таркибида кейинчалик Туркистонда ишлаган Г. Сафаров, бу конференцияларнинг ижобий аҳамияти мустамлакачиликни ғоявий «қуролсизлантириш»дан иборат бўлган<sup>2</sup> деб бежиз айтмаган эди.

Туркистон АССР МИК раиси Т. Рискулов Москвага, РКП(б) МК ва В.И. Ленин номига бир неча марта радиограмма орқали бу резолюция ҳақида хабар юбориб, уни тасдиқлашни сўрайди.<sup>3</sup> Бироқ 1920 йил 22 февралда Тошкентга етиб келган Туркистон комиссияси аъзоси, Туркистон fronti қўмондони М.В. Фрунзе бу қарорга кескин қарши чиқади. 1920 йил 23–24 февраль ва 3 мартда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон Комиссияси, Туркистон АССР МИК ва Туркистон Компартияси Ўлка Комитетининг қўшма мажлисида шу масала кўриб чиқилади. Мазкур масалада ҳозиргача иккиланиб турган Туркистон комиссиясининг бошқа аъзолари В. Куйбишев, Ф. Голошчекин ва Ш. Элиава ҳам мажлисда М. Фрунзе ва Я. Рудзутакнинг фикрларига қўшиладилар. Хуллас, Туркистон комиссияси ўлка халқларининг миллий ҳуқуқларини назар-

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 17-фонд. 1-руйхат, 214-иш, 121–123-варақлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). – М.: Госиздат, 1921. – С. 112.

<sup>3</sup> Ўзбекистон МДА, 17-фонд. 1-руйхат, 214-иш, 137-варақ.

писанд килмай, Марказнинг кўрсатмаси билан юқоридаги қарорларни ноқонуний тарзда бекор қилди. Туркистон комиссиясининг хатти-ҳаракатлари РКП(б) МК томонидан қўллаб-қувватланди. Т. Рискулов ва унинг маслакдошлари Тошкентда ўз фикрларини Марказдан келган инқилобчиларга тушунтира олмасликларини англаб етгач, 1920 йил май ойида Москвага жўнаб кетишди.

Туркистон АССР МИК раиси Т. Рискулов Москвага жўнаб кетишидан сал олдин, 1920 йил 8 мартда РКП(б) МК Туркистон автономияси ва партия қурилиши ҳақидаги қарорни қабул қилди, натижада «Туркистон туркий халқларининг коммунистик партияси ва Турк Республикаси тузиш» ҳақидаги қарор РКП(б) МК томонидан ноқонуний равишда рад қилинади.

«Туркистон автономияси тўғрисидаги Низом» деб номланган РКП(б) МКнинг ушбу қарориди федерал ҳукумат органлари бўлган мудофаа, ташқи алоқалар, темир йўл, почта ва телеграф алоқаси, молия ишларини Бутунроссия миқёсида марказлаштириш уқтирилди<sup>1</sup>.

Т. Рискулов бошчилигидаги Туркистон делегацияси РКП(б) МКнинг бу қарорига норозилик билдириб, «Туркистонда давлат қурилиши тўғрисидаги Низом» лойиҳасини ҳимоя қилиш учун 1920 йил 17 майда Москвага етиб борди. Туркистон АССР МИК раиси Т. Рискулов ўша кунгиче партия МКга ушбу ҳужжат матнини топширади. Мазкур Низом лойиҳасида қуйидаги талаблар битилган эди:

«а) Туркистонда кучли мусулмон армиясини ташкил этиш ва руслардан тузилган қизил армия қисмларини тугатиш;

б) Туркистон Республикасида ҳарбий комиссариатни тиклаш, унга қизил армия тузиш ва тарбиялашни топшириш, Туркистонда ҳарбий қисмларни фақат маҳаллий аҳолидан тузиш;

в) Туркистонда бутун ҳокимиятни Советлар съезидига, Туркистон МИК ва ХКСга топшириш;

г) Турккомиссияни тугатиш;

---

<sup>1</sup> Воскобойников Э., Зевелёв А. Турккомиссия ВЦИК, Совнарком РСФСР и Туркбюро ЦК РКП(б) в борьбе за укрепление Советской власти в Туркестане. – Т.: Госиздат, 1951. – С. 94.



д) Туркистонга мусулмон ҳарбий ва сиёсий ходимларини жўнатиш»<sup>1</sup>.

Шунингдек, ушбу Низом лойиҳасида Туркистон fronti Ҳарбий инкилобий кенгаши (Туркфронт, Революцион ҳарбий совети) ҳуқуқларини чеклаш; ташқи алоқалар, ташқи савдо ва ҳарбий масалаларни РСФСР ваколатидан чиқариб, Туркистон МИК ихтиёрига бериш талаб қилинган эди.

Туркистон делегацияси Марказга ўз талабларини топширар экан, Туркистон комиссияси фаолиятига алоҳида тўхталди. Делегация аъзолари Т. Рискулов ва Н. Хужаев Туркистон Комиссияси ўлкада мустамлакачилик сиёсатини давом эттирмоқда ва мусулмон аҳолисидан қизил армия тузишга қарши чиқмоқда, деб маълум қилдилар.<sup>2</sup>

Т. Рискулов Москвада бўлган чоғида Туркистонни Ўзбекистон, Қозогистон<sup>3</sup>, Туркманистон ва Қирғизистон қилиб бўлиб ташлашга қарши чиқди ва ўзбек, туркман, қозоқ, қирғизларнинг ягона туркий халқ эканлигини исботлашга ҳаракат қилди.<sup>4</sup> Т. Рискуловнинг фикрича, «Турк Совет Республикаси» Туркистон, Татаристон, Бошқирдистондаги барча халқларни ҳамда Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида монархия тузуми ағдарилгач, келажакда у ердаги халқларни ҳам бирлаштириши керак эди.

В.И. Ленин мазкур ҳужжат билан 25 майда танишиб чиқади ва унга «Архивга, Туркистон тўғрисидаги» деб ёзиб

---

<sup>1</sup> Қаранг: Историография, источниковедение истории компартии Туркестана. – Т.: Ўзбекистон, 1989. – С. 41–42; РГАСПИ, 17-фонд, 1-руйхат, 407-иш, 4–6-варақлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-руйхат, 39-иш, 24-варақ.

<sup>3</sup> Қозогистон АССР – 1920 йил августда РСФСР таркибида Қирғизистон Автоном Совет Социалистик Республикаси номи билан ташкил топган автоном республика. Унга Акмола, Семипалатинск, Тургай, Урал областлари, Астрахань, Оренбург ва Закаспий областларининг бир қисми, яъни Туркистон АССР ҳудудининг катта қисми ҳам кирган. Маркази – Оренбург шаҳри. 1925 йилдан Қозогистон АССР деб юритилган. 1936 йилда Қозогистон АССР Қозогистон ССРга айлантирилган ва СССР таркибига кирган.

<sup>4</sup> *Акрамов А., Авляякулов К.* В.И. Ленин, Турккомиссия и укрепление Советской власти в Средней Азии. – С. 135.

кўяди<sup>1</sup>. У туркистонликларнинг ушбу Низом лойиҳаси билан синчиклаб танишиб чиққач, бу ҳужжатни партиянинг миллий сиёсатига зид деб катъиян рад қилади. В.И. Лениннинг мулоҳазалари ва махсус тузилган комиссия лойиҳаси Марказий Комитет Сиёсий бюросининг 1920 йил 29 июнда «РКП(б) МКнинг Туркистондаги асосий вазифалари тўғрисида» деган умумий ном билан қабул қилган тўртта қарорига асос қилиб олинди. РКП(б) МК қарорида ташқи савдо, ташқи алоқа, ҳарбий масалалар РСФСР тасарруфидаги соҳалар эканлиги таъкидланди.

Т. Рискулов ва унинг тарафдорлари 1920 йил 18 июлда Туркистон Компартияси Ўлка Комитети ва Туркистон МИК таркибидан чиққанликларини эълон қилишди.<sup>2</sup> Т. Рискулов Туркистон АССР МИК раиси лавозимидан истеъфога чиқди. Бу ходиса Туркистоннинг, ҳатто Ўзбекистон ССРнинг совет давридаги тарихида республика раҳбарининг ягона истеъфоси сифатида тарихга кирган.

Амалда минтақанинг хўжайинига айланган Туркистон комиссияси 1920 йил 19 июлда Т. Рискуловнинг сафдошлари кўпчиликни ташкил қилган Ўлка Комитетини тарқатиб юбориш ва Туркистон Компартиясининг муваққат Марказий Комитетини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Совет режими билан муроса қилишни афзал кўрадиган миллий коммунистлардан бири Назир Тўрақулов Туркистон Компартияси муваққат Марказий Комитети Ижроия бюросининг масъул котиби қилиб сайланди.<sup>3</sup> Айни вақтда Туркистон АССР МИК таркибини янгилаш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди. Туркистон АССР МИК раиси лавозимига Т. Рискулов ўрнига Абдулла Раҳимбоев тайинланди.

Хуллас, 1920 йил август ойининг ўрталарида Марказ томонидан Т. Рискулов Москвада ишлаш учун бу ерга чақириб

<sup>1</sup> Қаранг: В.И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозогистон тўғрисида. – Б. 654; Владимир Ильич Ленин. Биографическая хроника. Т. 8. Ноябрь 1919 – июнь 1920. – М.: Политиздат, 1977. – С. 589.

<sup>2</sup> Қаранг: *Рискулов Т.Р.* Собрание сочинений в трёх томах. Т. 1. – Алматы: Қазақстан, 1997. – С. 34.

<sup>3</sup> Қаранг: *Торекулов Н.* Собрание сочинений в двух томах. Т. 1, 2 (рус ва козок т.). – Алматы: Алаш, 2004. – С. 312–324.

олинади. Шу пайтдан бошлаб Т. Рискулов ва унинг маслақдош дўстлари бўлган миллий коммунистлар устидан аввал ўрнатилган алоҳида назорат кучаяди, уларга нисбатан турли-туман тазйиқлар қилинади. Бу ҳақда таниқли тараққийпарвар Мунаввар Қори Абдурашидхонов кейинчалик қамоқхонада ёзган хотираларида қуйидагича эслайди: «Бу вақтда Туркистонда гуруҳбозлик кучли эди. Гоҳ улардан бири, гоҳ иккинчиси ғалаба қиларди. Мағлуб бўлганларни ғолиблар Хоразм ва бошқа шу каби ўлкаларга юборишарди. Буни бизлар «фаҳрли бадарға» деб атардик.

IX қурултойдан сўнг Рискулов гуруҳи бутунлай енгилди. Тўракулов гуруҳи ғалаба қилди. Бизлар (Рискулов тарафдорлари) мағлублар қаторида «командировка» олишимиз керак эди. Шу сабабли Боқудан қайтганимдан кейин мени Шохид Аҳмадиев Маориф халқ комиссарлигига чақириб, Бухоро Маориф халқ нозирлигига – Қори Йўлдош ихтиёрига юборди. Мени у коллегия аъзоси қилиб тайинлади. Шу билан бирга, менга Бухоро шаҳрини озиқ-овқат билан таъминлаш вазифасини ҳам юклади»<sup>1</sup>.

Туркистондаги туб халқлар ўртасида қисқа муддат ичида катта обрў қозонган ўлка Мусулмонлар бюроси «Ўзига давлат муассасаси функцияларини ўзлаштириб олганлик»да айбланиб, унинг мусулмонларнинг коммунистик партиясини тузишга интилиши қораланди, бу ташкилот ўз тарихий вазифасини, яъни мусулмонлар орасида ташкилий иш олиб бориш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш вазифасини бажариб бўлган ташкилот сифатида тугатилиши лозим, деб топилди»<sup>2</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон АССРда фаолият кўрсатган миллий коммунистлар ўлка туб халқлари манфаати учун Марказ сиёсатига қарши кураш олиб бордилар. Миллий раҳбар ходимлар Туркистон Совет Республикаси ўрнига Турк Республикаси, Туркистон Коммунистик партияси ўрнига Туркистон туркий халқларининг коммунистик партияси тузишга

<sup>1</sup> Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (Жадидчилик тарихидан лавҳалар). Нашрга тайёрловчи С. Холбоев. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 28–29.

<sup>2</sup> Зияева Д. Мустақиллик учун курашнинг ўқилмаган саҳифалари // Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. – Т.: Фан, 1996. – Б. 69.

ҳаракат қилдилар. Хусусан, Турор Рисқулов раислигида иш олиб борган Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси (Мусбюро) фаолияти диққатга сазовордир. Мусулмонлар бюроси ўзининг атиги 10 ойлик фаолияти давомида Туркистон комиссияси (Турккомиссия)нинг мустамлакачилик сиёсатига қарши изчил кураш олиб борди. Миллий раҳбар ходимлар совет ва партия ташкилотларида ишлаб туриб ҳам Туркистоннинг мустақиллиги ва бирлиги учун кураш тарихига ёрқин саҳифалар битишди.

Миллий коммунистлар большевиклар мафқурасини асосан қабул қилсалар ҳам ўз халқларининг миллий манфаатларига содиқ қолдилар. Улар 1919–1920 йилларда Туркистон бирлиги ва равнақи ғояси билан яшаб, имконият даражасида Марказ вакиллари ва совет ҳокимиятига қарши расмий муҳолифатда бўлишди.

### III боб. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ва унинг бошқарув тизими (1925–1941 йиллар)

#### 3.1. Ўзбекистоннинг «иттифоқдош республика» статуси ва унинг ҳуқуқий асослари

Туркистон азалдан минтақа халқларининг ягона ва умумий ватани бўлган. Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларининг туб халқлари асрлар давомида турмуш тарзи ва анъаналари жиҳатидан бир-бирларига жуда яқин бўлиб кетган эдилар. Бухоро ва Хоразм республикалари 1924 йил охиригача мустақил давлат бўлганлар. Туркистон минтақаси ягона ҳудуд, тарихий замин, ўз хўжалиги, анъаналари, дини, тили ва маданиятининг муштараклиги билан ажралиб турган. Туркистондаги давлатларнинг ҳар бирида юз йиллар давомида туркий халқлар: ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қozoқ, қирғиз халқлари, шунингдек, тожик халқи азалдан яшаганлиги тарихан таркиб топган ҳодиса эди. Минтақа халқлари Туркистон тупроғини қадимдан ўзларининг асл ватанлари деб билганлар. Минтақа халқлари ягона ва бир деган ғоя (туркистонлик) авлоддан-авлодга ўтиб, XX аср 20-йилларида Туркистондаги миллий зиёлилар ва миллат етакчиларининг ижтимоий-сиёсий қарашлари ҳамда амалий фаолиятларида акс этган.

Мустабид совет режими ва большевиклар учун Туркистон минтақасини бўлиб ташлаб, уни идора қилиш қулай эди. Шунинг учун ҳам дастлаб Туркистон ўлкасига совет «автономияси» берилди, яъни Россия Совет Федерацияси таркибида 1918 йил 30 апрелда Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ташкил топди. Бу пайтда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги (1920 йилдан бошлаб Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикаси) мустақил давлатлар эди. Сўнгра большевиклар томонидан Туркистон минтақасини парчалаб ташлаш учун жиддий тайёргарлик кўрилди. Бу жараён айрим узилишлар билан 7 йил давом этди.

Россияда фуқаролар уруши ва чет эл ҳарбий интервенциясига қарши кураш йилларида (1918–1922 йиллар) Россия империясининг собиқ ҳудудида мустақил давлатлар (Польша, Финляндия), мустақил миллий республикалар (Литва, Латвия,

Эстония, Украина, Азербайжан, Грузия, Арманистон), совет республикалари (Белоруссия ССР ва б.), мухтор ҳукуматлар (Туркистон Мухторияти, Алаш Орда, Бошқирдистон Мухторияти ва б.) ташкил топди. Бундан ташқари, РСФСР таркибида турли автоном совет республикалари (Туркистон АССР, Қирғизистон АССР (Қозоғистон АССР) ва б.) бор эди.

Шунингдек, Россия империяси ва кейинчалик совет Россиясининг бевосита ҳудудий таркибига кирмаган бўлса ҳам унинг таъсири ва назоратида мавжуд бўлиб турган Туркистон минтақасидаги миллий давлатлар (Бухоро амирлиги, Хива хонлиги; 1920 йилда уларнинг ўрнида ташкил қилинган Хоразм Халқ Совет Республикаси, Бухоро Халқ Совет Республикаси) мавжудлиги бу даврдаги реал ҳодиса эди.

1922 йил 30 декабрда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи (СССР) ташкил топди. Совет давридаги тарихий адабиётларда, хусусан, XX аср 50–80-йилларида яратилган тадқиқотларда келтирилган фикрларга қарама-қарши ўларок шуни таъкидлаш лозимки, янги совет давлати – СССРнинг асосчиси ва ғоявий ташкилотчиси В.И. Ленин бўлмай, балки бу давлат И.В. Сталин ғоялари асосида ҳамда бевосита унинг раҳбарлигида ташкил қилинган (СССРга дастлаб тўрт республика: РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР ва Закавказье СФСР кирган.) СССРнинг ташкил қилиниши билан Туркистон ўлкасининг тақдири узил-кесил ҳал қилинди.

1920 йил бошларида Туркистон комиссияси Туркистон АССРни миллий тил белгисига қараб бўлиб ташлаш масаласини кўйган эди. Туркистон Комиссиясининг бу тезисларига қарши чиққан Т. Рисқулов, Н. Хўжаев ва бошқа миллий етакчилар «пантуркизм», «панисломизм», «буржуа миллатчилиги» ва «ўнг оғмачилик»да айбланди. Бу ҳақда сал олдин тўхталиб ўтилди.

В.И. Ленин 1920 йил май ойида Туркистоннинг Узбекия, Қирғизия, Туркменияга бўлинган харитасини (этнографик ва хоказо харитасини) тузишни мутасадди шахсларга топширган<sup>1</sup>. Шунинг учун 1920 йил августда Туркистон АССРнинг Еттисув вилояти, Сирдарё ва Закаспий вилоятларининг бир қисми янги ташкил қилинган РСФСР таркибидаги Қирғизистон АССР

<sup>1</sup> Қаранг: В.И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон туғрисида. – Б. 400.

(аслида Қозоғистон АССР) ихтиёрига берилган. 1920–1924 йилларда мустақил Бухоро ва Хоразм республикаларининг мавжуд бўлиб туриши Марказнинг вақтинчалик мураса йўлини танлаганлигидан бошқа нарса эмас эди. Аслини олганда Совет ҳукуматининг раҳбари В.И. Ленин совет республикалари асосида СССРни ташкил қилиш принциплари тўғрисида 1922 йил кузида тўхталар экан, «қўшилишдан олдин ажралиш керак», деб масалани аниқ қўйган эди.

Хуллас, Туркистон минтақасини миллий-худудий жиҳатдан қайта чегаралаш Марказ ва РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси томонидан ишлаб чиқилди ва 1924 йилда у ўзининг сўнгги босқичига кирди.

1924 йил апрель-июнь ойларида Марказий органлар, минтақанинг уч республикасидаги коммунистик ташкилотлар ва РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросида миллий чегараланиш масалалари юзасидан зўр бериб иш олиб борилди. Миллий чегараланиш масалаларини янада батафсил ва чуқурроқ ўрганиш учун Туркистон ва Бухоро Коммунистик партиялари Марказий қўмиталари ҳузурида махсус комиссиялар тузилди. Бундай комиссия Марказнинг Туркистондаги ваколатли ташкилоти – Ўрта Осиё бюроси ҳузурида ҳам иш олиб борган. Шунингдек, бу комиссия ҳузурида кичик комиссиялар ҳам ташкил этилган эди<sup>1</sup>.

1924 йил 14 октябрда бўлган Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси (РСФСР МИК) I сессиясида Ўрта Осиёдаги Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари ўрнида Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР, Тожикистон АССР (Ўзбекистон таркибида), Қорақалпоқ (Қорақалпоғистон) автоном вилояти ва Қирғиз (Қирғизистон) автоном вилояти ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.<sup>2</sup> Ниҳоят, 1924 йил 27 октябрда бўлган Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Қўмитаси (СССР БМИК) II сессияси Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказиш ва янги республикалар ҳамда вилоятлар ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 705-иш, 17–18-варақлар.

<sup>2</sup> “Народное хозяйство Средней Азии”, 1924. №4. – С. 28.

Шундай қилиб, 1924 йил сентябрь-октябрь ойларида Туркистон минтақасида ўтказилган миллий-худудий чегараланиш Ўрта Осиё республикалари, совет Россияси ва СССР давлат ҳокимияти юқори органлари қарорларида қонун йули билан расмийлаштирилди.

1924 йил 18 ноябрда Туркистон АССР, Бухоро ССР ва Хоразм ССР Марказий Ижроия Кўмиталари махсус қўшма қарор қабул қилдилар ва шу қарорга биноан ўз ваколатларини Ўзбекистон ССР Советларининг Таъсис қурултойига қадар иш кўрувчи, Файзулла Хўжаев раислигида 31 октябрда ташкил этилган Ўзбекистон ССР Муваққат инқилобий комитети (ревком)га топширилди.<sup>1</sup> Бу комитет тўрт ой давомида Ўзбекистон ССР тузилишини бошқариб борди.<sup>2</sup>

Ўзбекистон ССР Ревкўмининг 1925 йил 29 январдаги қарорига кўра янги тузилаётган республиканинг маъмурий тузилиши куйидагича бўлган: ЎзССР 7 та вилоят ва алоҳида Нурота уездига бўлинган. Самарқанд шаҳри пойтахт бўлиши керак эди. Вилоятлар 32 та уезд, уездлар эса 312 та волостга бўлинган.<sup>3</sup>

Шундай қилиб, 1924 йил охири ва 1925 йил бошларида Туркистон АССР, БССР ва ХССР тугатилиб, уларнинг ўрнида Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР, Тожикистон АССР (1929 йилгача Ўзбекистон ССР таркибида), Қора-Қирғиз (Қирғиз) автоном вилояти (РСФСР таркибида), Қорақалпоқ автоном вилояти (дастлаб Қозоғистон АССР таркибида; 1930 йилдан РСФСР таркибида; 1932 йилдан Қорақалпоғистон АССР; 1936 йилдан у Ўзбекистон ССР таркибида) ташкил этилди. 1924 йил охири ва 1925 йил бошларида совет режими ва большевиклар Туркистон минтақасини парчалаб ташлаб, Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланишни амалга оширди.

1925 йил 13–17 февралда Бухорода бўлган Ўзбекистон ССР Советларининг 1-қурултойида «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини ташкил этиш тўғрисида Декларация» қабул қилинди. Декларация Ўзбекистон ССРнинг ташкил

<sup>1</sup> “Озод Бухоро”, 1924 йил 28 ноябрь.

<sup>2</sup> Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917–1924 й.). – Б. 158.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд. 1-руйхат, 637-иш, 1-варак.



топганлигини қонунан расмийлаштирди ва унинг ихтиёрий равишда СССР таркибига кирганлигини эълон қилди. Декларацияда ёзилганидек, «шу кундан эътиборан ўзбек халқи тарихида, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Зарафшон, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларини ўз ичига олган бу халқ худудида биринчи марта ишчи ва деҳқонларнинг иттифокдош Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси таъсис этилади, унга Тожикистон АССР ҳам киради».<sup>1</sup>

Қурултойда республика ҳокимиятининг олий органлари расмийлаштирилди. Таниқли давлат арбоби Файзулла Хўжаев Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси ва Фарғона водийсидан чиққан деҳқон Йўлдош Охунбобоев Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси Президиуми раиси қилиб сайланди.<sup>2</sup>

Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ва унинг СССР таркибига кириши билан минтакада совет давлатчилигининг янги босқичи бошланди. Биринчи босқич (1917–1924 йиллар)дан фарқли равишда иккинчи босқич (1925–1941 йиллар)да ҳозирги Ўзбекистон худудида совет ҳокимияти мустақкам қарор топди. Ўзбекистон ССРда 1925 йилдан бошлаб Совет Иттифоқи таркибига кирган 6 та «иттифокдош республика»нинг бири сифатида социалистик жамият асосларини куриш давом эттирилди.

Янги ташкил топган «иттифокдош республикалар»нинг статуси (мақоми), уларнинг қандай асосларда СССРга кириши ва ундан ажралиб чиқиши энг аввало қонуний йўл билан расмий ҳужжатларда, Иттифоқ ва республика конституцияларида ўз аксини топди.

Даставвал Туркистон ўлкасида совет ҳокимиятининг биринчи босқичи (1917–1924 йиллар)да амал қилган Туркистон АССР, БХСР, ХХСР конституциялари, бу республикалар билан РСФСР, кейинчалик СССР ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг оқибатлари хусусида тўхталиб ўтиш лозим.

<sup>1</sup> Первый Всеузбекский съезд Советов. Стенографический отчет. Февраль 1925 года. – Т.: Узбекское государственное издательство, 1925. – С. 104–106.

<sup>2</sup> «Правда Востока», 20 февраля 1925 г.

Юқорида айтиб ўтилганидек, 1918 йил 20 апрель – 1 майда бўлган Туркистон ўлка Советларининг 5-съездида Туркистон Совет Республикаси (расмий ҳужжатларда: Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси – қисқача ТСР) ташкил топди. Съездда совет ҳокимиятининг Туркистондаги олий органи: Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси (Туркистон МИК) ва Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Совети (Туркистон ХКС) тузилган.<sup>1</sup> ТСР маъмурий жиҳатдан 1918 йилда Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Еттисув, Закаспий областлари ва Амударё бўлимига бўлинган. Амударё бўлими кейинчалик Амударё (Туркман) областига айлантирилган.

Советларнинг 5-ўлка съездида қабул қилинган «Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси ҳақидаги Низоми»да «Туркистон Федератив Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи – ишчи, солдат, крестьян ва мусулмон деҳқон депутатлари Советларининг съездидир», қонун чиқарувчи доимий олий орган Марказий Ижроия Комитетидир; ижро қилувчи ҳокимият ва ўлкани бошқариш Халқ Комиссарлари Совети қўлида бўлади; жойларда ҳокимият маҳаллий Советларга ва уларнинг ижроия комитетларига тегишлидир, деб кўрсатилган эди.<sup>2</sup>

Совет ҳокимияти 1918 йил апрелда Туркистон ўлкасини Совет Россияси таркибидаги республика деб эълон қилгач, минтақа совет давлати таркибига кирганлиги қонуний йўл билан расмийлаштирилди. Советлар съездида қабул қилинган Низомни фақат ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш, яъни республика конституциясини қабул қилишгина қолди, ҳолос.

Бу вазифа ҳам орадан 5 ой ўтгач, 1918 йил 5–14 октябрда бўлган Туркистон Республикаси Советларининг фавқулодда VI съездида амалга оширилди. Унда Россия Социалистик Совет Федерациясининг Туркистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. ТСР конституцияси аслини олганда 1918 йил 10 июнда Бутунроссия Советларининг II съездида қабул қилинган биринчи совет конституцияси – РСФСР конституциясининг

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА. 17-фонд, 1-руйхат, 1-иш, 1–7-варақлар.

<sup>2</sup> Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т. II. – С. 252.

андозаси эди. Бу ҳолатни Туркистондаги совет ҳукумати раҳбарларидан бири А.Ф. Солькин ўз нутқида қуйидагича эътироф этган эди: «Советларнинг II съезидида Туркистон Республикаси Конституциясини яратиш учун тузилган комиссия ҳеч қандай иш қилмади. Қачонки телеграф орқали Бутунроссия конституцияси олинган, Туркистон Республикаси Конституциясининг асосий қоидалари ишлаб чиқилди»<sup>1</sup>.

Туркистон Республикаси Конституцияси биринчи марта Россия Федерацияси билан Туркистон Республикаси ўртасидаги ҳуқуқ ва ваколатларни белгилади. Конституциянинг 3-бўлим 7-боб 3-параграфи иловасида ёзилишича, «мудофаа, ташқи алоқалар, почта-телеграф, денгиз ишлари, темир йўллар, божхона, савдо-сотик, саноат ва молия масалалари федерал ҳукумат бошқарувида қолдирилди»<sup>2</sup>.

Шунингдек, Конституциянинг бешинчи бўлимига кўра, Туркистонда фаол ва суёт сайлов ҳуқуқи жорий этилди. Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан қуйидаги категорияларга кирувчи кишилар маҳрум қилинди:

а) фойда келтиришни мақсад қилувчи ёлланма меҳнатдан фойдаланган шахслар;

б) меҳнат қилмасдан топилган даромадлар ҳисобига яшовчилар, яъни кўчмас мулк ёки сармоядан келувчи фойда фоизи ҳисобига яшовчи шахслар;

в) хусусий ва коммерция савдо воситачилари;

г) монахлар, черковлар ва диний зиёратгоҳларда хизмат қилувчи диний хизматчилар;

д) полиция, хусусан, жандарм ва оҳранка бўлимларининг собиқ агентлари ва хизматчилари, шунингдек, Россияда ҳукмронлик қилган подшо хонадони аъзолари;

е) руҳий хаста бўлганлар деб тан олинган ва эътироф этилган кишилар ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар;

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-руйхат, 4-иш, 35–36-варақлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т. II. – С. 519; Конституция Туркестанской Республики Российской Социалистической Советской Федерации // Съезды Советов в документах. 1917–1936. Сборник документов в трёх томах. Т. I. Съезды Советов РСФСР и автономных республик РСФСР. Сборник документов 1917–1922 гг. – М.: Юридическая литература, 1959. – С. 274–289.

ж) мавжуд қонун ва суд ҳукми билан оғир жинояти учун жазо муддатини ўтаётган шахслар.<sup>1</sup>

Хуллас, Туркистон Совет Республикасининг биринчи Конституциясини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнида жиддий хатоликларга йўл қўйилди. Бу ҳолатни ўз пайтида яхши тушунган миллий раҳбар ходимлардан бири, Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси раиси Турор Рискулов шундай ёзган эди: «Туркистоннинг Конституцияси Россияниқидан кўчириб олинган ва уни жиддий ўзгартиришга тўғри келади».<sup>2</sup>

Туркистонда қабул қилинган биринчи совет конституцияси ҳақидаги фикрларни умумлаштириб айтадиган бўлсак, бу конституция энг аввало совет Россияси конституциясининг Туркистонга мослаштирилган андозаси эди. Иккинчидан, бу ҳужжатда давлатнинг Туркистонда яшовчи туб халқларга нисбатан муносабати тўғрисида, яъни миллий сиёсат тўғрисида умуман гапирилмади. Учинчидан, конституция лойиҳаси рус тилида чоп этилди ва у қабул қилингандан сўнг ҳам умумхалқ эътиборига шундай ҳавола этилди. Конституция Туркистонда яшовчи ўзбек ва бошқа туркий халқлар учун анча пайтгача «тушунарсиз ва мавҳум бир декрет» сифатида қайд қилинди, холос.

Бироқ большевиклар партияси, совет Россияси ва Марказдаги сиёсий доиралар учун Туркистонга автономия берилиши ва бу Конституциянинг қабул қилиниши ўзига хос муҳим воқеага айланди. Биринчидан, большевиклар ва совет Россиясининг Туркистон ўлкасидаги сиёсий ҳукмронлиги ўлкада совет автономиясининг ўрнатилиши билан йўлга қўйилди. Иккинчидан, Туркистон Республикасида давлат бошқаруви асосий функцияларининг Россия федерал ҳукумати ихтиёрига топширилиши конституция қабул қилиниши билан ҳуқуқий асосда қонуний расмийлаштирилди. Россия империясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатини совет Россияси сиёсатдонлари янги тарихий давр ва шароитда давом эттирдилар. «Туркистон –

---

<sup>1</sup> Съезды Советов в документах 1917–1936. Сборник документов в трёх томах. Т. I. – С. 285–286.

<sup>2</sup> Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана (Сборник главнейших статей, докладов, речей и тезисов). Часть I. 1917–1919. – Т.: Узбекское государственное издательство, 1925. – С. 122.

Россиянинг ажралмас қисми» шиори XX аср 20-йиллари бошларига келганда ҳаётга татбиқ этиб бўлинди.

Туркистон Советларининг 9-съезди (1920 йил 19–25 сентябрь)да қабул қилинган янги конституцияга кўра, ТССРнинг номи Туркистон Совет Социалистик Республикаси (ТССР) деб ўзгартирилди. Икки йил олдин қабул қилинган Конституциядан фарқли ўлароқ, янги конституцияда ТССР ва РСФСР органлари ўртасидаги ваколатлар аниқ белгиланди. Бу ҳолат конституциянинг 3-бўлим 6-боби 26-моддасида куйидагича кўрсатилади:

«А. Фақат федерал ҳокимият компетенциясига кирувчилар;

а) ташқи муносабатлар бўйича ишлар,

б) ташқи савдо,

в) ҳарбий ишлар.

Б. РСФСР федерал ҳокимиятининг темир йўллар, почта ва телеграф бўйича чиқарилган барча декрет ва буйруқлари механик равишда Туркистон Совет Социалистик Республикаси ҳудудида амал қилади.

Туркистон Республикасининг темир йўл, почта ва телеграф комиссари Туркистон МИК билан келишилган ҳолатда тайинланади ва ўзи бўйсунадиган РСФСР халқ комиссарлиги таркибига қиради.

В. Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши (ЦСНХ) ва ТССР Озиқ-овқат халқ комиссарлиги Халқ Хўжалиги Олий Кенгаши (ВСНХ) ва РСФСР Озиқ-овқат халқ комиссарлиги белгилаб берган режалар асосида фаолият кўрсатади. ЦСНХ раиси ва ТССР озиқ-овқат комиссари РСФСРнинг тегишли комиссарликлари билан келишилган ҳолда Туркистон МИК томонидан тайинланади.

Г. Туркистон Республикаси Молия халқ комиссари Туркистон МИК томонидан сайланади ва РСФСР халқ комиссарлиги томонидан тасдиқланади».<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Конституция Туркестанской Республики Российской Социалистической Советской Федерации // Сборник важнейших декретов и распоряжений правительства ТАССР за 1917–1922 гг. – Т.: Изд. Комиссии СНК, 1923. – С. 1–

Совет Россияси ҳукуматининг кўрсатмаси билан 1920 йилда қабул қилинган Туркистон Республикаси конституциясидан аввалги конституцияда мавжуд бўлган қуйидаги ваколатлар чиқариб ташланди:

а) Федерал ҳукумат томонидан қабул қилинган ҳарбий ташкилотлар тузилмаларини маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда ўзгартириш ҳуқуқи;

б) Федерал ҳукумат доирасида молиявий битимлар тузиш, қарз бериш ва олиш ҳуқуқлари ҳамда бошқа айрим ҳуқуқлар бекор қилинди.

Бу ҳақда сўнги йилларда Ўзбекистонлик ҳуқуқшунос олимларнинг асарларида ҳам маълумотлар келтирилмоқда.<sup>1</sup>

1920 йилдаги конституция федерал ҳокимиятнинг қатъий ваколатига ташқи алоқалар, ташқи савдо ҳамда ҳарбий ишларни киритди. Ушбу конституциянинг асосий қоидалари Бутунроссия МИК томонидан 1921 йил 11 апрелда қабул қилинган «Туркистон АССР ҳақида»<sup>2</sup> номли декрет билан қонунан мустаҳкамланди.

Шу билан бирга, ушбу конституцияга мувофиқ, Туркистон Республикаси қуйидаги мустақил ҳуқуқларни амалга ошириши мумкин эди:

1. Конституцияда белгиланган қонунчилик ва бошқарувни амалга ошириш ҳуқуқи;

2. Туркистон Республикаси сарҳадларида жойлашган ер, ер ости бойликлари ва сув захираларини тасарруф қилиш ҳуқуқи;

3. Лавозимлар таъсис қилиш ва иш ҳақи меъёрларини белгилаш, федерал ҳукуматга тегишли бўлмаган бошқарувнинг бошқа барча соҳалари учун мансабдор шахсларни танлаш ва тайинлаш ҳуқуқи;

4. Федерал ҳукумат томонидан белгиланган солиқ ва тўловлардан ташқари ўз тўловларини белгилаш ҳуқуқи;

---

15; Съезды Советов в документах. 1917–1936. Сборник документов в трёх томах. Т. I. – С. 450.

<sup>1</sup> Каранг: *Хамидова М.* Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Т., 2009. – Б. 165.

<sup>2</sup> Образование СССР. Сборник документов (1917–1924). – М.-Л.: АН СССР, 1949. – С. 138–143.

5. Республиканинг меҳнат килувчи аҳолисига татбиқ қилинадиган суд тизими ва судлов асосларининг ҳуқуқий меъёрларини белгилаш ҳуқуқи;

6. Туркистон АССР таркибига кирувчи вилоят ва миллий областлар ҳудудлари чегараси ва ваколатларини белгилаш ва ўзгартириш ҳуқуқи;

7. Туркистон АССРда маъмурий-худудий бўлинишни белгилаш ҳуқуқи;

8. Туркистон АССР ҳудудида умумий ва қисман авф этиш ҳамда амнистияни жорий қилиш ҳуқуқи;

9. Туркистон АССР бюджетини белгилаш ва тасдиқлаш учун Бутуниттифок Марказий Ижроия Қўмитасига тақдим қилиш ҳуқуқи.<sup>1</sup>

Бутунроссия МИК ва РСФСР ХКС томонидан 1920 йил 26 августда «Қозоғистон АССРни<sup>2</sup> ташкил этиш тўғрисида»ги декрет қабул қилинди. Қозоғистон АССР РСФСР таркибда ташкил қилинди (1936 йил 5 декабрда у Қозоғистон ССРга айлантирилди ва СССР таркибига киритилди).

Қирғизистон (Қозоғистон) Советларининг I таъсис съезди 1920 йил 4–12 октябрда Оренбургда бўлиб, унда Қирғизистон (1925 йил апрелдан Қозоғистон) АССР ташкил топди. Мазкур съездда қабул қилинган «Маъмурий масалалар бўйича» номли резолюцияда қуйидаги фикрлар мавжуд:

«1. Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитасининг 1920 йил 1 сентябрдаги декретига асосан Қирғизистон (Қозоғистон) АССР қуйидаги ҳудудда ташкил қилинди:

<sup>1</sup> Съезды Советов в документах. 1917–1936. Сборник документов в трёх томах. Т. I. – С. 979.

<sup>2</sup> Қозоғистон АССР – РСФСР таркибдаги автоном республика (1920–1936). Қозоғистон АССРнинг пойтахти 1920–1924 йилларда Оренбург, 1925–1929 йилларда Қизил-Ўрда, 1929 йилдан Олмаота шаҳри. 1924 йил охирида Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш пайтида Қозоғистон АССР таркибига Туркистон АССР ҳудудининг катта қисми (Етгисув вилоятининг асосий қисми, Сирдарё ва Закаспий вилоятларининг бир қисми) киритилди. Қозоғистон Республикасининг ҳозирги ҳудуди асосан 1936 йилда шаклланди. Бу ҳақда қаранг: *Козыбаев М.* Казахстан на рубеже веков: размышления и поиски. Кн. 1–2. – Алматы: Ғылым, 2000; *Койгельдиев М.* и др. История Казахстана (Важнейшие периоды и научные проблемы). – Алматы: Мектеп, 2007.

1. Семипалатинск области (таркибида Павлодар, Семипалатинск, Усть-Каменогорск, Зайсан ва Қарқарали уездлари);

2. Акмола области (таркибида Атбосар, Қўкчатов, Петропавловск уездлари ва Омск уездининг бир қисми);

3. Уральск области (Уральск, Илецкий, Жамбейтинск, Уильск, Калмиковск, Гурьевск уездлари);

4. Оренбург-Тўрғай губернияси (Актюбинск, Иргиз, Тўрғай, Темирск уездлари ва Оренбург, Покровский, Краснохолмский, Шарликовский, Илецк, Исаево-Дедовский ва Орский районлари);

5. Букеев губернияси (Таловск, Жангалский, Денгиз ва Ўрда районлари);

6. Қустанай уезди;

7. Мангишлоқ (Адяевский) уезди...

Туркистон Республикасидаги қирғизларга Қозоғистон АССР таркибига киришига рухсат берилсин».<sup>1</sup>

Қозоғистон АССР (ўша давр расмий ҳужжатларида Қирғизистон АССР)нинг ташкил қилиниши билан большевиклар томонидан Туркистон минтақасини янгича асосда бўлиб ташлаш жараёни ўзининг сўнги босқичига кирди ва у 1925 йил бошларида яқунланди.

Туркистон АССРнинг ўз «Конституцияси» ва бошқа қонуний ҳужжатлари мавжуд бўлишига қарамадан республика ҳудудида РСФСР қонунлари, декретлари, кодекслари ва бошқа расмий ҳужжатлари амалда бўлди. 1922 йилда қабул қилинган РСФСРнинг Жиноят кодекси ўзбек тилига ўгирилиб, 1922 йил 21 июлдан Туркистон АССР ҳудудида, 1924 йил октябридан ХССР ҳудудида, РСФСРнинг Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодекси 1924 йил февралдан БХСР ҳудудида жорий қилинди.<sup>2</sup> 1922 йил августдан РСФСРнинг Жиноят-процессуал кодекси ва 1923 йил 23 августдан РСФСРнинг Гражданлик-процессуал кодекси ҳам Туркистон АССР ҳудудида кучга

<sup>1</sup> Учредительный Съезд Советов Киргизской (Казахской) АССР. Протоколы. — Алма-Ата-Москва: Казкрайиздат, 1936. — С. 108–110.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, 48-фонд, 1-руйхат, 276-иш, 2–3-варақлар.



киритилди.<sup>1</sup> Туркистон АССР, БХСР, ХХСР, Қозоғистон АССР хуудлариди совет Россияси конунлари жорий этилди.

Мана шундай ёндашувдан келиб чикиб, Туркистонда Совет Россияси конституцияси андозасидаги конституциялар қабул қилинди. Шундай шароитда РКП(б) МК 1920 йил 20 августда Туркистон автономиясининг янги вариантини яратиш бўйича яқунловчи ҳужжатни қабул қилди. Унда Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Закаспий вилоятлари ва Амударё бўлимидан иборат Туркистон Республикаси «Россия Федерациясининг мухтор қисмини ташкил этади ва унга РСФСРнинг Туркистон Социалистик Совет Республикаси номи берилади», деб эълон қилинди. Мазкур қарор Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитасининг 1921 йил 11 апрелдаги «Туркистон АССР ҳақида»<sup>2</sup> номли декрети билан ҳуқуқий жиҳатдан узил-кесил мустақамланди.

Туркистон АССРда социалистик давлатчиликнинг конституциявий расмийлаштирилиши ўлкани советлаштиришга янги туртки берди. Бундай шароитда Ленин раҳбарияти, бир томондан, Туркистон АССРда тизимли марказлаштириш сиёсатини юритди, иккинчи томондан, Туркистон ўлкаси, шунингдек, минтақанинг назорат остига олинмаган хуудлари бўлган Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига нисбатан ўз ҳарбий босқинини бошлашга катта куч-ғайрат сарфлашга киришди. Бу икки мустақил давлатга қарши ҳарбий ҳаракатлар 1920 йилда авж олдирилди.

Хива хонлиги (1920 йил 1 февраль) ва Бухоро амирлиги (1920 йил 2 сентябрь) қизил армия томонидан тугатилди. Ҳар икки ўзбек хонликлари ҳудудида халқ ҳокимияти ўрнатилиб, большевиклар таъсиридаги Ёш хиваликлар ва Ёш бухороликлар ҳукумати ҳокимият тепасига келди. Хоразм Халқ Совет Республикаси (1920 йил апрель) ва Бухоро Халқ Совет Республикаси (1920 йил октябрь) тузилганлиги расмий равишда эълон қилинди.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон миллий давлатчилик назариясининг ҳуқуқий асослари. Учинчи китоб. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2006. – Б. 71.

<sup>2</sup> Образование СССР. Сборник документов (1917–1924). – Москва-Ленинград: Изд. АН СССР, 1949. – С. 138–143.

Бутунхоразм халқ вакилларининг I курултойи (1920 йил 26–30 апрель)да ХХСРнинг Муваққат Конституцияси қабул қилинди. Бу конституцияда илк марта кенг халқ оммаси сиёсий ҳуқуқларни қўлга киритди. Конституцияда Хоразмдаги давлат қурилиши республика асосида бўлиши, давлат ҳокимиятининг олий бошқарув органи – Бутунхоразм халқ вакиллари курултойи эканлиги, курултойда Хоразм Халқ Нозирлар Шўроси – республика ҳукумати сайланиши таъкидланган эди. Конституцияда ёзилишича, Халқ Нозирлар Шўроси 15 аъзо: раис, раиснинг биринчи ўринбосари, раиснинг иккинчи ўринбосари, иккита котиб ҳамда нозирлар: ҳарбий ишлар, адлия, иктисодиёт ишлари, назорат, ер ишлари, молия, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, маориф ва ташқи ишлар нозирликларидан иборат таркибда тузилади.<sup>1</sup>

Конституцияда кўрсатилишича, Хоразмда маҳаллий ҳокимиятни бошқариш учун район советлари (Шўро) ташкил қилинади. Маҳаллий Шўролар (Советлар) қўйидаги 22 шўродан иборат қилиб тузилиши конституцияда белгилаб қўйилди: Дарғонота, Питнак, Ҳазорасп, Беш-Ариқ, Хонқа, Гурлан, Қипчоқ, Манғит, Қиличбой, Манок, Тошҳовуз, Порсу, Хужайли, Кўҳна Урганч, Кўнғирот, Хива, Ильяли<sup>2</sup> (қолган 6 та Шўронинг номи хужжатда келтирилмаган).

Бутунхоразм халқ вакилларининг II курултойи (1921 йил 15–23 май)да қабул қилинган ХХСРнинг янги Конституцияси матнига Туркистон комиссияси тазйиқи билан кўплаб моддалар мажбуран тиқиштирилди. Хоразмликларнинг сайлов ҳуқуқлари анча чекланди. Фаол ва суст (пассив) сайлов ҳуқуқи жорий этилиб, ХХСР аҳолисининг 10 та категорияси сайлов ҳуқуқидан бутунлай маҳрум қилинди.

ХХСР Конституцияси «Хоразм Марказий Ижроия Қўмитаси» номли махсус боб билан тўлдирилди. Унга кўра, курултойда сайланадиган Хоразм Марказий Ижроия Қўмитаси

<sup>1</sup> Конституция Хорезмской Народной Республики. // Съезды Советов в документах. 1917–1936. Сборник документов в трёх томах. Т. II. Съезды Советов советских социалистических республик. Сборник документов 1917–1922 гг. – М.: Юридическая литература, 1960. – С. 503–508.

<sup>2</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики (1920–1924 гг.). Сборник документов. – Т.: Фан, 1976. – С. 43.

курултойлар ўртасида Хоразм Республикасида олий қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи давлат ҳокимиятининг олий бошқарув органи бўлиб қолди. Хоразм МИКнинг доимий ижро органи МИК Президиуми бўлиб, уни раис бошқаради ва у Республика Президенти ҳисобланади.<sup>1</sup>

Конституцияда Хоразмда маҳаллий ҳокимият – район Шўролари миқдори 28 тага етказилиб, улар қуйидагича кўрсатиб ўтилади: Дарғонота, Питнак, Ҳазорасп, Бешарик, Хонқа, Урганч, Қўшқўпир, Ғазавот, Шовот. Кат, Гурлан, Қипчоқ, Манғит, Қиличбой, Манок, Тошовуз, Порсу, Хўжайли, Кўхна Урганч, Қўнғирот, Хива, Ильяли, Қиёт-Қўнғирот, Шоҳобод, Хитой, Янгиёб, Кўкчага, Янгиқалъа.<sup>2</sup>

Бутунхоразм халқ вакилларининг III курултойи (1922 йил 15–23 июль)да яна ХХСРнинг янги Конституцияси қабул қилинди. Конституцияга киритилган ўзгартишлар қонун чиқарувчи ва ижро қилувчи ҳокимият (Хоразм МИК ва Халқ Нозирлар Шўроси) фаолияти, жойларда маҳаллий шўро ҳокимиятини ташкил қилиш, сайлов ҳуқуқи, маъмурий-худудий бўлиниш ва бошқа масалаларга тааллуқли эди.

ХХСР Халқ Нозирлар Шўроси таркиби қуйидаги 9 та нозирликдан иборат бўлиши белгилаб қўйилди: ташки ишлар, ҳарбий ишлар, ички ишлар (соғлиқни сақлаш, почта ва телеграф бўлимлари билан биргаликда), адлия (Давлат сиёсий бошқармаси билан биргаликда), маориф, молия, ер ишлари (озиқ-овқат бўлими билан биргаликда), савдо-сотик ва саноат (меҳнат ва ижтимоий таъминот бўлимлари билан биргаликда) нозирликлари ва Давлат контроли.<sup>3</sup>

Бутунхоразм халқ вакилларининг IV курултойи (1923 йил 17–20 октябрь)да Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР) Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР)га айлантирилди. Курултойда 20 октябрь куни ХССР Конституцияси қабул

<sup>1</sup> Конституция Хорезмской Советской Народной Республики. // Съезды Советов в документах. 1917–1936. Сборник документов в трёх томах. Т. II. – С. 514–521.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 518-бет.

<sup>3</sup> Конституция (Основной Закон) Хорезмской Советской Народной Республики. // Съезды Советов в документах. 1917–1936. Сборник документов в трёх томах. Т. VII. – С. 526–543.

қилинди, янги конституция 5 бўлим ва 12 бобдан иборат эди. Бу конституция аввалги қонунлардан фарқли равишда мамлакатнинг социалистик қурилиш йўлига ўтишини қонун билан мустаҳкамлади. ХССРнинг янги конституциясига мувофиқ, ернинг хусусий мулк эканлиги бекор қилинди, вақф ерлари бутунлай тугатилди. Мавжуд ерлар умумхалқ мулки деб эълон қилинди, барча вақф мулклари маориф нозирлиги ихтиёрига берилди.<sup>1</sup> Қозихоналар фаолияти тақиқланиб, совет судлари ташкил қилинди.<sup>2</sup>

Хоразм МИК 1924 йил май ойида Хоразм ССР таркибида туркман автоном вилояти ва Қорақалпоқ автоном вилояти тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.<sup>3</sup>

Хуллас, Хоразм Республикасида 1920–1923 йилларда қабул қилинган тўртта конституция, бир томондан, асрлар давомида сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум бўлган Хоразм аҳолисига ана шундай ҳуқуқларни берган бўлса, иккинчи томондан, барча ҳуқуқ ва эркинликлар «совет қонунлари» доирасида амалга оширилишини таъминлади. ХХСР конституцияларининг асосида 1918 йил июлда РСФСРда қабул қилинган биринчи совет конституциясининг асосий мазмуни ётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ана шундай жараёнлар ва «қонуний» ўзгаришлар Бухоро Халқ Совет Республикасида ҳам юз берди. Бутунбухоро халқ вакилларининг II курултойи (1921 йил 18–23 сентябрь)да демократик руҳдаги БХСР Конституцияси (Асосий Қонуни) қабул қилинди. Конституцияда давлатни идора этиш учун халқнинг барча вакиллари иштироки таъминланиши ёзиб қўйилди. Унда хусусий ва савдо-сотик эркинликлари ўз ифодасини топди.

БХСР Конституцияси барча фуқароларга тенг сиёсий ҳуқуқлар берди, миллий тенгсизликни йўқотди. Бутунбухоро

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 71-фонд, 1-руйхат, 45-иш, 25–29-варақлар.

<sup>2</sup> Конституция Хорезмской Советской Социалистической Республики. // Съезды Советов в документах. 1917–1937. Сборник документов в семи томах. Т. VII. Съезды Советов союзных и автономных советских социалистических республик Средней Азии. Сборник документов 1923–1937 гг. – М.: Юридическая литература, 1965. – С. 23–33.

<sup>3</sup> Ўзбекистон МДА, 71-фонд, 1-руйхат, 31-иш, 15–16-варақлар.

МИК ҳузурида Анна Гелди Амонов бошчилигида Туркман бўлими тузилди (1921 йил 22 сентябрь). Кейинчалик шу асосда Туркман вилояти ташкил қилиниб, унга миллий мухторият ҳуқуқи берилди.<sup>1</sup>

Конституцияга кўра, БХСР давлат ҳокимиятининг олий бошқарув органи Бутунбухоро халқ вакиллари курултойи бўлиб, у ҳар 2000 сайловчига бир вакил сайланадиган 350 аъздан иборат эди. Курултой ҳар йили бир марта чакирилар, унда республика конституциясини қабул қилиш ва ўзгартиришлар киритиш, ҳукуматнинг ҳисоботи ва давлат бюджетини тасдиқлаш каби муҳим масалалар кўрилар эди. Конституцияга кўра, Бутунбухоро Марказий Ижроия Қўмитаси курултойлар ўртасида қонун чиқарувчи, тақсимловчи ва назорат қилувчи республика давлат ҳокимиятининг олий бошқарув органи ҳисобланган.<sup>2</sup> Конституцияга мувофиқ, Халқ Нозирлари Шўроси давлат ҳокимиятини ижро қилувчи ва бошқарувчи олий орган сифатидаги ўз вазифасини сақлаб қолди. БХСР ҳукумати – Халқ Нозирлари Шўроси қуйидаги 10 та халқ нозирликларидан иборат бўлган: адлия, ички ишлар; ташқи ишлар; ҳарбий ишлар; маориф; соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот; савдо-сотик ва саноат; молия; ер ишлари; Давлат контроли нозирликлари.<sup>3</sup>

Бутунбухоро халқ вакилларининг III курултойи (1922 йил 15–18 август)да БХСРнинг янги Конституцияси қабул қилинди. 1922 йил май ойида тузилган махсус комиссия Конституция матнига ўзгартиришлар лойиҳасини тайёрлади. Конституцияда БХСРдаги марказий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига ўзгартириш киритилиб, 4 та категория бўйича шахслар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум

<sup>1</sup> Съезды Советов в документах. 1917–1936. Сборник документов в трёх томах. Т. II. – С. 564–566.

<sup>2</sup> Конституция (Основной Закон) Бухарской Народной Советской Республики // Съезды Советов в документах. 1917–1936. Сборник документов в трёх томах. Т. II. – С. 566–579.

<sup>3</sup> Съезды Советов в документах. 1917–1936. Сборник документов в трёх томах. Т. II. – С. 573.

қилинди. Бундан ташқари, конституция матнига бошқа ўзгартиришлар ҳам (жами 7 та) киритилди.<sup>1</sup>

БХСР ҳукуматида Туркистондан юборилган коммунистик элементларнинг таъсири кучайиб боргач, 1923 йил 14 августда бўлган Бутунбухоро МИК фавқулодда сессиясида Конституция матнига жиддий ўзгартириш киритишга муваффақ бўлинди. Бутунбухоро халқ вакилларининг IV курултойи (1923 йил 11–17 октябрь) Конституцияни ўзгартириш тўғрисидаги қарорни тасдиқлади. Унга биноан, барча савдогар, мулкдор ва собиқ амалдорлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Аммо ишчи ва қосибларнинг сайлов ҳуқуқи кенгайтирилди. Бундан ташқари, курултой жамиятда ижтимоий барқарорликни кескинлаштирадиган «совет қурилиши тўғрисида» номли махсус қарор қабул қилди.<sup>2</sup> Марказнинг талаби билан, худди ХХСРда бўлгани сингари, БХСРда ҳам сунъий равишда социалистик қайта қуришларни амалга оширишга киришилди. Хусусан, қарорда Шарқий Бухоро аҳолисини совет қурилишига тортиш ва советлаштириш жараёнига эътибор бериш кераклиги таъкидланди.

1923 йил ноябрда Бутунбухоро МИК ҳузурида Қирғиз бўлими (Қирғиз-қозоқ секцияси) очилди. Бутунбухоро МИК 27 ноябрда бўлим ҳақидаги махсус Низомни тасдиқлади.<sup>3</sup> Қирғиз-қозоқ бўлими БХСР худудида яшовчи қозоқ ва қирғизларнинг манфаатларини ҳимоя қилган.

1924 йил 18–20 сентябрда бўлиб ўтган Бутунбухоро Халқ вакилларининг сўнги V курултойида Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) Бухоро Совет Социалистик Республикаси

---

<sup>1</sup> Қаранг: Конституция (Основной Закон) Бухарской Народной Советской Республики // Съезды Советов в документах. 1917–1936. Сборник документов в трёх томах. Т. II. – С. 590–603; Образование Союза Советских Социалистических Республик. Сборник документов. – М.: Наука, 1972. – С. 275–290.

<sup>2</sup> О государственном строительстве // Съезды Советов в документах. 1917–1937. Сборник документов в семи томах. Т. VII. Съезды Советов союзных и автономных советских социалистических республик Средней Азии. Сборник документов 1923–1937 гг. – М.: Юридическая литература, 1965. – С. 62–68; Ўзбекистон МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 372-иш, 31–36-варақлар.

<sup>3</sup> Ўзбекистон МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 8-иш, 197–198-варақлар.

(БССР)га айлантирилган.<sup>1</sup> БССРнинг тузилиши худди ХССРнинг тузилиши сингари Марказдан туриб сунъий тарзда амалга оширилган ҳодиса эди.

Хуллас, Бухоро Республикасида 1921–1922 йилларда қабул қилинган иккита конституция ва унга киритилган ўзгартиришлар, худди ХХСР Конституцияси сингари, Туркистон АССР ва РСФСРнинг Асосий Қонунидан андоза олинган ҳолатда яратилди. БХСР Конституциясида мавжуд бўлган кўп моддалар декларатив хусусиятга эга бўлиб, бу ҳолат сиёсий жараёнларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Бухоро ва Хоразм республикаларининг конституциялари «мустақил давлат»нинг асосий қонуни бўлишига қарамасдан, бу ҳужжатлар большевиклар ва Совет Россияси раҳбариятига минтақани советлаштириш жараёни учун «хуқуқий асос» яратиб берди.

1922 йил 30 декабрда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи (СССР) ташкил топгач, совет давлати таркибига РСФСР орқали Туркистон АССР ҳам киришга маж-бур бўлди. Бу пайтда Бухоро ва Хоразм республикалари «мустақил давлат» сифатида мавжуд бўлган. 1923 йил 6 июлда СССР Марказий Ижроия Комитетининг 2-сессияси СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)ни тасдиқлади. Сессия В.И. Ленин раислигидаги СССР Халқ Комиссарлари Советининг биринчи таркибини тасдиқлади. Бу конституция 1924 йил 31 январда Советларнинг Бутуниттифок II съездида узил-кесил тасдиқланди.<sup>2</sup> СССР Конституцияси матнига Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини ташкил этиш ҳақидаги Декларация ва Шартнома матнлари киритилди.<sup>3</sup>

Конституцияга биноан, Бутуниттифок Советлар съезди СССРнинг олий ҳокимият органи бўлиб, съездлар орасидаги даврда олий ҳокимиятни икки палата: Иттифок Совети ва Миллатлар Советидан иборат СССР Марказий Ижроия Комите-

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 14-фонд, 1-руйхат, 785-иш, 9–10-варақлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Первая Конституция Союза ССР (Конституция СССР 1924 года). – М.: Юридическое издательство, 1948. – С. 365–379.

<sup>3</sup> Қаранг: Государственная власть СССР. Высшие органы власти и управления и их руководители. 1923–1991 гг. Историко-биографический справочник. Автор-составитель В.И. Иврин. – М.: РОССПЭН, 1999. – 640 стр.

ти амалга оширади. СССР МИКнинг ижро қилувчи ва фармойиш берувчи органи СССР Халқ Комиссарлари Совети эди.

СССР Конституциясига кўра, ҳар қайси иттифокдош ва автоном республика ўзининг «мустақил» конституциясини сақлаб қолиши ва унга ўзгартириш киритиши мумкин эди. Ҳар қайси иттифокдош республиканинг СССРдан ажралиб чиқиш ва унга кириш «ҳуқуқи» эътироф этилди. Бироқ «мустақил» республикалар конституцияси ва уларнинг «ҳуқуқ»лари фақат декларатив характерга эга бўлиб, СССР амалда унитар давлат сифатида ҳокимиятнинг тоталитар авторитар усулида бошқарилган. Совет Иттифоқи ҳудудида коммунистик партиянинг яқка ҳукмронлиги ўрнатилган. Барча давлат, совет ва ҳўжалик ташкилотлари партияга бўйсундирилди. Бу ҳолатдан Ўзбекистон ССР ҳам мустасно эмас эди.

Ўзбекистон ССР ташкил топгач (1925 йил 17 февраль) ва СССР таркибига қабул қилингач (1925 йил 13 май), минтақада совет ҳокимиятнинг иккинчи босқичи (1925–1991 й.) бошланди. Бу босқичда Ўзбекистон ҳудудида совет ҳокимияти мустаҳкам қарор топди, ривожланди ва таназзулга учради. Иккинчи босқичда Ўзбекистон ССР Конституцияси уч марта қабул қилинди (1927, 1937, 1978). «Суверен» республика конституцияларида Ўзбекистоннинг «иттифокдош республика» статуси қонуний асослаб берилди.

Ўзбекистон ССР Советларининг II қурултойи (1927 йил 22–31 март, Самарқанд)да Ўзбекистон ССРнинг биринчи конституцияси 30 март куни қабул қилинди. 1927 йилдаги Ўзбекистон ССР Конституцияси 8 бўлим, 17 боб ва 114 моддадан иборат бўлган. Конституцияда ёзилишича, республикада ҳокимиятнинг энг юқори органи Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ишчи, деҳқон ва қизил аскар депутатлари Советларининг Бутунўзбек қурултойи бўлиб, қурултойлар оралиғида Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Қўмитаси, унинг сессиялари орасида МИК Президиуми иш олиб борган.

Ўзбекистон ССР МИК томонидан ижро қилувчи ва тақсимловчи олий орган – Халқ Комиссарлари Совети (ЎзССР ХКС) тузилди.

Конституцияда кўрсатилишича, Ўзбекистон ССР ХКС қуйидаги таркибда ташкил қилинади: Халқ Комиссарлари



Совети раиси, раис ўринбосари, Халқ Хўжалиги Олий Совети; молия; савдо-сотик; меҳнат; ишчи-деҳқон назорати; ер ишлари; адлия; маориф; соғлиқни сақлаш; ижтимоий таъминот халқ комиссарлари; Сув хўжалиги бошқармаси раҳбари. Бундан ташқари, Марказий статистика бошқармаси бошқарувчиси ва иттифоқ миқёсидаги халқ комиссарларининг вакиллари Марказ томонидан тайинланиб, ЎзССР МИК томонидан тасдиқланган.<sup>1</sup>

Қорақалпоғистон дастлаб 1924 йил апрелда ХХСР таркибида Қозоқ-Қорақалпоқ мухтор вилояти шаклида ташкил топган эди. Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилгач, 1925 йил 16 февралда Тўрткўлда бўлиб ўтган Қорақалпоқ Советларининг I съездида Қорақалпоқ автоном области (Қорақалпоқ АО) тузилди ва у Қозоғистон АССР таркибига киритилди. 1930 йил 20 июндан Қорақалпоқ АО бевосита РСФСР таркибига киритилган ва 1932 йил 20 мартда у Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (ҚКАССР) қилиб қайта тузилган. 1932 йил 25–29 майда Тўрткўлда Қорақалпоғистон АССР Советларининг I таъсис съезди бўлиб ўтди. Ниҳоят, 1936 йил 5 декабрда Қорақалпоғистон АССР Ўзбекистон ССР таркибига киритилди. 1934 йил 21–25 февралда бўлган Қорақалпоғистон АССР Советларининг II съездида Қорақалпоғистон АССР Конституцияси қабул қилинди.<sup>2</sup> Қорақалпоғистон АССР Советларининг фавқулодда учта съездида (1936 йил 15–17 ноябрь, 1937 йил 4 февраль, 1937 йил 20–23 мартда бўлган) Қорақалпоғистон АССРнинг янги Конституцияси қабул қилинди.<sup>3</sup> Қорақалпоғистон АССРнинг Ўзбекистон таркибида бўлиши конституцияда қонуний жиҳатдан мустаҳкамланди.

<sup>1</sup> Конституция (Основной Закон) Узбекской Советской Социалистической Республики // Съезды Советов в документах. 1917–1937 гг. Сборник документов в семи томах. Т. VII. Съезды Советов союзных и автономных Советских Социалистических Республик Средней Азии. Сборник документов 1923–1937 гг. – М.: Юридическая литература, 1965. – С. 118–139.

<sup>2</sup> Қарақалпақстан XIX эсирдин еккинши ярымнан XXI эсирге шекем. – Нукус: Қарақалпақстан, 2003. – Б. 214–215.

<sup>3</sup> Конституция (Основной Закон) Каракалпакской Автономной Советской Социалистической Республики // Съезды Советов в документах. 1917–1937 гг. Сборник документов в семи томах. Т. VII. – С. 470–486.

Совет жамиятининг ҳамма соҳаларини ўзига қамраб олган қатагонлар жараёнида – 1936 йил 5 декабрида СССР Советларининг фавқулодда VIII съездида (1936 йил 25 ноябрь – 5 декабрь) СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинди. «Сталин Конституцияси» деб ном олган бу Конституция совет даври тарихий адабиётларида ғалаба қозонган социализм Конституцияси деб ҳам номланади. Бу Конституция СССРда социалистик жамият асослари қурилганлигини таъкидлади. 1937 йил 12 декабрда биринчи марта янги сайлов тизимига биноан СССР Олий Советига сайлов ўтказилди.<sup>1</sup> 1938 йил январда СССР Олий Советининг биринчи сессияси бўлди.

Бу ҳолатлар Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгартириш киритилишига олиб келди. Ўзбекистон ССР Советларининг фавқулодда VI съезди (1936 йил 15–18 ноябрь ва 1937 йил 12–14 февраль)да, 14 февраль куни, Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси қабул қилинди. 1937 йилдаги Ўзбекистон ССР Конституциясига кўра, қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳуқуқи Олий Советга берилди. Олий Совет сессиялари оралиғида эса қонунчилик ишлари билан унинг Президиуми шуғулланди. Олий Совет томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қонун ҳисобланган.<sup>2</sup>

Ўзбекистон ССРнинг бу Конституцияси ҳам СССР Конституцияси андозасида қабул қилинди. Конституцияда суд ва прокуратура идоралари тизими, уларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва бурчлари биринчи марта ўз ифодасини топди. Бу ўзгартиришларга кўра, совет ҳокимиятининг вакилларига қарши қаратилган, шунингдек, террористик актлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд ва прокуратура органларига қуйидаги ҳуқуқлар берилди:

а) терговни 10 кундан ошиқ бўлмаган муддатда тамомлаш;

---

<sup>1</sup> 1937–1989 йилларда 11 та чақирик СССР Олий Совети фаолият кўрсатди. Биринчи чақирик муддати 1937 йил 12 декабрь – 1946 йил 10 февралда амал қилган бўлса, сўнги ўн биринчи чақирик муддати 1984 йил 4 мартдан 1989 йил 26 мартгача давом этди.

<sup>2</sup> Конституция (Основной Закон) Узбекской Советской Социалистической Республики // Съезды Советов в документах. 1917–1937 гг. Сборник документов в семи томах. Т. VII. Сборник документов 1923–1937 гг. – С. 281–303.

б) айблов хулосасини ишни судда кўриб чиқишдан факат бир сутка олдин топшириш;

в) жиноят ишини айбланувчи ва ҳимоячининг иштирокисиз кўриб чиқиш, айбланувчининг суд мажлисида қатнашиши мажбурий эмас;

г) ҳукми кассация тартибида шикоят қилиш ва авф этишни сўраб ариза беришга йўл қўймаслик;

д) олий жазо тайинлаш ҳақидаги ҳукм чиқарилгандан сўнг уни дарҳол ижро этиш.<sup>1</sup>

Ўзбекистон ССРнинг 1937 йилдаги Конституцияси 2-булими давлат қурилиши ҳақида бўлиб, унинг 14-моддасида Ўзбекистон ССР таркибида қуйидаги маъмурий ҳудудлар бўлиши кўрсатилди:

Қорақалпоғистон АССР; Хоразм округи (9 та район); Қашқадарё округи (9 та район); Сурхондарё округи (7 та район); республикага бўйсунувчи районлар (71 та); миллий районлар: козоқ-қорақалпоқларнинг Юқори Чирчиқ, Конимех районлари; алоҳида шаҳарлар (24 та).<sup>2</sup>

Ўзбекистон ССРнинг бу Конституцияси 40 йилдан ортиқ вақт давомида (1937–1978 йиллар) амал қилди ҳамда ўзбек халқининг бир неча авлоди унинг сохта ғоялари асосида яшашга маҳкум этилди.

Хулоса қилиб айтганда, совет ҳокимияти йилларида қабул қилинган РСФСР ва СССР Конституцияларида, шунингдек, Туркистон АССР, БХСР, ХХСР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларида Марказнинг ҳукмрон роли ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Бу ҳолат шу даврда Ўзбекистон ССР таркибида бўлган Тожикистон АССР ва Қорақалпоғистон АССР Конституцияларига ҳам тегишлидир.

Шу билан бирга, таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон ССРнинг 1925 ва 1937 йиллардаги конституцияларида унинг «иттифокдош республика» статуси белгилаб қўйилди. Бу

<sup>1</sup> Конституция (Основной Закон) Узбекской Советской Социалистической Республики. – Т., 1937. – С. 17.

<sup>2</sup> Съезды Советов в документах. 1917–1937 гг. Сборник документов. Т. VII. Съезды Советов союзных и автономных советских социалистических республик Средней Азии. – М.: Юридическая литература, 1965. – С. 281–284.

«статус» кўпгина ҳолларда декларатив мазмун касб этган бўлишига қарамасдан, Ўзбекистоннинг Совет Иттифоқи доирасида мавжуд бўлиши ва ривожланишига қонуний тус берди. Ўзбек халқи ва Ўзбекистонда яшовчи бошқа халқлар совет режими шароитида, мустабид тузум ҳукмронлиги даврида, оммавий қатағонлар ва террор авж олиб турган бир даврда ўз фидокорона меҳнатлари билан Ўзбекистонни ривожланган аграр-индустриал республикага айлантириш учун тинимсиз ҳаракат қилдилар. Иккинчи жаҳон уруши бошланган ва кейинчалик Германия СССРга ҳужум қилган даврга келиб (1941 йил июнь), Ўзбекистон ССР Совет Иттифоқининг муҳим стратегик республикаларидан бирига айланди.

### **3.2. Ҳукумат ва партия органларининг ваколатлари фаолияти (1925–1936 йиллар)**

Ўзбекистон ССР ҳукумати (ҳукумат раиси – Файзулла Хўжаев)нинг дастлабки таркиби БутунЎзбек Советларининг 1-қурултойида 1925 йил февралда расмий равишда тасдиқлангач, у ўз фаолиятини бошлади. XX асрдаги дастлабки ўзбек совет ҳукумати мураккаб шароитда ишлашига тўғри келди. Бир томондан, янги ташкил этилган совет республикасида бошқарув малакаси деярли йўқ эди. Халқ комиссарларининг аксарияти Туркистон АССР ва БХСРда шундай лавозимларда ишлаган бўлишларига қарамасдан уларда етарли даражада тажриба бўлмаган. Иккинчи томондан, Марказнинг турли органлари, хусусан, ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси бу ҳукуматнинг бутун фаолиятини сергаклик билан назорат қилиб турган. Учинчидан, халқ комиссарларининг барчаси партия аъзолари бўлиб, улар коммунистик партиянинг сиёсатини изчил равишда амалга оширишлари керак эди.

Ўзбекистон Компартияси (Ўзбекистон Компартияси МК масъул котиблари – Владимир Иванов ва Акмал Икромов) ҳам 1925 йил февралда расмий равишда ташкил топган эди. Янги ташкил қилинган Ўзбекистон ССРнинг сиёсий ҳаётида Ўзбекистон Коммунистик партияси етакчи роль ўйнади. Ўзбек халқи тарихида XX асрда юз берган кўплаб фожиали воқеалар коммунистик партия фаолияти билан боғлиқдир.

Ўзбекистон ССР ташкил топган дастлабки кунлардан, яъни 1925 йил февралдан бошлаб Ўзбекистон Компартияси ҳукумат фаолияти устидан қатъий назорат ўрнатишга интилди. ВКП(б) МКнинг катта мададига таянган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлари Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг ҳар бир аъзоси устидан партиявий назорат ўрнатишдан ташқари уларнинг фаолиятига мунтазам равишда аралашиб турди. Бу муаммо ҳукумат ва партия органларининг ваколатлари масаласида тобора кучайиб борди.

1927 йил 30 мартда қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг биринчи конституциясига мувофиқ, республикада ҳокимиятнинг энг юқори органи Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Қўмитаси, унинг сессиялари орасида Марказий Ижроия Қўмитаси Президиуми ҳисобланган. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети эса ижро қилувчи ва тақсимловчи олий орган ҳисобланган<sup>1</sup>. Бу даврда Ўзбекистон ССР ХКС, яъни республика ҳукуматининг нуфузи баланд бўлиб, республика ҳаётидаги барча ҳўжалик масалалари бевосита шу орган томонидан ҳал қилинган.

Бироқ юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан доимий равишда республика ҳукумати фаолиятига аралашиб турилган. Марказий Комитет Ўзбекистон ССР МИК Президиуми фикрларини мутлақо инобатга олмаган.

Бунинг устига, Ўзбекистон Компартияси сафларидаги парокандалик, ҳокимият учун пинҳона кураш, фирқадаги турли гуруҳлар ва улар ўртасидаги рақобат республика бошқарув тизими ва унинг сиёсий ҳаётига аянчли таъсир кўрсатган. Ўзбекистондаги партия ташкилотларида муҳит ва интизом яхши бўлмаган. Партия аъзоларининг кўпчилиги фақат ўз шахсий манфаатлари учун ҳаракат қилишган.

---

<sup>1</sup> Конституция (Основной Закон) Узбекской Советской Социалистической Республики // Съезды Советов в документах. 1917–1937 гг. Сборник документов в семи томах. Т. VIII. Съезды Советов союзных и автономных Советских Социалистических Республик Средней Азии. Сборник документов 1923–1937 гг. – М.: Юридическая литература, 1965. – С. 123–124.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Контроль Комитетининг партия комиссияси 1925 йил октябрь-декабрь ойларида тайёрлаган махсус маълумотномада келтирилишича, тафтиш жараёнида Ўзбекистонда партия аъзоларининг каттагина қисми судланган ва тергов жараёнига тортилган. Самарқанд областида 124, Тошкент областида 210, Фарғона областида 41, Зарафшон областида 40, Хоразм областида 12, Қашқадарё областида 23, ҳаммаси бўлиб 450 нафар коммунист турли жиноятлари учун судланган ва жазога тортилган.<sup>1</sup> Бу ўринда шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, 1925 йил кузида Ўзбекистондаги партия ташкилотларида ҳали оммавий тозалаш ва қатағон жараёни бошланмаган эди. Бу пайтда партия сафларида асосан тарафкашлик ва гуруҳбозлик кучли бўлган.

Архив ҳужжатларининг шохидлик беришича, бу даврда Самарқанд области партия ташкилотларида бир гуруҳ иккинчисини қочокликда айблаб, ҳатто уларни отиб ташлайди. Сурхондарё областида эса ҳокимият учун партия аъзолари ўртасида очиқчасига кураш бошланиб кетади. Область ижроия кўмитаси раиси Исохўжаев жиноят қидирув бўлими бошлиғига Сурхондарё области партия комитети (обкоми) секретари А. Каримов устидан яширин кузатув уюштиришни топширади. ГПУ томонидан тез орада бу махфий ҳолатлар очиб ташланиб, айбдорлар жазоланади.<sup>2</sup>

Хуллас, партия ташкилотларининг ўзида бир гуруҳ иккинчисини топтаб, юқориқ мавқени эгаллаш учун ҳар қандай қабиҳликка тайёр бўлган ва бунда амалий ҳаракатларга ҳам жиддий равишда қўл урилган. Фақатгина Сурхондарёда амалга оширилган текшириш натижасида парткомлар томонидан режали раҳбарликнинг йўқлиги, ячейкалар ўртасидаги механик алоқа, сурункасига партиявий интизомсизлик, гуруҳбозлик, манфаатпарастлик, амалпарастлик, ичкиликбозлик қабилидаги йигирмадан ортиқ хато ва камчиликлар санаб ўтилади.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-руйхат, 2138 "а" иш, 185-187-варақлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-руйхат, 2138 "а" иш, 190-192-варақлар.

<sup>3</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-руйхат, 2138 "а" иш, 193-варақ.

Ўзбек халқининг совет ҳокимиятига муносабатини ўрганишда 1928 йил 31 майда ОГПУ Шарқ бўлими 2-бўлим махсус вакили Павлов томонидан тайёрланган «Ўзбекистондаги сиёсий партиялар тўғрисида ОГПУнинг ВКП(б) МКга маърузаси» муҳим ўрин тутади. Маъруза ўзбек зиёлилари ўртасида шовинизмнинг ўсиши ва кучайиши ҳақидаги агентура ҳужжатли маълумотлари асосида тайёрланган бўлиб, у маҳаллийлаштириш (коренизация), панўзбекчилик (панузбекизм), антисовет агитацияси, ўзбек миллатчиларининг тактикаси (мактаб ва илмий марказларда), антисовет фаолиятининг ташкилий принциплари, Ўзбекистонда бошқарувни қандай тасаввур қилишади, омманинг кўнгил совиши каби 7 бўлимдан иборат. Бу ҳужжат яқинда Москвада эълон қилинди.<sup>1</sup>

Ҳужжатни тайёрлаган ГПУ ходимларининг фикрича, ўзбек миллий зиёлиларини кузатиш шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда маданият ва иқтисоднинг ўсиши миллий зиёлилар ўртасида умуман олганда Москва таъсиридан кутулиш, панўзбекчилик мақсадларининг кучайиши (миллий шовинизм), Ўзбекистонда фақат ўзбекларнинг гегемонлигини ўрнатиш кайфиятларини туғдирмоқда. Бу ҳолат маҳаллийлаштириш (коренизация) ва мустамлакачилик (колонизация) масалаларида ёрқин намоён бўлмоқда. Ушбу ҳужжатда келтирилган мисолларнинг айримлари қуйидагича:

«1) Ўзбекистондаги собиқ аксилинқилобий ташкилотнинг қатнашчиларидан бири, муаллим Шорасул, бойнинг ўғли, қуйидаги фикрни айтган: «Наҳотки бизнинг ватанимизга кўчирилувчилар (переселенецлар)ни жойлаштириш яна давом этса?...»

1) Мунаввар Қори Абдурашидхонов – Ўзбекистондаги пантуркистларнинг йўлбошчиси, инқилобнинг биринчи даврида Туркистонда турли аксилинқилобий миллий ташкилот ва жамиятларнинг асосчиси ва қатнашчиси, айтмоқда: «Инқилоб бизга ҳеч нарса бермади: ҳаммаси эскичасига, худди чоризм давридагидек, фақат байроқ ўзгарган. Ишсизлар байроғи остида ўлкага кўчириб келтириш жараёни кетмоқда...»

<sup>1</sup> ЦК РКП(б) – ВКП(б) и национальный вопрос. Кн. 1. 1918–1933 гг. Составители Л.С. Гагагова, П. Кошелева, Л.А. Роговая. Сборник документов. – М.: РОССПЭН, 2005. – С. 574–592.

11) Эсон Афанди айтмоқда: «Ўлкага кўчириб келтириш тугайдими ёки йўқ, яна босмачилик вужудга келмайдими?» «Эски шаҳар янгисига қўшилиб кетди. Бу русларни келтириб жойлаштириш учун қулай бўлади...»

Бу мисоллардан кўриниб турибдики, миллатчи зиёлилар ҳамма жойда: матбуотда, айрим мажлисларда, тасодифий суҳбатлар ва бошқаларда Ўзбекистонни руслар эгаллаб олди ва уни мустамлакага айлантирди, деб эълон қиляптилар...»<sup>1</sup>.

Бу хужжатдан кўриниб турибдики, ўзбек зиёлилари совет ҳокимияти ва коммунистик мафкурага қарши 1927–1928 йилларда ҳам имконият доирасида кураш олиб борганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг аксарияти 1928–1929 йиллардан бошлаб совет ҳокимияти томонидан қатағон қилина бошланди.

Совет ҳокимияти йилларида улкан маъмурий аппарат шакллантирилди. Бу аппарат бир томондан совет ҳокимиятининг қарор топиши ва мустақамланишида асосий роль ўйнаган бўлса, жойларда маҳаллий аҳолининг ташаббускорлигини бўғиш ва улар фаолиятини маълум бир қолипда ушлаб туриш билан шуғулланган. Ҳатто ўз даврида совет ҳокимиятининг асосчиси бўлган В.И. Ленин янги ҳокимиятнинг маъмурий аппарати бюрократизм ботқоғига айланиб кетаётганлигини эътироф этиб, ўз сафдоши Г.Я. Сокольниковга ёзган хатида бундай деган эди: «Бизда хўжалик сиёсати биринчи галда бюрократизмдан азият чекмоқда. Биз ҳалок бўлсак, унинг сабабчиси бюрократия бўлади ёки кундалик турмушда бизга аппарат боғлиқ бўлмай, аксинча, биз аппаратга боғлиқ бўлиб қолаёلمиз»<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, Октябрь тўнтаришидан сўнг Россияда давлат бошқаруви тепасига келган «инқилоб жангчилари» бюрократлар ва тўраларга айландилар. Улар амалпарастликдан ташқари мукофот ва имтиёзлар олишга кўпроқ интила бошладилар. РКП(б) VIII съездида 1919 йил мартадаёқ Осинский шундай

<sup>1</sup> ЦК РКП(б) – ВКП(б) и национальный вопрос. Кн. 1. 1918–1933 гг. – С. 574–575; РГАСПИ, 81-фонд, 3-руйхат, 127-иш. 206–233-варақлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Киселёв В. Сколько моделей социализма было в СССР // Иного не дано. Сборник статей. – Москва – Минск: Прогресс – Беларусь, 1988. – С. 354–357.



деган эди: «Бизда бюрократизм вужудга келганлиги аён... Масаланинг ечими тор доира вакиллари қўлида тўпланиб қолмоқда, таъкидлаб ўтмоқ жоизки, бу ҳолат бизни оммадан сезиларли даражада ажратиб қўймоқда... Бизда яқин кишиларига пуштипаноҳ бўлиш, ошна-оғайнигарчилик, шу билан бир қаторда мансабни суиистеъмол қилиш, порахўрлик тезлик билан ривожланмоқда, қолаверса, партия ходимлари томонидан, айниқса, чекка ва олис ҳудудларда очикдан-очик турли бемазагарчиликлар содир этилмоқда. Ҳозирги вақтга келиб эса эски партиявий ўртоқлар моҳиятига кўра эскича намунада қурилган бутун бир амалдорлар аппаратини яратишди. Бизда тўралар иерархияси вужудга келди»<sup>1</sup>.

Архив хужжатларида Ўзбекистон партия ва совет ташкилотларида ҳам бюрократизм ва тўрачилик ҳолатлари учраб туришига оид қўплаб мисоллар мавжуд. РКП(б) Фарғона области партия конференцияси йиғилишида (1920 йил 4 май) Марказдан юборилган Туркистон комиссияси аъзоси Георгий Сафаров (1891–1942) маъруза қилади. Маърузачининг фикрича, масъул ходимларнинг суиистеъмолчилиги туфайли Туркистондаги пролетариат аҳволи Марказдагидан кўра бир неча бор қийинроқ. Совет хизматчилари авомдан узилиб бормоқда, совет бюрократизми урчиб, комиссарлар оддий ишчилар билан суҳбат қуришни ўзларига эп кўрмайдилар. Бунинг устига, рус ва маҳаллий миллатларга мансуб партия аъзолари ўртасида миллий масалада тортишувлар бўлмоқда. Натижада Туркистондаги партия ва совет идораларида ақл телбаликка, виждон эса иккиюзламачиликка айланиб қолган.<sup>2</sup>

Бошқа бир архив хужжатида келтирилишича, аҳолининг медицина ходимлари устидан норозилиги кундан кунга ошиб бормоқда. Совет идораларида бюрократия авж олган.<sup>3</sup>

1925 йилдан бошлаб Ўрта Осиё республикаларида партия совет, касаба уюшмалари, ГПУ ва НКВД, кизил армия сафла-

<sup>1</sup> Қаранг: Дзарасов С. Партийная демократия и бюрократия: к истокам проблемы // Иного не дано... – С. 326.

<sup>2</sup> ЎзРПДанинг Фарғона вилояти ҳокимлиги филиали, 1-фонд, 1а-рўйхат, 134-иш, 2-варак.

<sup>3</sup> Фарғона вилояти давлат архиви, 324-фонд, 2-рўйхат, 3-иш, 338-варак.

рида партиявий тафтиш амалга оширилганда олинган натижалар қувонарли бўлмаган. Шу жиҳатдан олиб қараганда «Ўзбексавдо» правлениеси раиси Мусахоновнинг Ўзбекистон ССР юқори давлат ва партия органларига 1925 йил февралда ёзган «мутлақо махфий» грифли хати диққатга сазовордир. Бу хатда «партия билан бир жону бир тан» бўлиб ишлаши лозим бўлган савдо ташкилотлари ҳамда уларнинг айрим раҳбарлари фаолияти ҳеч бир қолипга сиғмаслиги ошқора баён этилган.<sup>1</sup>

Куйи совет органларининг фаолиятини яхшилаш учун турли ваколатли вакилларни районлараро жўнатиш доим ҳам керакли самара бермаган. Масалан, Тошкент округининг Юқори Чирчиқ районидаги битта қишлоққа 1929 йил 1 январдан то 1 ноябргача бўлган атиги 10 ой ичида 541 та вакил келган ва уларга 16000 рубль хизмат сафари пули ажратилган. Тошкент округига турли вакилларнинг хизмат сафари учун фақат 1929 йил давомида 192.000 рубль маблағ ажратилган.<sup>2</sup> Бироқ бу маблағ ва тўхтовсиз хизмат сафарлари етарли самара бермаган. Партиянинг қишлоқ ячейкалари фаолияти жуда суёт бўлган.

Коммунистик партиянинг жойлардаги қишлоқ ячейкалари фаолиятига оид кўплаб архив ҳужжатлари сақланиб қолган. Ана шундай ҳужжатлардан бири — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети инструктори Ўлмасбоев 1925 йил 17 сентябрда тайёрлаган ахборотда кўрсатилишича, Хоразм области Янги Урганч уездининг Хонқа партия ячейкасида аҳвол куйидагича бўлган: ячейканинг деҳқонлар орасида таъсири, оммавийлиги мутлақо йўқ. Партия аъзолари порахўрлик, арокхўрликка берилиб, халқ ўртасида ўз обрусини йўқотган. Шу боис аҳоли очикчасига айтмоқда: «Аввал ўзларингни тозалаб, кейин бизни партияга чорланглар»<sup>3</sup>.

Самарқанд области партия фаолларининг 1925 йил 15–17 июлда бўлган йиғилишида масъул ходимларнинг ўз хизмат вазибаларини суиистеъмол қилиши баён этилади. Йиғилишда сўзга чиққан ишчи Зудин куйидаги фикрни айтган: «Октябрни биз қўлга киритдик, энди эса бизни маъмурият бошқармоқда».

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-руйхат, 2136 “а” иш, 308–311-варақлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-руйхат, 4008 “а” иш, 28-варақ.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-руйхат, 307-иш, 9-варақ.

Шунингдек, йиғилишда шаҳардаги айрим идоралар ва темир йўл ташкилотларида кучли бюрократизм, сансалорлик, тартибсизлик мавжуд эканлиги таъкидланган.<sup>1</sup>

Қишлоқ жойларида партия аъзоларини рўйхатга олиш чоғида кўплаб салбий жиҳатлар кўзга ташланган. Масалан, Янгибозор партия ячейкаси аъзолари қайта рўйхатдан ўтишдан бош тортдилар. Улар бунга сабаб қилиб партия ячейкаси ўзларига ҳеч нарса бермагани, ҳатто саводлари ҳам чиқмаганини кўрсатишди. Каттақўрғон уездидаги «коммунистлар» эса партия нима эканлигини билмасликларини ошқора айтишган<sup>2</sup>. Бошқа бир районда эса совға бермаганлиги учун район ижроия кўмитасининг камбағал раиси лавозимидан бўшатилиб, унинг ўрнига бой киши тайинланган ҳолатлар ҳам аниқланган.<sup>3</sup> Зарафшон областида комсомол ташкилотлари номигагина бўлган. Қатор районларда ёшларни комсомол сафига мажбурлаб киритишган.<sup>4</sup>

Ўзбекистон ССРда 1925 йили жойлардаги қуйи совет аппаратини текшириш юзасидан махсус комиссия фаолият кўрсатди. Фарғона вилояти ижроия комитетининг Хонобод, Қорақирғиз волостлари ва уларга бириктирилган тўртта қишлоқ совети; Чуст районидаги Варзик, Косонсой ва Чортоқ районлари ва уларга бириктирилган 4 та волость ва 8 та қишлоқ совети бўйича текшириш ишлари олиб бориш натижасида қуйидагича фикрга келинган:

«Кўпгина совет ташкилотлари (қишлоқ советлари) ўлик ташкилотни эслатади. Улар юқори ташкилотларнинг қуруқ буйруқларини бажарадиган ва ижтимоий ҳаётни тушунмайдиган ташкилотларга айланиб қолган. Варзик, Поп ва Уйчи волость ижроия кўмиталари (волисполкомлар) деҳқонлар ва батрақлар оммаси билан мутлақо боғланмаган ва шунинг учун норозиликлар келиб чиқмоқда. Тан олишимизга тўғри келади, волостдан тортиб қишлоққача совет ҳокимияти ва унинг фаолиятини тўла тушунадиган бир-иккита кишини истисно

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 416-иш, 1–2-варақлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 623-иш, 18-варақ.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 625-иш, 263-варақ.

<sup>4</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 756-иш, 186-варақ.

қилганда одамларни учрата олмаймиз. Жойларда оддий халк билан алоқа қилиш ўрнига юқорининг қарорларини номига бажариб ўтириш авж олган»<sup>1</sup>.

Афсуски, совет ҳокимияти йилларида бундай ёндашув оддий ҳолатга айланди. Маҳаллий қишлоқ шўро идоралари (сельсоветлар) ва совет ташкилотларининг ташаббусsizлиги, жойларда яшовчи аҳолининг манфаатлари билан ҳисоблаш-маслиги, юқоридан келган ҳар қандай буйруқни сўзсиз бажариши одат тусига кирди.

Косон (ҳозирги Косонсой) районининг Нанай волостида маҳаллий совет аппарати жудаям оғир аҳволда ишлаган. У деҳқонлар орасида ҳеч қандай обрўга эга бўлмаган. Архив ҳужжатларида келтирилишича, совет аппаратига ҳўжалик ходими ҳам, ўқитувчи ҳам ҳисоб бермайди. Кооперативлар ва бозорлар билан ҳеч ким қизиқмайди. Уйчи волостининг аҳволи ундан ҳам баттар, бу ерда совет аппарати жуда ҳам заиф. У ерда қайта сайлов бўлганига қарамай унга ўртаҳол саводсиз бир киши раислик қилмоқда. Аппарат бутунлай ёмон аҳволда. «Қўшчи» иттифоқи ҳам ундан қолишмайди. Волостларда ўртаҳол деҳқонлар умуман совет аппаратига жалб қилинмаган. Улар нафақат совет идораларига, балки кооператив органлар ва қўшчилар сафига ҳам жалб қилинмаган. Совет ташкилотлари юқорининг буйруқларини қуруқ бажариб турадиган, бироқ камбағаллар ва деҳқонлар билан жонли алоқаси бўлмаган ҳолатга келиб қолган. Бунинг эвазига совет идораларига нисбатан кундалик турмушга оид норозиликлар пайдо бўлмоқда.<sup>2</sup>

Марғилон уездидаги куйи совет аппарати фаолиятини текширувчи комиссиянинг қисқача фикр ва хулосалари 25 майда Ниёзов имзоси билан тайёрланган ҳужжатда мавжуд. Бу ҳужжатнинг асосий мазмунига кўра, комиссия 20 га яқин волость ва қишлоқ ижроия қўмиталари фаолиятини текширган. Чимён, Водил, Шоҳимардон, Каптархона, Юқори Учқўрғон, Куйи Учқўрғон, Миён, Яккатут, Хонариқ, Ёзёвон, Ахмон, Янгисой, Пунгон қишлоқ ижроия қўмиталари ҳамда Чимён,

<sup>1</sup> Фарғона ВДА, 121-фонд, 2-руйхат, 275-иш, 8-варақ; Андижон ВДА, 59-фонд, 1-руйхат, 151-иш, 169-170-варақлар

<sup>2</sup> Фарғона ВДА, 121-фонд, 2-руйхат, 275-иш, 8-12, 25-28-варақлар.

Учқурғон, Яккатут, Ёзёвон, Пунгон волость ижроия кўмиталари фаолияти бўйича қуйидаги умумий хулоса чиқарилган:

1. Волость ва қишлоқ ижроқўм раислари анчагина бўш ва ишда тўғри мўлжални олишолмайди. Умуман олганда, қуйи совет ташкилотлари ходимларининг таркиби ўртасида совет қурилишининг вазифалари ҳақида аниқ тушунчалар бўйича тайёргарлик йўқ ҳамда улар кўрсатма ва йўриқларга муҳтож.

2. Волость ва қишлоқ ижроқўмларининг фаолияти уезд ижроия кўмитаси кўринишидаги юқори органларнинг буйруқларини расмий бажаришдан иборат. Шунингдек, кўрсатма ва талабномалар шу қадар хилма-хил ва кўп бўлишига қарамадан волость ва қишлоқ ижроқўмлари ўзлари раҳбарлик қилаётган совет аппаратининг эҳтиёжлари тўғрисида етарлича эътибор ва ғамхўрлик қилишга ҳатто заррача кизикиш кўрсатишмайди.

3. Волость ижроқўм котиблари, хусусан, қишлоқ ижроқўмлари тўлиқ малакасизлиги, ишчан эмаслиги, тажрибасизлиги билан ажралиб туради. Бу ҳолатни ўта оз миқдордаги иш ҳақи ва ишдан манфаатдорлик йўқлиги билан изохлаш мумкин...

5. Волость ва қишлоқ ижроқўмларининг иш фаолиятида раҳбарлик ва назорат сезилмайди. Бунда барча ишлар топшириқни бажарувчининг шахсий виждонига ҳавола. Қишлоқ ижроқўмларида йиғилишлар ўтказилмаслиги ва волость ижроқўмларида унинг жуда ҳам кам ўтказилишини катта камчилик сифатида айтиш керак...

7. Иш юритиш қониқарсиз ва аянчли аҳволда.

8. Текширилган қуйи совет аппаратларининг бирортасида ҳам партия ва жамоат ячейкалари билан жонли алоқанинг йўқлиги энг заиф томон ҳисобланади. Тасодифий алоқа бор...

10. Деҳқонлар ва умуман халқни совет ва ижтимоий-сиёсий қурилишга жалб этишга мутлақо эътибор қаратилмаган. Кам ерли ва ерсиз деҳқонларни оддий «Кўшчи» иттифоқида бирлаштириш юришиб кетмаган ва айрим «Кўшчи» комитетлари мутлақо жонсиз...»<sup>1</sup>

Комиссия хулосаси 20 банддан иборат бўлиб, унда халқ маорифи, медицина, солиқ сиёсати, йўллар ва ариқлар ҳолати,

<sup>1</sup> Фарғона ВДА, 121-фонд, 2-руйхат, 278-иш, 2-5-варақлар; Андижон ВДА, 59-фонд, 1-руйхат, 151-иш, 1-4-варақлар.

давлат савдоси, кооперация, майда ишлаб чиқариш корхоналари, меҳнат муҳофазаси, социал химоя, қишлоқ ижрокўм котибининг аҳоли билан алоқаси ҳақида бирорта ижобий фикр учратиш амримаҳол. Маҳаллий шўро идораларининг фаолияти бу ҳужжатларда фақат камчилик ва нуқсонлардан иборат қилиб тасвирланган.

Шаҳрихон ва Кува волости ҳамда рус қишлоқлари (Русское село)даги қуйи совет аппаратлари текширилганда (8 июнь), комиссия хулосасида кўрсатилган нуқсонлар сирасига уезд-шаҳар ижрокўми жойлардаги ўз қуйи идораларини қаттиққўллик билан бошқармаётганлиги қуйидагича кўрсатилади:

1. Комиссия уезд ва шаҳар ижрокўми томонидан волость ижрокўмига етарли ва қаттиққўллик билан раҳбарлик қилинмаётганлигини қайд этиб ўтади. Совет аппаратининг кетмакетликдаги бўғинлари: уезд-шаҳар ижрокўми, волость ижрокўми, район ижрокўми, қишлоқ ижрокўми орасида жонли алоқа мавжуд эмас...

3. Аҳоли ва партиясиз омма ҳамда аёллар ўртасида совет қурилишига жалб қилувчи ташвиқот юритилмайди...

10. Комиссиянинг қайд этишича, жойларда ўтказилган сайловлар расмий, шошилинч ва халқ оммасининг кенг иштирокисиз ўтказилган.<sup>1</sup>

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, юқори ташкилотлар томонидан ҳар ҳафтада ёки ўн кунда уезд-шаҳар инкилобий қўмиталари, барча даражадаги ижроня қўмиталари, қишлоқ шўролари, озиқ-овқат ташкилотлари ва бошқа совет идораларидан «шошилинч» ва «мутлақо махфий» грифи остида олиб туриладиган ҳафталик ва ойлик ахборотномалар ва маълумотномаларда доимо ҳам ҳақиқий аҳвол тўғри кўрсатилмаган. Бу маълумотномаларда кўпинча камчиликларнинг асосий сабаби хаспўшланиб, маҳаллий совет идораларида тажрибали ходимлар етишмаслиги, уездларга озиқ-овқат тарқатилмаганлиги ёки баъзи қишлоқларда аксилсовет ташвиқот олиб борилаётганлигини кўрсатиш билан чекланилган.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Андижон ВДА, 59-фонд, 1-руйхат, 151-иш, 13–14-варақлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Андижон ВДА, 59-фонд, 1-руйхат, 151-иш, 14–15-варақлар.

Ўзбекистондаги ҳукумат ва партия органларининг ваколатлари масаласи тадқиқ этилганда ўн саккизлар гуруҳининг фаолияти ва қисматини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Тарихдан маълумки, асосан ҳукумат аъзолари кирган ўн саккизлар гуруҳи аъзолари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети сиёсатига қарши чиққан эдилар.

1925 йил ноябрда Ўзбекистонда фаолият кўрсатган миллий раҳбар ходимлардан 18 киши (улар тарихий адабиётларда «ўн саккизлар гуруҳи» деб аталарди) 1925 йил 19–22 ноябрда Самарқандда бўлган Ўзбекистон Компартияси Маказий Комитети пленумига куйидаги ариза билан мурожаат қилган эдилар:

«ЎзКП(б) МК пленумига

Ариза

Дўстона ва самарали ишлаш учун тоқат қилиб бўлмайдиган шароит юзага келганлиги муносабати билан бизни Ўзбекистондаги ишдан бўшатишни ва РКП(б) МК ихтиёрига жўнатишингизни сўраймиз.

Агар лозим бўлса, сабабини янада муфассалроқ баён қилишимиз мумкин»<sup>1</sup>.

Ариза остида Ўзбекистонда фаолият олиб борган 18 нафар масъул миллий ходимларнинг фамилияси ва лавозими ёзилиб, имзолари қўйилган. Ўзбекистон ССР ҳукумати аъзолари, айрим округлар, вилоятлар, уездлар, туманлар ва шаҳарлар раҳбарлари, йирик хўжалик бошлиқлари ва партия ходимларидан иборат бўлган ва мазкур аризага қўл қўйган 18 нафар миллий ходимлар ариза ёзилган 1925 йил ноябрда куйидаги расмий лавозимларда фаолият кўрсатишган:

1. Абдураҳим Ҳожибоев – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Фарғона округи партия комитети масъул котиби.

2. Нуриддин Қориев – ЎзССР Марказий Ижроия Комитети Президиуми аъзоси; Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети Президиуми масъул котиби.

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 61-иш, 20-варак.

3. Баходир Мақсумов – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; «Ўзбекхлопком» бошқармаси раисининг ўринбосари.

4. Раҳимжон Раҳимбобоев – Ўзбекистон ССР Ички ишлар комиссари ўринбосари.

5. Иномжон Хидиралиев – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Ўзбекистон ССР Ер ишлари халқ комиссари.

6. Мирзахўжа Ўринхўжаев – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига номзод; Самарқанд вилояти ижроия комитети раиси.

7. Мухторжон Саиджонов – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Зарафшон округи партия комитети масъул котиби.

8. Исмоил Бозорбоев – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Қашқадарё округи партия комитети ташкилий бўлими бошлиғи.

9. Раҳмат Рафиқов – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссари.

10. Зокир Ҳасанов – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; «Қизил Шарқ» тўқимачилик корхонасининг Самарқанд бўлими бошлиғи.

11. Муҳаммаджон Каримжонов – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Тошкент шаҳар касабаяушмаси раиси.

12. Обид Максудов – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Тошкент шаҳри 1-район партия комитети масъул котиби.

13. Ҳайитдин Эшонов – Конибодом район партия комитети котиби.

14. Абдурашид Мукамилов – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига номзод; Зарафшон округи ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари.

15. Раҳматулла Музаффаров – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Зарафшон округи партия комитети тарғибот-ташвиқот бўлими бошлиғи.



16. Абдумажид Зокиров – Ўзбекистон Компартияси обкоми (область партия комитети) аъзоси; Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети захирасида турган.

17. Насим Широов – коммунистик партия, яъни Ўзбекистон Компартияси аъзоси; Самарқанд уезди партия комитети масъул котиби.

18. Ўринбой Ашуров – коммунистик партия, яъни Ўзбекистон Компартияси аъзоси; Марғилон уезд-шаҳар партия комитети масъул котиби<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Компартияси МК пленуми ушбу аризани кўриб чиқишни РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросига топширган. Мазкур аризадан сўнг пленум ва Ўзбекистон Компартияси МК котибиятига ўн саккизлар аризасини қўллаб-қувватлаб 21 ноябрда яна 8 киши (Абдурахмонов, Қодиров, Мирхўжаев, Саидхонов, Мусахўжаев, Олимжонов, Қурбонов, Исамухамедов)дан иккита ариза тушган. Бу аризаларнинг биринчисини Зарафшон вилояти делегатлари ва айрим ходимларидан Абдурахмонов, Қодиров, Мирхўжаев, Саидхонов, Мусахўжаев, Олимжонов, иккинчисини Ўратепа уезди ижроия комитети раиси Қурбонов ва Ўзбекистон ЛКСМ МК ташкилий ишлар бўлими бошлиғи ва Ўзбекистон ССР МИК аъзоси Исамухамедов каби масъул ходимлар беришган.

Ариза берганлар билан РКП(б) МК Ўрта Осиё биринчи котиби И.А. Зеленский ва Марказдан юборилган бошқа масъул ходимлар суҳбатлашган. Бу суҳбат аслида тергов тусини олган. Партиянинг ички интизомига қатъий амал қилиш, партия сафларида ҳеч қандай гуруҳбозликка ўрин бўлмаслиғи каби талаблар ва турли тазйиқлардан сўнг 18 нафар кишидан 8 киши (А. Ҳожибоев, И. Хидиралиев, М. Ўринхўжаев, Ў. Ашуров, Ҳ.

---

<sup>1</sup> Бу рўйхат куйидаги тадқиқотчиларнинг асарлари асосида тайёрланди: Ражабов Қ. Оммавий қатагон сиёсати // Туркистон, 2001 йил 24 октябрь; Ўша муаллиф. Ўн саккизлар гуруҳи ва уларнинг фожиали қисмати // “Тарихий хотира – маънавият асоси” мавзусида республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент-Бухоро, 2011. – Б. 56–58; Норжигитова Н. “18 лар” гуруҳи: улар кимлар эди? // ЎЗМУ хабарлари, 2002. №2. – Б. 39–43; Яхшиев А. Ўзбекистон тарихи ва маданияти нодир архив ҳужжатларида // Ўзбекистон тарихи ва маданияти (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). – Т.: Тафаккур, 2011. – Б. 113–120.

Эшонов, А. Мукамилов, А. Зокиров, Н. Ширинов) хато қилганликларини «тан олиб», аризадаги ўз имзоларини қайтариб олганликлари хусусида ариза берганлар. Қолган 10 нафар киши (Н. Қориев, А. Музаффаров, М. Саиджонов, Р. Рафиқов, Б. Мақсумов, И. Бозорбоев, О. Мақсумов, М. Каримжонов, З. Ҳасанов, Р. Раҳимбобоев) қайтадан ариза ёзиб, ишларини Ўрта Осиё бюросида кўриб чиқишни талаб қилишган. РКП(б) Марказий Контроль Комиссияси Президиуми аъзоси М.В. Косарев, РКП(б) Марказий Контроль Комиссияси аъзоси Д. Манжара ва Ўрта Осиё бюроси ташкилий-тақсимлов бўлими бошлиғи А. Здобновдан иборат махсус комиссия 1925 йил 22–29 ноябрда ариза берувчи ҳар бир киши билан алоҳида савол-жавоб, аслида ўзига хос сўроқ ўтказиб, ариза ёзилишининг сабабларини текширган. Декабрь ойининг бошларида бу савол-жавоб яна такрорланган.

Мазкур комиссиянинг хулосаларига таяниб тарихчи Қ. Ражабовнинг ёзишича, ўн саккизлар гуруҳининг ҳаракатларини Ўзбекистон ССР ҳукумати бошлиғи Файзулла Хўжаев фаол қўллаб-қувватлаган. Ҳужжатда қайд қилинишича, Файзулла Хўжаев бу гуруҳнинг расмий аъзоси бўлмаса ҳам, аслида уларнинг ғоявий илҳомчиси бўлган. Ўн саккизлар гуруҳи аъзолари ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг Ўзбекистондаги шовинистик сиёсати ҳамда бу сиёсатнинг юритувчилари бўлган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети котиблари Владимир Иванов ва Акмал Икромовнинг ўлкада олиб бораётган сиёсати ва иш юритиш услубига қарши норозилик изҳор этиб, мазкур аризага имзо чекканлар<sup>1</sup>.

Энг қизиғи шундаки, сўроқ қилинган раҳбарларнинг барчаси маҳаллий миллатга мансуб кишилардан иборат бўлиб, сўроқ қилган комиссия аъзоларининг бирортаси ҳам ўзбек тилини билмаган. Шу боисдан сўроқ қилиш ва стенограмма рус тилида олиб борилган. У даврда ҳали сўроққа тортилган маҳаллий миллатга мансуб раҳбарларнинг ҳаммаси ҳам рус тилини бирдек мукамал билавермаслиги, русчани сал-пал

---

<sup>1</sup> Ражабов Қ. Ўн саккизлар гуруҳи ва уларнинг фожиали қисмати // “Тарихий хотира – маънавият асоси” мавзусида республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т. IV. – Бухоро, 2011. – Б. 57.

тушунганлари ҳам ўз мулоҳазаларини мазкур тилда эркин ифода эта олмасликлари сўроққа тортилган ходимларда катта қийинчилик туғдирган. Шу боисдан уларнинг баъзилари ариза ёзишдан мақсадлари нима эканлигини олдиндан қоғозга ёзиб олиб, унга таянган ҳолда жавоб беришга ҳаракат қилишган. Комиссия аъзолари эса бу ҳолатга сиёсий тус бериб, ушбу «шпаргалкалар» гуруҳбозлик курашининг ғоявий раҳнаمولари томонидан махсус тайёрлаб берилганлиги хусусидаги хулосага келганлар.

Ўн саккизлар гуруҳи иштирокчилари ариза беришларига партия ичида гуруҳбозлик курашининг давом этаётганлиги, бунинг натижасида эса самарали ишлаш учун шароит йўқлиги, раҳбарларнинг ходимларга ишонмаслиги асосий сабаб бўлганлигини кўрсатиб ўтганлар. Буни улар Ўрта Осиё бюроси мажлисида берган кўрсатмаларида ҳам таъкидлаб ўтишган. Масалан, Раҳмат Рафиқов мулоҳазаларида шундай дейилади: «Республика партия ташкилотидаги гуруҳбозлик кураши тўхтамаётганлиги ариза ёзишга мажбур қилди. Мен тўраларча ишлашни хоҳламайман, балки ҳалол партия кишиси сифатида ишлашни хоҳлайман. Иванов ва Икромовнинг гуруҳбозлик кураши масаласи бўйича ходимларни қабул қилиш ва эшитиш учун вақтлари йўқ эди, улар томонидан дўстона маслаҳатлар бериш ҳам амалда йўқ эди»<sup>1</sup>.

Муҳаммаджон Каримжонов кўрсатмаларида эса қуйидаги фикрлар мавжуд: «Мен бу гуруҳбозларнинг тугатилганлигини кўрмайпман, аксинча, улар кучайиб бормоқда. Агарда уларнинг нуфузи олдин партия аъзоларининг 25 фоизини ташкил қилган бўлса, ҳозирда улар 90 фоизга етган. Марказий Комитет раҳбалигининг мустаҳкамлиги ва яхшилигини тан олган ҳолда айтиш керакки, барибир МК бу борада ҳеч қандай чора кўрмади, мен шахсан дўстона ишлаш ва гуруҳбозларни тугатиш мумкин эмас, деб ҳисоблайман». Зокир Ҳасанов эса яна ҳам кескинроқ фикр билдирган: «Марказий Комитет лозим даражада яхши ва керагича раҳбарлик қила олмади»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-руйхат, 63-иш, 25-варақ.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-руйхат, 63-иш, 76-варақ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети V пленумида (1925 йил 22 ноябрь) сўзга чиққан РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси биринчи котиби И. Зеленский қуйидагича фикр билдирган эди: «Мен ўртоқларга (ариза берган ўртоқларга) янги хўжалик йили бошланаётганда МК раҳбарияти тўғрисидаги масалани кун тартибига қўйиш барча соҳадаги ишларга салбий таъсир қилишини, шунингдек, ҳозир раҳбариятни алмаштириш партия ва совет органларининг қуйи бўғин раҳбарларини ҳам алмаштиришга сабаб бўлишини тушунтирдим»<sup>1</sup>. Демак, бундан кўриниб турибдики, ўн саккизлар гуруҳи аъзоларининг талабларидан бири Марказ манфаатларини Ўзбекистонда амалга ошираётган республика коммунистик ташкилотининг раҳбарлари В. Иванов ва А. Икромовни ўз вазифаларидан озод қилишдан иборат бўлган.

РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси комиссияси хулосасига кўра, Файзулла Хўжаев, Абдураҳим Ҳожибоев ва Баҳодир Мақсумов ўн саккизлар гуруҳининг ғоявий раҳнамоси ва ташкилотчиси деб топилди. Бундан ташқари, хулосада таъкидланишича, Файзулла Хўжаев, А. Ҳожибоев ва Р. Исломов Ўзбекистонда учта гуруҳ тузиб, гўёки Марказий Комитетга қарши биргаликда ягона жабҳада туриб кураш олиб борганлар.

Ўн саккизлар гуруҳи аъзолари РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси комиссияси ва Ўзбекистон Компартияси МК иккинчи чакириқ I пленуми қарорига кўра 1925 йил декабрда қуйидагича жазоланди: Раҳмат Рафиқов, Мухторжон Саиджонов, Иномжон Хидиралиев, Нуритдин Қориев ўз вазифаларидан олиб ташланди, Раҳмат Рафиқов ва Баҳодир Мақсумов партия аъзолигидан чиқарилди, Зокир Ҳасанов ва Обид Мақсумовга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди, Раҳматулла Музаффаровнинг иши кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Компартияси МККга топширилди, Раҳимжон Раҳимбоев ва Абдураҳим Ҳожибоевга танбеҳ берилди, ўз хатоларини «тан олган» 8 кишининг шахсий ишига эса гуруҳбозлик курашида иштирок этганлиги ёзиб қўйилди.

Файзулла Хўжаевнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1927 йил март пленумида сўзлаган нутқида айтган фикрлари ўша йилларда партиядо вужудга келган аҳволни тўла-

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 3-руйхат, 49-иш, 13-варак.

тўқис таърифлаб беради: «Биз ўтган вақт давомида мазкур аризининг сиёсий вазифалари ёки амалий мақсадлари нимадан иборат бўлганлигини билишга бирор марта ҳам уриниб кўрмадик»<sup>1</sup>.

Бирок ўн саккизлар гуруҳи аъзоларининг кейинги тақдири аянчли кечди. Иномжон Хидиралиев 1928 йил 31 декабрда Москвада фожиаги ўлим топди, айрим кишилар 1930 йили Б. Мавлонбеков гуруҳида иштирок этганликда айбланиди ва жазоланди. қолганлари эса 1934, 1937–1938 йиллардаги оммавий қатағонларнинг қурбони бўлишди. Фақат умрининг катта қисмини сургун ва қамоқхоналарда ўтказган Мирзахўжа Ўринхўжаевгина 1958 йилда туғилган юрти Самарқандга қайтиб, кейинчалик ўз ажали билан вафот этди.

Ўзбекистон ССР ХКС раиси Файзула Хўжаев ва Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Йўлдош Охунбобоев 1925 йилда Зарафшон ва Қашқадарё вилоятларидаги қўйи совет идораларини текшириш натижалари бўйича тайёрлаган махсус ҳужжатда кадрлар масаласига ҳам тўхтаб ўтганлар: «Қўйи совет ташкилотларининг ҳолати анчайин қониқарсиз аҳволда. Бизнинг совет аппаратларимизда тайёргарлик кўрган кадрлар етарли эмас. Нафақат марказий ва олий, балки уезд ва область органлари билан ҳам алоқа мавжуд эмас. Қўйи совет ташкилотининг асосий камчилиги моддий таъминотнинг йўқлигидадир»<sup>2</sup>.

Ўзбекистон ССР Ишчи-деҳқон инспекциясининг Марказий Контроль комиссияси 1928 йил 10 апрелда республика округ контроль комиссияларига кўрсатма жўнатади. Унда Марказий Контроль комиссияси номига юбориладиган хатларда давлат аппаратини яхшилаш, бюрократизмга қарши кураш, партия ташкилотларидаги ноҳуш ҳолатлар ва уларга қарши кўрилган чоралар, Ишчи-деҳқон инспекцияси Назорат комиссияси фаолиятига меҳнаткашларни кенгроқ жалб этиш талаб қилинади.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 3-руйхат, 46-иш, 197-варак.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-руйхат, 2148-иш, 394–403-варақлар; Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-руйхат, 376-иш, 32-варак.

<sup>3</sup> ЎзРПДАнинг Фарғона ҳокимлиги филиали, 110-фонд, 1-руйхат, 39-иш, 7-варак.

Жиззах уездида ҳам гуруҳбозлик муаммоси юзасидан узоқ тортишув ва тазйиқлар бўлган.<sup>1</sup> Тошкент уездининг Жевачи, Янги Шарқ, Назарбек, Жунарик, Ҳақиқат қишлоқлари аҳолиси ҳам гуруҳбозлик курашларига тортилган. Бу қишлоқлар аҳолиси йўллаган сон-саноксиз аризаларнинг моҳияти тайинланган масъул ходимларни бўшатиб, ўрнига ишчи ва деҳқонлар ичидан чиққан бошқа ходимларни тайинлашдан иборат эди.<sup>2</sup>

Аҳвол шу даражага бориб етдики, Ўзбекистон Компартияси МК барча область комитетларига мурожаат қилиб, уларнинг ўзига бўйсунушини талаб қилди. Ана шундай телеграммалардан бирида қуйидагича ёзилган эди:

«Марказий Комитет фаолиятида охириги вақтларда шу нарса кўзга ташланмоқдаки, область партия комитетлари томонидан қатор топшириқлар, вазифалар ва кўрсатмалар бажарилмаяпти, топшириқларни бажармаслик сурункали бўлиб, у область партия комитети (обком) тизимига кириб бўлди. Ҳатто ўта муҳим топшириқлар ҳам ижро этилмай қоляпти»<sup>3</sup>.

Масалан, Қашқадарё обкоми ва ижроқўми иқтисодий ва хўжалик масалалари борасида кўплаб ижобий қарорлар чиқаришган. Лекин уларнинг бирортаси ҳам ҳаётга татбиқ этилмаган.<sup>4</sup> Митан районида 1929 йили бирорта партия топшириғи бажарилмаган<sup>5</sup>.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети директиваларининг бажарилиши юзасидан 1929 йилда Марказий Контроль Комиссияси томонидан тафтиш ўтказилади. Партия директиваларининг бажарилиши кечикиб, шунчаки қоғозда ижро этилиши, қарор ижроси назоратсиз қолдирилиши оммавий тус олган эди.

Бошқа бир ҳужжатда келтирилишича, ВКП(б) МК секретариати директивалари қуйи ташкилотларга етиб бормади. Бу директиваларни ишлаб чиқиш ҳатто лоқайдлик билан амалга оширилади<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-руйхат, 623-иш, 70-варак.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-руйхат, 865-иш, 1-варак.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-руйхат, 251-иш, 256-варак.

<sup>4</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-руйхат, 595-иш, 47-варак.

<sup>5</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 5-руйхат, 111-иш, 84-варак.

<sup>6</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-руйхат, 37-иш, 45-варак.

Бошқа бир архив ҳужжатида Хоразм округидаги партия ва совет ташкилотларининг аҳволи кўрсатилган. Хоразмда ким нимани хоҳласа шуни қилган: бу ерда хўжасизлик, зарарку- нандачилик, ўғрилиқ, талончилик, фирибгарлик ва ичкилик- бозлик муттасил равишда авж олган. Ҳар бир район ўзини автоном ҳис қилган. «Муваффақият ва ютуқлар» ҳақида юқорига рапортлар берилади. Аммо оқибатда халқнинг қуролли кўзғолони кўтарилади. Кўзғолончилар таркибига коммунистлар, советларнинг район ва кишлоқ ташкилотлари аъзолари ҳам аралашиб қоладилар<sup>1</sup>.

XX аср 30-йилларига келиб партиянинг ҳолатини очик танқид қилиш, холисона фикрлаш, муҳолифат ғоялари тақиқланди. Хусусан, муҳолифатчилик яширин тусга кира бошлади. Бу даврда Ўзбекистондаги партия ташкилотларининг ички ҳолатини ўрганиш асосида шундай хулосага келиш мумкин. Бу ҳолатни кўплаб архив ҳужжатлари тасдиқлайди. Масалан, Тошкент партия фаолларидан келган ўзаро ёзишмаларда қуйидагича фикр билдирилган:

«Партия ҳамма нарсани яширин тарзда ўз қўлига олди. Барчани бошқариб, очарчиликни пайдо қилди. Бизнинг энг аъло кучларимиз бўлган кўплаб партия аъзолари очарчиликдан ўлиб кетмоқда. Сизлар дўстона ва тўғри тан олишларингиз керак, яъни биз бошқарувни эплай олмадик, бизга ишончли раҳбарлардан ёрдамчи кучлар беринг. Бизга дам олишга рухсат беринг, биз чарчаб кетдик»<sup>2</sup>.

Бошқа бир маълумотномада зудлик билан халқни тўйдириш кераклиги, очарчилик ва содир бўлаётган барча чалкашлиқлар сабабини тушунтириш лозимлиги таъкидланади. Яна бир ҳужжатда эса қуйидаги сўзлар бор: «Акс ҳолда керакли ўринларда партиясиз омманинг қўллаб-қувватлашини ва партиячиларнинг заиф мададини ҳам учрата олмаймиз»<sup>3</sup>.

Бу даврда коммунистларнинг ўзлари ҳам ички партиявий демократия ҳаддан ташқари централизмга, ҳатто маъмурият-чиликка айланиб кетганлигини очик айтишган. Ишчи-деҳқон

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 277-иш, 228-варақ.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-рўйхат, 556-иш, 26-варақ.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-рўйхат, 199-иш, 4-варақ.

инспекцияси Марказий Назорат Комиссияси томонидан партиявий омма кенг тушунтириш ва ишонтириш йўли билан эмас, жанговар буйруқлар бериш йўли билан мобилизация қилинар эди<sup>1</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топгач, ҳукумат ва партия органларининг ваколатлари доираси қизгин мунозараларга сабаб бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарияти ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси аъзолари ҳамда Марказнинг бошқа вакиллари мадади ва кўрсатмасига таяниб, республикадаги совет ва хўжалик органлари ишига, хусусан, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети фаолиятига беписандлик билан қаради. 1925–1926 йилларда партия сафлари ўртасида қатъий тартиб ва интизом йўқлиги турли гуруҳбозлик ҳолатларини келтириб чиқарди. Марказий Комитетдан ўрнак олган жойлардаги партия ташкилотлари соғлом рақобат ва ўзаро танқид муҳитида ишлаш ўрнига совет ва хўжалик органлари фаолиятига билар-билмас аралашиб, уларнинг мустақил иш кўришига монелик қилди.

Партия ташкилотлари раҳбар коммунистларни хўжалик, ижтимоий ва маданий қурилишнинг барча соҳаларига мутасадди қилиб қўйган эди. Маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан иш олиб борган партия ташкилотлари корхоналар ва муассасалар раҳбарлари ҳамда меҳнат жамоаларининг мустақиллигини чеклаб, уларнинг ташаббусини бўғар, улар фаолиятидаги демократик жиҳатларни йўққа чиқарар эди.

Ҳукумат ва партия органларининг функциялари конституция ва турли қонунларда кўрсатилган бўлишига қарамасдан, партиявий ваколатлар доираси тобора кенгайиб, кейинчалик партия жамиятнинг барча соҳалари устидан ҳукмрон кучга айланди. Бу ҳолатга қарши чиққан миллий раҳбар ходимлар (ўн саккизлар гуруҳи, Р. Иноғомов ва б.) муҳолифатда айбланиб, улар аввал ғоявий жиҳатдан, сўнгра жисмоний жиҳатдан маҳв этилди. Совет режимининг репрессив хусусияти Ўзбекистонда ҳам яққол намоён бўла бошлади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 7-руйхат, 12-иш, 104-варак.



### 3.3. Партия органларининг ўзаро ва Марказ билан боғлиқ сиёсати (1936–1941 йиллар)

Ўзбекистон ССР Совет Иттифоқи таркибидаги суверен республика ҳисобланса ҳам, СССР ўз моҳияти билан унитар (бирлашган, қўшма) давлат эди. Ўзбекистон ССР раҳбарияти Иттифоқ партия ва совет органларига тўла қарам бўлиб, Марказдан юборилган кўрсатма ва директиваларни, шу жумладан, республиканинг ички ижтимоий-сиёсий ҳаётига тааллуқли кўрсатмаларни огишмай бажаришга мажбур эди. 1936 йил 5 декабрда СССРнинг янги Конституцияси (ўша давр расмий адабиётларида Сталин Конституцияси) ва унга мос равишда 1937 йил 12 февралда Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси қабул қилинган бу ҳолат кучая бошлади. Айниқса, 1937–1938 йиллардаги катта террор натижасида бир неча марта Ўзбекистон ССРнинг сиёсий раҳбарияти ва таниқли маданият арбоблари қатағон қилинган, республиканинг ўша пайтдаги янги раҳбарияти (Усмон Юсупов, А. Абдурахмонов ва б.) ўта эҳтиёткорлик ва ҳатто бир оз ҳадиксираш билан иш юритдилар. Бундан ташқари, Совет Иттифоқи бошланиб кетган Иккинчи жаҳон урушига тортилиши аниқ бўлиб қолган, улкан мамлакатни янги шароитга мослаштириш учун Марказ талаблари ҳам кучаяётган эди. Ана шундай мураккаб бир сиёсий вазиятда Ўзбекистондаги партия органларининг ўзаро ва Марказ билан боғлиқ сиёсати муҳим аҳамият касб этади.

XX аср 30-йиллари ўргаларига келганда совет режими мустақамланиб, жамиятда мустабид тузум қарор топди. Бу пайтда нафақат зиёлилар, сиёсий арбоблар, деҳқонлар, балки ишчилар синфи вакиллари ҳам коммунистлар раҳбарлик қилаётган совет режими зуғумга олиб қатағон қила бошлади. Бу ҳолат ўзининг бутун даҳшатларини Ўзбекистонда ҳам намоён қилди.

1937 йил 12 декабрда янги совет Конституциясига биноан СССР Олий Советига биринчи сайловлар ўтказилди. 1938 йил 25 июнда эса Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Олий Советига ҳам дастлабки сайловлар бўлиб ўтди. Бутун совет ҳокимияти йилларида бу анъана ўзгаришсиз ҳолатда ҳар 4–5 йилда такрорланиб турди. (Сўнгги марта СССР Олий Советига

сайловлар 1984 йилда, Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар эса 1990 йилда бўлиб ўтган эди.)

1939 йил кузида Ўзбекистон ССРда маҳаллий Советларга сайловлар ҳам бўлиб ўтди. Меҳнаткашлар депутатларининг барча маҳаллий Советларига 41000 кишидан кўпроқ депутат сайланди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси Йўлдош Охунбобоевнинг ёзишича, сайлов пайтида «Совет Ўзбекистонида беш область, бир маъмурий Сурхондарё округи, 104 район, 30 шаҳар ва шаҳар райони, 1308 қишлоқ, посёлка ва овул Советлари бўлган»<sup>1</sup>.

Бу даврда Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ривожланиши СССРда бошқарувнинг маъмурий-бўйруқбозлик тизими ўзининг барча салбий кўринишлари билан қарор топиши ва мустақамланиши шароитида содир бўлди. Ниҳоят, республиканинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётига салбий таъсир кўрсатган шундай жиддий омил мавжуд эдики, у ҳам бўлса, совет мустабид давлати сиёсий тизимида синфий мафкурага эга бўлган коммунистик партиянинг мутлақ ҳукмронлиги эди. Компартия Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни маъмурий-бўйруқбозлик усуллари билан сунъий равишда тезлаштириб, республикадаги ҳақиқий аҳволни эса назар-писанд қилмади<sup>2</sup>.

Ишдаги қоғозбозлик, бюрократизм, сансалорлик ва параллелизм, масъулиятсизлик билан бир қаторда ишчиларнинг асосий омма (дехқонлар)дан узилиб қолиши, республика партия ва касаба уюшмаларидаги камчиликлар ҳам асосий нуқсонлардан бўлган. Бу нуқсонлар билан яна узоқ вақт курашишга тўғри келган.<sup>3</sup>

Самарқанд округи партия ташкилотларидаги бюрократия, сансалорлик ва бошқа камчиликлар тўғрисида текшириш натижалари асосида қуйидагича хулосага келинган:

1) бюрократияга қарши кураш ҳамда бошқа қалтис ҳолатларга қарши партия ячейкаларининг кураши етарли эмас;

<sup>1</sup> «Қизил Ўзбекистон», 1939 йил 21 октябрь; *Охунбобоев Й.* Танланган асарлар.

<sup>2</sup> нашри. – Т.: Ўзбекистон, 1985. – Б. 388.

<sup>3</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Б. 312.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 3-руйхат, 773-иш, 6-варақ.

2) умумий йиғилишларда бюрократизмнинг зарарли иллатлари ҳақида масалалар қўйиш ва халқаро миқёсда гапириб, жўшқинлик билан бу иллатга қарши курашга ваъдалар берилиб, узундан узоқ резолюциялар қабул қилинди, бироқ амалий соҳада бир қадам ҳам олдинга силжиш бўлмади;

3) маъмурият томонидан бюрократияни тугатишга жиддий киришилмади, партия ячейкалари бу ҳолатга арзимас нарсага қарагандек муносабатда бўлдилар;

4) ўз-ўзини танқид масаласида ҳам аҳвол шундай. Йиғилишларда қизгинлик билан бир-бирларини ўзаро танқид қилишади. Бу ҳолат резолюцияларда акс этади ва архивга топширилади, холос.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленумининг 5-чақириқ йиғилиши (1931 йил 17 сентябр)да бюрократизм масаласига алоҳида тўхталиб ўтилган.<sup>2</sup>

СССР МИК Президиумининг Ташкилий бўлими 1936 йил 20 декабрда барча иттифоқдош ва автоном республикалар Марказий Ижроия Қўмиталарига «Меҳнаткашларни қабул қилиш ва ёзган шикоятларини ҳал этишнинг аҳволи ҳақида» маълумот таркатади. Унда бошқа республикалар қаторида Ўзбекистон ССРдаги аҳвол ҳам ўрганилиб, салбий ҳолатлар эътироф этилган.

Андижон, Денов, Шаҳрисабз, Яккабоғ район ижроия қўмиталарида меҳнаткашларнинг шикоятлари ҳатто ўрганиб ҳам чиқилмаганлиги, бир неча ўнлаб шикоятлар ҳал этилмасдан, турли қоғозлар орасида қалашиб ётганлиги маълум қилинади. Ўзбекистонда ўрганилган 15 та район ижроқўмлари орасида нисбатан олганда Термиз район ижроия қўмитасида аҳвол қониқарли эканлиги қайд этилади. Қўқон шаҳрида ҳатто шикоятларни топиб бера олишмаган. Тошкент шаҳри Куйбишев районининг коммунал хўжалиги бошлиғи Дементьевнинг столида 1933–1936 йиллар давомида ўз тақдирини кутиб ётган 400 та шикоят арзномаси бўлган.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 5-руйхат, 317-иш, 61-варак.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 7-руйхат, 12-иш, 57-варак.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 10-руйхат, 1004-иш, 123–131-вараклар.

Ўзбекистон Компартияси иложи борича кўпроқ корхоналар ва ташкилотларни ўзининг бевосита таъсири билан қамраб олишга, уларда партия ячейкалари ва ташкилотларини жорий қилишга, шу йўл билан бу ташкилотларни бевосита бошқаришга интилди. Маълумотларга қараганда, 1941 йил бошларида Ўзбекистон Компартияси таркибида 4.132 та партия ташкилоти мавжуд бўлган. Бу вақтга келиб 6 та область партия комитети (обком), 10 та шаҳар партия комитети (горком), 116 та туман партия комитетлари (райкомлар) орқали Ўзбекистонда ҳудудий партия тузулмаларининг кенг тармоғи ташкил этилди<sup>1</sup>. Ўзбекистон Компартияси ўзининг раҳбарлик таъсири билан бутун республика ҳудудини, ундаги барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни бамисоли ўргимчак уяси каби қамраб олган эди.

ВКП(б)нинг таркибий ва ажралмас қисми бўлган ҳамда республика партия ташкилоти ҳуқуқида иш олиб борадиган Ўзбекистон Компартияси Москвада – Кремль кабинетларида Марказ раҳбарлари томонидан ишлаб чиқариладиган қарорларни амалга оширишга мажбур эди. Кўпинча бу қарорлар Ўзбекистон ва ўзбек халқи манфаатларига зид бўлган.

Кейинчалик Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида (1990 йил 4 июнь) маъруза қилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари ва Ўзбекистон ССР Президенти И.А. Каримов совет ҳоқимияти йилларидаги халқимиз тарихи тўғрисида сўз юритиб, уни ҳаққоний ёритиш тўғрисида қуйидаги фикрларни билдирган эди:

«Биз ўз тарихимизни йўқка чиқара олмаймиз. Бу тарихимизда ҳам қаҳрамонона, ҳам фожиали саҳифалар кўп бўлди. Ахир кекса авлодларнинг, ота-боболаримизнинг кураши ва меҳнатини инкор этиб бўладими? Улар ярим феодал ҳолидаги қолоқ мамлакатни ижтимоий ва илмий-техникавий жиҳатдан тараққий этган замонавий даражага кўтардилар. Бу аниқ-равшан далилни ҳеч ким рад қила олмайди.

<sup>1</sup> Коммунистическая партия Узбекистана в цифрах (1924–1977 гг.). – Т.: Узбекистан, 1979. – С. 96–99.

Айни вақтда социалистик қурилишнинг кўпгина босқичларида кўпол хатолар ва бузилишларга йўл қўйилганини ҳам ҳеч ким, ҳеч нарса шубҳа остига қўя олмайди...

Биз ўтмишдаги ҳамма бузилишлар, хато ва жиноятларни қатъиян қоралаймиз ва улардан кескин воз кечамиз. Биз ўтмишимизни ва ҳозирги кунимизни ҳаққоний, холисона танқидий таҳлил этишнинг қатъий тарафдоримиз. Биз босмачилик ҳаракати ҳақида бўлсин, коллективлаштириш, репрессиялар, турғунлик даврига оид бузилишлар ҳақида бўлсин – «оқ доғ»ларнинг бутунлай тугатилиши тарафдоримиз. Аммо, албатта ҳар бир воқеани, аниқ тарихий шароитни ҳисобга олиб, бизнинг тарихимиз, ундаги ҳар бир қадам, кекса авлодларнинг пешона тери билан ва қони билан суғорилганини назарда тутиб шундай қилишимиз керак. Ўтмишимизни бошдан-оёқ қоралаш ота-боболаримиз хотираси олдида, фарзандларимиз ва набираларимизнинг маънавий тарбияси олдида кечирилмас хато бўлур эди»<sup>1</sup>.

Маълумки, совет давлати дастлаб пролетар давлати бўлган. СССР эса Советларнинг ишчи ва деҳқонлар ҳокимиятини ўзида мужассамлаштирувчи ягона давлат тизимидан иборат бўлган. Иттифоқ давлатининг олий органи дастлаб Бутуниттифоқ Советларининг Марказий Ижроия Қўмитаси, 1937 йилдан бошлаб СССР Олий Совети Президиуми ҳисобланган. Улар асосий қонун чиқарувчи ва ижро органлари бўлган.

Ўзбекистон ССР ташкил қилинганидан сўнг республика давлат бошқаруви органлари иттифоқ органлари таркибида ва улар андозасида тузилган. Бу иттифоқдош республикаларни марказдан туриб бошқаришнинг энг осон ва оддий, шу билан бирга такомиллашган, мустаҳкам шакли эди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон ССРда маҳаллий ҳокимият органлари ва уларнинг аппарати вужудга келтирилди, янги маъмурий-худудий бўлиниш амалга оширилди. Аввал республиканинг

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 165–166.

<sup>2</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамалакчилиги даврида. – Б. 314.

вилоят бўлиниши ташкил қилинди, сўнгра вилоятдан округ бўлинишига ўтилди, кейин яна вилоят (область) бўлинишига қайтилди, туманлар ва қишлоқ шўроларининг кенг тармоғи шакллантирилди. Ўзбекистондаги маъмурий-ҳудудий ислохотлар Советларни мустаҳкамлаш ва уларни аҳолига яқинлаштириш баҳонасида ўтказилган. Аслида эса улар коммунистик мафкура томонидан партия-давлат аппаратининг чексиз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилган эди.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида Ўзбекистонда ҳам маъмурий-бўйруқбозлик тизими ва шахсга сиғиниш чуқур қарор топди. Советлар раҳбарияти ва таркиби, айниқса, республика сиёсатини белгиловчи юқори ва ўрта поғонадаги ўринларнинг аксарият қисми Ўзбекистонда ҳам партия-совет аппарати қўлида, аниқроқ айтганда, партия амалдорлари элитаси қўлида тўпланди. Партия номенклатурасидан ташкил топган давлат ҳокимияти аппарати тобора бюрократлашиб борди, республика сиёсий элитаси халқдан узоклашиб, коммунистик мафкурага сидқидилдан хизмат қилди. Бу ҳолат Ўзбекистон ССРда асосан XX аср 90-йиллари бошларигача, то республика давлат мустақиллигига эришган давргача давом этди.

XX аср 30-йиллари ўрталарида иқтисодиётда рўй берган айрим ижобий ўзгаришлар қишлоқ аҳолисига нисбатан шаҳарликларнинг моддий таъминотини бир оз яхшилаган бўлса ҳам, уларнинг аҳоли мураккаблигича қолаётган эди. Статистик маълумотларга қараганда, Ўзбекистон ССРда 1933 йили ишчи ва хизматчиларнинг ўртача йиллик иш ҳақи 1929 йилга нисбатан 168%, 1937 йилда эса 280% га ошди<sup>1</sup>. Бу ўринда совет рублининг кадрсизланганлигини ҳам эътиборга олиш лозим. Шу билан бирга, ижтимоий эҳтиёжлар учун қилинадиган харажатларнинг миқдори ҳам ортиб борди. Агар 1937 йилда Ўзбекистондаги ижтимоий-маданий тадбирларга давлат бюджетидан 188,4 млн рубль ажратилган бўлса, 1938 йилда бу маблағ 824,3 млн рублни ташкил қилди<sup>2</sup>.

1939 йил баҳорига келганда дунёда халқаро вазият кескинлашди. Бу ҳолат энг аввало фашистик ҳукумат томонидан

<sup>1</sup> Плановое хозяйство, 1940. № 1. – С. 90.

<sup>2</sup> Узбекистан за 15 лет. Статистический сборник. – Т., 1939. – С. 76.

бошқарилаётган Германиянинг тажовузкор сиёсати натижасида келиб чикди. Ўзбекистонда ҳам 1939–1941 йилларда халқ хўжалигининг бутун тармоқларини бўлажак уруш хавфига мослаштиришга ҳаракат қилинди. Тарихдан маълумки, 1939 йил 1 сентябрда Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Адольф Гитлер раҳбарлик қилаётган Германия давлати Польшага ҳужум қилди. Тез орада қарийб бутун Ғарбий ва Шарқий Европа ҳудудини Германия босиб олди. Бироқ немис кўшинлари бу билан чекланмай, 1939 йил 23 августда СССР ва Германия ўртасида ҳужум қилмаслик тўғрисида 10 йил муддатга тузилган битимни хоинларча бузиб, 1941 йил 22 июнда Совет Иттифоқи ҳудудига бостириб кирди. Ўзбекистон бу пайтда СССР таркибида эди. Ўзбекистон ҳудуди совет-герман fronti чизикларидан бир неча минг км олисда бўлишига қарамай, ўзбек ўғлонлари фронтга жўнаб кетишди ва фашизмга қарши курашда жонбозлик кўрсатишди. 1941 йил июндан Ўзбекистон тарихида муҳим бир давр тугаб, янги босқич бошланди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ССРда бу даврда партия органларининг ўзаро ва Марказ билан боғлиқ ҳолдаги сиёсати зиддиятли ривожланди. Бу зиддиятлар энг аввало социалистик жамиятнинг хусусиятидан келиб чикди. Коммунистлар халқ оммасининг жўшқинлиги ва ташаббускорлигидан кўрқиб, улар фаолиятини маълум бир қолипда ушлаб турдилар. Совет ва хўжалик органлари фаолиятига доимий равишда аралашиб туришди. Марказ манфаатларига хизмат қилиш, юқоридан юборилган ҳар қандай буйруқларни сўзсиз бажариш, халқни кўрқув ва асоратда ушлаб туриш, миллий раҳбар ходимлар ва зиёлиларнинг ўз фикрига эга қисмини қатағон қилиш оддий ҳолга айланди. Қишлоқ хўжалигини мажбуран коллективлаштириш даврида қишлоқ аҳолисининг ўзига тўқ бадавлат қисми кулоқ сифатида қатағон қилинди. Саноатни индустриаллаштириш жараёнида эса асосий эътибор оғир саноатни ривожлантиришга қаратилиб, халқнинг эҳтиёжи ҳисобга олинмади. Фақат зиёлилар ва деҳқонлар эмас, балки ишчиларнинг катта қисми ҳам совет ҳокимиятидан норози эди. Хусусан, Тошкент шаҳри ва бошқа саноат марказларида бу даврда ишчиларнинг совет ҳокимиятига қарши кучли норозиликлари бўлиб ўтди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ССР ташкил топгач, унинг бошқарув тизими шакллантирилди. Сиёсий бошқарув аввало коммунистик партия назорати остида бўлди ва Марказнинг ҳар қандай топшириқлари сўзсиз бажарилди. Бу ҳолат сиёсий репрессия шароитида амалга оширилди. 1925–1941 йилларда совет давлати, унинг тоталитар ва авторитар режими турмушнинг барча томонларини тўлиқ назорат остига олган шароитда, партия аппарати ва бюрократиянинг чексиз ҳукмронлиги даврида Ўзбекистон аҳолиси ҳаётининг ижтимоий ва маданий жиҳатларини рисоладагидек ислоҳ қилиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Бу даврда янги ижтимоий қатлам – ҳокимият тепасида турган олий партия ва совет номенклатураси тўлиқ шаклланди. Тадқиқ қилинаётган йиллардан ташқари, совет ҳокимиятининг бутун даврида совет жамиятини айнан ушбу сиёсий элита бошқарди.

Мустабид совет ҳокимияти йилларида большевиклар даврий матбуот ва маданий-оқартув муассасалари фаолиятига катта эътибор қаратди. Чунки бой маданият ва қадим тарихга эга бўлган ўзбек халқини унинг учун бегона бўлган марксизм-ленинизм ғоялари асосида тарбиялашдек муҳим сиёсий вазифа айнан шу «маданий ўчоқлар» зиммасида эди.

Большевиклар партияси маданий жабҳада катта маблағни аямасдан сарфлаб, бу йўлда тарғибот ва ташвиқот ишларидан унумли фойдаланиб, айнан бир авлод умри давомида бу соҳада ўз мақсадига қисман бўлса-да эриша олди. XX аср 30-йилларининг охирига келганда Ўзбекистонда ҳам ўзгача фикрловчи ҳар қандай кишилар йўқотилди ҳамда янги совет кишиларининг дастлабки авлоди шакллантирилди.

Ўзбекистондаги партия ташкилотлари ва маҳаллий совет идоралари – ҳокимият органларидаги гуруҳбозлик, бюрократия, тўрачилик, порахўрлик, ўз хизмат вазифасини сунистьемол қилиш каби иллатларга ўз вақтида муносиб зарба берилмади. Бу соҳадаги тадбирлар самарасиз кечди. Жамиятда мавжуд бўлган ишсизлик, очарчилик, қимматчилик, қаҳатчилик, уй-жой етишмаслиги каби ижтимоий муаммолар ҳамда улуғ давлатчилик шовинизми ва мустамлакачилик сиёсати юқоридаги иллатлар узоқ йиллар давомида мавжуд бўлишига замин яратди. Совет ҳокимиятида сўз билан иш бирлигининг йўқлиги, демократия



курук сафсатабозликка айлантирил-ганлиги, танқид ва ўз-ўзини танқид тамойилига фақат бошқарувнинг куйи бўғияларида амал қилиниши салбий оқибатларни яна ҳам кучайтирди. Бунинг устига, партия бошқарувида ўзига хос сиёсий элита шаклланганлиги, большевиклар партиясининг олий сиёсий раҳбарияти Марказда туриб барча республикалар устидан сергаклик билан назорат олиб борганлиги ва ҳокимият жловини ўз қўлида маҳкам ушлаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Масаланинг яна ҳам фожиали томони шундан иборатки, большевикларнинг бутун бошли таркиби ҳам, сиёсий элита ҳам Марказий Комитетнинг измида эди. Марказий Комитет эса Сиёсий бюронинг, охир-оқибат партия Бош котибининг якка ҳукмронлигига бўйсунар эди.

## IV боб. Ўзбекистон иқтисодиётини бошқариш тизимининг Марказ манфаатлари асосида ташкил этилиши

### 4.1. Туркистон ўлкасида янги иқтисодий сиёсатнинг жорий қилиниши

Большевикларнинг «ҳарбий коммунизм» сиёсати иқтисодиётни бошқаришда номақбул эканлигини кўрсатди. Хусусан, Совет Россияси асосан 1921 йил бошларидан тинч қурилиш йўлига ўтгач, бу сиёсат яроқсиз эканлигини большевиклар партияси раҳбариятининг бир қисми ҳам тан ола бошлади. Асосий мақсадга эришиш учун «тактик ён беришларга уста» бўлган совет давлати ва коммунистик партиянинг раҳбари В.И. Ленин «социалистик қурилиш»нинг янги андозасини жорий қилиш керак, деган фикрга келди. У ўз сафдошларини «чекениш»га, «қайта гуруҳланиш»га, «ҳарбий коммунизм» сиёсати даврида бўлган «штурм ва тазйиқ ўтказиш»нинг кескин усулларида воз кечишга чақирди. В.И. Лениннинг ўзи ҳам «ҳарбий коммунизм» сиёсати хато бўлганлигини тан олиб, 1921 йил 17 октябрда қилган «Янги иқтисодий сиёсат ва сиёсий-оқартув муассасаларининг вазифалари» номли маърузасида бундай эътироф этган эди: «Қисман бизнинг устимизга ёпирилиб келган ҳарбий вазиятлар таъсирида ва ўша маҳалда, империалистик уруш тамом бўлаётган вақтда республика жуда оғир аҳволда қолганлиги таъсирида, мана шу ва бир қанча ҳоллар таъсири билан тўғридан-тўғри коммунистик ишлаб чиқаришга ва тақсимотга ўтишга қарор қилиб хато иш қилган эдик».<sup>1</sup>

Германиялик тарихчи олим Леонид Люкс ўзининг «Россия ва Совет Иттифоқи тарихи: Лениндан то Ельцингача» номли асарида совет Россиясида 1921–1922 йилларда юз берган даҳшатли очарчилик тўғрисида гапириб, бу ҳолатни «ҳарбий коммунизм» сиёсатининг натижаси деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, большевистик режимнинг «ҳарбий коммунизм» системасидан воз кечиши жуда қийин бўлди. Крестьянлар оммавий

<sup>1</sup> Ленин В.И. Тула асарлар тўплами. Русча 5-нашрдан таржима. Т. 44. – Т.: Ўзбекистон, 1979. – Б. 180.

равишда эксплуатация қилиниши натижасида мамлакат тарихидаги энг йирик очарчилик 1921–1922 йилларда (янги иқтисодий сиёсат даврида) бўлиб, бунинг натижасида тахминан 5 млн киши ҳалок бўлди. Агар Фарбдаги ташкилотлар ёрдам бермаганда бу рақам бундан ҳам кўп бўлиши мумкин эди. Совет ҳокимияти ўзининг «синфий капиталистик душманлари»дан ёрдам сўрашга мажбур бўлди: ўз кучлари билан 30 млн (баъзи бир манбаларда – 40 млн) очларни у боқишга қодир эмас эди. Режим ҳатто муҳожирликдаги мустақил рус жамоатчилиги қатнашчиларига очарчиликни тугатишда иштирок этишга рухсат берди. 1921 йил 21 июнда ҳукумат Бутунроссия очларга ёрдам комитети (Помгол) ташкил топганлигини қувватлади. Бу комитетни ташкил қилишда большевиклар томонидан тақиқланган кадетлар партияси йўлбошчилари – Е. Кускова, С. Прокопович ва Н. Кишкин марказий роль ўйнашди.<sup>1</sup>

Янги иқтисодий сиёсат даврида очарчилик Россиянинг марказий губернияларидан ташқари Туркистон АССРнинг Фарғона, Самарқанд, Еттисув вилоятларида ҳам юз берди. Хусусан, Фарғона ва Еттисув вилоятларида очарчилик даҳшатли оқибатларга олиб келди. Бу пайтда одамхўрлик (каннибализм) учрай бошлади.

«Социалистик жамиятни барпо этиш» вазифасини амалга оширишга янги тактик ёндашувлар РКП(б)нинг X съездида (1921 йил март) расман қабул қилинган янги иқтисодий сиёсат (НЭП)да ўз ифодасини топди. Янги иқтисодий сиёсатнинг муҳим бўғинлари озиқ-овқат развёрсткасини озиқ-овқат солиғи билан алмаштириш; савдо-сотикни эркинлаштириш; саноат, майда хунармандчилик соҳалари ва хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий тадбиркорликка рухсат бериш; бозорни тартибга солиш механизмларидан қисман фойдаланиш; ижарага олиш ва ёлланма меҳнатнинг чекланишини бекор қилишдан иборат

<sup>1</sup> Леонид Люкс. История России и Советского Союза: От Ленина до Ельцина. Перевод с немецкого языка Б. Хавкина. – М.: Российская политическая энциклопедия, 2009. – С. 141.

бўлди.<sup>1</sup> Озиқ-овқат солиғи 8 та натурал солиқдан таркиб топган эди.

Бироқ янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш жараёнида чуқур зиддиятлар намоён бўлди. Уларнинг энг асосийси янги иқтисодий сиёсат принципларининг ҳукмрон коммунистик мафкура ғоясига мос келмаслигида кўринади. Янги иқтисодий сиёсатнинг асосий вазифаси социализм манфаатларига ва совет тузумини мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим эди, бироқ коммунистик таълимотда мулкчилик шакллариининг хилма-хиллиги, хусусий мулкчилик ва тадбир-корлик, иқтисодий ва сиёсий фикр эркинлиги инкор этиларди.

Янги иқтисодий сиёсат йўлининг зиддиятлари уни Туркистонда амалга оширишда яққол кўзга ташланди. Туркистонда янги иқтисодий сиёсат бир қатор йўналишлар бўйича Марказий Россия губернияларига нисбатан бирмунча кечроқ ўтказила бошланди. Туркистон ўлкасида «ҳарбий коммунизм» сиёсатининг таъсири кучли эди. Расмий жиҳатдан Туркистондаги янги иқтисодий сиёсат йўли Туркистон Компартиясининг VI съезди (1921 йил август) ва Туркистон АССР Советларининг X съезди (1921 йил сентябрь) қарорларида тасдиқланди.<sup>2</sup> Уларда ўлканинг иқтисодий ривожланиши совет тузумининг мустаҳкамланиши ва социализм қурилиши билан боғланди. Буларнинг ҳаммаси соғлом бозор муносабатлари намоён бўлиши имкониятларини чеклар, мустақил ижтимоий-иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилар эди.

Туркистон АССР МИК 1921 йил апрель-май ойларидаёқ республикада янги иқтисодий сиёсатни ўтказишга оид қатор қарорлар қабул қилган эди. Хўжалик бошқарувининг янги шароитларига ўтиш бошқарув соҳаларини қайта қуриш ва ташкил қилиш билан ҳам боғлиқ ҳисобланади. Туркистон ўлкаси иқтисодиётини дастлаб ТАССР Халқ Хўжалиги

<sup>1</sup> Янги иқтисодий сиёсат (НЭП)нинг асосий қоидалари совет ҳукумати раҳбари В.И. Лениннинг “Озиқ-овқат солиғи тўғрисида (янги сиёсатнинг аҳамияти ва унинг шартлари)” (1921 йил апрель), “Янги иқтисодий сиёсат ҳақида” (1921 йил октябрь), “Кооперация тўғрисида” (1923 йил январь) асарларида ифодаланган.

<sup>2</sup> Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях съездов и конференций. – Т.: Узбекистан, 1988. – С. 133–136.

Марказий Кенгаши (ЦСНХ) бошқарар эди. 1921 йил январь ойида ЦСНХ бошқарувида 857 та корхона мавжуд бўлган.<sup>1</sup> 1921 йил март ойида Туркистон Иқтисодий Кенгаши (ТЭС ёки Турк ЭКОСО) ташкил қилинган. Туркистон АССР МИК ва ХКСнинг 1921 йил октябрдаги қарори билан унга Туркистон Республикасининг хўжалик қурилишига режали раҳбарлик қилиш вазифаси топширилди.<sup>2</sup> Туркистон Иқтисодий Кенгаши қарорлари ўлканинг олий хўжалик органи сифатида барча комиссарликлар ва ташкилотлар учун мажбурий қилиб белгиланди.<sup>3</sup>

Хуллас, 1921 йилнинг февраль ойида Туркистондаги республика иқтисодиётига раҳбарлик қилиш учун Тошкентда Туркистон Иқтисодий Кенгаши (ТЭС), областларда эса область иқтисодий кенгашлари тузила бошлаган эди (улар область ижроия қўмиталари бўлимларининг ҳуқуқларига эга бўлган).

1921 йил 14 мартда Туркистон АССР МИКнинг марказий ва маҳаллий иқтисодий органларни бирлаштириш тўғрисидаги қарори чиқди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу сана Туркистон Иқтисодий Кенгаши ташкил топган расмий кун ҳисобланади.<sup>4</sup> Бу қарорда шундай дейилган эди: «Совет ҳукумати бутун аппаратини хўжалик фаолиятини мувофиқлаштириш ва мустаҳкамлаш ҳамда уни маҳаллий ва умумдавлат вазифа-ларини бажаришга жалб қилиш мақсадида Туркистон Советлари Марказий Ижроия Қўмитаси қуйидагича қарор қилади:

1. Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Совети қошида комиссия ҳуқуқига эга бўлган «Туркистон Иқтисодий Кенгаши» ташкил этилсин.

2. Иқтисодий Кенгаш таркибига Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Совети (кичик таркибдаги) ва қуйидаги халқ комиссарликлари қиради: меҳнат ва ерни қайта ишлаш, алоқа йўллари комиссарликлари қасаба уюшмалари

<sup>1</sup> Отчёт о деятельности Турк ЭКОСО за февраль 1921 г. – Т., 1921. – С. 197–198.

<sup>2</sup> Отчёт I съезда экономического совещания Туркеспублики. – Т., 1921. – С. 2.

<sup>3</sup> Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Т.: Шарқ, 2000. – С. 435.

<sup>4</sup> Бу ҳақда қаранг: *Ҳайдаров И.М.* Ўзбекистонда Иқтисодий Кенгашлар фаолияти (1917–1934 й.). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2007. – Б. 14.

кенгаши раиси, Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси ҳамда маслаҳат овози билан Туркистон Республикаси статистика бошқармаси бошқарувчиси.

3. Иқтисодий кенгашга хўжалик қурилиши соҳасидаги идораларни бошқариш ва мувофиқлаштириш ҳамда улар фаолиятини кучайтириш топширилсин».<sup>1</sup>

Туркистонда янги иқтисодий сиёсат олиб борилаётган шароитда Туркистон Иқтисодий Кенгаши Туркистон АССР худудидаги олий бошқарув органи сифатида ўзига хос маъмурий тизимдан иборат бўлиб, марказий, область ва уезд иқтисодий кенгашларидан ташкил топган эди.

Туркистон Иқтисодий Кенгаши марказий орган сифатида қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлган: 1) котибият; 2) Туркистон режа қўмитаси; 3) тақсимот комиссариати; 4) илмий институт, 5) нашриёт.<sup>2</sup>

1921 йил 6 октябрда Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси ва Туркистон Халқ Комиссарлари Совети ТЭС фаолиятини кучайтириш мақсадида «Туркистон Республикаси Иқтисодий Кенгаши ҳақида» Низом қабул қилинди. Унга кўра, Туркистон Иқтисодий Кенгаши (ТЭС) Туркистон халқ хўжалиги қурилишида, иқтисодий комиссариатлар фаолиятини умумий бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш учун, шунингдек, ягона халқ хўжалиги режасини ўтказиш ишини РСФСР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши билан мувофиқ тарзда тузиш учун ХКС қошида жорий этилди.

У ХКСнинг доимий комиссияси ҳуқуқига эга бўлган ҳолда Туркистон АССР худудидаги олий хўжалик бошқарув идораси бўлиб, фаолияти давомида Туркистон ХКС ва Туркистон МИК олдида жавобгар ҳисобланарди.<sup>3</sup>

Туркистон Иқтисодий Кенгаши ўлка халқ хўжалиги қурилишида ягона хўжалик асосида иш юритиши, комиссарликлар томонидан қабул қилинган таъминот ва молия масалаларини тасдиқлаши, РСФСР Меҳнат ва Мудофаа Кенга-

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 25-фонд, 1-руйхат, 444-иш, 1-варақ.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 1–2-варақлар.

<sup>3</sup> *Ҳайдаров И.* Ўзбекистонда иқтисодий кенгашлар фаолияти (1917–1934 й.). – Т.: Абу матбуот-консалт, 2008. – Б. 24.

ши (СТО)нинг умумий қоидаларига мос келувчи ўзгаришларни амалга ошириши, РСФСР ва Туркистон Республикасининг ягона хўжалик режаси асосида корхоналар талабларини кўриб чиқиши ва уларнинг фаолиятини бошқариши лозим эди. Ушбу Низомда Туркистоннинг иқтисодий ривожланиши РСФСР учун ягона хўжалик сиёсати доирасида олиб борилиши таъкидланган эди.<sup>1</sup>

ТЭС таркибига озиқ-овқат, молия, меҳнат, ер ишлари, темир йўллар, ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарликларининг, Халқ хўжалиги Марказий Кенгаши, Бутунроссия Касаба уюшмалари Марказий Иттифоқи, Туркистон бюроси вакиллари ва Туркистон МИК сайлаган 2 вакил кирар эди. Бу ташкилотга катта ҳуқуқлар берилганлигини шундан ҳам кўrsa бўладики, ТЭС раиси Туркистон ХКС раисининг ўринбосари ҳисобланар эди. ТЭС (Турк ЭКОСО)нинг биринчи раислигига С. Паскуцкий, унга ўринбосарлар қилиб эса А. Асаткин ва С. Шерғозиев сайланди.

Бироқ ТЭС, ўзининг дастлабки раиси С. Паскуцкий ибораси билан айтганда, «халқ комиссарликлари кенгашлари вакиллари гуруҳи сифатида пайдо бўлиб, аниқ хўжалик режасига эга бўлган Марказга айлана олмасдан, Иқтисодий кенгашнинг бошқармалараро органи бўлиб қолди. Унинг жойларда мустаҳкам таянчи бўлмагани учун хўжалик вазифаларини амалий жиҳатдан бошқара олмади».<sup>2</sup>

Туркистон Иқтисодий Кенгаши тузилганидан кейин қарийб олти ой ўтгач Туркистон Советларининг X съезди (1921 йил 21–25 август) бу ташкилотнинг фаолиятида ўзгариш ясади ва уни ўзининг асосий вазифасини бажаришга йўналтирди. Бу ташкилот тўлиқ равишда Москванинг фармойишлари асосида иш юритди. С. Паскуцкийнинг тан олишича, «Турк ЭКОСOnинг хўжалик режаси ва бюджети РСФСРда кўриб чиқиларди... Бюджет шафқатсиз қисқартиришлардан кейин 48 млн рубль қилиб (урушгача бўлган баҳода) тузилди. Бироқ режада кўрсатилган миқдор эмас, балки Туркистон аҳолисининг

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 18-фонд, 2-руйхат, 83-иш, 55–57-варақлар.

<sup>2</sup> Отчёт 1-съезда Экономических совещаний Туркеспублики. – Т.: Изд. ТЭС, 1922. – С. 6.

РСФСР худудидаги пропорционал нисбатидан келиб чиққан ҳолда 16 млн рубль маблағ ажратилди».<sup>1</sup>

Туркистон Иқтисодий Кенгаши таркибий тузилмасини Туркистон АССР областлари: Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Туркман (аввалги Закаспий), Еттисув ҳамда Амударё бўлими иқтисодий кенгашлари ташкил қилар эди. Область иқтисодий кенгашлари ўз навбатида уезд иқтисодий кенгашларига бўлинган.

Областлардаги иқтисодий кенгашлар бир вақтда ташкил этилмаган бўлиб, дастлабки даврда уларнинг фаолияти талабга жавоб бермас эди. Масалан, Самарқанд области Иқтисодий кенгаши ўз фаолиятини 1921 йил 13 апрелдан, Сирдарё области Иқтисодий кенгаши 1921 йил октябрдан, Туркман области Иқтисодий кенгаши 1921 йил октябрь ойидан, Фарғона области Иқтисодий кенгаши 1922 йил 15 мартдан, Амударё бўлими Иқтисодий кенгаши 1922 йил 1 сентябрдан амалга ошира бошлаган.<sup>2</sup> Уезд ва волостлардаги иқтисодий кенгашлар ҳам, Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг маҳаллий совет ташкилотларига йўллаган кўрсатмаси лойиҳасида белгиланганидек, область иқтисодий кенгашлари шаклида тузилиши лозим эди.

1921 йил 20 апрелда Туркистон АССР МИК озиқ-овқат, ем-хашак ва хом ашё развёрсткасини натурал солиқ билан алмаштириш тўғрисида декрет қабул қилган эди. Аста-секин кишлоқ хўжалигида ижобий ўзгаришлар юз берди. Россиядан маҳаллий саноат учун асбоб-ускуналар кела бошлади. Шаҳарларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ўрта ва майда корхоналар, савдо шохобчалари ва бошқалар ижарага берилди. Иқтисодиёт либераллаштирилди, укладлараро алоқалар қайтадан тузилди. 1921 йил ёздан ер-сув ислоҳоти ўтказила бошланди. Марказ пахтачилик, ипакчилик каби муҳим хом ашё етказиб берувчи соҳаларни, шунингдек, йирик корхоналарни давлат тасарруфида қолдирди. Хусусий капитал

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Отчёт 1-съезда Экономических Советаний Туркресублики. – Т.: Изд. ТЭС, 1922. – С. 9–15; Отчёт 2-съезда Экономических советаний Туркресублики. – Т.: Изд. ТЭС, 1923. – С. 27.



билан акциядорлик жамиятлари тузишга, ишчи кучини ёллашга рухсат берилди. Лекин шундай бўлишига қарамасдан Туркистон саноатида давлат секторининг улуши бу пайтда мутлок кўпчилик – 93.1 фоизни ташкил қиларди.

Туркистон халқ хўжалиги инқироздан жонланиш томон аста-секин юз бурди. Бунда совет ҳукуматининг либераллаштириш сиёсати анча таъсир қилди. Янги иқтисодий сиёсат муносабати билан Туркистон Республикаси иқтисодиётида пайдо бўлган силжишлар, ижтимоий хўжалик соҳасидаги ўзгаришлар бу ерда большевиклар сиёсатининг бир оз юмшанглигидан далолат беради.

Янги иқтисодий сиёсатнинг дастлабки натижалари Туркистон АССР МИКнинг II сессияси (1922 йил феврал)да муҳокама қилинди. Сессияда Туркистон Иқтисодий Кенгашининг иқтисодий сиёсат ва ягона хўжалик режаси тўғрисидаги маърузалари тингланди. Туркистоннинг иқтисодий аҳволини муҳокама қилиш республиканинг хўжалик ҳаётида айрим силжишларга эришилганлигини кўрсатди.

Бу даврда Туркистон ўлкаси ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан тўла-тўқис равишда Марказга бўйсундирилди. Бу ҳол Бутунроссия МИК томонидан Туркистон Республикаси учун чиқарилган ушбу декретда ҳам яққол кўзга ташланади. «Туркистон АССР Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши ва Озиқ-овқат халқ комиссарлиги РСФСР Халқ Хўжалиги Олий Кенгаши ва Озиқ-овқат халқ комиссарлиги ўрнатган режа асосида иш олиб боради. Туркистон Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши раиси ва Озиқ-овқат комиссари РСФСРнинг тегишли халқ комиссарлари розилиги билан Туркистон МИК томонидан тайинланади».<sup>1</sup>

Хўжалик ташкилотларининг Марказга бўйсундирилиши 1921 йилдаги Туркистон Халқ Хўжалиги Марказий Кенгашининг таркибий тузилиши схемасида яққол кўринади. Унда хўжалик қурилишидаги энг қўйи ташкилот – уезд Халқ хўжалиги кенгашлари (уезд совнархозлари)дан тортиб то Халқ

<sup>1</sup> Сборник важнейших декретов, постановлений и распоряжений правительства ТАССР за 1922 г. – Т.: Изд. Комиссии СКХ, 1922. – С. 15; Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-руйхат, 39-иш, 269-варак.

Хўжалиги Марказий Кенгашигача бўлган барча бугиндаги функцияларни бажарувчи хўжалик ташкилотлари РСФСР ХКС ва Халқ Хўжалиги Олий Кенгашига бўйсунуши акс этган.<sup>1</sup>

Туркистон Республикасида халқ хўжалигини тиклашда янги иқтисодий сиёсат даврида ҳам бир қатор жиддий хатоларга йўл қўйилди. Аввало янги иқтисодий сиёсат Туркистон АССРда нотекис амалга оширилди. 1921 йили Туркистонда экин майдонлари олдинги йилдагига қараганда анча кенгайтирилди. Бироқ кейинги уч йилда (1922–1924 йиллар) экин майдонлари яна қискарди. 1924 йили Туркистон АССРнинг асосан ўзбеклар яшайдиган учта области (Фарғона, Самарқанд, Сирдарё)да экин майдонлари ҳам, суғориладиган экин майдонлари ҳам урушдан олдинги давр (1913 йил)га нисбатан 60 фоиз атрофида эди. Хуллас, янги иқтисодий сиёсат дастлабки йилларда ўлка халқ хўжалигининг асосий соҳаси – қишлоқ хўжалигига суғ таъсир кўрсатди.

Туркистон Республикасида саноат асосан икки йўл билан ривожланди: эски заводларни тиклаш ҳамда янги корхоналар ва соҳа тармоқларини ташкил этиш. Бунда биринчи галда пахтани қайта ишлайдиган корхоналар ва хом ашё тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

1921 йил 40 та пахта тозалаш ва 2 та ёғ заводи қайта тикланди. Тошкентда йилига 120.000 пуд канақунжут етказиб берадиган завод қурилиши тугалланди.<sup>2</sup> 1923 йилга келиб Туркистон Республикасида 23 та, 1924 йили эса 95 та пахта тозалаш заводлари ишга туширилди. Улар ишлаб чиқарган маҳсулот 57,8 млн рублни ташкил қилди. Тиклаш ишлари ёғ-мой саноатида ҳам юқори суръатлар билан борди. 1923 йил бу саноат корхоналари 61.000 пуд тоза мой ишлаб чиқарган бўлса, 1924 йилга келиб бу миқдор 201.000 пудни ташкил этди.<sup>3</sup>

Бироқ шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Россия империяси даврида бошланган Туркистон ўлкасида пахта монокультураси сиёсати совет даврида янгича кўламда

<sup>1</sup> Қаранг: Очерки хозяйственной жизни Туркеспублики. Под ред. А. Асаткина. – Т.: Изд. ЦСНХ, 1924. – С. 560.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, 25-фонд, 3-руйхат, 17-иш, 63-варақ.

<sup>3</sup> Ўзбекистон МДА, 25-фонд, 3-руйхат, 17-иш, 95–96-варақлар.

ривожлантирилди. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида пахта монокультурасининг узил-кесил шаклланиши янги иқтисодий сиёсат даврига тўғри келади. Бу ҳақда яқинда ЎЗР ФА Тарих институти Иختисослашган Кенгашида ҳимоя қилинган икки докторлик диссертациялари ва монографияларида ҳам сўз боради.<sup>1</sup>

Туркистон ўлкасида 1922 йилнинг иккинчи ярми – 1923 йилнинг бошларидан эътиборан хўжаликлар ҳаётида сезиларли ўзгаришлар юз бера бошлади. Бу ўзгаришларнинг асосий сабаби янги иқтисодий сиёсатни рўёбга чиқаришга қаратилган янада амалийроқ чоралар бўлди.

Туркистонда янги иқтисодий сиёсатни мустаҳкамлаш соҳасидаги қонунчилик мажмуида Туркистон АССР Советлари МИКнинг 1922 йил 11 апрелдаги «Натура солиғи ҳақида»ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қарорга кўра дехқонларнинг норозилигига сабаб бўлган озиқ-овқат развёрсткаси ўрнига ялпи ҳосилнинг 10 фоизи миқдорида озиқ-овқат солиғи белгиланди.<sup>2</sup> Лекин орадан кўп ўтмай хўжаликнинг катта-кичиклигидан келиб чиқиб, солиқни табақалаштириш жорий қилинди. Бу нафақат қишлоқдаги хўжаликнинг турли тоифалари, айниқса, камбағал батрақлардан олинадиган солиқни камайтирди, шу билан бирга ишлаб чиқаришни бошқаришда иқтисодий омиллардан фойдаланишга уриниш ҳам бўлди.

Янги иқтисодий сиёсат пахтачилик сиёсатига ҳам муайян ўзгартишлар киритди. Лекин бу ўзгартишлар чекланган тарзда эди. Янги иқтисодий сиёсатнинг чинакам моҳиятини намоён қилиш йўлидаги асосий тўсиқ Москвада 1921 йил 12 сентябрда ташкил этилган РСФСР Халқ Хўжалиги Олий Кенгаши ҳузуридаги Пахта Бош Қўмитаси (Главхлопком) бўлди.<sup>3</sup> Пахта

<sup>1</sup> Қаранг: Абдуллаев А. Пахта яккахокимлиги: оқибат ва сабоқлар (1917–1991 й). – Т.: Истиқлол, 2006; Унинг ўзи. Хлопковая монокультура в Узбекистане и её последствия (1917–1991). Автореферат дисс... докт. ист. наук. – Т., 2010; Сарыбаев М. Политика хлопковой монокультуры советской власти в Каракалпакстане и ее последствия (1917–1990 гг.). – Т.: Изд. Национальной библиотеки Узбекистана, 2008.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 3-рўйхат, 714-иш, 81–82-варақлар.

<sup>3</sup> РКП(б) МКнинг 1929 йил 18 июлдаги қарори билан Пахта Бош Қўмитаси (Главхлопком) СССР Ер ишлари халқ комиссарлиги ихтиёрига ўтказилди ҳамда қўмита Москвадан Тошкентга кўчирилди. 1931 йил март ойида Главхлопком ва унинг филиаллари қайта ташкил қилинди ҳамда

етиштирувчи республикаларда Главхлопкомнинг унга бўйсунадиган пахта қўмиталари таъсис этилди. Туркистон пахтачилик қўмитаси (Туркхлопком)<sup>1</sup> ҳам унинг таркибига киритилди. Туркистонлик маҳаллий раҳбар ходимлар пахтачиликда давлат монополиясини тугатиш зарурлигини бир неча марта кўтариб чиқдилар. Мазкур монополия пахтачиликда рақобат ва соғлом товар-пул муносабатларининг намоён бўлиш имкониятларига тўсиқ эди. Хусусан, Туркистон АССР Ер ишлари халқ комиссари Санжар Асфандиёров ўлкада пахтанинг давлат монополиясини тугатиш масаласини фаоллик билан ўртага қўйди. Янги иқтисодий сиёсат шароитида бу ишни амалга ошириш мантқан тўғри бўлишини большевиклар тан олишга мажбур бўлди.<sup>2</sup>

Туркистон АССР ХКСнинг 1922 йил 8 июндаги 121-сонли қарорига мувофиқ, Туркистон Республикасидаги барча пахтани қайта тиклаш корхоналари, ёғ-мой ва совун заводлари ҳамда пахта саноати маҳсулотлари ва пахта қабул қилиш пунктлари Туркистон пахтачилик Қўмитаси ихтиёрига ўтказилди. Қарорга биноан, пахтачилик қўмитасига чексиз ваколатлар берилди. Унга кўра, республикадаги маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳеч бир органи, ҳаттоки Марказнинг ваколатли органлари ҳам пахтачилик қўмитасининг хўжалик ишига ҳалақит қилмаслиги ва унинг кўрсатмаларини бажариши шарт эканлиги қатъий қилиб белгилаб қўйилди.<sup>3</sup>

Умуман айтганда, Пахта Бош Қўмитаси ва унинг маҳаллий қўмиталари ташкил этилиши натижасида пахта етиштиришга раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш ягона ташкилот доирасида марказлаштирилди. Бу бошқарма ўз фаолияти даво-

---

республикалар пахтачилик бирлашмалари билан алмаштирилди. Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон МДА, 473-фонд, 1-руйхат, 3385-иш, 7-15-варақлар.

<sup>1</sup> Бу қўмита дастлаб 1918 йил 24 мартда Туркистон ўлкаси халқ хўжалиги кенгаши (кейинчалик Туркистон АССР Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши)нинг Пахтачилик бўлими сифатида ташкил топган эди. 1922 йил бошларида у Туркистон АССР ХКС ҳузуридаги Туркистон пахтачилик қўмитаси (Туркхлопком)га айлантирилди. 1924 йил 20 декабрда у тугатилган. Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон МДА, 111-фонд, 1-руйхат, 1587-иш, 17-варақ.

<sup>2</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Б. 185.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РИДА, 60-фонд, 1-руйхат, 2157-иш, 68-варақ.

мида пахтачиликни қайта тиклаш ишлари баробарида давлат пахта яккахокимлигини амалда жорий этиш ва уни ривожлантириш ҳамда Марказ манфаатларини ҳимоя қилиш ишлари билан ҳам узвий шуғулланди. Шу билан бирга, у янги иқтисодий сиёсат шароитини ҳам ҳисобга олишга мажбур бўлди.

1923 йил январда ССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши қабул қилган қарорда: «Республика ичида пахтани харид қилиш давлат монополияси бекор қилинсин»<sup>1</sup>, деб кўрсатилди. Шу билан бир вақтда пахтанинг қатъий давлат харид нархи бекор қилинди, чунки у пахта етиштириш харажатларини қопламас эди. Пахтакор деҳқонларни саноат товарлари билан таъминлашга эътибор кучайтирилди. Уларга ёлланма меҳнатдан фойдаланишга рухсат этилди, улар сув билан биринчи навбатда таъмин этиладиган бўлди, от-улов солиғидан, айрим ночор хўжаликлар озик-овқат солиғидан озод қилинди.

Бош пахтачилик қўмитаси бундай шароитда ўз ишини бироз ўзгартириб, пахта бозорида ўз ҳукмронлигини яна давом эттираверди, шунингдек, муҳим хўжалик тармоқларини қўлида сақлаб қолди ва тармоқни тиклаш учун ажратилган хусусий маблағлар устидан тўлиқ назорат ўрнатди. Унинг раҳбарлиги ва кўрсатмасисиз уруғ жамғармаси, пахта тозалаш ва ёғ-мой заводлари иш юрита олмас эди. Шунингдек, у ички бозордаги пахтанинг харид нархини белгилар, бу эса хусусий хўжаликларнинг имкониятларини чеклаб қўйишга олиб келар эди.<sup>2</sup>

Туркистон Республикаси раҳбарларидан бири И.Е. Любимов совет ҳокимиятнинг пахта сиёсатини қуйидагича ифодалаган эди: «Туркистон ёппасига пахта майдонига айлантирилиши лозим, бунинг учун ғалла экиладиган майдонлар ниҳоятда қисқартирилиши зарур».<sup>3</sup>

1921–1922 йилларда Туркистон АССРда ўтказилган ер-сув ислоҳоти қишлоқ аҳолисининг аҳволини яхшилашга айтарли ижобий таъсир кўрсатмади. Бунинг устига, бу йилларда

<sup>1</sup> Голованов А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917–1937 гг. – Т.: Фан. 1992. – С. 76.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхаг, 45-иш, 212-варақ.

<sup>3</sup> Қаранг: Абдуллаев А. Пахта яккахокимлиги: оқибат ва сабоқлар (1917–1991 й). – Т.: Истиклол, 2006. – Б. 35.

аҳолидан озик-овқат маҳсулотларини тортиб олиш давом этди. Аҳолидан озик-овқат ва бошқа маҳсулотларни зўрлаб йиғиб олиш натижасида Туркистонда 1922–1923 йилларда қайтадан очарчилик бошланди. Масалан, Фарғона областида 500.000 киши, Самарқанд областида 30.180 киши, умуман, республикада 600.000 дан ортиқ киши очарчилик ва қашшоқликни бошдан кечирди.<sup>1</sup> Кўплаб хўжаликлар вайрон бўлди. Шунинг учун ҳам Фарғона областидаги аҳволни ўрганиб чиқиш ва кўмак бериш мақсадида 1922 йилнинг ёзида махсус комиссия тузилди. Махсус очарчилик солиғи жорий қилинди. Улар томонидан аҳолига турли хил ёрдам кўрсатилди. Аммо шаҳар ва туман марказларидан олисдаги кишлоқ аҳолисига бу гал ҳам ҳеч қандай мадад берилмади. Шу боис кишлоқларда порглаш юз беришининг олдини олиш мақсадида 1923 йил январда очарчилик солиғи бекор қилинди.

Солиқ ишлари тартибга солиниб, хилма-хил кўринишдаги озик-овқат солиғидан ягона кишлоқ хўжалик солиғига ўтила бошланди. 1923 йил ўрталарида Фарғона областидаги деҳқон хўжаликларидан олинадиган ягона кишлоқ хўжалик солиғи ҳажмини ярмига қисқартириш, майда чорвадор хўжаликларни солиқдан батамом озод қилиш ва бирмунча йирикрок хўжаликларга солинадиган солиқлар суммасини 50 фоизга камайтириш тўғрисида қарорлар чиқарилди. Хусусий ва хўжалик фаолиятининг ижара, ёллаш, артелларга бирлашиш ва ҳоказолар сингари хилма-хил шакллари бўлиши тан олинди.

Янги иқтисодий сиёсатни амалга оширишда банклар фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Совет ҳокимияти бундай банкларни Марказий Россиядан ташқари Ўрта Осиё республикаларида ҳам таъсис этишига тўғри келди.

1921 йил 12 январда РСФСР ХКСнинг декрети билан РСФСР Давлат банки ташкил қилинган эди. 1921 йил ноябрда Тошкентда Давлат банкнинг Ўрта Осиё контораси (идораси) иш бошлади. 1922 йилда Ўрта Осиё конторасининг йиллик сармойеси 25 млн рубль бўлган. Давлат банки Ўрта Осиё

---

<sup>1</sup> “Известия ТуркЦИК” (Ташкент), 11 октябры 1923 г.

конторасининг бошқарувчиси В.И. Краснов, унинг ўринбосарлари И.Г. Дублянский ва М.Е. Фрейдович эди.<sup>1</sup>

1923 йилнинг май ойида РСФСР ҳукумати Давлат қишлоқ хўжалик банкини таъсис этди. Тез орада унинг филиаллари Туркистон АССРда ҳам таъсис этилди. Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик банки (Сельхозбанк) деб номланган бу банкнинг олтин ҳисобидаги капитали 3 млн рублни ташкил этган.<sup>2</sup> Бу пул кредит ширкатларига бирлашган деҳқонларга қарз бериш учун мўлжалланган эди. Қишлоқ хўжалик банки фаолияти кредит ширкатлари ва қишлоқ хўжалик кооперацияси орқали амалга оширилар эди. Бундай ширкатларнинг сони ортиб борди. 1923 йил охиридаёқ улар 3 баробар кўпайиб, 1169 тага етди ва унинг маблағлари олтин ҳисобида 58,8 млн рублни ташкил этди.<sup>3</sup> Хуллас, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик банки кредитларидан фойдаланадиган барча хўжаликларнинг сони 28.000 дан ортиқ эди. Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик банки бошқарувининг раиси М.П. Серафимов, унинг ўринбосари М.А. Хўжаев, бошқарув аъзолари Б. Готилов ва Д. Аллакулов бўлган.<sup>4</sup>

1924 йил 31 январда СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши Ўрта Осиё Коммерция (тижорат) банки (Средазкомбанк)ни таъсис этди. Бу банк айрим ҳужжатларда қисқача қилиб Осиё банки деб ҳам юритилади.<sup>5</sup> Бу банкнинг вазифасига куйидагилар кирарди: республикаларда пахта тайёрлашни кредит билан таъминлаш, уларга СССРнинг фабрика ва завод маҳсулотларини келтириб бериш, Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм республикаларида ички товар айирбошлашни амалга ошириш.<sup>6</sup> Тижорат банкнинг кредит операциялари қишлоқ хўжалигини, айниқса, унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1924 йилда банк томонидан берилган 13.5 млн рубль ссудадан 55 фоизи хом

<sup>1</sup> Вся Средняя Азия. Справочная книга на 1926 хоз. год. – Т.: Издание Средне-Азиатского отделения Российско-Восточной торговой палаты, 1926. – С. 342–344.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА. 27-фонд, 2-руйхат, 14-иш, 60-варак.

<sup>3</sup> Ризаев Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. – Т., 1957. – С. 69.

<sup>4</sup> Вся Средняя Азия... – С. 346–347.

<sup>5</sup> Вся Средняя Азия... – С. 344–345.

<sup>6</sup> Ўзбекистон МДА. 336-фонд, 1-руйхат, 1440-иш, 25–27-вараклар.

ашё тайёрлашга, шундан 17 фоизи пахта тайёрлашга сарф қилинди.<sup>1</sup> Ўрта Осиё Коммерция банки бошқарувининг раиси И.П. Компенус, унинг ўринбосари З.А. Зивин, бошқарув аъзолари А.К. Билик ва Л.Э. Мухаметдинов бўлган.<sup>2</sup>

Бундан ташқари, Тошкентда СССР Савдо-саноат банкининг Ўрта Осиё контораси (контора бошқаруви раиси И.А. Фатъяков), Бутунроссия Кооператив банкининг Ўрта Осиё контораси (Всекобанк) (бошқарувчи М.Г. Бризгайлов) каби банklar ҳам фаолият кўрсатган.<sup>3</sup>

Янги иқтисодий сиёсат ислохотлари саноат соҳасида қўлланишининг таркибий элементларидан бири «давлат капитализми» ғояси эди. У хўжалик юритишнинг носоциалистик шакллари вақтинча тиклашни назарда тутарди, бироқ муҳим воқеалар, биринчи навбатда оғир ва йирик саноат социалистик қайта қуришнинг асосий ижрочиси, мулкдори ва бошқарувчиси бўлган давлат қўлида шаклланаётган эди.

Саноат ишлаб чиқаришининг социалистик секторида етакчи бўлган янги иқтисодий сиёсат йўналиши саноатда ва корхоналарда қатъий режалаштириш ва хўжалик ҳисобини жорий этиш асосида бошқарувни кенг миқёсда қайта қуришга қаратилди.

1921 йилга келиб саноатни пул билан таъминлаб туриш учун зарур маблағлар етишмай қолганлиги сабабли соҳага раҳбарлик қилиш қайта ташкил этилди. Ундан кўзланган асосий мақсад йирик ва давлат аҳамиятига молик бўлган корхоналарда ишлаб чиқаришни марказлаштириш, аник хўжалик ҳисобини ўрнатиш ва уларни хом ашё билан таъминлаш, фойда келтирмайдиган корхоналарни ёпиш, ижарага бериш ва майда ҳунармандчилик саноатини ривожлантириш учун шароит яратишдан иборат эди.<sup>4</sup>

Ишлаб чиқариш бирлашмалари сифатида марказлаштирилган трестлар давлатнинг саноатни қайта ташкил этиш

---

<sup>1</sup> Ўрта Осиё Коммерция банки 1930 йил 1 апрелда СССР Ташқи савдо банкига қўшилиши натижасида тугатилди.

<sup>2</sup> Вся Средняя Азия... — С. 345.

<sup>3</sup> Вся Средняя Азия... — С. 345—346.

<sup>4</sup> Отчёт о деятельности СНК и Экономического Совета Туркеспублики на 1 октября 1922 г. — Т., 1922. — С. 140.



сийёсатида энг мақбул шакл деб эътироф этилди. 1921 йилда ана шундай трестлардан 10 таси ташкил этилиб, уларга хўжалик ҳисобига ўтказилган 99 та йирик корхона бирлаштирилди. Бу трестлардаги ишчилар сони 5557 нафарни ташкил этган. Трестлар ишлаб чиқариш турларига кўра бирлаштирилган. Масалан, металл саноати корхоналари «Саноатметалл» трести (Трест Промметалл)га, ёқилғи саноати корхоналари «Турк-ёқилғи» трести (Турктоптрест)га, бинокорлик материаллари «Қурилиш» трестига, ун-тегирмон саноати корхоналари «Ун» трести (Туркгосмуктрест)га бирлаштирилди.<sup>1</sup> Кейинчалик бу ва бошқа трестлар «Туркторг», «Турксельхозторг», «Трест-угольнефть», «Турквино» каби ташкилотларга айлантирилди.<sup>2</sup> Қолган майда ва ўрта саноат корхоналари давлат томонидан бюджетни енгиллаштириш учун ижарага берилди.

1921 йилда Хилково цемент заводи қурилиши якунланди. Фарғона пиллачилик фабрикаси, Тошкентда гидроэлектростанция барпо этила бошланди. Шу билан бирга бу вақт ичида РСФСР ХКС қарорига биноан Россиянинг марказий саноат районларидан Туркистон ўлкасига пиллачилик, тўқимачилик, қоғоз фабрикалари учун асбоб-ускуналар, тери ва совун заводлари учун керакли жиҳозлар келтирилди. Айни вақтда уларнинг ишини йўлга қўйиш учун ҳудудга ишчи ва мутахассислар юборилган эди. Масалага тарихий жиҳатдан холислик билан қараганда, Марказ Туркистон Республикасининг саноат билан боғлиқ имкониятларини кенгайтириш юзасидан муайян чора-тадбирлар кўрди.

Иқтисодий ўсиш суръатлари 1923 йилнинг бошидан бошлаб айниқса саноатда кўзга ташлана бошлади. Туркистон АССРда 1923 йил нефть ишлаб чиқариш олдингига қараганда 60 фоиз, ун ишлаб чиқариш 66 фоиз, виночилик 70 фоиз, қанд ишлаб чиқариш 90 фоиз кўпайди.<sup>3</sup> Шунингдек, хом ашё базаси сифатида қолиш ҳам давом этди.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон МДА, 125-фонд, 1-рўйхат, 130-иш, 4–5-варақлар; 142-фонд, 1-рўйхат, 193-иш, 6-варақ.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон МДА, 663-фонд, 1-рўйхат, 355-иш, 18-варақ.

<sup>3</sup> История Узбекской ССР с древнейших времен до наших дней. – Т.: Фан, 1974. – С. 306.

Саноатни қайта тиклаш даврида саноат ишлаб чиқаришига мўлжалланган муайян корхоналар ташкил этиб борилди, бюджетдан маблағлар ажратилди, шу билан бирга, Марказ саноат фабрикаларининг ёрдами билан ишчилар синфини шакллантириш ҳаракатларини амалга оширди. Бироқ буларнинг ҳаммаси ҳукмрон большевиклар партияси ва Марказ манфаатларига қаратилган эди. Ўзбек халқининг миллий табиий бойликлари, унинг меҳнати доимий равишда совет тузумига хизмат қилиш томон йўналтирилди. Туркистон ўлкаси арзон пахта хом ашёси ва саноат учун керакли бошқа хом ашё турлари етказиб бериши, сўнгра бу хом ашё турларидан тайёрланган турли саноат маҳсулотларидан олинadиган фойда эса Марказда қолиши керак эди. Бу ҳолат Ўзбекистон ССР тузилгач ҳам ўзгармасдан давом этди.

Ўзбекистон раҳбарияти Марказнинг тарғиботчилик ваъдаларига ишонса-да, ўз халқининг туб манфаатларидан келиб чиқиб, дарҳол республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадга мувофиқлиги, Россия империяси давридагидан фарқли равишда шаҳар ва қишлоқдаги ишлаб чиқаришни техникавий асосда тубдан қайта қуриш масаласини қўйди. Хусусан, маҳаллий хом ашёни, аввало пахта-ни қайта ишлашга мўлжалланган саноат тармоқларини вужудга келтиришнинг муҳимлиги таъкидланди. Бунинг учун биринчи галда тўқимачилик саноатини вужудга келтириш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР ташкил топгандан кейин бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси II съездида (1925 йил ноябрь) республика раҳбарияти съезд минбаридан фойдаланиб ўз саноатини, биринчи навбатда, тўқимачилик саноатини тиклаш зарурлигини ошкора маълум қилди, бу «маҳаллий аҳолининг тўқимачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини кондиришга, шунингдек, уларни кейинчалик қўшни мамлакатларга ҳам етказиб беришга» мўлжалланган эди.<sup>1</sup>

Ёш республиканинг Файзулла Хўжаев бошчилигидаги ҳукумати асосли равишда ўйлаганидек, тегишли иқтисодий ёрдам кўрсатилган тақдирда Ўзбекистон ўзида етиштирилган

<sup>1</sup> Компартия Узбекистана в резолюциях и постановлениях съездов. – Т.: Узбекистан, 1968. – С. 58.

хом ашёни мустақил равишда қайта ишлаб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга, бевосита ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатишга қодир бўларди. Биринчи қарашда, саноатлаштиришнинг бошланиши билан гуёки бу долзарб вазифани ҳал қилиш бўйича амалий қадамлар қўйилаётгандай эди. Масалан, «фактик тенгсизлик»ни бартараф этишга қаратилган кўрсатмаларга биноан, биринчи навбатда, Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантириш дастурини ресурс билан таъминлаш сезиларли даражада қўпайди. Бироқ ўзининг иқтисодий ва ижтимоий тақдирини ўзи белгилашга, ишлаб чиқариш тармоқлари ва турларининг мувозанати ва нисбатларини тартибга солиш муаммоларини мустақил ҳал этишга бундай интилиш Иттифоқ раҳбариятининг шовинистик манфаатларига бутунлай зид эди. Иттифоқ раҳбарияти шиор даражасида эмас, балки реал ҳаётда ўлкадаги ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришнинг мустамлакачилик тизимини мустаҳкамлашга асосланарди.<sup>1</sup>

Совет ҳокимияти томонидан Туркистон ўлкасида иқтисодий сиёсатни амалга ошириш ҳамда иқтисодий марказлаштириш сиёсатида Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ташкилоти муҳим ўрин тутди. Бу ташкилот Марказнинг иқтисодий сиёсатини Ўрта Осиё республикаларида амалга оширди.

РКП(б) МК 1921 йил октябрь ойидаёқ Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларининг хўжалик томонидан қайта тузилишини, бу республикалар билан совет Россиясининг хўжалик йўналишларини бирлаштириш кераклигини зарур деб топган эди. 1922 йил 13 февралда РКП(б) МК Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларини иқтисодий бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди.<sup>2</sup>

1922 йил 9 мартда РКП(б) МК Туркистон бюросининг 18-сонли мажлисида Ўрта Осиё республикалари конференциясини

---

<sup>1</sup> Тарих шохидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. Мاستул муҳаррир Д.А. Алимова. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 190–191.

<sup>2</sup> *Турсунов Ҳ.Т.* Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. – Т.: Фан, 1953. – Б. 78.

тайёрлаш учун С.И. Гусев раислигида комиссия тузилди.<sup>1</sup> Бу конференция Ўрта Осиё республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштириши ва РСФСРдан юборилган фармойишлар асосида уни бошқариш режасини белгилаши керак эди.

РКП(б) МК Туркистон бюросининг мазкур қарорини бажариш учун Г.Н. Черданцев раислигида махсус техник комиссия тузилди. Бу комиссия таркибига ТЭС раиси Н.А. Паскуцкий ҳам киритилди. Комиссия ўз ишини амалда 1922 йил 26 мартдан бошлади. Ўрта Осиё республикалари иқтисодиётини бирлаштириш билан боғлиқ барча муҳим масалаларнинг ҳар бирини алоҳида ва кенгрок текшириш мақсадида комиссия аъзолари 7 та бўлимга ажратилди: табиий ишлаб чиқарувчи кучлар (раҳбар: Н.А. Димо); демография ва этнография (Н.Н. Хон-Иомудский); транспорт (А.А. Пугаченков); савдо (И.Н. Иванов); ҳуқуқий масалалар (Г.С. Рейсер). Умумий ҳисобга кўра, техник комиссия таркибида жами 50 нафардан иборат агроном, инженер, ҳуқуқшунос, этнограф ва иқтисодчи мутахассислар иш олиб боришди.<sup>2</sup>

Комиссия раҳбарлари таркибига маҳаллий аҳолига маъсуб бирорта ҳам киши киритилмади. Ҳолбуки, бу комиссия Ўрта Осиё республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштиришнинг зарурияти ва асосий шартлари бўйича ўз хулосаларини чиқариши керак эди.

1923 йил январь ойида РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий фаолиятини бошқариб туриш таклифини ишлаб чиқди. 1923 йил 5 мартда Тошкентда шу таклифлар асосида Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларининг I-иқтисодий конференцияси ўз ишини бошлади. Конференцияда олий бошқарув масалаларида иштирок этиш учун Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаси ҳукуматлари томонидан вакиллар (Туркистондан 10 та вакил, Бухородан 7 та, Хоразмдан 3 та вакил) сайланди.<sup>3</sup> Конференция фаолиятига Туркистон комиссияси номидан И.Е. Любимов

<sup>1</sup> Отчёт о деятельности СНК и Экономического Совета Туркестанской Республики на октябрь 1922 г. – С. 36–38.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б. 36–41.

<sup>3</sup> Ўзбекистон МДА. 2027-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 1-варак.

(СССР вакили) раислик қилди. Умумий ҳисобда конференцияда ҳақиқий овозга эга бўлган 42 делегат ва маслаҳат овозига эга бўлган 29 делегат қатнашди. Конференция учун вакиллар томонидан ҳар бир республиканинг иқтисодий аҳволи ҳақида асосий маърузаларни Туркистон Иқтисодий Кенгаши раиси Паскуцкий, Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси раиси Файзулла Хўжаев, Хоразм Халқ Нозирлар Шўроси раиси Бобожон Отажонов, молиявий аҳвол тўғрисида Йевлев ва И.Е. Любимов маъруза қилишди. Шунингдек, Туркистон АССР ХКС раиси Турор Рискулов ташкилий масала бўйича ҳам маъруза қилди. Маърузаларда иқтисодий сиёсат, ташқи ва ички савдо, молия ва солиқ, қишлоқ хўжалиги, пахтачилик, ирригация, алоқа йўллари ҳамда Ўрта Осиё халқ хўжалигига тегишли бошқа масалалар бўйича маълумотлар берилган эди. Конференцияда сўзга чиққан Н. Паскуцкий ўз маърузасида Марказ манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиб, Туркистонни Марказнинг хом ашё билан таъминловчи базасига айлантириш зарур, деган фикрларни баён қилди.<sup>1</sup>

Конференция раиси И.Е. Любимов ўз нутқида конференция олдида турган мақсад ва вазифалар тўғрисида гапирар экан: «Бизнинг олдимизда турган асосий вазифа хўжалик соҳалари, ташқи савдо, ахборот ва алоқа йўллари, молия каби соҳаларни бирлаштириш ҳамда ягона бошқарувни жорий этишни талаб этади», деб таъкидлади.<sup>2</sup>

Бухоро вакилларида бири бўлган Файзулла Хўжаев ўз маърузасида Бухоронинг иқтисодий аҳволи билан бирга пул ислоҳоти, банклар тизими, солиқ, бюджетдаги молиявий аҳвол тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.<sup>3</sup> Холисона баҳо берадиган бўлсак, Файзулла Хўжаев Ўрта Осиёни иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш тўғрисидаги фикрни дастлаб рад этади.

Конференцияда молиявий ислоҳотларни ташкиллаштириш юзасидан баъзи келишмовчиликлар юзага келди. Бу борада Файзулла Хўжаев ушбу масалалар юзасидан шундай

<sup>1</sup> Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917–1924 й.). – Б. 92.

<sup>2</sup> Бюллетень первой экономической конференции Средне-Азиатских республик (Туркестанской, Бухарской и Хорезмской). №3–4. 7 марта 1923 г. – С. 2–3.

<sup>3</sup> Бюллетень... №1. 6 марта 1923 г. – С. 1–2.

деган эди: «Ташкилий масалалар бўйича келишмовчиликлар мавжуд. Мисол учун, олдин молиявий масалалар бўйича комиссарликлар ишини мувофиқлаштириш фикри билдирилди, кейин бу комиссарликлар бошқарувини бирлаштириш фикри илгари сурилди. Лекин бу ерда ушбу тизимларни кўриб чиқишда яна баъзи бир масалалар юзага келади. Солиқ масаласини олайлик, у ёки бу республика бюджети қурилишини олайлик. Бу ерда бу ҳақда чуқур гаплашиб олиш зарур ва битта умумий ибора билан ишни тугатмаслик керак, чунки бу масала жуда жиддий, унинг ечими нафақат бугунги кун, балки унинг келажакдаги салоҳияти билан ҳам боғлиқ. Молия соҳаларини унификация қилиш тадбирлари юзасидан бир ўртоқ,, бу тадбирларни ўтказишга икки ой етарли, дейди, учинчиси олти ой керак, деб фикрлайди. Шунинг учун бу масалалар бу ерда, бугун ҳал этилмайди, чунки улар чуқур ва тўғри муҳокама қилишни тақозо қилади».<sup>1</sup> Ф. Хўжаев ўз навбатида И. Любимовнинг уч республикадаги молия тизимини бирлаштириш ва уни Марказ қўлига топшириш керак, деган фикрига асосли равишда қарши чиқди.<sup>2</sup> Бироқ шундай бўлишига қарамасдан, уч республикада ягона пул бирлигини жорий қилиш ва уни РСФСР Давлат банкига қарам қилиб қўйиш масаласи барибир конференцияда кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Конференциянинг 1923 йил 9 мартда бўлиб ўтган охириги мажлисида уч республикани иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиниб, Тошкентда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СЭС) ташкил этилди.<sup>3</sup> Конференцияда шу вақтдан бошлаб уч республиканинг иқтисодий фаолияти ва хўжалик режаларини ягона иқтисодий сиёсат доирасида бирлаштиришга қарор қилинди. Ўн кишидан иборат Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши Президиуми тузилди. Унга РСФСРдан 1 вакил (И. Любимов), Туркистондан 4 вакил (Т. Рискулов, Прибитков, И. Хидиралиев, Н. Паскуцкий), Бухородан 3 вакил (Отаулла Хўжаев, Файзулла Хўжаев ва б.), Хоразмдан 2 вакил

<sup>1</sup> Бюллетень... №2. 6 март 1923 г. — С. 12.

<sup>2</sup> Бюллетень... №2. 6 март 1923 г. — С. 12—13.

<sup>3</sup> Ўзбекистон МДА. 1-фонд, 1-рўйхат, 100-иш, 216-варак.

(Якубов, Сарсонбоев) сайланди.<sup>1</sup> Шу билан бирга, Марказнинг бирлашган комиссарликлари раҳбарларидан 5 вакил (ташқи савдо, алоқа йўллари, халқаро алоқалар, молия ва статистика) ҳам Президиум аъзоси ҳисобланган. Шундай қилиб, анжуманда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши раиси этиб ТЭС раҳбари Н.А. Паскуцкий тайинланди.

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши тузилганидан сўнг 1923 йилнинг апрель ва июнь ойларида БХСР ва ХХСР Нозирлар Шўроси қошида янгидан иқтисодий кенгашлар ташкил қилинди. Туркистон Иқтисодий Кенгаши эса ўз фаолиятини давом эттириб,<sup>2</sup> Бухоро Иқтисодий Кенгаши ва Хоразм Иқтисодий Кенгаши<sup>3</sup> билан тенг ҳуқуқ асосида Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг раҳбарлигида ишлай бошладилар.

Иқтисодий конференцияда қабул қилинган «Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши тўғрисида»ги Низомда унинг асосий вазифаси этиб қуйидагилар белгиланди: «Бухоро, Хоразм ва Туркистон республикаларининг хўжалик ҳаётини ривожлантириш ва бошқариш, шунингдек, уч республиканинг хўжалик ҳаётига раҳбарлик қилиш ва бошқариш ҳамда уларга кўрсатмалар бериш».<sup>4</sup> Шунингдек, Низомда қуйидаги фикр ҳам мавжуд эди: «Бухоро, Хоразм ва Туркистон Иқтисодий Кенгашлари ўз республикалари ХКСнинг доимий комиссияси ҳуқуқига эга бўлган ҳамда Бухоро, Хоразм ва Туркистон республикалари худудидаги олий бошқарув органи бўлиб, фаолияти давомида ўз республикаларининг ХКС ва МИК олдида жавобгар ҳисобланади. Бу республикаларнинг иқтисодий кенгашлари конференция президиуми ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши директивалари асосида бошқарилади».<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Бюллетень... №6. 9 марта 1923 г. – С. 4.

<sup>2</sup> 1921 йил 14 мартда ташкил этилган Туркистон Иқтисодий Кенгаши 1924 йил охирида тугатилди. Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон МДА, 18-фонд, 1-рўйхат, 199-иш, 74-варақ.

<sup>3</sup> Бухоро Иқтисодий Кенгаши ва Хоразм Иқтисодий Кенгаши ҳам 1924 йил ноябрь ойида тугатилди. Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон МДА, 49-фонд, 1-рўйхат, 24-иш, 5-варақ; 73-фонд, 1-рўйхат, 100-иш, 74-варақ.

<sup>4</sup> Ўзбекистон МДА. 1-фонд, 1-рўйхат, 100-иш, 216-варақ.

<sup>5</sup> Ўзбекистон МДА. 2027-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 4-варақ.

Ўз навбатида Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ўз фаолиятида СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши олдида жавобгар ҳисобланган ва унинг ташкилий структурасига кирган.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СЭС)-нинг ташкил қилиниши билан совет ҳокимияти Туркистон ўлкасини (Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларини) иқтисодий жиҳатдан бошқариш учун марказлашган иқтисодий ташкилотга эга бўлди. СЭС ўз фаолияти давомида Марказ топшириқларини бажарди ва унга хизмат қилди.

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиши натижасида дастлаб Туркистон, Бухоро, Хоразм республикалари иқтисодий кенгашлари ўз фаолиятини тўхтатди. 1924 йил 25 ноябрда эса Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СЭС) тугатилди<sup>1</sup> ва унинг вазифалари СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг Ўрта Осиёдаги Мухтор вакиллик бошқармаси ихтиёрига ўтказилди.<sup>2</sup> Бироқ 1926 йил июль ойида бу бошқарма тугатилгач, 1926 йил 30 июлда СССР ХКС ҳузурида Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СредазЭКОСО) қайтадан ташкил қилинди. Ўрта Осиё республикалари (Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР, Тожикистон АССР, Қирғизистон АССР) билан СССР ўртасидаги иқтисодий муносабатларни амалга оширишда, уларнинг Иттифоқ иқтисодий мажмуасидаги ўрни ва вазифаларини белгилашда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг ўрни катта бўлди. Марказнинг мустамлакага асосланган иқтисодий бошқарув органи – СредазЭКОСО Ўрта Осиё республикаларини иқтисодий жиҳатдан бошқариш тизимини марказлаштиришда муҳим роль ўйнади. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши бу вазифани бажариб бўлгач, 1934 йил 3 октябрда СССР ХКС ва ВКП(б) МК махсус қарори билан тугатилди.<sup>3</sup>

Шунингдек, Ўзбекистон ССРда 1925–1926 йилларда ЎзССР Иқтисодий Кенгаши (ЭКОСО) ҳам фаолият кўрсатган. Бу пайтда Ўзбекистон ССРнинг пойтахти Самарқанд шаҳрида бўлганлиги учун бу ташкилот ҳам шу ерда жойлашган эди. Ўзбекистон ССР Иқтисодий Кенгашининг раиси Файзулла

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон МДА. 2027-фонд, 1-руйхат, 132-иш, 34-варак.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон МДА, 1-фонд, 1-руйхат, 828-иш, 4-варак.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон МДА, 9-фонд, 1-руйхат, 3682-иш, 74-варак.



Хўжаев, раис ўринбосари Желтов, масъул котиб Мотилёв бўлган.<sup>1</sup>

1925–1928 йилларда янги иқтисодий сиёсат аста-секин бузила бошлади. Саноат ва қишлоқ хўжалигида қийинчиликлар кўпайиб қолди, режалаштирилган индустрлаштириш учун маблағлар етишмас эди, товар танқислиги кескинлашди. Бу ҳолатни бутун Совет Иттифоқи бошидан кечираётган бўлса ҳам, бироқ у Ўзбекистон ССРда яна ҳам кескинроқ намоён бўлди, чунки республика деҳқонлари саноат молларини олишда жуда кўп қийинчиликларга учрар эди. Товар танқислигининг кучайиб бориши нарх-наво ошиб кетишига, рубль курсининг ўзгариб туришига олиб келди. Саноат моллари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳолари ўртасида катта тафовут бўлиши (иқтисодчилар таъбири билан айтганда, баҳолар қайчиси) деҳқонларнинг кучли норозиликка олиб келди.

1927 йили ғалла тайёрлашдаги қийинчиликлар муносабати билан баҳоларни тартибга солиш муаммоси яна кўндаланг бўлиб қолди. Бу нарса шаҳар билан қишлоқ, ишчилар билан деҳқонлар ўртасида катта зиддиятлар пайдо бўлиб қолганлигини кўрсатар эди. Совет давлати қишлоқ аҳолиси томонидан истемол қилинадиган саноат молларига нисбатан юқори ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан эса паст баҳоларни кўйиб, деҳқонларни индустрлаштириш учун маблағ берадиган ўзига хос устама солиқ тўлашга мажбур қилди.

1928 йил 15 январь – 6 февралда ВКП(б) МК Бош котиби И.В. Сталин Сибирь ўлкасида ғалла тайёрлашнинг аҳволини назорат қилиш учун у ерга боради. У Новосибирск, Барнаул, Омск ва бошқа шаҳарларда бўлиб, ғалла тайёрлаш компаниясига қаршилик қилаётганларни аёвсиз жазолашга чақиради. Шу нарса диққатга сазоворки, немис тарихчиси Хайнц Дитрих Лёве «Сталин» асарида ёзишича, Сибирда маҳаллий прокурор ва судьялар Сталин талаб қилган ваҳшиёна чоралар билан аҳолини жазолашга қарши чиқишади. Судьялар оммавий равишда крестьянларни қамоқдан озод қилишган.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Вся Средняя Азия... – С. 394–395.

<sup>2</sup> Хайнц Дитрих Лёве. Сталин. Перевод с немецкого А.Г. Гаджикурбанова. – М.: Российская политическая энциклопедия, 2009. – С. 149–150.

Хуллас, Совет ҳокимияти янги иқтисодий сиёсатдан аста-секинлик билан, бироқ қатъий равишда воз кеча бошлади. Хусусан, мамлакатда саноатни индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш даврида бу сиёсат бутунлай тугатилди. СССР давлати ва большевиклар партиясининг раҳбари И.В. Сталин 1929 йил 3 ноябрда ёзган «Буюк бурилиш йили» мақоласида СССРда социалистик жамият қурилиши жараёнида давлат секторининг ҳал қилувчи роли тўғрисида ўз қарашларини баён қилди.<sup>1</sup>

Хулоса килиб айтганда, янги иқтисодий сиёсат даврида Туркистон ўлкасида вайрон бўлган иқтисодиёт тикланди. Саноат ва қишлоқ хўжалигида жонланиш юзага келди. Совет давлати раҳбарияти иқтисодиётни либераллаштириш ва сиёсий ён беришлар орқали мамлакатда социалистик давлат мулкидан ташқари мулкчиликнинг бошқа шакллари мавжуд бўлишига йўл қўйиб берди. Хусусий мулк ва бозор муносабатлари жамият ҳаётига қайтадан кириб келди ва муҳим роль ўйнай бошлади. Туркистон АССРда ҳам бу даврда саноат корхоналари қайта тикланди. Янги завод ва фабрикалар қурилди, саноатнинг мутлақо янги тармоқлари вужудга келтирилди. Қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат развёрсткаси ўрнига озиқ-овқат солигининг жорий этилиши, бозорларнинг очилиши ва эркин савдога рухсат берилиши қишлоқ аҳолиси бўлган деҳқонлар турмушини бир оз яхшилади.

Бироқ совет ҳокимияти янги иқтисодий сиёсат давомида ҳам ўзининг пировард мақсадларидан воз кечмади. У иқтисодиётни марказлаштириш сиёсатини олиб борди. Туркистон ўлкасидаги саноат корхоналари Марказ манфаатларига хизмат қилиши керак эди ва шундай бўлди ҳам. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг ташкил топиши ва унинг 10 йилдан ортиқ давом этган фаолияти натижалари шуни кўрсатадики, минтақадаги олий иқтисодий орган бўлган бу ташкилот Марказнинг кўрсатмалари асосида иш юритди ва унинг талабларини бажарди. Ўрта Осиё республикалари иқтисодиёти Марказ манфаатларига бўйсундирилди.

---

<sup>1</sup> Сталин И. Сочинения. Т. 12. — М.: Госиздат, 1949. — С. 118—135.

#### 4.2. Ўзбекистон ССРда иқтисодий бошқарувнинг Марказ халқ хўжалиги тармоқлари манфаатларига бўйсундирилиши

Қарийб бир ярим аср давом этган Россия империяси ва совет давлати мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон халқлари сиёсий, ҳарбий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий қашшоқлик ва қарамликнинг барча шаклларини бошдан кечирди. Мустамлакачи маъмурлар ўлканинг саноат ишлаб чиқариши ва иқтисодий ривожланишига атайин йўл беришмади. Ўзбек халқининг пешона тери, ақл-идроки ва тафаккури билан етиштирилган моддий ва маънавий бойликлар талон-торож қилинди. Ўзбекистон ССРдаги иқтисодий бошқарув Марказ халқ хўжалиги тармоқлари манфаатларига бўйсундирилди.

Ўзбекистон ССР Иқтисодий қурилиш комиссиясининг 1925 йил 12 ноябрдаги йиғилишида масъул ходимлардан бири андижонлик Маллабоев шундай деган эди: «Мана биз қишлоқларга юз буриш ҳақида гапираяпмиз. Аслида 33 рубль маошга волость ижрокўми раиси яшай оладими? Албатта йўқ. Тушунарлики, у пора олади. Агар биз ҳақиқатда аҳволни яхшиламоқчи бўлсак, шароитни ҳам йўлга қўйишимиз лозим».<sup>1</sup>

Шу нарсани таъкидлаш жоизки, Маллабоевнинг бу фикрларига мажлисда ҳеч ким эътироз билдира олмаган. Большевиклар ва совет қурилиши ходимлари ҳақиқий ҳаётдан, иқтисодий аҳволдан, хўжалик ходимлари ва ишчиларнинг маошларидан хабардор бўлганликлари учун унинг фикрлари ижобий хайрихоҳлик маъносидаги сукут билан кутиб олинган. Бу пайтда цемент заводининг оддий ишчиси 51 рубль 50 тийин, тикувчилик фабрикаси ишчиси 40 рубль 51 тийин маош олган.<sup>2</sup>

Ўзбекистон Компартияси МК Ташвиқот бўлими бошлиғи Абдуллажон Каримов 1926 йилда республикадаги барча газеталарга қуйидаги мазмунда «ўта махфий» циркуляр (кўрсатма буйруқ) жўнатади: «Охирги вақтларда реал имхониятлар ва партия директивалари ҳисобга олинмасдан газета саҳифалари

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-руйхат, 756-иш, 116-варак.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-руйхат, 34-иш, 296-варак.

маошни ошириш ҳақидаги муҳокамаларни ёритмоқда... Қуйидагиларга амал қилинсин:

1. Ойликларни ошириш ҳақидаги масалани муҳокама қилганда максимал эҳтиёткорликка амал қилинсин;

2. Иш ҳақини урушгача<sup>1</sup> бўлган даражага етказиш борасида мутлақо тўхтаб ўтилмасин».<sup>2</sup>

Иттифоқ ҳукумати аввал бошданок ёш Ўзбекистон ССР раҳбарияти олдига «Совет Ўзбекистони»ни СССРнинг асосий пахта базасига айлантириш стратегик вазифасини кўйди. ВКП(б) МКнинг XX аср 20-йиллари иккинчи ярмида чиқарган бир қатор кенгайтирилган қарорларида тўқимачилик саноати ҳам ашё базасини яратиш ва Иттифоқнинг пахта соҳасида хорижга қарамлигини тугатишда пахтачилик ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.<sup>3</sup> Натижада 1928 йилда ялпи териб олинган пахта ҳам ашёси 543.700 тоннани ташкил этди. Умуман, 1924–1929 йилларда республика деҳқонлари 1.961.100 тонна пахта териб топширдилар ёки бу ўрта ҳисобда йилига 392.200 тоннани ташкил этди.<sup>4</sup>

СССР халқ хўжалигининг биринчи беш йиллик (1928–1932 й.) режасида Ўрта Осиёда пахтачиликни муваффақиятли ривожлантириш дастури аҳолининг ғаллага бўлган эҳтиёжини қондиришга бўйсундирилди. Ўзбекистондаги барча суғориладиган ерларни пахтазорларга айлантириш натижасида вужудга келган ғалла етишмовчилигини Иттифоқдан ғалла келтириш орқали ҳал қилиш мумкин эди. Ўрта Осиё республикалари, хусусан, Ўзбекистон ССРдаги ғалла дефицити Иттифоқ ғалласи билан нафақат 100 фоиз қондирилиши, балки қишлоқ аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган бошқа эҳтиёжлари ҳам қондирилиши керак эди.

<sup>1</sup> Бу ўринда Биринчи жаҳон уруши бошланмасдан олдинги ҳолат – 1914 йил июнь ойи кўзда тутилмоқда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РИДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 1603-иш, 5-варак.

<sup>3</sup> Решения партии и правительства по хозяйственным вопросам. Сборник документов. Т. 2. – М., 1967. – С. 85–97; «Ўзбекистанская правда», 7 августа 1929 г.

<sup>4</sup> Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари (1865–1990) й. Масъул муҳаррир Д. Алимова. – Т.: Шарк, 2000. – Б. 262.

Архив ҳужжатларида келтирилишича, «Ўзбекистонда аҳоли сонини 4 млн киши деб олсак, ҳар бир кишига 15 пуд ғалладан ҳисоблаганимизда жами 60 млн пуд ғалла зарур бўлади. Бу пайтда Ўзбекистонда етиштириладиган ғалла ҳосили 55 млн пуд деб олинса, республика яна 5 млн пуд келтириладиган ғаллага муҳтожлик сезади. Шундай қилиб, пахтачиликни кенгайтириш билан параллел тарзда ғалла ташиб келтиришни ҳам кўпайтириб бориш лозим».<sup>1</sup>

Ҳолбуки, Бутуниттифок аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари (1926 йил 17 декабрь)га кўра, 1926 йилда Ўзбекистон ССР аҳолиси 4.395.161 кишини ташкил этган.<sup>2</sup> Бу миқдорга ўша пайтда Ўзбекистон ССР таркибида бўлган Тожикистон АССР аҳолиси (663.000 киши) кирмайди. Республика аҳолисининг ҳар йили ўртача 300000–400000 кишига кўпайиб боришини инобатга олсак, Ўзбекистон аҳолиси эҳтиёжлари учун ҳар йили ташиб келтириладиган 5 млн пуд ғалладан анча ортиқ – 10–15 млн. пуд ғалла керак бўлиши ойдинлашади. Аммо ғалла майдонлари ҳисобига пахта монокультураси ошиб борди.

Фарғона область ижроия комитетининг йиғилиши (1926 йил апрель)да аҳолини ғалла билан таъминлаши шарт бўлган Пахта Бош кўмитаси (Главхлопком) ва Ўрта Осиё ғалла кооперативи (Средазхлеб) ташкилотлари бу ишни деярли бажармаётганликлари айтиб ўтилади. Йиғилишда таъкидланишича, ғалла билан таъминлаш таклифини билдираётган хусусий шахсларнинг таклифлари ва шартлари анча оғир. Бу шартлар бир томондан хўжаликни иқтисодий жихатдан чўктирса, иккинчи томондан бозорда юкори нархни ушлаб турибди.<sup>3</sup>

Аммо Ўзбекистонда бу соҳада аҳвол яхши бўлмаган. ЎзССР Савдо халқ комиссарлигининг Кўқон бўлими бошлиғи Моорнинг маълумотларида (1929 йил 6 март) ғалла савдосини тартибга солиш ҳақидаги чора-тадбирлар хусусида сўз боради.

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 2483-иш, 10–11-варақлар.

<sup>2</sup> Всесоюзная перепись населения. 17 декабря 1926 года. Предварительные итоги. 3-й выпуск. Азиатская часть РСФСР. Узбекская ССР. Туркменская ССР. – М.: Изд. ЦСУ Союза ССР, 1927. – С. 6.

<sup>3</sup> Фарғона вилояти давлат архиви, 121-фонд, 2-рўйхат, 398-иш, 2-варақ.

Маълумотномада кўрсатилишича, «Эркин ғалла бозоридаги аҳволнинг етарлича яхши эмаслигини тан олиш керак. ЎзССР ҳукуматининг ғалланинг эркин бозордаги нархини 2—2,25 рубль қилиб белгилаш ҳақидаги қарори (баҳорги экин даврида) объектив ва субъектив сабаблар туфайли бажарилмай қолди. Ғалла нархини тушириш бўйича олиб борган фаолиятимиз охирига етмаслигига энг жиддий сабаб хусусий олибсотарлар фаолиятининг кучайиши бўлди».<sup>1</sup>

Бироқ Марказ Ўрта Осиё республикалари аҳолисининг ғалла ва бошқа озик-овқат маҳсулотлари билан таъминоти яхши йўлга қўйилган, деб ҳисобларди. СССР Марказий Ижроия Қўмитаси Президиумининг 1927 йил 30 сентябрда бўлган йиғилишида СССР Ташқи ва ички савдо министри А.Д. Цюрупа Ўрта Осиёнинг ғалла билан таъминланиши ҳақида ахборот берди. Унинг фикрича, ҳозирги шароитда Ўрта Осиё республикалари (жумладан, Ўзбекистон ССР)да ғалла таъминоти масаласида шошилиш чоралар кўришга зарурият йўқ.<sup>2</sup>

Ўрта Осиё республикаларининг ғалла таъминоти тўғрисида ҳар қанча кўпиртириб гапирилмасин, амалда бу соҳада жиддий қийинчиликлар ва катта узилишлар бўлган. 1927 йилдаги дастлабки босқичда 4.000.000 пуд, яъни мўлжалдагидан 50 фоиз кам ғалла олинган. Бундай таъминот натижасида Ўзбекистондаги аҳвол фавқулодда оғирлигича қолаверди.<sup>3</sup>

Ғалланинг тайёрлов нархи билан бозордаги нархи ўртасидаги тафовут 2—3 бараварни ташкил қилган. Масалан, 1929 йилда Янгийўлда ғалланинг нархи тайёрлов баҳосида 1 рубль 80 тийинни, бозорда эса 5 рублни ташкил қилган.

Янги иқтисодий сиёсатнинг бошланиши билан эркин савдога руҳсат берилган бўлса-да, ғалла савдосини совет давлати доимий равишда ўз назорати остида тутиб туришга интилган. Бу ҳолат Ўзбекистонда ҳам кузатилади. Ўзбекистон ССР ХКС ва МИК 1928 йил 6 августда «Ғалла тайёрлаш» тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда кўрсатиладики, «Кўпгина туманлардан тушган маълумотларнинг гувоҳлик беришича, ғалла тайёрлашда

<sup>1</sup> Фарғона вилояти давлат архиви, 329-фонд, 2-руйхат, 3-иш, 148-варак.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 3-руйхат, 917-иш, 14-варак.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 2-руйхат, 28-иш, 101-варак.

маъмурий чоралар воситасидан фойдаланмаслик ҳақида ҳукуматнинг қатор директивалари бўлишига қарамасдан маҳаллий органлар деҳқонларни турли йўллар билан ўз маҳсулотини давлат ёки кооператив ташкилотларга топширишга мажбур қилмоқдалар». Ушбу қарорда ғалла топширишда ҳеч қандай монелик бўлмаслиги, аммо ғаллани деҳқон ўз хоҳиши билан давлатга топширишига «умид қилинган». Ушбу қарор сўнггида Молия комиссарлиги патентига эга бўлган хусусий савдогарларгина ғалла савдоси билан машғул бўлиши таъкидлаб ўтилади<sup>1</sup>.

Архив ҳужжатларида келтирилишича, Тошкент округи ғаллакор ҳудуд бўлмаса-да, бу ерда камроқ дон экиб, кўпроқ ғалла ҳосили етиштириш талаб қилинган. Бу нафақат ўртаҳол деҳқонлар, ҳатто камбағал деҳқонларнинг ҳам норозилигини кўзгатган. Паркент, Ангрэн туманларида маъмурий босим йўлга қўйилган. Шак-шубҳасиз, бу ҳол деҳқонларнинг совет ҳокимиятидан қучли норозилигига сабаб бўлган.<sup>2</sup> Бундан ташқари, 1929 йил Ўзбекистонда қурғоқчилик бўлиб, ғалла ҳосили яхши бўлмаган.

Ўзбекистон ССР МИК раиси Йўлдош Охунбобоев СССР ХКС раиси А.И. Риков номига 1929 йил 22 октябрда юборган телеграммасида Ўзбекистондаги оғир аҳволни қуйидагича кўрсатиб берди: «Ҳосилсизлик иқтисодий қолоқ вилоятлардаги аҳволни оғирлаштириб юборди. Очарчилик, турли эпидемиялар ва оммавий касалликлар, чорванинг кўплаб сўйилиши хўжаликларнинг буткул вайрон бўлишига олиб келди. Ғалланинг бир пуд нархи 310 рублдан 630 рублга чиқиб кетди. Чунки уни транспортда келтириш ўта қимматлашди. Аҳоли бундай нархни кўтара олмайди...

Средазхлеб харажатларни қоплай олмаслигини айтмоқда, чунки улар савдо ташкилотидир. Ҳукумат ҳам транспорт харажатларини қоплай оладиган маблағга эга эмас. Темир йўлнинг охириги бекатларида келтириладиган ғалла сезиларли миқдорда тўпланиб қолди. Средазхлеб келтириладиган зарарни қоплаш учун кафолат сўрамоқда. Шунинг учун ҳосилсизлик-

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-руйхат, 4633-иш, 319–320 Ҳаражатлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 5-руйхат, 260-иш, 6-ҳаражат.

нинг жиддий сиёсий-иқтисодий оқибатларини тугатиш учун 2,5 млн рубль маблағ сўраймиз».<sup>1</sup>

Бироқ телеграммага Марказ жавоб бермайди. Ўзбекистон ҳукумати раҳбарлари ВКП(б) МК Бош котиби И.В. Сталин, СССР МИК раиси М.И. Калининга бошқа телеграммалар юбориб, қатор районлардан ташвишли хабарлар келаётганлиги, Мирзачўл районларида очарчилик туфайли олатасир бошланганлиги, 1929 йил октябрь ойида Средазхлеб ташкилоти 94000 пуд ғалла чиқарганлиги, ваҳоланки унинг захирасида 546000 пуд ғалла борлигини айтиб ўтишади.<sup>2</sup>

Аслини олганда, ғаллани деҳқонлардан тортиб олишга Марказнинг минтақадаги сиёсий идораси – ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг ўзи раҳбарлик қилган. Ўрта Осиё бюроси чиқарган қарорларнинг бирида бу ҳолат шундай кўрсатилган: «Белгиланган режани бажариш ва ошиғи билан адо этиш учун шак-шубҳасиз деҳқонлардаги ортиқча маҳсулотни максимал тарзда олиш лозим. Ғалла маҳсулотларининг асосий қисми давлат ва кооперативлар қўлида жамланиши керак. Ўрта Осиё бюроси ижроия комиссиясининг Ўрта Осиё республикалари учун белгиланган 15.350.000 пуд ғалла режаси қатъий режа деб олинсин ва бажарилиши мажбурий қилиб белгилансин».<sup>3</sup>

Ўрта Осиё бюроси ижроия комиссиясининг ғалла тайёрлаш бўйича ташкилий масалалар юзасидан 1929 йил 18 майда бўлиб ўтган йиғилишида Марказнинг бу соҳадаги йўл-йўриқлари айтилди ва ғалла тайёрлашни жадаллаштириш тўғрисида куйидаги кўрсатмалар берилди:

«а) Дастлабки икки ўн кунликда давлатга 42261 центнер кам ғалла топширилди;

б) ғалла тайёрлаш режасини бажармаслик учун ҳеч қандай объектив сабаблар бўлмаганлиги таъкидланиб, Ўзбекистон ССР ва Туркменистон ССРдаги ғалла тайёрлаш ташкилотларига сентябрь ойи режасига қўшиб аввалги режани бажариш шарт қилиб қўйилсин;

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 2-руйхат, 19-иш, 160–162-варақлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 2-руйхат, 19-иш, 200-варақ.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 5-руйхат, 451-иш, 50-варақ.



в) Ўрта Осиё ғалла кенгашлари бир ҳафта муддатда ғалла топширишни ортга сураётган колхоз ва совхозларнинг номма-ном рўйхатини топширсинлар. Бу хўжаликларга қуйидаги чоралар қўлланилсин: кредитларни ёпиш, қишлоқ хўжалик машиналарини бермаслик, колхоз ва совхоз раҳбарларини хизмат вазифасидан бўшатиб, суд жавобгарлигига тортиш».<sup>1</sup>

1930 йилда Москвадан ВКП(б) МК Бош котиби И.В. Сталин, СССР Министрлар Совети раиси В.М. Молотов, ВКП(б) МК ва Москва шаҳри комитети котиби Л.М. Кагановичнинг Тошкентга – ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси масъул котиби И.А. Зеленский, Ўзбекистон Компартияси МК биринчи котиби Акмал Икромов, ВКП(б) МК котиби К.Я. Бауман номларига юборган телеграммасида Ўрта Осиё республикаларида ғалла тайёрлаш режаларини зудлик билан бажариш ҳақида қуйидагича кўрсатма берилган: «Сизларнинг Ўрта Осиё республикалари бўйича 26 млн пуд ғалла тайёрлаш режаларингиз мутлако ўринсиз. Ўрта Осиё учун бу режа 28 млн пуд ғалладан<sup>2</sup> кам бўлмаган, тайёрланган ғалланинг қолган қисмини СССРнинг бошқа районларига етказиш шарт. Барча чоралар кўрилишини, ҳатто комсомоллар, партия аъзолари, партиясиз ишчиларни мобилизация қилиб бўлса ҳам 28 млн пудлик ғалла режаси бажарилишини қатъий талаб қиламиз. Барча пессимист ва мижғовларни мансабидан бўшатиб, йўқотишни буюрамиз. Режани бажармаганларни партиядан ўчириш»<sup>3</sup>.

Бунинг устига, Ўрта Осиё республикаларини ғалла, ем-хашак, балиқ ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашда катта узилишлар бўлиб турди. 1930 йил октябрда белгиланган 25,5 млн пуд ғалла ўрнига 1931 йил 1 январга келиб бу ерга атиги 21,6 млн пуд ғалла келтирилди, холос. Ем-хашак биринчи ярим йилликда 52 фоиз, ёғоч эса 20 фоиз етказиб берилди. Ҳумумий ҳолатда темир йўллар Ўрта Осиё республикалари минимал талабларининг атиги 1/3 қисмини бажаришди.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 5-рўйхат, 451-иш, 80-варақ.

<sup>2</sup> 28 млн пуд ғалла 460.000 тоннани ташкил қилади.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-рўйхат, 264-иш, 4-варақ.

<sup>4</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-рўйхат, 291-иш, 7-варақ.

Ўрта Осиё республикаларининг ҳукумат раҳбарлари СССР ХКС раисининг ўринбосари ҳамда Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши раисининг ўринбосари Я.Э. Рудзутакка мурожаат қилиб, «Ўрта Осиё республикаларининг таъминотидаги катта узилишлар ва етишмовчиликлар Сиздан ҳолатнинг олдини олиш учун дарҳол ҳукумат комиссияси тузишни талаб қилмоқда» деб таъкидладилар.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Компартияси МК котиби Кирпанов томонидан «мутлақо махфий» грифи остида тайёрланган маълумотномада келтирилишича, ғалла йиғишда ўта кучли маъмуриятчиликка йўл қўйилган. Қишлоқларда тайёрлов идорасининг вакиллари уйма-уй юриб, камбағал деҳқонларнинг охириги мисқол<sup>2</sup> галласигача, ҳатто 20 фунт зиғиригача тортиб олганлар. Уруғлик галлага тегмаслик ҳақидаги декрет бўлишига қарамай, деҳқонлар қисмати тақдир ҳукмига қолдирилган. Деҳқонларга қуйидагича дағдаға қилинган: «Агар галлангиз бўлмаса, хотинларингизни сотинг, акс ҳолда 5 йилдан қамоқда ўтириб чиқасиз». Ҳаттоки ғалла топшириш режасини бажарган деҳқонлар ҳам бир бошдан тинтилиб, уларнинг ғалласи тортиб олинган. Бундай ҳолат Шаҳрисабз туманида ҳам тақрорланиши халқнинг оммавий норозилигини келтириб чиқарди.<sup>3</sup>

«Осмон узоқ, ер каттиқ» деган ўзбек халқ мақоли эҳтимол шу йилларда айтилган бўлса керак. Шаҳрисабз тумани ғалла тайёрлаш вакили Жалилов бу компаниянинг мурасасизлиги боис уни «Ғалла тайёрлаш уруш дегандек гап. Ғалла тайёрловчилар отиши, қамаши ва бошқа ишлар қилиши мумкин. Улар ҳукмбардорлик қилади»,<sup>4</sup> деб таърифлайди. Бошқа бир архив ҳужжатида келтирилишича, «Ғалла йиғувчи вакиллар гуруҳининг безорилиги ва ярамасликлари ҳеч бир қолипга сиғмайди. Бунинг устига, бойлар ва кулоқлар ғаллани ерга кўмиб ташларди».<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-рўйхат, 291-иш, 18–42-варақлар.

<sup>2</sup> Бир мисқол – 4,5–5 граммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 7-рўйхат, 237-иш, 188–190-варақлар.

<sup>4</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 304-иш, 75-варақ.

<sup>5</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 304-иш, 80-варақ.

Марказ Ўзбекистон ССРдаги иқтисодий бошқарувни турли Иттифок комиссарликларининг республикадаги Махсус вакилликлари орқали ҳам назорат қилиб турган. ВКП(б) МК Марказнинг Ўрта Осиё бюроси, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши каби сиёсий ва иқтисодий ташкилотларидан ташқари турли комиссарликларнинг вакиллари ҳам халқ хўжалиги асосий тармоқлари устидан раҳбарлик қилишган.

Ўзбекистон ССР ташкил топган вақтда (1925 йил февраль), айрим СССР халқ комиссарликларининг Ўзбекистон бўйича махсус вакиллик ва вакиллари ҳам тасдиқланган эди. Ўзбекистон ССР пойтахти 1925–1930 йилларда Самарқанд шаҳрида жойлашган бўлса-да, Иттифок комиссарликларининг ваколатхоналари ва Марказ ташкилотлари «инқилобий Тошкент»да ўрнашган эди.

СССР Ташқи ишлар халқ комиссарлигининг Ўзбекистон ССРдаги махсус вакиллиги (махсус вакил: А.А. Знаменский) ва СССР Ташқи савдо халқ комиссарлигининг ЎзССР ХКС ҳузуридаги махсус вакиллик бошқармаси (махсус вакил: Протопопов) ана шундай Иттифок комиссарликлари сирасига кирган. Хусусан, ташқи ишлар комиссарлиги вакилининг ЎзССРдаги агентлари: Г. Гуляев (Душанбе), М. Юхневич (Хива), Д. Ступников (Олмаота), И. Ахмеров (Термиз), С. Вейзагер (Помирда – Хорог) фаолият кўрсатганлар.<sup>1</sup>

Бу даврда Тошкентда фаолият кўрсатган Ўрта Осиё ташкилотлари ва муассасаларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Марказий маъмурий ташкилотлар:

а) СССР Мехнат ва Мудофаа Кенгашининг Ўрта Осиёдаги вакиллик бошқармаси (Упол СТО). СТО вакили Экономбюро раиси И.С. Шелехев ҳисобланган. Вакиллик бошқармаси таркибига ўз навбатида қуйидаги ташкилотлар кирган: РВТ палатасининг Ўрта Осиё бўлими; Средазхлеб; Средазводхоз; Средазкомстарис; Ўрта Осиё Метеорология институти; Ўрта Осиё ўсимликларни химоя қилиш тажриба станцияси; Ветеринария-бактериология институти; Цуардел; Семашко номидаги Жисмоний усуллар билан даволаш институти;

<sup>1</sup> Вся Средняя Азия. Справочная книга на 1926 год... – С. 396.

ташкilotлар, турли вакилликлар, сиёсий, ҳарбий ва жамоат ташкilotларидан ташқари иқтисодий характерга эга хўжалик ташкilotлари Ўрта Осиё республикалари халқ хўжалигини ўргимчак тўридек ўраб олган эди. Марказнинг ваколатли органлари ихтиёрисиз Ўзбекистондаги хўжалик ташкilotлари иш юрита олмас, хўжалик бошқарувининг барча соҳалари Марказ халқ хўжалиги тармоқлари манфаатларига бўйсундирилган эди.

Ўзбекистон иқтисодий бошқарувини Марказ манфаатларига бўйсундиришда бюджет сиёсати таъсирчан восита бўлди. Иттифоқ раҳбарияти молиявий маблағларнинг якка тасарруфчиси бўлиб, фақат Марказ эҳтиёжларига хизмат қиладиган тармоқларга маблағ ажратилган. Масалан, XX аср 30-йилларида Марказ томонидан асосан пахтачилик, нефть, кимё, қазилма саноатига, рангли металлургияга сармоя ажратилди. Айни вақтда маҳаллий аҳолининг эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ саноат ишлаб чиқариши бюджетдан арзимас маблағ ажратиладиган соҳага айланиб қолди. Масалан, ўша давр ҳужжатларида таъкидланишича, кўпдан-кўп ваъдаларга қарамасдан, «енгил саноат етарли даражада ривожлантирилмади»<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, давлат монополияси ва марказлаштириш таъсирида миллий анъанавий тармоқларга маблағ сарфлашни тўхтатиб қўйишдан иборат жадал жараён кўзга ташланди. Булар орасида хунармандчилик турлари бўлган косибчилик, чармгарлик, металл ва ёғоч ўймакорлиги, тикувчилик ҳамда трикотаж, тўқимачилик саноати корхоналари бор бўлиб, улар маҳаллий бозорни энг зарур моллар билан таъминлар эди. Шунини айтиш керакки, ўлкадаги хунармандчилик (косибчилик) корхоналари 1928 йилда саноат маҳсулотининг 45,7 фоизини берган эди.<sup>2</sup> Бу корхоналарнинг асоссиз равишда тугатилиши миллий иқтисодиётнинг анъанавий негизларига путур етказиш билан бир қаторда иқтисодий жиҳатдан, яъни саноат товарларини ташиб келтириш жиҳатдан Марказга боғлиқликни ҳам кучайтирди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 337-фонд, 32-руйхат, 448-иш, 37–38-варақлар.

<sup>2</sup> Социально-экономическое развитие Узбекистана за годы советской власти. – Т., 1984. – С. 45.

СССР Давлат режа қўмитасининг 1926–1927 хўжалик йили учун харажат бюджети ҳақидаги хулосасида шундай дейилади: «Хукумат бюджетни шундай тузишни уқтирдик, биринчи навбатда халқ хўжалигини молиялаштириш ва мамлакатни индустлаштиришга кўпроқ эътибор ва маблағ ажратишга қаратиш, иккинчи навбатда социал ва маданий харажатларга эътибор қаратиш лозим. Мана шу асосий мақсадга эришиш учун хукумат икки воситани кўрсатди: солиқ ва тўловларнинг оширилиши ҳамда барча бюджет хўжалиги бўйича, хусусан, истеъмол моллари харажатлари йўналишида тежамкорликка ўтиш. Солиқ ва тўловларни ошириш бюджетга 300 млн рубль қўшимча даромад (кирим) олиб келиши айтилган. Шунингдек, давлат хизматчиларининг сонини камайтириш ҳисобига ҳам бюджет ва иш ҳақини кўпайтириш назарда тутилган»<sup>1</sup>.

«СССР ва иттифоқдош республикалар бюджет ҳуқуқлари тўғрисида»ги Низомда иттифоқ ва республикалар ўртасидаги бюджет масалалари тартиби ишлаб чиқилди. Ушбу Низомга кўра, СССР МИК бюджет ишлаб чиқилгандан сўнг асосий тасдиқловчи орган бўлиб, бюджет режаларини ишлаб чиқишда у СССРнинг унитар, марказлашган давлат сифатидаги мавқеига хизмат қилиши керак.<sup>2</sup>

Хуллас, СССР бюджетини ишлаб чиқишда иттифоқдош республикаларнинг бюджетлари ҳам эътиборга олинган бўлсада, бироқ бу ҳолат Марказ манфаатларига бўйсундирилган. Ҳар бир иттифоқдош ёки автоном республика, жумладан, Ўзбекистон ССР бюджети фақат Иттифоқ раҳбарияти белгилаб берган қатъий режа асосида тузилган. Иттифоқдош республикаларнинг бюджетида фойда ва харажат ўртасида тафовут бўлиб, у бюджет дефицитини ташкил этган.

Масалан, 1928–1929 хўжалик йили режаси учун ишлаб чиқилган Ўзбекистон ССР бюджетида даромад 77.009.023 рублни ва харажат 83.573.337 рублни ташкил этиши мўлжалланган. Натижада бюджетда 6.564.314 рубллик дефицит (зарар) вужудга келган.<sup>3</sup> СССР ХКСнинг 1928 йил 24–27 январда бўлган маж-

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-руйхат, 3702-иш, 46-варақ.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-руйхат, 3702-иш, 105–116-варақлар.

<sup>3</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-руйхат, 4630-иш, 24–25-варақлар.

2. Ўрта Осиёдаги вакилликлар:

- а) Ўзбекистон ССРнинг Ўрта Осиёдаги мухтор вакиллиги (мухтор вакил: С. Турсунхўжаев: масъул котиб – Шерахмедов);
- б) Туркменистон ССРнинг Ўрта Осиёдаги мухтор вакиллиги (мухтор вакил: Г. Солнцев);
- в) Қирғиз автоном областининг Ўрта Осиёдаги мухтор вакиллиги (мухтор вакил: Рафиқов);
- г) Тожикистон АССРнинг Ўрта Осиёдаги мухтор вакиллиги (мухтор вакил: Мухамедиев);
- д) Қозоғистон ССРнинг Ўрта Осиёдаги мухтор вакиллиги (мухтор вакил: Темирбек Жургенев);
- е) Бош божхона бошқармасининг Ўрта Осиё бўлими (бўлим бошлиғи: А. Рассадин);
- ж) СССР Алоқа йўллари халқ комиссарлигининг Ўрта Осиёдаги вакиллик бошқармаси (вакил: С.А. Шимановский);
- з) Ўрта Осиё округи алоқаси;
- и) Ўрта Осиё маҳаллий транспорт бошқармаси (округ бошлиғи: Свириденко);
- к) Ўрта Осиё сув хўжалиги бошқармаси (Средазводхоз; бошлик: М.В. Рикунув);
- л) Ўрта Осиёдаги Марказий архив ишлари бошқармаси (Средазцентрархив; бош бошқарувчи: В.И. Иванов)
- м) Туркистон fronti штаби (фронт қўмондони: М.К. Левандовский);
- н) ҳарбий трибунал (ҳарбий трибунал раиси: Беркутов) ва бошқалар;<sup>1</sup>

3. Партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари:

- а) РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси (бюро раиси: И.А. Зеленский);
- б) РЛКСМ МК Ўрта Осиё бюроси (бюро масъул котиби: П.Н. Павлов);
- в) Бутунроссия касаба уюшмалари Марказий Советининг Ўрта Осиё бюроси (Средазбюро ВСЦПС; бюро раиси: Ударов) ва бошқалар;

4. Биржа, савдо палатаси, кредит ва суғурта муассасалари:

- а) Ўрта Осиё товар биржаси;

---

<sup>1</sup> Вся Средняя Азия... – С. 330–337.

б) Россия Шарқ Савдо палатасининг Ўрта Осиё бўлими (Средазвостпалата; комитет раиси: И.П. Кампенус [Ўрта Осиё банки бошқаруви раиси]);

в) Давлат банкининг Ўрта Осиё кентораси (кентора бошқарувчиси: В.И. Краснов);

г) Ўрта Осиё Коммерция банки (Азиабанк; банк бошқаруви раиси: И.П. Кампенус);

д) СССР Савдо-саноат банкининг Ўрта Осиё кентораси (Промбанк; кентора бошқарувчиси: И.А. Фатъянов);

е) Бутунроссия Кооператив банкининг Ўрта Осиё кентораси (Всекобанк; кентора бошқарувчиси: М.Г. Бризгайлов);

ж) Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалик банки (Сельхозбанк; бошқарув раиси: М.П. Серафимов);

з) СССР Давлат суғуртасининг Ўрта Осиёдаги мухтор бошқармаси (Госстрах; мухтор вакил: В.П. Кипарисов) ва бошқалар;

5. Маданий-оқартув муассасалари; илмий, спорт ва бошқа жамоат ташкилотлари; клублар, театрлар ва бошқалар:

а) Ўрта Осиё Давлат Университети (САГУ; университет ректори: А.Л. Бродский);

б) Ленин номидаги Ўрта Осиё коммунистик университети (САКУ; университет ректори: Г.К. Мерезон);

в) Ўрта Осиё ўсимликларни химоя қилиш тажриба станцияси (ОЗРА; станция директори: В.И. Плотников);

г) Ўрта Осиё Метеорология институти (Средазмет; институт директори: И.И. Кармалей);

д) Ўрта Осиё музейлар ҳамда эски ёдгорликлар, санъат ва табиатни химоя қилиш комитети (Средазкомстарис; комитет раиси ва РСФСР Фан бошқармасининг вакили: Нечкин);

е) Ўрта Осиё Бактериология институти;

ж) Ўрта Осиё Бош табиатшунослик, этнография ва археология ўлкашунослик музейи ва бошқалар.<sup>1</sup>

Тошкентда жойлашган ушбу ташкилотлар Ўрта Осиё республикалари, хусусан, Ўзбекистондаги тегишли соҳаларни назорат қилган ва уларни бошқарган. Марказий маъмурий

<sup>1</sup> Вся Средняя Азия... – С. 338–372.

лисларида республикалар бюджети кўриб чиқилган ҳамда Иттифоқнинг ягона бюджети 5.915.520.115 рубль миқдорига белгилангани ҳолда Ўзбекистон ССР бюджети 63.592.570 рубль қилиб тасдиқланган.<sup>1</sup>

Бюджет маблағларининг катта қисми маъмурий бошқарув аппаратини таъминлашга сарфланган. Бу ҳолат Ўзбекистонга ҳам хос хусусият бўлган. Масалан, Ойим волостида маъмурий бошқарув харажати бюджетнинг 18,3 фоизини ташкил этган.<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР Молия халқ комиссари Дмитровский бир неча туманларни бирлаштириш эвазига маъмурий бошқарув аппарати учун сарфланадиган маблағни тежаш таклифи билан чиққан.<sup>3</sup> Бюджет дефицитини қисқартириш ёки йўқотиш учун мўлжалланган бундай таклифлар ҳамма пайт ҳам ўзини оқлайвермаган. Вилоят, округ ва туманларни тугатиш ҳамда қайта ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган кўпгина ҳолатларда маҳаллий шарт-шароит, ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятлари ва анъаналари, турмуш тарзи эътиборга олинмаган. Бюджетни қайта ташкил қилишлар кўпинча аҳолининг жиддий норозилигига сабаб бўлган.

Умуман олганда, Ўзбекистон ССР бюджетини Марказда қабул қилишнинг муқим тизими ишлаб чиқилган. Унга кўра, ЎзССР Молия халқ комиссарлиги келгуси йиллар учун бюджет крим-чиқимларини ишлаб чиқаётган пайтда Москвадан махсус комиссия юборилган. Бу комиссия аъзолари бюджет режаси моддаларини Марказ манфаатларига мослаштирганлар.<sup>4</sup> Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, иттифоқдош республикаларнинг барчаси ўз бюджетини Москва тасдиғидан ўтказиши мажбурий бўлган.<sup>5</sup>

Большевиклар томонидан юритилган маъмурий-буйруқбозлик сиёсати Ўзбекистонда саноатнинг тўлақонли ривожланиши имкониятларини жиддий равишда чеклаб қўйди. Саноатлаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ҳаддан таш-

<sup>1</sup> Қаранг: Фарғона вилоят давлат архиви, 324-фонд, 1-рўйхат, 323-иш, 3-варақ.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 6881-иш, 33-варақ.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 6881-иш, 74-77-варақлар.

<sup>4</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 349-иш, 47-48-варақлар.

<sup>5</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 362-иш, 33-варақ.



қари аянчли бўлди. Бироқ муаммога фақат бу жиҳатдан ёндашув ҳам унчалик тўғри бўлмайди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки ўн йилликларида Ўзбекистоннинг бутунлай аграр ўлкадан аграр-саноатлашган ўлкага айланиши борасида муҳим қадам қўйилганлигини таъкидламаслик мумкин эмас. Масалан, 1927 йилда Ўзбекистон ҳудудида 191 та йирик саноат корхоналари мавжуд бўлган бўлса, Иккинчи жаҳон уруши бошланиши вақтига келиб уларнинг сони 1445 тага кўпайди. Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажмида саноатнинг салмоғи 1940 йилга келиб қарийб 50 фоизни ташкил этди.<sup>1</sup> Ана шу даврда Тошкент кишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи, Тошкент тўқимачилик комбинати, Фарғонадаги йигирув-тўкув фабрикаси, Чирчик электр-техника комбинати, Қўқон суперфосфат заводи ва бошқа корхоналар қурилди. Жанубий Ўзбекистон (Хаурдоғ ва Учқизил) янги конларидан нефть, Ангрендаги кўмир конларидан тошкўмир қазиб чиқарила бошланди. Олтингургут ва тоғ мумига бой конлар очилди, мис, вольфрам, молибден, аралаш маъданларнинг 38 та истикболли қатламлари топилди.<sup>2</sup>

Бу пайтда Ўзбекистонда оммавий қатагонлар ва террор даври бошланган эди. Миллий раҳбар ходимларнинг ҳар бир ҳаракати ОГПУ вакиллари назорати остида бўлган. ВКП(б) МК номига ОГПУ томонидан 1928 йил 31 майда юборилган Ўзбекистондаги сиёсий кайфият тўғрисидаги махсус маърузада 20 га яқин ана шундай миллий раҳбар ходимларнинг фаолиятига тўхталиб ўтилган. Маърузада Мунавварқори Абдурашидхонов, Санжар Сиддиқ ва Элбек, Абдулқодир Мухитдинов ҳақида куйидаги маълумотлар мавжуд:

«...2) таникли ўзбек зиёлилари Санжар (бир вақтлар «Муштум» журнаlining муҳаррири бўлган) ва Элбек (Янги алифбо комитети котиби) гапиришмоқда: «Руслар Туркистонни доимий равишда тўлдиришмоқда, улар фоиз ҳисобига ўзбеклардан ўтиб кетди. Бизни бу кулфатдан ким қутқаради?»;

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА. 837-фонд, 32-руйхат, 448-иш, 44–45-варақлар.

<sup>2</sup> Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари (1865–1990 йиллар) Масъул муҳаррир: Д.А. Алимова. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 187.

3) Ўзбекистондаги пантуркистларнинг йўлбошчиси ва Туркистондаги аксилинқилобий миллий ташкилотларнинг тузувчиси Мунавварқори Абдурашидхонов айтмоқда: «Инқилоб бизга ҳеч нарса бермади: ҳамма нарса эскича – чоризм давридагидек, фақат байроқ ўзгарди. Байроқ остида ишсизлар ўлкани ўзлаштириш учун келишмоқда»;

...9) Тожикистон ХКС раиси А. Муҳитдиновнинг Мунавварқорига айтишича: «Душанбеда руслар тожикларга нисбатан кўпроқ. Руслар кўчиб келишмоқда. Большевиклар миллатчиларни тарбиялашмоқда. Ходимлар руслардан шикоят қилишмоқда: Москва баҳоларни белгилайди, бу ерда фабрикалар очишга Москва рухсат бермаяпти»<sup>1</sup>.

Юқорида номлари келтириб ўтилган барча миллий раҳбар ходимлар кейинчалик совет ҳокимияти томонидан қатағон қилинди. Совет даврида ҳатто уларнинг номини тилга олиш тақиқланди.

Ўзбекистон Компартияси МК биринчи котиби Акмал Икромовнинг ВКП(б) МК Бош котиби И.В. Сталин номига 1935 йил 12 июнда юборган хатида Марказдаги турли масъул кишилар, хусусан, СССР ВСНХ раиси ва СССР Оғир саноат халқ комиссари Г.К. Оржоникидзе томонидан Ўзбекистондаги саноат соҳасига оид масалалар ҳал қилинмаётганлиги куйидагича кўрсатиб берилган:

«Кеча Ўзбекистондаги саноат масалалари бўйича ўрт. Оржоникидзе қабулида бўлдим. Ҳеч қандай масалани ҳал қила олмадим, чунки масалаларни ҳал этиш ўрнига ўрт. Оржоникидзе мени барча гуноҳлар учун айбдор деб ҳисоблади, ҳатто мени ғийбатчи ва тухматчига чиқарди. Бир қатор масалаларни ҳатто кўйишга ҳам улгурмадим.

Бундай муносабатни нормал ҳол деб ҳисобламайман. Шу масалалар бўйича мени қабул қилишингизни сўрайман».<sup>2</sup>

<sup>1</sup> ЦК РКП(б) – ВКП(б) и национальный вопрос. Кн. 1. 1918–1933 г. Сборник документов. Составители: Л. Гатагова, Л. Кошелева, Л. Логовая. – М.: РОССПЭН, 2005. – С. 574–575.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи Марказининг архивидан (РГАСПИ, 558-фонд, 11-руйхат, 737-иш, 65–66-варақлар).

Архивларда А. Икромов ва И.В. Сталин ўртасида мазкур учрашув бўлганлиги тўғрисида маълумотлар сақланиб қолмаган. Бироқ кейинчалик айнан Сталиннинг буйруғи билан Ўзбекистон ССР раҳбарлари каторида Коммунистик партия ва Совет давлатига сидқидилдан хизмат қилган А. Икромов ҳам қатағон қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, Совет ҳокимияти ва большевиклар томонидан қисқа муддат ичида Ўзбекистондаги иқтисодий бошқарув Марказ халқ хўжалиги тармоқлари манфаатларига бўйсундирилди. Ўзбекистон раҳбарлари, миллий раҳбар ходимларнинг республикага Иттифок доирасида озроқ бўлса ҳам эркинлик бериш тўғрисидаги фикрлари эътиборга олинмади. Марказ турли йўллар билан Ўзбекистон раҳбарияти туган позицияга қарши чиқди ва қисқа муддат ичида ўз мақсадига эришди. Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча соҳалари (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва б.) фақат Марказ манфаатларига хизмат қилди ва уларнинг кўрсатмаларини бажаришга мажбур бўлди. Бу ҳолат фақат Иккинчи жаҳон уруши бошлангунча эмас, балки бутун совет ҳокимияти йилларида давом этди.

#### **4.3. Ўзбекистон иқтисодиётининг марказлаштирилиши ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалигининг зиддиятли ривожланиши**

Ўзбекистон ССР ташкил топганидан кейин ўтган қисқа муддат давомида Марказ томонидан республика иқтисодиётини марказлаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Бироқ марказлаштириш сиёсати Ўзбекистон ССР иқтисодиётининг тўлақонли ривожланишига халақит берган. Бу ҳолат фақат Ўзбекистон мисолида эмас, балки бошқа Ўрта Осиё республикалари мисолида ҳам яққол кўринди.

Ўрта Осиё минтақаси иқтисодиётини яхлит ва бир бутун ривожлантиришга томон йўналтирилган қатъий марказлашган ёндашувда маъмурий-буйруқбозлик усули ҳукмрон бўлиб қолди. Бу ҳолнинг сабабларини куйидагича изоҳлаш мумкин: совет бюрократик давлат аппаратининг авторитар хусусиятлари ва совет режимининг тоталитар хусусиятлари тобора кўпроқ намоён бўла бошлаши натижасида иқтисодий муаммолар фақат сиё-

Осиё Иқтисодий Кенгаши (Средаз ЭКОСО)ни ташкил қилишни лозим топди.<sup>1</sup>

1926 йил 30 июлда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (Средаз ЭКОСО)нинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши раиси Тер Егиазарьян, ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросидан Кузьмин, Туркменистон ССРдан вакил Н.А. Паскуцкий, Ўзбекистон ССРдан вакил Носирбоев, Тожикистон АССРдан вакил Дадабоев, Қозоғистон АССРдан вакил Давидов, ВСЦПС Ўрта Осиё бюроси раҳбари Бритковский каби масъул ходимлар Ўрта Осиёни иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш тўғрисидаги асосий маърузаларни қилишди.<sup>2</sup>

Тер Егиазарьян ўз маърузасида Ўрта Осиёни иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш зарурияти тўғрисида қуйидаги фикрларни баён қилган: « Ўрта Осиёда барпо этилган миллий республикалар Ўрта Осиё худудларининг ўзига хос хусусиятларини яхшилаб ҳисобга олиш имкониятига эгадирлар. Бунда бутун халқ хўжалигининг барча тармоқлари бир-бирига узвий боғлиқ республикалар учун умумий халқ хўжалиги алоқаларига жалб этувчи воситалар: ирригация, транспорт, йўл қурилиши масалаларини олдинга суришга тўхталишимиз керак. Булар республикаларда пахтачиликни ривожлантириш ҳамда ғалла ва саноат молларини келтириш, шунингдек, электрлаштириш ва саноат қурилиши масалаларидир. Бу масалаларни миллий республикалар билан бирга Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши муҳокама қилади. Шу билан бирга, шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, Ўрта Осиё республикалари Совет Иттифоқининг зарурий хом ашё базаси сифатида тузилган, бошқа томондан эса, СССР Ўрта Осиёга ғалла ва саноат молларини жўнатиши керак. Шунинг учун ҳам иқтисодий жиҳатдан бирлашиш Ўрта Осиёга қишлоқ хўжалиги ва саноатни ривожлантириш учун керак»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ибодов Н. Ўзбекистон халқ хўжалигини бошқариш органлари. — Т., 1969. — Б. 25.

<sup>2</sup> Речи, произнесенные на первом заседании Среднеазиатского Экономического Совета 30 июля 1926 г. — Т., 1926. — С. 12—27.

<sup>3</sup> Речи, произнесенные на первом заседании Среднеазиатского Экономического Совета 30 июля 1926 г. — Т., 1926. — С. 9—10.

1926 йил 1 октябрда СССР МИК ва СССР ХКС «Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши тўғрисида»ги Низомни тасдиқлади. Низомга биноан Средаз ЭКОСОНинг ташкилий тузилмаси қуйидагича бўлган: Иқтисодий Кенгаш раиси (СССР ХКС томонидан тайинланган) ва раиснинг 3 та ўринбосари (Иқтисодий Кенгаш тақдими билан СССР ХКС томонидан тасдиқланган), кенгаш аъзолари қилиб Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР, Тожикистон АССР Халқ Комиссарлари Советининг раислари ҳамда Қирғизистон автоном области Марказий Ижроия қўмитасининг раиси, яна ушбу республикаларнинг ҳар биридан 6 тадан вакил ҳамда СССРдаги турли комиссарликларнинг Ўрта Осиёдаги вакиллари, чунончи, ишчи-деҳқон инспекцияси, меҳнат, ички ва ташқи савдо, йўл ишлари, почта ва телеграф комиссарликлари ва Пахтачилик қўмитаси вакили, шунингдек, Ўрта Осиё ҳарбий округининг бош қўмондони, Ўрта Осиё план комиссиясининг раиси, Ўрта Осиё сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи, Ўрта Осиё давлат банкининг бошқарувчиси ҳамда ВСЦПСнинг Ўрта Осиё бюросидан икки вакил аъзо қилиб киритилган эди.<sup>1</sup> Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (Средаз ЭКОСО) раислигига Тер Егиазарьян тайинланди.<sup>2</sup> Совет давлати мамлакат халқ хўжалигини бошқаришда дастлаб бир йиллик режалар, сўнгра мунтазам равишда беш йиллик режалар асосида иш юритган. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик режаларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга оширишга большевиклар томонидан катта эътибор қаратилган ва у давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

1928 йил кузигача халқ хўжалиги бир йиллик хўжалик режаси асосида бошқариб келинди. Хўжалик йили дастлаб 1 октябрдан 30 сентябргача бўлган муддатни қамраб олган. 1928 йил кузидан бошлаб хўжаликни бошқаришнинг беш йиллик режалари жорий этилди.

Биринчи беш йиллик даврида (1928 йил октябрь – 1932 йил декабрь) Ўзбекистон ССРда 289 та саноат корхонаси қурил-

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 9-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 34-варақ.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, 9-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 35-варақ.

сий йўл билан ҳал қилина бошлади. Коммунистик мафкура ва сиёсий мақсадлар иқтисодий мақсадлар ва манфаатлардан устун қўйилди. Совет давлатида сиёсий марказлашган тизим яратишга устунлик берилдики, бу тизимда мамлакатни бошқаришнинг барча воситалари Кремлдаги И.В. Сталин бошчилигида Политбюро – ВКП(б) МК Сиёсий бюроси раҳбарияти қўлига ўтди. СССР халқ комиссарликлари, турли марказий ташкилотлар, Марказнинг Ўрта Осиёдаги ваколатли сиёсий ва иқтисодий ташкилотлари: ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши республикалардаги катта ҳокимиятдан қисман айрилишди. Бу ҳолат Ўрта Осиё минтақаси ичидаги иқтисодий бирлашув ва марказлаштириш сиёсатига ўз таъсири-ни ўтказмасдан қолмади.

Марказлаштирилган бошқарув айрим республикалар иқтисодий шароити ранг-баранглигини ҳисобга олишга ҳалал бергани ҳолда кўрсатма шаклида бирёқлама иқтисодий мажмуаларни вужудга келтириш учун имкон яратиб берарди. Ўша вақтда иқтисодий масалалар бўйича мутахассислардан бири И.И. Крильцов тан олганидек, «Масала тўғридан-тўғри миллий чегараланиш қондасига кўра янгидан барпо этилаётган алоҳида давлатларнинг иқтисодий характерига чамбарчас боғлиқ тарзда ҳал этилган эди».<sup>1</sup> Большевиклар партиясининг юқори доиралари маслаҳатлашиб, «Ўзбекистон фақат деҳқончилик республикаси, Қорақирғизистон (Қирғизистон) – деҳқончилик-чорвачилик республикаси, Туркманистон – виночилик-чорвачилик республикаси ва Қирғизистон (Қозоғистон) – чорвачилик республикаси бўлади», – деб қарор қабул қилишган эди».<sup>2</sup> Хуллас, Ўрта Осиё республикаларининг СССР ягона халқ ҳўжалиги мажмуасидаги ўрни олдиндан белгилаб берилган эди.

Шу билан бирга, Ўрта Осиё республикалари асосан аграр республика бўлиб қолиши ҳамда уларнинг асосий вазифаси СССРнинг тўқимачилик фабрикаларини пахта хом ашёси билан узлуксиз равишда таъминлаб туриши лозим эди. Ўрта Осиёда

---

<sup>1</sup> Крильцов И.И. Правовое оформление новых республик Средней Азии. – Т., 1926. – С. 12.

<sup>2</sup> Национально-государственное размежевание Средней Азии // «Туркестанская правда», 17 сентября 1924 г.

саноатнинг ривожланиши асосан хом ашёни бирламчи қайта ишлашга йўналтирилди. Бу ҳолат СССР Давлат режа қўмитаси томонидан тайёрланган беш йиллик халқ хўжалик режаларини тузиш учун асосий кўрсатмаларнинг «Районлар характери-каси» бўлимида қуйидагича акс эттирилган эди:

«Ўрта Осиё республикалари ўзининг пахта ишлаб чиқаришдаги олдинги ўрнини сақлаб қолган ҳолда уни дастлабки қайта ишлайдиган саноатни ҳам кенг ривожлантириши лозим. Шунингдек, у ўзининг қудратли пахта-қоғоз ишлаб чиқариш саноатини яратиши лозим»<sup>1</sup>.

Бироқ Марказ томонидан қилинган «ихтисослаштириш» республикалар иқтисодиётини ўта жўн тақсимлаш бўлиб, бундай бачкана қарор кейинчалик бутун совет ҳокимияти йилларида янги ташкил топган иттифоқдош ва автоном республикаларнинг кўп тармоқли иқтисодиёти ривожланишига тўсик бўлди. Чунончи, Фарғона вилоятида 1925 йил бошидаёқ чорва фонди 58 фоизга қадар қисқартирилди<sup>2</sup>. Даврий матбуот материалларида бу ҳолат «Қирғизистонга ўзбек Фарғонасидан бутун экин майдонининг 1/5 қисми ўтиб кетиши»<sup>3</sup> билан изоҳланди. Бироқ масаланинг туб илдизига чуқур назар ташланадиган бўлса, бу ҳолат Ўзбекистон ССР халқ хўжалигининг энг аввало пахтачиликка йўналтирилганлиги, гўшт, ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж Марказга тобе қилиб кўйилганлиги билан боғлиқдир.

Ана шундай шароитда Марказ учун Ўрта Осиё республикаларининг мураккаб иқтисодиётини Иттифоқ халқ хўжалиги мажмуасига қаттиққўллик билан бирлаштира оладиган кучли иқтисодий орган керак эди. Шу мақсадни кўзлаб, СССР ХКС 1926 йил 30 июлда СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг Ўрта Осиё вакиллиги бошқармаси ҳамда иқтисодий бюросини тугатиб, унинг ўрнига СССР ХКС қошида қайтадан яна Ўрта

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 9-рўйхат, 682-иш, 2-варак.

<sup>2</sup> *Ғойибназаров Ш. Ижтимоий ривожланиш сабоқлари. 20-йиллар таҳлили.* – Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б. 167.

<sup>3</sup> «Правда Востока», 26 января 1925 г.

ди ва ишга туширилди, саноатнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари 3 баравар, нефть казиб чиқариш 2,5 баравар, металл ишлаш саноати маҳсулотлари 6 баравар, цемент ишлаб чиқариш 3,5 баравар ортди. Енгил саноатнинг кўнчилик, пойафзал ишлаб чиқариш, тикувчилик соҳалари ва ип-газлама ишлаб чиқариш сурьатлари ошиб борди. Индустрлаштириш Ўзбекистонда дастлаб секинлик билан амалга оширилди. Ана шу даврда Ўрта Осиёда пахтачилик, машинасозлик саноатининг тўнғичи бўлган «Ташсельмаш» заводи барпо этилди. «Чирчиққурилиш», Тошкент тўқимачилик комбинати қурилиши тез сурьатлар билан олиб борилди. Қувасой цемент заводи, Фаргона тўқимачилик фабрикаси ва ёғ заводи, Бухоро, Тошкент ва бошқа шаҳарларда тикувчилик фабрикалари ишга туширилди. Ишчилар сони ҳам кўпайди. Саноатни индустрлаштириш режасига мувофиқ малакали ишчилар ва техник ходимлар тайёрлайдиган хунар-техника таълими, фабрика ва завод мактаблари ташкил қилинди. Бироқ саноат корхоналарига малакали ходимлар ва тажрибали ишчилар РСФСРнинг марказий шаҳарларидан олиб келинадиган бўлди. Марказнинг бу усули Ўзбекистоннинг бутун совет даври тарихида муттасил равишда давом эттирилди.<sup>1</sup>

Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги – СССР ҳукумати қошидаги доимий мухтор ваколатхонаси<sup>2</sup> (мухтор вакиллар: Ҳамид Агламов, Ислом Акбаров ва б.) ўз бюллетенларида Иттифоқ ташкилотлари ва республика ўртасидаги муносабатларни ёритиб борган. Доимий ваколатхонанинг 18-сонли информация бюллетенида 1928–1932 йилларга мўлжалланган биринчи беш йиллик режасини белгилаш тартиби кўрсатиб ўтилган. Мазкур тартиб умумий ҳолатда қуйидагича кўриниш касб этган:

1) Иттифоқ Давлат режа кўмитаси бир ойлик муддат ичида таклиф этилган лойиҳаларни таҳлил қилади, уларга

---

<sup>1</sup> Алимов И., Ражабов Қ. Ўзбекистон мустабид совет давлати таркибида (1925–1991 й.) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 12. Ўзбекистон Республикаси. – Т.: ЎзМЭ нашриёти, 2006. – Б. 171.

<sup>2</sup> Мухтор ваколатхона Ўзбекистон ССР Ревкомининг қарори билан 1924 йил 30 ноябрда ташкил топган ва унинг қароргоҳи Москвада жойлашган эди, У 1924–1991 йилларда фаолият курсатди. Ваколатхона ҳужжатлари Ўзбекистон МДАнинг 1807-фондида сақланади.



умумий баҳо беради; тузатиш ва қўшимчалар киритилган раҳбарлик характеридаги кўрсатмаларни тайёрлайди;

2) турли бошқармалар ва республикалар кенгаш директиваси асосида охириги тайёргарликдан ўтган беш йиллик режа лойиҳаларини ҳар йили 1 ноябрдан кеч қолмасдан Иттифок Давлат режа қўмитасига топшириши лозим.<sup>1</sup>

Ўзбекистонда биринчи беш йиллик режаларининг дастлабки натижалари Бутун Ўзбек Советларининг 3-қурултойи (1929 йил)да кўриб чиқилди. Унда кўрсатилишича, бу даврда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига 436 млн рубль, пахтани қайта ишловчи саноатга 300 млн рубль, транспортга 92 млн рубль, электрлаштиришга 36 млн рубль, савдо қурилишига 40 млн рубль миқдоридagi капитал маблағ ажратилган. Шу нарса характерлики, бу давр ичида Ўзбекистондаги пахтазорлар миқдори 524000 гектардан 991000 гектарга етиши, пахта толаси эса 9 млн пуддан 24 млн пудга қадар кўпайиши кўзда тутилган эди.<sup>2</sup>

Ўша давр архив ҳужжатларида иқтисодиётни марказлаштириш ва давлат аппаратини яхшилашга доир таклифлар билдирилган маълумотлар сақланиб қолган. Ана шундай маълумотларнинг бирида куйидагича фикр мавжуд: «Беш йиллик режаларини амалда тўлиқ адо этиш давлат аппаратини яхшилашни четлаб ўта олмайди. Давлат аппаратини соддалаштириш, харажатларни камайтириш, уни оммага яқинлаштириш лозим, аппаратдаги сансалорлик, бюрократик иллатлар ва тазйиқларни бартараф этмасдан ҳамда ундаги мафкуравий бегона кучларни ҳайдамасдан бу вазифани бажариб бўлмайди. Бизнинг аппарат кўпчилик ҳолларда юқорида келтирилган элементлар мавжудлиги боис энг радикал тозаловга муҳтож. Ишчилар қатламининг сустиги ва марказий аппаратнинг етарлича маҳаллийлаштирилмаганлиги ҳамда ишчиларни ишлаб чиқаришда тезроқ ҳаракатлантиришнинг иложи йўқлиги баъзи ташкилотлар ва совет органларининг халқдан узилиб қолишига олиб келмоқда ҳамда уларнинг фаолиятида чалкашликлар ва хатолар юз беришига сабаб бўлмоқда»<sup>3</sup>. Бу даврда марказий ҳокимият ва, табиийки,

<sup>1</sup> Фарғона вилояти давлат архиви, 324-фонд, 1-руйхат, 312-иш, 17-варақ.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-руйхат, 5736-иш, 121-122-варақлар.

<sup>3</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-руйхат, 5504-иш, 31-34-варақлар.

унинг ижроия қудрати беҳад ошиб кетди. Бундан ташқари, ўз даврининг тили билан айтганда, «главкизм» ҳам урчиб кетди.

Беш йиллик режаларини ўша давр шароитида журъат билан кескин танқид қилган мансабдор шахслар ҳам бор эди. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси Файзулла Хўжаев 1927 йил апрель ойида ВКП(б) МК котиби ва ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси биринчи котиби И.А. Зеленский номига юборган хатида шундай деб ёзган: «Беш йиллик хўжалик режаси ҳаёлпарастлик билан тузилган. Бу режа на имкониятларимиз даражасига, на бизнинг ихтиёримиздаги воситаларимиз талаби ва кўламига мос эмас. Шунингдек, бу хўжалик режаси бизнинг ҳақиқий имкониятларимиз, тажрибамиз, халқ хўжалигимиз тараққиётига мос бўлмаган ҳолда тузилган. Шунинг учун мен Бурнашев позициясини (бизнинг бюджетимиз ҳаддан ташқари тез ўсиши ҳақидаги фикрларини) нотўғри ва ёлғон деб ҳисоблайман. Бу нуқтаи назар хўжалик аҳволимизнинг асосий масалаларини тушунмаслик ва калондимоғликдан келиб чиқади»<sup>1</sup>.

Албатта, Ўзбекистон ҳукуматининг бошлиғи томонидан билдирилган бундай кескин мулоҳазалар большевиклар ва Марказ манфаатларига хизмат қилмаган. Шунинг учун ҳам большевиклар партиясининг раҳбарлари ва уларнинг Ўрта Осиёдаги гумашталари томонидан Файзулла Хўжаевга нисбатан кучли тазйиқ ўтказилган, унинг фикрлари қаттиқ танқид қилинган.

Ўзбекистон Компартиясининг III съезди (1927 йил 16–24 ноябрь)да Ўзбекистонда саноатнинг ривожланиши масалаларига тўхталиб ўтган миллий раҳбар ходимлардан бири Абдурахим Ҳожибоев шундай деган эди: «Бизнинг Ўрта Осиё республикаларимиз Иттифок учун хом ашё базаси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Агар биз саноатнинг индустриал ривожланиш масаласини қўйсақ, биринчи галда хом ашёни қайта ишлайдиган ва бизнинг ички имкониятларимиздан фойдаланадиган йўналишга асосий эътибор берилади. Аммо бу Ўзбекистонда

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 3-руйхат, 164-иш, 9-варак.

енгил саноатни ташкил этиш, тўқимачилик фабрикалари қурилишини кенгайтириш масаласини қўймаслик дегани эмас»<sup>1</sup>.

Бу съездеда Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш кўлами борасида ҳам кўплаб фикрлар билдирилди. Бу масалада Ўзбекистон Компартияси МК масъул котиби Акмал Икромов шундай деган эди: «Бу масала юзасидан Ўзбекистонда ўзбек миллий буржуазияси ва партия алоҳида аъзоларининг катта курашлари кетмоқда. Миллатчилик билан зарарланган бу гуруҳ фикрича: Ўзбекистон – қизил колония, Ўзбекистон индустриалашмапти, аксинча Иттифоқнинг хом ашё базасига айланиб, у аграр республика бўлмоқда»<sup>2</sup>.

Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Акмал Икромов Ўзбекистон коммунистларининг раҳбари сифатида Марказ манфаатларини изчил ҳимоя қилган. У ўзининг кўплаб маъруза ва нутқларида ўзбек зиёлиларини, энг аввало жадидларни кескин танқид қилади. Совет ҳокимиятининг сиёсатини қўллаб-қувватламаган ҳар қандай инсон унинг наздида «буржуа миллатчиси» ва «халқ душмани» эди. А. Икромов ўзининг амалий фаолиятида ҳам бу қоидага қатъий риоя қилган.

Ўзбекистон маданият ходимларининг II қурултойи (1927 йил 4–5 октябрь)да Акмал Икромов «Мафқуравий жабҳада кураш ва маданият ходимларининг вазифалари» мавзусида маъруза қилади. Бу маърузасида у Туркистонда фаолият кўрсатган жадид мактаблари фаолиятини кескин танқид қилади. Чўлпон ва Мунаввар Қори ижодини кескин қоралаб, Чўлпонни қайта тарбиялаш мумкин эмаслигини таъкидлайди.<sup>3</sup>

Бу даврда Ўзбекистонда халқ хўжалиги нотекис ривожланди. Бир томондан, Марказнинг турли қарор ва директивалари иқтисодиёт ривожланишининг объектив қонуниятларига салбий таъсир кўрсатган бўлса, иккинчи томондан, республикада мавжуд айрим субъектив камчилик ва хатолар ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Масалан, ўша пайтда саноат корхона-

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 5-руйхат, 8-иш, 1–2-варақлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 5-руйхат, 8-иш, 100-варақ.

<sup>3</sup> Қаранг: *Икромов А.* Борьба на идеологическом фронте и задачи работников культуры // Акмаль Икромов. Избранные труды в трёх томах. Т. 1. – Т.: Узбекистан, 1972. – С. 324–333; «Қизил Ўзбекистон», №231–232, 1927 йил 9–10 октябрь.

ларида давлат мулки ва халқ бойликларини талон-торож қилиш, юлғичлик, кўзбўямачилик, ташмачилик, ўғрилик ва бошқа иллатлар учраб турган. Ўзбекистон ССР Саноат уюшмалари раиси Ғофуров томонидан республикадаги барча саноат ва хўжалик ташкилотларига юборилган махфий циркуляр хат (1925 йил декабрь)да бу ҳолат қуйидагича кўрсатилади:

«Хўжалик ташкилотлари суиистеъмол қилиш ва талончилик билан тўлиб-тошиб ётибди, бу ҳолат оммавийлик касб этган. ЎзССР ХКС ушбу нохушлик билан курашиш мақсадида 1925 йил 15 декабрда бўлган йиғилишининг 40-протоколида қуйидаги йўналиш берган:

1) ушбу мақсадда тузилган учликлар (тройкалар) хўжасизлик, талончилик, юлғичликка қарши намунали тарзда энг қақшатқич ва тизимли кураш олиб борсинлар;

2) ташмачилик, ўғрилик, талончиликка қарши кураш зарбдор эканлиги ҳисобга олинсин;

3) барча совет ва хўжалик ташкилотлари учлик талабларини ўз вақтида кечиктирмасдан бажарсинлар.

Эсдан чиқармаслик керакки, сизлар томонингиздан содир этилган бўшанглик, қатъий тура олмаслик ҳолатлари талончилар билан ҳамкорлик сифатида баҳоланади. Шериклар ҳам худди жиноят содир этгандек олий жазога ҳукм қилинади»<sup>1</sup>.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда ушбу мавзунинг айрим жиҳатлари, хусусан, кулоқларнинг қатагон қилиниши ва мажбурий ўтказилган коллективлаштириш сиёсати тўғрисида бир қатор номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.<sup>2</sup> Ўрта Осиёдаги кулоқлаштириш жараёни тўғрисида профессор Р.

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-руйхат, 2136-“а” иш, 12-варақ.

<sup>2</sup> Қаранг: *Абдуллаев М.* Ўзбекистонда советларнинг кулоқ қилиш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари (1925–1945 й.). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т., 2002; *Мамажонов А.* Коллективлаштириш жараёнида Ўзбекистон кишлоқларидан Шимолий Кавказга сургун қилинганлар. Тарих фанлари номзоди... диссертация автореферати. – Андижон, 2005; *Қурбонов Х.Р.* Ўзбекистонда зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш ва унинг оқибатлари. 1929–1938 йиллар (ҳозирги Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари мисолида). Тарих фанлари номзоди... диссертация автореферати. – Т., 2010; *Акбарова М.* Жизнь и судьба кулаков, высланных из Средней Азии в Казахстан (1929–1956 гг.). Автореферат дисс. канд. ист. наук. – Т., 2010 ва б.

Шамсутдинов бошчилигида бир гуруҳ тарихчи олимлар томонидан кўплаб архив ҳужжатлари ҳам эълон қилинди,<sup>1</sup> айрим монографиялар нашр этилди.<sup>2</sup> Шунинг учун муаммонинг бу жиҳатларига махсус тўхталиб ўтирмасдан фақат мавзунинг айрим томонлари хусусида фикр юритмоқчимиз.

Ўзбекистон ССРда «аграр инқилоб» стратегия ва тактикаси Ўзбекистон Компартиясининг 2-съезди (1925 йил ноябрь)да тасдиқланган эди. Бу жараён ЎзССР МИКнинг «Сув ва сувни национализация қилиш тўғрисида» ва «Ер-сув ислоҳоти тўғрисида» декретлари<sup>3</sup> (1925 йил 2 декабрь) билан бошланган эди. 1925–1929 йилларда ЎзССРда ер-сув ислоҳотининг 2-босқичи ўтказилди. Бу ислоҳот жойларда шарт-шароитлар ва тайёргарлик даражасига қараб 3 босқичда амалга оширилган. Биринчи босқич 1925–1926 йилларда Фарғона, Тошкент, Самарқанд вилоятларида бўлди. Иккинчи босқичда 1927 йили Зарафшон вилояти (Бухоро ва Ўрта Зарафшон округлари)да ер-сув ислоҳоти ўтказилди. Учинчи босқич – 1928–1929 йилларда Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм округларида ислоҳот амалга оширилган эди. Қабул қилинган декретлар асосида белгиланганидан ортиқ ерлар, иш ҳайвонлари ва меҳнат куроллари тортиб олинди. Бойлар, йирик савдогарлар, уламолар ва бошқа мулкдорларнинг ерлари ва бутун мол-мулки мусодара қилинди.

1929 йил кузидан СССРда қишлоқ хўжалигини маъмурий-буйруқбозлик усули билан коллективлаштириш (жамоалаштириш)га киришилган вақтда Ўзбекистонда ахвол ана шундай эди. ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг «Ёппасига жамоалаштириш тўғрисида»ги қарори ва ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг

---

<sup>1</sup> Қаранг: Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929–1955 гг. Документы и материалы. Т. I–III. Составители: Шамсутдинов Р., Расулов Б. Под редакцией Алимовой Д.А. – Т.: Шарқ, 2006; Среднеазиатский кишлак в годы Большого террора. Составители: Шамсутдинов Р. и др. – Андижан. 2007 ва б.

<sup>2</sup> Қаранг: *Шамсутдинов Р.* Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.: Шарқ, 2001; Унинг ўзи. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Т.: Шарқ, 2003; *Шамсутдинов Р., Мамажонов А.* Шимолий Кавказ сурғунидаги юртдошлар қисмати. – Т.: Шарқ, 2005; *Шамсутдинов Р., Акбарова М.* Шимолий Қозоғистон сурғунидаги юртдошлар қисмати. – Т.: Шарқ, 2009 ва б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 3-руйхат, 25-иш, 10–34-варақлар.

«Кулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тадбирлар тўғрисида»ги кўрсатмалари (1930 йил 26 январь) асосида Ўзбекистон Компартияси МК 1930 йил 17 февралда «Коллективлаштириш ва кулоқ хўжалиklarини тугатиш тўғрисида» қарор қабул қилган.<sup>1</sup> Ўзбекистон ССРда кулоқлаштириш кампанияси 1930 йил февралдан бошлаб авж олган.

Айни пайтда кулоқларни синф сифатида тугатиш 1930 йил 1 февралда СССР МИК ва ХКС қарорларида ҳам расман қонунийлаштирилди. Кулоқларга қарши курашда уларнинг мол-мулкларини мусодара этиш ва ўзларини бошқа хуудларга сургун қилиш учун мутасадди ташкилотларга ҳамда республикалардаги партия ташкилотларига тегишли ҳуқуқлар берилди.

Ўзбекистон Компартияси раҳбарларидан бирининг ВКП(б) МК Бош котиби И.В. Сталинга ёзган хатида Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёни ва колхозларни ташкил қилиш суръатлари ҳаддан ташқари ошириб юборилганлиги кўрсатилади. Ҳатто Андижон ва Қўқон (Фарғона) округларида ёппасига колхозлаштиришни 1931 йил баҳорида 100 фоизга бажариш эълон қилинади. Бундай натижаларга маъмурий босим ва деҳқонларни кўркитиш орқали эришилган. Деҳқонларга қуйидагича дағдаға қилинган: «Овозингни чиқарма, агар колхозга кирмасанг нон ҳам, саноат моллари ҳам ололмайсан, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, райондан кўчириб юбориласан»<sup>2</sup>.

Натижада деҳқонларни мажбурий рўйхатга олишга қарши нафақат Фарғона водийсида, балки бутун Ўзбекистон ССР хуудида оммавий норозиликлар ва кўзғолонлар бошланди. Архив ҳужжатларида келтирилишича, жойларда райком ва кишлоқ совети ходимлари калтакланиб, ўлдирила бошланди.<sup>3</sup>

Шунингдек, колхозлар (жамоа хўжаликлар)ни ташкил қилиш жараёнида жуда катта хатоларга йўл қўйилди. Айрим совет ходимлари ўз вазифасини суиистеъмол қилди. Бошқа бир архив ҳужжатида келтирилишича, Ўрта Зарафшон округидаги Хатирчи районида 3 ойда фақат битта колхознинг раиси 20

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 3-рўйхат, 405-иш, 2–10-варақлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 5-рўйхат, 111-иш, 40–45-варақлар.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 5-рўйхат, 111-иш, 53-варақ.

марта алмаштирилган. Бундай аҳвол бошқа районлардаги ўнлаб колхозларда ҳам учраб турган<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда колхозлар ва совхозлар (давлат хўжалик-лари) ташкил қилиниши даврида чорва молларини умумийлаштириш жараёни бошланиши билан чорва моллари миқдори кескин камайди, уларнинг бозордаги нархи тушиб кетди. Чунки аҳоли хонадонида мавжуд бўлган чорва молларини кўп миқдорда оилавий эҳтиёж учун сўя бошлади, уларни оммавий сотиш бошланди. Бундан ташқари, қўшни Афғонистон давлатига чорва моллари кўплаб ҳайдаб ўтилди. Умуман, Ўзбекистонда азалдан мавжуд бўлган ва туркий халқлар тараққиётида катта роль ўйнаган чорвачилик совет даврига келиб таназзулга юз тутди. Бир ҳужжатда келтирилишича, Тошкент округида ҳовли-боғлар ва дарахтзорлар, ҳатто товуқларгача умумлаштирилган, яъни колхозлар ихтиёрига ўтказилган. Колхозчиларга ўзининг даласида қовун-тарвуз экишга ҳам, дарахт кесишга ҳам рухсат берилмаган. Паркент кишлоғида камбағал ва ўртаҳол дехқонлар ҳам қулоқлар рўйхатида кириб қолганлар.<sup>2</sup>

Хоразм округида 1927 йилда 160 гектар ерда 5 та колхоз ташкил этилган эди. Йилнинг охирига келиб уларнинг тўрттаси тарқаб кетди. Архив ҳужжатларида келтирилишича, колхозлар тузилиши жараёнидаги асосий камчиликлардан бири колхозчилар онгида колхозлар ташкил топиши вақтинчалик кампания экан, деган фикр шаклланиб қолиши бўлган. Шунингдек, дехқонларни куч ишлатиш йўли билан колхозларга киритиш, уларни ер, сув ва ғалладан махрум қилиш, ҳибсга олиш ёки бўлмағур вазифалар билан уларга таъсир кўрсатиш оммавий тус олган.<sup>3</sup>

Бошқа бир архив ҳужжатида колхозлар ташкил этилишида ташвиқот суст олиб борилганлиги эътироф этилади. Амалий ҳаракатда ҳам турли хатоларга йўл қўйилган. Кўп жойларда коммуна типига бирга ишлаш билан бир қаторда бирга яшаш ва овқатланиш ҳам ташкил этилган. Оддий халқ орасида оила ҳам бирга бўлармиш, деган овозалар тарқалган. Масалан, Самарқанд

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 10-руйхат, 808-иш, 10-варак.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-руйхат, 556-иш, 15-варак.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 5-руйхат, 295-иш, 43-варак; 6-руйхат, 556-иш, 15-варак.

округининг Пастдарғом районидаги Ҳожибоев номли колхоз аъзолари маҳаллий ҳокимият олдига иккита талаб қўйишган: уларни трактор ва хотин билан таъминлаш.<sup>1</sup>

Бундан ташқари, Ўзбекистонда жойлардаги вакиллар кўпинча колхозлаштириш жараёни, унинг мохияти тўғрисида деҳқонларнинг оддий саволларига ҳатто тўғри жавоб бера олишмаган. Масалан, айрим жойларда одам вафот этгач, марҳумларни колхозда кўмиб ўтирмасдан ёқиб юборилади, деб тушунтириш ҳолатлари бўлган. Колхознинг қандай шакллари бор, деган саволга 5 йилдан бери ёғ заводи директорининг ўринбосари бўлган бир масъул ходим мажлисда қуйидагича жавоб берган: «Биринчи қадамда ерлар, иккинчи қадамда ишлаб чиқариш воситалари, ҳайвонлар, етиштирилган маҳсулотлар қайта кўриб чиқилади. Учинчи қадам – умумий қозон, умумий оила, умумий кўрпа-тўшак, қисқаси, умумий ётоқхона бўлади, балки айтишгандир, хотинлар ҳам умумий бўлади (залдан овоз эшитилди: «болалар ҳам»). Кимда-ким совет ҳокимиятининг бу буйруғига қарши чиқса, у кулоқ деб эълон қилинади, сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлади, бутун мол-мулки тортиб олинади; уни сафимиздан ҳайдаймиз».<sup>2</sup> Ана шундай мажлисларнинг бирида Янгийўл райони ижроия комитети раисининг ўринбосари Слатенковнинг таърифи ҳаммасидан ошиб тушади. У ўзи қатнашган деҳқонларнинг йиғилишида доимо сўзини қуйидаги ибора билан тугатган: «Кимда-ким колхозга кирмаса, ундайларга Марсда ҳам жой йўқ».<sup>3</sup>

Ўз яшаш жойларидан кўчирилган кулоқлар шу даражада оғир турмуш шароитларига дучор қилинадик, уларнинг кўплари бундай шароитга чидай олмайди. Бу ҳақда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси И.А. Зеленский Ўзбекистон Компартияси МК биринчи котиби Акмал Икромовга ёзган хатида шундай тўхталади: «Ҳозиргача кўчириб юборилган кулоқлар палатка, чайла, ўтовларда яшамоқдалар. Уларнинг кўпчилигини сув босиб, шамол учириб кетмоқда. Бир неча участкаларда кулоқ оилалари очик осмон остида яшамоқдалар, кулоқларнинг

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 5-рўйхат, 469-иш, 30–39-варақлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 5-рўйхат, 93-иш, 9-варақ.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-рўйхат, 480-иш, 12-варақ.



ишчи ҳайвонлари ҳам очикда қолиб, улар ем-хашак билан ҳам аянчли таъминланган».<sup>1</sup>

Архив ҳужжатларида келтирилишича, «1931 йил 31 августда Ўрта Осиё республикаларидан 5690 та хўжалик (уларда 27.466 нафар киши яшаган) қулоқ қилинган. Кўчириш бўйича вазифанинг муваффақиятли бажарилишида республикалар Марказий Комитетлари, сиёсий учликлар (тройкалар), ОГПУ органларининг тезкорлик билан ишлаши муҳим ўрин тутди. Кўчириш режаси бажарилди».<sup>2</sup>

Ўзбекистонда партиянинг коллективлаштириш сиёсати ҳамда колхозлаштириш борасидаги ишларига барча масъул ходимлар ҳам хайрихоҳлик билан қарашмаган. Айрим раҳбар ходимлар ўша пайтлардаёқ бу сиёсатнинг нотўғри жиҳатларини тўғри кўра билганлар, унинг мудҳиш оқибатларидан келажак авлодларни огоҳлантиришган. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси Файзулла Хўжаев колхозлаштириш борасидаги танқидий фикрларини шундай баён этган: «Биз ўзимизнинг кучимизга мос бўлмаган суръатда иш юритдик. Ўрта Осиё районлари, хусусан, Ўзбекистонга хос хусусиятларни ҳисобга олмадик. Ўзимизнинг тайёргарлигимизга ортиқча баҳо бериш, колхоз шаклларини қориштириб ва ошириб юборганимиз ҳам қўшилиб вазият янада чуқурлашиб борди. Бизда яна носоғлом мусобақаланиш ҳам бўлиб ўтди. Деҳқонлар бу суръатларга тушунмади ва умуман колхозлаштириш тузукроқ ташвиқот ҳам қилинмади. Бунинг устига, деҳқонларни колхозга мажбурловчи маъмурий чоралар ҳам қўшилди. Натижада камбағал ва ўртаҳол деҳқонларнинг ҳам оммавий норозилигига эга бўлдик. Бундай ҳолат Бухоро, Фарғона, Андижон, Хоразм, Сурхондарё ва бошқа барча округларда бўлиб ўтди».<sup>3</sup>

Колхозлаштириш сиёсатининг оқибатлари ўзини кўп куттирмади. СССР ҳудудида совет тузумига қарши оммавий равишда деҳқонлар кўзғолони бошланиб кетди. Бу кўзғолонлар бир вақтда, ташкилий уюшган ҳолатда кўтарилмаган бўлса-да,

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-руйхат, 3-иш, 116-варақ.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 7-руйхат, 251-иш, 55-варақ.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-руйхат, 72-иш, 27-варақ.

Ўзининг ҳақли талабларига эга бўлган, интизомли халқ норозилиги эди.

Ўзбекистон ССРда ҳам бу пайтда советлар тузумига қарши умумхалқ кўзғолонининг янги босқичи бошланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 4-чақирик V пленумининг 3-йиғилишида (1930 йил март) масъул ходимлардан бири Богомоллов бу ҳақда тўхталиб ўтиб, колхозлаштириш кампаниясига ўзича шундай таъриф беради: «Дехқонлар нима учун бундай колхозлаштиришга қарши бўлганликларини тушунса бўлади. Қатор жойларда уларни қўпол хўрлашлар очиқ кўзғолонларни келтириб чиқарди».<sup>1</sup>

Масалан, 1930 йил 4 мартда Бухоро округининг бир неча районларида дехқонларнинг норозилик чиқишлари ва ғалаёнлари бўлиб ўтди. «Мутлако махфий» грифи остидаги архив ҳужжатларида бу ҳақда шундай маълумотлар мавжуд:

«1. Янги Бухоро районининг Шеробод қишлоқ советида 50 кишилик оломон<sup>2</sup> колхозга қарши чиқиб, сиёсий ходимни калтаклашган.

2. Когонда 500 кишилик оломон қишлоқ советларидан колхозчилар рўйхатини беришни ва қамоқдагиларни озод этишни талаб қилишган. Уларни тарқатиш мақсадида ўк узган милиционер оломон томонидан дўппосланди.

3. Вобкент районининг Кумушкент қишлоғида райкомнинг шахсий ташаббуси билан колхозлаштиришга киришилган эди. Эрталаб 100 кишилик оломон комиссияни қуршаб олди ва коллективлаштириш тўхтатилишини талаб қилди.

4. Ғиждувон районидаги учта қишлоқ аҳолиси колхозлаштириш масаласида йиғилган эди. Шу ернинг ўзида норозилик чиқишлари бошланади. Ушбу районда бригадирларнинг колхозларни тузиш бўйича эсанкираши кузатилмоқда. Бир қишлоқда ёппасига колхозлаштириш ҳақидаги буйруқ бекор қилинганидан беҳабар бригадир ишчи ҳайвонларини рўйхатга

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-рўйхат, 72-иш, 15-варак.

<sup>2</sup> ОГПУ Ваколатли вакиллиги ва Ўзбекистон ГПУ маълумотномаларида намоён қилган ва кўзғолон кўтарган аҳоли айнан оломон (русча “толпа”) сўзи билан тилга олинади. Сиёсий идоралар дехқонлар ҳаракатининг моҳиятини сохталаштириш ва унга сиёсий тус бермаслик учун онгли равишда шу сўзни ишлатганлар.

олишга киришиб кетди. Ғазабланган 400 кишилик оломон эса унга ташланди. Баъзи бригадирларнинг эсанкираши чегара билмаяпти. Сармижон қишлоғидаги Ҳазрати Имом масжидидан намозхонларни ҳайдаб юборишди. Қабристонда фотиҳа ўқиётган аёллар ва болалар ҳам ҳайдаб солинган».<sup>1</sup>

Деҳқонларнинг норозилик чиқишларида аёллар ҳам фаол иштирок этган. Хуллас, Бухоро округида юзлаб аёллар ГПУ ва райижроқум (раисполком) идоралари олдида намоиш уюштириб, «Биз колхозга кирмаймиз!», «Биз очмиз, нон беринг!» деган талаблар билан чиқишган.<sup>2</sup>

Архивларда сақланиб қолган қўплаб ҳужжатларда Хоразм, Андижон, Самарқанд, Қўқон, Сурхондарё ва бошқа округларда ҳам бўлиб ўтган деҳқонларнинг норозилик чиқишлари ва деҳқонлар уруши тўғрисида маълумотлар мавжуд. Бу пайтда Шовот районида росмана уруш ҳаракатлари бошланиб кетади.<sup>3</sup>

Андижон округидаги аҳвол тўғрисида оператив маълумотларда шундай фикрлар келтирилади: «Поп районидаги Қанди қишлоғида 1000 кишилик намоиш бўлиб ўтди, колхоз тарқалиб кетди. Худди шундай ҳолат Хўжабодда ҳам бўлиб ўтди. Олмос қишлоғида деҳқонлар пахта экишдан бош тортишди».<sup>4</sup> Мазкур маълумотда Андижон округидаги бошқа районлар (Асака, Андижон, Наманган районлари ва ҳ.к.) тўғрисида шундай дейилади: «Асака районидаги Қоратепа қишлоғида 1000 киши тўпланиб, «Йўқолсин колхоз!», «Йўқолсин совет хокимияти!» деб қичқириб, шаҳар сари юрдилар».<sup>5</sup>

Асакадаги райижроқум биноси олдида 2500 кишилик намоишчилар йиғилди. Оломон куйидаги шиор ва қичқириқларни баралла айтишган: «Йўқолсин колхозлар! Ер деҳқонларга қайтариб берилсин! Барча қамокқа олинганлар, пахта шартномасидан қарздорлар, охирги кунларда ҳибсга олинганлар озод этилсин! Барча сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилинганларнинг

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-руйхат, 190-иш, 8-варақ.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-руйхат, 190-иш, 10-варақ.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-руйхат, 190-иш, 30-варақ.

<sup>4</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-руйхат, 190-иш, 27-варақ.

<sup>5</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-руйхат, 190-иш, 35-варақ.

хуқуқлари тиклансин! Миллатга тўла мустақиллик берилсин! Диний уламоларга эркин ҳаракатланишга йўл берилсин!».<sup>1</sup>

Наманган райони Шарқ қишлоғи аҳолисидан 100 киши хўжаликларни коллективлаштирмаслик талаби билан шаҳарга келишган. Наманган районининг Қоратепа, Хонобод, Курмат, Дуркун, Лакидон қишлоқлари аҳолиси ҳам коллективлаштиришни хоҳламасликлари ҳақида қатъий маълум қилишган.<sup>2</sup>

Самарқанд округининг Пастдарғом районида эса деҳқон хўжаликлари 100 фоиз коллективлаштирилиб, қўпол сиёсий хатога йўл қўйилади. Демак, барча хўжаликлар колхозлаштирилади ва йирик (бадавлат) хўжаликлар бутунлай тугатилади.<sup>3</sup>

Ўзбекистон ССР ва Иттифоқ бошқа ҳудудларида бўлаётган деҳқонларнинг оммавий норозилик чиқишлари ҳамда кўзғолонлар ВКП(б) МК олий сиёсий раҳбариятини жиддий ташвишга солди. Кремль раҳбарлари сиёсий йўлни ўзгартиришга, уни бошқача талқин этишга ҳаракат қилдилар. Бу ҳолат ВКП(б) МКнинг 1930 йил 13 мартдаги қарорида ўз аксини топди. Бу қарорда ҳар доимгидек бирор бир кампанияни амалга оширишда «боши билан жавоб бериш» услуби қўлланилиб, маҳаллий партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг «айби» билан партиянинг «тўғри, одилона, халқпарвар, ленинча-сталинча ғамхўрлик йўли» бузилганлиги маълум қилинди. Бир сўз билан айтганда, коллективлаштириш жараёнидаги хатолар: деҳқонларни мажбурлаш усуллари ва хоҳиш-истакни эътиборга олмаслик жойлардаги маҳаллий масъул ходимлар зиммасига юклатилди. Большевиклар партияси ўзининг иккиюзламачилик сиёсатини бу гал ҳам қўллашдан чўчимади. Ҳолбуки, бу масалада ҳам сўнги фикр – режани 100 фоиз амалга ошириш тўғрисидаги қуйида келтирилган «дастурий кўрсатмалар»ни партия ташкилотларига жўнатади:

«4) қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, мажбурий коллективлаштириш тўхтатилиши даркор. Ҳозир колхозга кирмаётган деҳқонларга нисбатан ҳар қандай қатағон чораларини қўлланишга нисбатан қатъият билан курашмоқ лозим,

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-руйхат, 190-иш, 36-варак.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-руйхат, 190-иш, 48-варак.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-руйхат, 383-иш, 22-варак.

шунинг учун келгусида шиддатли фаолиятни давом эттириш керак».<sup>1</sup>

Марказдан «ўрناق» ва махсус кўрсатма олган Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан 1930 йил 28 мартда барча округ ва район ижроия комитетлари ҳамда қишлоқ советларига «Коллективлаштириш даврида йўл қўйилган хатоларни тўғрилаш тўғрисида» шошилинч директива юборилди. Бу директивада ҳам бутун айб жойлардаги маҳаллий ташкилотлар зиммасига юклатилди:

«Баъзи жойларда бой-қулоқлар йўл қўйилган хатолардан фойдаланиб деҳқонларнинг оммавий равишда колхозлардан чиқишига эришмоқдалар. ЎзССР МИК ихтиёридаги маълумотларга таяниб шундай хулосага келдики, маҳаллий ижрокўмлардан тортиб округ ижрокўмларигача ўз вақтида бу соҳада ҳеч қандай чоралар кўришмади ҳамда бу билан коллективлаштириш принциплари барбод бўлишига сабабчи бўлдилар. Колхозларга ўз хоҳиши билан кириш ҳолати бузилди. Маҳаллий ҳокимият вакилларининг бу борадаги ғаддор сиёсатини алоҳида таъкидлаш жоиз... Турар жойларни умумийлаштириш, майда ҳайвонлар, паррандалар, ҳатто тухумни ҳам умумийлаштиришга йўл қўйилди (Фарғона, Тошкент, Самарқанд ва б). Юлгичлик билан тўпланган мол-мулк бўлиб олиниб, ўртаҳол ва камбағаллар ҳатто қамоққа ташланди. Черков ва масжидлар маҳаллий ҳокимият томонидан ёпиб қўйилди. Йўл қўйилган хатолар натижасида экиш мавсумига тайёргарлик хавф остида қолмоқда».<sup>2</sup> Умумий ҳолда айтганда, «конфискация» даврида қўлга нимаики илинса, шу мусодара этилган.

Умуман олганда, коллективлаштириш сиёсати кутилмаган бошқа бир хусусиятни, яъни икки меҳнаткаш синф (ишчилар ва деҳқонлар) ўртасидаги катта тафовутни яққол намоён қилиб қўйди. Деҳқонлар колхозлардаги оғир ҳаётдан нолишарди. Улар «нима учун давлат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини биздан арзон нархда олиб, қиммат қилиб сотади», «бир синф озодликда, иккинчиси эса зулм остида яшайди», «ишчилар 8 соат, биз —

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-руйхат, 190-иш, 70–75-варақлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-руйхат, 6306-иш, 1–2-варақлар.

деҳқонлар эса 15–20 соат ишлаймиз; биз хор-зор бўлиб йиртиқ-ямоқларда юрамиз, ишчилар эса курортларга йўлланма олишади», деб ўз норозилиklarини очик намоён қилишган.

Хужжатларнинг шоҳидлик беришича, коллективлаштиришнинг доимий йўлдоши очарчилик бўлган. Россияда коллективлаштириш «якунланди» деб ҳисобланган йилларда даҳшатли очарчилик яна ёпирилиб келди. Унинг қурбонлари сони 7 млн. кишидан ошди. «Буюк бурилиш йили»да СССРнинг турли ҳудудларида нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига карточка тизими жорий қилинди. Тарихчи У. Осокинанинг ёзишича, 1931 йил бошларида ВКП(б) МК Сиёсий бюроси асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва товарларга расмий равишда Бутуниттифоқ карточка тизимини жорий қилиб, аввал мамлакатда мавжуд бўлган минтақавий карточка тизимини бекор қилди.<sup>1</sup>

Совет Иттифоқининг ҳамма жойида бўлгани каби Ўзбекистон ССРдаги коллективлаштириш (жамоалаштириш) ҳам «ҳарбий коммунизм» йилларида синовдан ўтган кампания-бозлик, «хужум ва тазйик» усуллари билан амалга оширилди. Деҳқонларни зўрлик билан колхозларга киришга мажбур этдилар. Қаршилиқ кўрсатганлар эса ижтимоий мавқеи ва моддий аҳволдан қатъи назар кулоқ қилинди. «Кулоқлар» сифатида рўйхатга олинган бадавлат хўжаликларнинг мол-мулки тўлиқ мусодара этилиб, уларнинг оилалари Украина, Шимолий Кавказ, Сибирь, Қозоғистон, Ўзоқ Шарқ каби ўзга юртларга сургун қилинган. Шунингдек, ЎзССРнинг ўзида кулоқлар учун 17 та махсус концентрацион лагерлар ва кўчириб келтирилганларнинг мажбурий меҳнат посёлкалари ташкил этилган.<sup>2</sup> Совет ҳокимиятига қаршилиқ кўрсатган кулоқлар эса қамоққа олинган ва отиб ташланган. Кулоқлаштириш тадбири оммавий қонунбузилишлар ва зўравонлик асосида амалга оширилган.

1930 йил кузидан деҳқонларни жамоа хўжаликларига киришга мажбурлаш яна авж олди. 1931 йил ёзига келиб, барча

<sup>1</sup> Осокина Е. За фасадом «сталинского изобилия». Распределение и рынок в снабжении населения в годы индустриализации, 1927–1941. – М: РОССПЭН, 1999. – С. 85.

<sup>2</sup> Каранг: Докладная записка о кулацких посёлках в Средней Азии // Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929–1955 гг. Документы и материалы. Т. II. – Т.: Шарқ, 2006. – С. 303–310.

деҳкон хўжалиklarининг 56,7 фоизи колхозларга бирлаштирилган эди. 1932 йил охирида совхозлар сони 62 тага етди. Якка хўжаликларга катта солиқ солиш билан тазйиқ ўтказиш давом этди.

Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш расмий равишда 1932 йилда тугатилди. Бироқ бу даврда деҳқонларнинг қарийб 92 фоизи колхозларга кирган эди. Якка хўжаликларга турли чоралар қўлланиши натижасида коллективлаштириш 1939 йилда 99,55 фоизга етди.<sup>1</sup>

Хуллас, ЎзССРдаги жамоалаштириш қишлоқ хўжалигига жуда катта зарар етказди. Ғалла етиштириш кескин қисқарди. Чорвачиликка ҳаддан ташқари катта зиён етди. РСФСРнинг марказий губерниялари, Волгабўйи ва Қозоғистонни камраб олган очарчилик 1932–1933 йилларда Ўзбекистонда ҳам юз берди.

СССР ҳудудида 1932 йил 27 декабрда паспорт тизими жорий қилинди. Қишлоқ аҳолисига паспорт берилмас эди. Фуқаролик ҳуқуқлари поймол этилган деҳқонлар (уларнинг аксарияти очарчилик гирдобиди бўлган) яшаб турган жойларидан қочиб кетишга ёки шаҳарга боришга ҳаққи йўқ эди. Ўзбекистонда ҳам колхозчилар бошқа жойга бориш ва яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. «Кишиларни ов қилиш» бошланди. Барча йўллар ва вокзалларга қўйилган постлар аранг юраётган, жулдуз, увода кийимлардаги одамларни таҳдид билан ортга – қишлоққа қайтарарди. Тарихчи И. Зелениннинг ёзишича, бу янги «крепостной ҳуқуқ» қишлоқларда фақат 1974 йилга келибгина бекор қилинди.<sup>2</sup>

Колхозларда мажбурий меҳнат куни минимуми ташкил қилиниб, уни бажармаганлар аёвсиз жазоланди. Хуллас, XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб колхозлар ва совхозлар қатъий режа асосида ташкил этилиб, юқоридан белгилаб берилган қолипга солинди. ЎзССРда пахта яккаҳоқимлиги (монокульту-

<sup>1</sup> Ражабов Қ. Ўзбекистон мустабид совет давлати таркибиди (1925–1991 йиллар) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 12. – Т.: ЎзМЭ нашриёти, 2006. – Б. 174.

<sup>2</sup> Қаранг: Зеленин И.Е. Крестьянство и власть в СССР после “революции сверху” // “Вопросы истории”, 1996, №7. – С. 14–18.

раси) вужудга келди. 1932 йили Ўзбекистон Иттифок пахтасининг 60 фоизини етказиб берган.

Коллективлаштириш жараёнини «темир қўллар»да сақлаб туриш учун районлардаги машина-трактор станциялари (МТС) қошида сиёсий бўлимлар ташкил этилдики, улар колхоз ва МТСларни антибольшевик ва турли синфий зараркунанда унсурлардан тозалашни ўзларининг муҳим вазифаларидан бири деб билардилар. Партиядаги тозалаш механизмининг<sup>1</sup> андозаси ва намунаси аввал ана шундай шакллантирилган эди. Сиёсий бўлимларда ОГПУ бўйича ўринбосар лавозими киритилиб, оператив иш бўйича у бевосита Г.Г. Ягода муассасасига (аввал СССР ОГПУ, сўнгра СССР НКВД) бўйсунарди. Бу ўринбосарлар амалиётда тозалов ва жазо функцияларини бажарганлар. Колхоз раислари, агрономлар, тракторчиларнинг кўп минг сонли қисми ўз вазифасидан бўшатилиб, сиёсий бўлимлар томонидан уларга «синфий душман» ва «халқ душмани» ёрлиқлари ёпиштирилди ҳамда қатағон қилинди.

Ўзбекистонда ҳам давлатга қаршли МТСларни ташкил этиш авж олди ва 1933 йил бошида уларнинг миқдори 73 тага етди. Колхозларнинг МТСларга қарамлиги кишлоқ хўжалиги имкониятларини яна ҳам чеклаб қўйди.

Бу даврда Ўзбекистон ССР айрим саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича СССРда етакчи ўринга чиқди. 1932 йили республикада мамлакатда етиштириладиган пахта толасининг 89,7%, цементнинг 54,2%, ўсимлик мойининг 56,4%, хом ипакнинг 42%и ишлаб чиқарилди. Иккинчи беш йиллик (1933–1937 й.) режасида ҳам пахтачилик ва у билан боғлиқ саноат соҳаларини ривожлантириш кўзда тутилди. Учинчи беш йиллик (1938–1942 й.)да саноат тараққиётига алоҳида эътибор берилди. Беш йилликнинг дастлабки даврида 134 та янги корхона ишга туширилди. Янги конлар (кўмир, мис, вольфрам) топилиб, фойдаланишга топширилди. Саноат жадал суръатлар билан ривожлантирилди. Ўзбекистон ССРда бу даврда (1941 йил

---

<sup>1</sup> 1933 йил апрелда ВКП(б) МК партияда “тозалаш” утказиш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Бу ҳақда қаранг: История России. XX век. Под редакцией В. Меньковского и О. Яновского. Учебное пособие. – Минск: РИВШ, 2005. – С. 625.



бошларида) 1445 та йирик ва ўрта саноат корхоналари мавжуд эди.

Бугунги кунда шу нарса маълумки, Ўзбекистон Совет Иттифоқининг саноатлаштирилиши ва унинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшган бўлсада, подшо давридаги каби хом ашё етказиб берадиган республика бўлиб қолаверди, миллий иқтисодиётда қазиб чиқарувчи ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини етказиб бериш ҳажмлари катта бўлгани ҳолда қайта ишловчи ва машинасозлик тармоқлари улуши озрок, умумиттифоқ даражасидан бир неча марта пастрок даражада сақланиб қолаверди.<sup>1</sup>

Шундай қилиб, Ўзбекистон ССРда иқтисодиётнинг марказлаштирилиши саноат ва қишлоқ хўжалигининг зиддиятли ривожланишига олиб келди. Шу билан бирга, саноат ва қишлоқ хўжалигида иқтисодий муаммоларни бартараф этишга уриниш меҳнаткашлар турмуш шароитининг пасайишига олиб келди. Ўзбекистон ССРда миллий даромад 2,5 баравар ўсишига қарамай, жон бошига кўрилган фойда 1937 йилда ҳам 1932 йил даражасида қолаверди. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш тизимидаги аҳвол бу пайтда ҳам кескин эди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг бошқарилиши тўлалигича Марказ манфаатларига хизмат қилди. Туркистон АССР даврида бошланган бу жараён Ўзбекистон ССР тузилгач ҳам муттасил равишда давом этди. Умуман, бу тизим Иккинчи жаҳон уруши йилларида ва ундан кейинги йилларда ҳам давом этганлиги маълум. Бундай таъминотчилик функцияси беш йилликлар режалари ёки «социалистик мажбурият» дея ниқобланди. Ўзбекистон ССР Марказга рангли ва нодир металллар, пахта толаси, хом ипак, қоракўл тери ва бошқа стратегик хом ашё етказиб, уни чет эл хом ашёсига қарамликдан кутқарди. Хуллас, СССРнинг пахта мустақиллигини таъминлашда асосий ролни Ўзбекистон ўйнади. Бироқ Ўзбекистон Марказга муттасил равишда хом ашё етказиб берувчи чекка ўлкалигича қолаверди. Республиканинг ички имкониятлари ва

---

<sup>1</sup> *Алимова Д.А., Голованов А.А. Ўзбекистон мустақил совет давлати даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари (1917–1990 й.). – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 54.*

манфаатлари ҳисобга олинмади, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжлари назар-писанд қилинмади.

Ўзбекистон ССРда янги иқтисодий сиёсат даврида жорий қилинган айрим эркинликлар орадан кўп ўтмасдан бекор қилинди. Мулкчиликнинг турли шакллари тугатилди. Давлат мулкчилиги ва колхоз мулки, яъни социалистик мулк қарор топди. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш жараёнида республикадаги деҳқончилик ва чорвачиликка катта зарар етказилди. Ўзига тўқ деҳқон хўжаликлари кулоқ хўжалиги сифатида қатагон қилинди. Хуллас, Ўзбекистон ССРда иқтисодий бошқарув Марказ халқ хўжалиги тармоқларининг манфаатларига бўйсундирилди. Ўзбекистон иқтисодиётининг марказлаштирилиши саноат ва қишлоқ хўжалигининг зиддиятли ривожланишига олиб келди.

#### **4.4. Марказ иқтисодий сиёсатининг асоратлари ва ижтимоий муаммолар**

Ўзбекистон ССРда иқтисодиётни бошқариш тизимининг Марказ манфаатлари асосида ташкил қилиниши натижасида иқтисодий ва ижтимоий муаммолар кескинлашди. Ишчилар ўртасида норозилик ва иш ташлашлар кўпайди, ишсизлик кучайиши оқибатида турмуш шароити оғирлашди, қимматчилик ва қаҳатчилик қузатилди. Аҳоли ўртасида очарчилик қайтадан юз берганлиги ўша давр манбаларида эътироф қилинади.

1925 йил ноябрь-декабрь ойларида Ўрта Осиё темир йўлларида ишчилар норозилиги оммавий равишда кучайиб боради. Норозилик сабаблари моддий жиҳатдан қашшоқлик, иш ҳақининг ўта пастлиги, унинг ҳам ўз вақтида берилмаслиги, махсус ишчи кийим тарқатилмаслиги қабилар эди. Тошкент областидаги Биринчи май (1650 та ишчи) ва Қизил Шарқ (300 та ишчи), Тошкент шаҳридаги типография ишчилари ва тери ошловчилар (1000 кишидан ортиқ), Мирзачўл уездидаги тажриба участкаси ишчилари, Фарғона областидаги Санто нефть кони ишчилари, Чимён пахта заводи, Қизилқия кони ишчилари, Жалолобод тегирмон ишчилари, Самарқанд областидаги Сулукта кўмир кони ишчилари орасида кучли норозиликлар бўлиб турган. Чимён нефть ишлаб чиқариш

корхонаси ишчиларининг норозилиги иш ташлашга айланган. Унда 40 миллат вакиллари қатнашганлар<sup>1</sup>. Шунингдек, бу даврда Фарғонадаги 41-пахта заводи, Қашқадарё округ ижроия қўмитаси ходимлари ва Бехбудий станциясидаги қурилиш бригадаси ишчилари забастовка (иш ташлаш) уюштирганлар<sup>2</sup>.

ОГПУнинг Ўрта Осиё темир йўллар бўлими раҳбари В.В. Демидов томонидан тайёрланган 1926 йил апрель ойига оид ўн кунлик махфий маълумотларда ҳақиқий аҳвол ачинарли эканлиги таъкидланади. Бу ҳақда ҳисоботда шундай дейилган:

«Кўкёнгёқ станциясидаги қурилиш ишчилари ўзларига берилган квартиралар қашшоқ жиҳозланганидан норозилар. Квартираларнинг поли ва ойнаси умуман йўқ. Бўйдоқлар учун баракларда сўрилар етишмайди. Ишчилар ерда ухлашга мажбур. Квартиралар зах. Иссиқ сув ва ҳаммом ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бундай шароитда ишчилар тез-тез касалга чалинадилар». Квартира муаммоси масаласида Қозонжик, Қизилравот, Когон, Полторацк, Самсонов, Термиз станцияларидаги ишчилар ҳам ўз норозиликларини билдиришган<sup>3</sup>.

Бу даврда ишчилар кайфиятини Тошкент шаҳрининг Қизил Шарқ ва Биринчи май темир йўл устахоналарида 1926 йил 10–17 октябрда ўтган партиясиз ишчиларнинг конференцияси ҳам яққол кўрсатади. Конференцияда сўзга чиққан Бондаренко кескин равишда фикрлаган: «Бизга қизил жандармериясининг ҳам, ташвиқотчиларнинг ҳам кераги йўқ»<sup>4</sup>.

Ўзбекистон ГПУ маълумотларига қараганда, конференцияда ишчиларнинг норозилик сабаблари қуйидагича кўрсатилган: иш ҳақининг озлиги, уни ҳам ўз вақтида бермаслик. Маъмуриятнинг ишчиларга нисбатан беписандлиги, қўпол муносабати, шартномани бажармаслиги, оғир маиший шароит, совет бошқарув аппаратининг бюрократияга қўмилиб кетиши, мутахассисларга нисбатан зўравонлик, касаба уюшмаси раҳбарларининг халқдан узилиб қолиши, хўжалик раҳбарлари

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-руйхат, 623-иш, 259-варак.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 2-руйхат, 160-иш, 32-варак.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 2-руйхат, 160-иш, 1–30-вараклар.

<sup>4</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 2-руйхат, 160-иш, 50-варак.

ишчилар маошидан босиб қолиши, ишчилар ҳисобидан иқтисодий тежамкорлик ва б.

Марказий районда бўлган бошқа конференцияда ҳам антисовет чиқишлар бўлган. Масалан, конференцияда куйидаги фикрлар баралла айтилган: «Демократия фақат қоғозларда, холос, сайловлар рўйхат асосида бўлади». «Авваллари ишчилар манфаатининг сотилиши тўғрисида большевикларнинг ўзлари жар солардилар. Бугун уларнинг ўзи ишчиларни овоз бериш ва ўз манфаатини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилишмоқда. Ишчиларни ҳар томондан сиқиб, уни эзмокдалар».

Ишчиларнинг оғир турмуш шароити Ўзбекистоннинг бошқа жойларида ҳам мавжудлиги ушбу ҳужжатда куйидагича кайд этилади:

1. Қарши станциясида ишчилар ертўла ва баракларда яшайди.

2. Сулукта конида улар юкхона ва чиркин ётоқхоналарда туришади.

3. Янги Дарғом канали ишчилари умуман егулик билан таъминланмаган. Улар озиқ-овқатни атроф қишлоқлардан қиммат нархга сотиб олишади. Кооперативларда спиртдан бошқа ҳеч нарса топилмайди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон РПДанинг «мутлақо махфий» тамгаси билан сақланган бошқа кўплаб ҳужжатларида ҳам ишчилар синфининг кайфияти, уларнинг совет ҳокимиятига муносабати кўрсатилган. Ушбу ўринда 1930 йил 16 июнга тегишли «А» серияли «Ишчиларнинг сиёсий кайфиятлари ҳақидаги маъруза битиклари» номли, ОГПУ ваколатли вакили Лангер томонидан тайёрланган ана шундай «мутлақо махфий» маълумотларнинг бирини келтириб ўтишни жоиз топдик. Бу ҳужжатда Андижон округидаги ҳолат куйидагича очиб берилади:

«Кейинги пайтларда ишлаб чиқариш корхоналарида хусусий бозорнинг қимматлашиши билан маошлар тўғрисида норозилик кузатилмоқда. Фақатгина паст ойлик оладиганлар эмас, 100 рублдан 200 рублгача юқори маош оладиганлар ҳам норозилик билдирмоқдалар. Бу ҳолат озиқ-овқат карточкасида белгиланган маҳсулотларнинг етишмаслиги билан, маҳсулот-

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 2-руйхат, 160-иш, 32-варақ.

ларнинг бир қисми хусусий савдогарлардан сотиб олинishi билан белгиланади...

Маоши камлар куйидагича норозилик билдиришмоқда: «Биз 1927 йили ойига 19–20 рубль олиб, ҳозиргидан яхши яшар эдик. Бир кунда атиги 80 тийинга бутун оила тўқ бўларди. Энди эса нонга ҳам пул етмайди». «Партия беш йиллик режани тўрт йилда бажариш шиори билан чиқмоқда. Бир бурда қора нон ва бир бўлак гўшт билан куч йиғиб бўлармиди? Агар ширни ҳаётга татбиқ қилмоқчи бўлсак, ишчиларни тўйғазиш керак. Иваново-Вознесенск ишчиларига ўхшаб мажлисларда қора нонни ок нонга алмаштириш талаби билан чиқиш керак». Бизда баъзи юқори малакали, ойига 150–200 рубль маош олувчилар ойлик етмаслиги ва катга оилали, кам маош олувчилар қандай яшашига ҳайрон қолишади. Бундай кайфият баъзи партия аъзоларида ҳам учрайди. Ёғ заводи партия ячейкаси котибининг «Нима учун сиёсий ўқишга бормаяпсан?» деган саволига партия аъзоси бўлган ишчи Анисимов шундай жавоб қайтарган: «Менда ҳозир ўқишгача анча бор. Ойлик етмаяпти. Овқат кидириш керак. Атроф қимматчилик. Шунинг учун ҳозир каллага ўқиш кирмаяпти». Бошқа партия аъзоси эса «Ҳозиргидек яшагандан кўра ўлган маъқул», дейди. Малакали ишчиларнинг ҳам партияли, ҳам партиясизлари орасида маошни оширишни талаб қилиш бир анъанага айланиб қолди. Андижон шаҳридаги 6-ёғ заводи ишчилари шартнома тузиш кампанияси олдидан маошни ошириш таклифи билан чиқмоқчилар...»<sup>1</sup>.

Ишчилар кайфиятига маош озлигидан ташқари ишсизлик мавжудлиги ва унинг ортиб бориши ҳам салбий таъсир кўрсатган. Ўзбекистон ССР Меҳнат халқ комиссарлигининг 1926 йилдаги статистик маълумотларига кўра, ишсизлик тезлик билан куйидагича ўсиб борган: «Афсуски, ЎзССРда ишсизликнинг оғишмай ортиб боришини қайд этиш лозим. 1 январда 9.914 нафар ишсиз бўлган бўлса, 1926 йил 1 апрелда уларнинг сони 75.071 нафарга ошган, яъни ишсизлар 15.157 нафар ёки

<sup>1</sup> ЎзРПДанинг Андижон вилояти хокимлиги филиали, 1-фонд, 1-руйхат, 51-иш, 182–186-варақлар.

153%га кўлайган. Бунга асосий туртки Марказий Россиядан ишсизларнинг оқиб келиши бўлган»<sup>1</sup>.

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши Президиумининг 1927 йил 3 январда бўлиб ўтган мажлисида Ўрта Осиёда ишсизликнинг ошиб бораётганлиги, меҳнат бозорида нотўғри маълумотлар тарқалганлиги боис марказий губерниялардан келган ишсизлар ҳисобига ҳаёт издан чиқаётганлиги ташвишланиб қайд этилган<sup>2</sup>.

Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларида бу даврда махсус ишсизлар уйлари ташкил қилинган. Фарғона шаҳридаги ишсизлар уйининг коменданти Ермаковнинг район партия комитетига 1928 йил 5 июлда берган маълумотномасида ишсизлик ва ишсизлар ҳақида шундай дейилади: «Ишсизлар уйидагиларнинг қуйидаги 50%и ижтимоий пролетар ҳаётдан узилиб қолган:

а) ахлоқ тузатиш зоналаридан чиққан маъмурий сургундагилар;

б) саёқ ва ишлашдан бўйин товлайдиганлар;

в) нашавандлар.

Бу 50% чиқиндилар қолган ишсизларни ҳам бузмоқда. Ишсизлар орасида маданий-тарбиявий ишни жонлантириш учун қуйидаги ишлар амалга оширилган: рус ва ўзбек тилларида газета, журнал ва китоблар, шахмат ва шашка келтирилди. Кино ва театрларга кунора текин обориш ташкил қилинди. Шунингдек, бошқа тадбирларга ҳам катта куч-ғайрат сарфланди. Бироқ ишсизлар уйидаги аҳвол яхшиланмади. Қиморбозлик, нашавандлик, ичкиликбозлик, муштлашув ҳар кунлик оддий ҳолга айланди»<sup>3</sup>.

Бу пайтда оддий ишчилар ўртасидаги норозиликлар Фарғона водийсида, хусусан, Андижон шаҳрида кучайиб кетган эди. Масалан, 1930 йил 15 июнда Андижон шаҳар партия комитетига йўлланган «мутлақо махфий» маълумотномада

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-руйхат, 2427-иш, 88–89-варақлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-руйхат, 4087-иш, 7-варақ.

<sup>3</sup> ЎзРПДанинг Фарғона вилояти ҳокимлиги филиали, 110-фонд, 3-руйхат, 37-иш, 5–7-варақлар.

Андижон округи ижроия кўмитасининг ташкилий бўлим бошлиғи муовини Абдуллаев бу ҳақда шундай ёзган:

«Олинган маълумотларга қараганда, Андижон шаҳридаги 6-ёғ заводи ишчиларини гушт, керосин ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашдаги узилишлар ишчиларнинг норозилигига сабаб бўлди. Ишчи Фёдор Мустряков ячеяка котибига бакирган: «Сизлар ўз мажлисларинг билан тўйдириб юбординглар. Бизни фақатгина мажлислар билан боқасиз. Керосин йўқлиги эса ҳеч кимни безовта қилмайди. Уйни иситишга ҳеч вақо йўқ». Маҳаллий ишчи Мирзаали Мирзабоев эса керосин сотишда нархдаги тафовутдан ранжийди. Дергоченконинг фикрича, «Бизда ҳукмронлик большевиклар партиясига тегишли, лекин партиянинг ўрнига ҳокимиятни касаба уюшмалари бошқариши лозим. Чунки большевиклар партияси ичида рост гапириш мумкин эмас». Ишчи Третьяков эса янада ўткир фикрларни айтган: «Раҳбарлик лавозимига партиясизларни тайинлаш керак, буни касаба уюшмалари ҳал қилиши лозим, ҳозиргидек партия эмас». Бундан ташқари, штатсиз 50 кишининг ишдан бўшатилиши ҳақидаги хабар уларнинг норозилигига сабаб бўлди. Ишчилар қуйидагича очиқ норозилик билдиришмоқда: «Бизни алдашмоқда, бу ерда фирибгарлар ишлайди». Бундан ташқари, ишчиларга ҳақ тўлашда ишчилар маошидан уриб қолиш, турли облигациялар бериш ва бошқа найранглар содир бўлмоқда»<sup>1</sup>.

Андижон ОГПУ бошлиғи Ореховнинг 1931 йил 3 декабрдаги оператив маълумотномаларида келтирилишича, Андижон шаҳридаги 6-ёғ заводининг қурилишида ишлаётган қурувчилар (600 киши) ўзларига оёқ кийими берилмаганлиги учун норозилик билдиришган. Озик-овқат ва кийим-кечак тарқатишдаги нуқсонлар туфайли норозиликлар кўп бўлмоқда<sup>2</sup>.

Тадқиқ қилинаётган даврда Ўзбекистондаги ижтимоий муаммолардан яна бири ишсизлик муаммоси ҳисобланади. Бу ҳолат ўша давр расмий ҳужжатларида ўз аксини топган. Ўзбекистон ССР Меҳнат халқ комиссарлигининг статистик

<sup>1</sup> ЎзРПДнинг Андижон вилояти ҳокимлиги филиали, 1-фонд, 1-руйхат, 51-иш, 203-варақ.

<sup>2</sup> ЎзРПДнинг Андижон вилояти ҳокимлиги филиали, 1-фонд, 1-руйхат, 47-иш, 28–29-варақлар.

маълумотларига кўра, республикада ишсизлар сони тинмай ошиб борган. ЎзССРда ишсизларнинг сони 1926 йил 1 январда 9.914 нафар кишини ташкил қилган бўлса, 1926 йил 1 апрелга келиб уларнинг миқдори 253 фоизга ошган ва 25.071 кишини ташкил қилган.<sup>1</sup> Ишсизлар сонининг бундай ошишига асосий туртки Марказий Россия губернияларидан ишсизларнинг Ўзбекистонга оқиб келиши бўлди. Волгабўйидаги стихияли ҳалокат туфайли 1926 йилнинг кузида ишсизлар сони янада ортади.

Ишсизлар оммасининг 1926 йил 1 апрелдаги таҳлили шуни кўрсатадики, улар орасида ҳеч қандай касби ва ҳунари йўқлар 45 фоизни, индустриал ишчилар 23 фоизни ташкил этган. Касаба уюшмасига аъзо бўлган ишсизлар сони 14385 нафарни, яъни умумий миқдорнинг 67,5 фоизини ташкил этган. Ишсизларга кўрсатиладиган бир ойлик таъминот миқдоридаги ёрдам 1-категория ишсизларга (қизил аскарлар ва малакали ишчилар) 15 рубль 90 тийиндан 21 рубль 90 тийингача, 2-категория ишсизларга 15 рубль 90 тийиндан 16 рубль 90 тийингача бўлган.<sup>2</sup> Ишсизларга бериладиган таъминот озлигидан у бирор нарса сотиб олишга етмас эди.

Тошкент шаҳридаги меҳнат биржасида бу пайтда 13000 ишсиз рўйхатга олинган. Улар шаҳарда намойиш уюштириб (25 июль), қора рангли байроқда «Иш бер, нон бер!» деб ёзиб чиққанлар. Бошқа шаҳарларда ҳам намойишлар бўлган. Расмий ҳужжатларда келтирилишича, ОГПУ Ваколатли вакиллиги томонидан кўрилган чора-тадбирлар туфайли бу намойишларнинг барчаси талафотсиз бостирилган.<sup>3</sup> Бу пайтда меҳнат биржаларининг фаолияти қониқарсиз бўлган. Бутуниттифок МИК томонидан 1927 йил 3 октябрда бу ҳолат эътироф этилиб, «Меҳнат биржаларининг ҳозирги аҳволи ишсизлар оммасига етарли даражада хизмат кўрсата олмаганликда» деб баҳоланган.<sup>4</sup>

Дарҳақиқат, ишсизларнинг аҳволи ўта оғир даражада бўлган. Тошкентдаги «қора меҳнат бозори» бир кунга фақат 15–

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 3145-иш, 151–152-варақлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 3145-иш, 153–154-варақлар.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РИДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 624-иш, 19-варақ.

<sup>4</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 4070-иш, 34–47-варақлар.



20 кишига иш топиб берган ва эвазига иш ҳақидан 15–20 фоиз чегириб колган. Иш кунни 13–16 соат давом этган ва унга дастлаб ҳатто 80–90 тийиндан ҳақ тўланган. Ишсизлар ўртасида рақобат ўта кучли бўлганлигидан бу ҳақ 45 тийинга тушиб колган.

1926 йил 28 сентябрдаги расмий маълумотларга қараганда, Тошкент ва Андижондаги кичик ва тор ётоқхоналар ишсизлар билан доимо лиқ тўла бўлган. Ётоқхоналарда турли ҳашаротлар урчиб кетган. Оғир иқтисодий аҳвол ва маиший турмуш ишсизлар ўртасида ичкиликбозлик, нашавандлик, ўғрилиқ, қиморбозлик, аёллар ўртасида эса бузуқликнинг тарқалишига олиб келган.<sup>1</sup>

Ўзбекистон ССРдаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол ҳақида ГПУ раисининг ўринбосари Астров томонидан юборилган инфор­мацион маълумотнома (1927 йил июль)да шундай фикрлар бор: «Бошланаётган қурилиш ишлари ишчилар кучининг ор­тиқча қисмини ўзига сингдирмоқда. Шу билан бирга, марказий губерниялардан ишчилар синфининг оқиб келиши давом этмоқда. Ишсизларнинг кайфияти таранг ҳолатда. Ишсиз Голоктиевнинг фикрича: «Билмадим, ҳозир коммунистлар меҳнат фронтида ғолиб чиқадиларми ёки йўқми? Ҳозир 1919 йил эмас. У пайтда қизил аскарлар большевикларнинг ваъдаларига ишонган эдилар. Энди коммунистларнинг ваъдаларига ишонмайдилар. Дехқонлар ҳам совет ҳокимиятига душманлик муносабатини сақлаб қоладилар. Чунки катта ваъдалар эвазига экишга яроқсиз 14 саржиндан ер ажратилди. Ҳосилдор ерлар эса совхозларга бўлиб берилди».<sup>2</sup>

Ўзбекистондаги ишсизлик кўплаб салбий ижтимоий ҳолатларни келтириб чиқарган. ЎзССР Советлари МИК Президиумининг йиғилиши (1929 йил 7–8 октябрь)да «аёллар ўртасида бузуқлик ва фоҳишалиқ мавжуд бўлишининг асосий манбаси сифатида аёллар гуруҳи социал-иқтисодий жиҳатдан таъминланмаганлиги», деб эътироф этилган.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 2-руйхат, 160-иш, 35–40-варақлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 2-руйхат, 160-иш, 58-варақ.

<sup>3</sup> Фарғона вилояти давлат архиви, 121-фонд, 2-руйхат, 27-иш, 2-варақ.

Ўзбекистон Компартиясининг барча округ коммунистларига 1928 йил 24 июнда йўллаган директив хатида ишсизлик муаммоси ва унинг оқибатларига муносабат масаласи хусусида гапирилади. Директив хатда кўрсатилишича, ишсизларнинг талабларига етарлича эътибор қилмаслик, улар билан қўпол муомалада бўлиш, иш тақсимотининг нотўғрилиги, ўз хизмат вазифасини суинистёмол қилиш ишсизларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлмоқда. Уларнинг сабр-косаси тўлғач, баъзи ҳолларда уюшган фаол норозиликлар амалга ошмоқда. Меҳнат биржалари бундай ҳолатларни йўқотиш ўрнига бирор ҳодиса юз берса маъмурий чораларни кўришга югургилаб қолишадик, бу аҳволни янада чигаллаштиради. Ҳозирги даврда ишсизларнинг сиёсий аҳволи кескин бўлиб турибди. Аксилинқилобий ташвиқот олиб борилмоқда ва норозилик чиқишлари учун тайёргарлик жараёни кетмоқда.<sup>1</sup>

Архив ҳужжатларида Фарғона водийсида ишсизликнинг ҳолати тўғрисида кўплаб маълумотлар мавжуд. Ана шундай ҳужжатларнинг бирида Андижон округи ҳақида сўз кетади. Андижон округи ОПТУ махсус бўлим бошлиғи ўринбосари Ефимовнинг ҳисоботида қўйидаги фикрлар мавжуд: «Андижонда ишсизларга ёрдам нафақа ва текин тушлик тарзида амалга оширилмоқда. Ишсизларнинг 70 фоизи нафақа олмоқда, 60 кишилик текин тушлик эса ишсиз бинокорларга тарқатилмоқда. Ишсизлар орасидан совхозларга ишлаш учун жўнатилмоқда, баъзи ҳолларда улар совхозларда меҳнат арзон баҳолангани учун (қунига 2 рубль 60 тийин) ишдан бош тортишмоқда. Ишсизлар орасида совхозларга қарши ва бошқа антисовет ташвиқоти кузатилмоқда. Ишсизлар айтишмоқда: «Биз бу ерга хўжалигимизни ташлаб, яхши ишлаш учун келдик. Икки рублга хўжаликни тиклаб бўлмайди. Совхоз ишчиларига арзмаган озиқ-овқат беришади. Гўшт ва турар жой йўқ. Сов-хозларга боргандан кўра келишиб шаҳарда ишлаган маъқул». Озиқ-овқат етишмаслиги натижасида баъзи ҳолларда кулоқлаш-тириш масаласида норозилик билдиришмоқда. Уларнинг фикри-ча, «Совет ҳокимияти кулоқлаштириш ниқоби остида деҳқонлар

<sup>1</sup> ЎзРПДнинг Фарғона вилояти ҳокимлиги филиали, 110-фонд, 3-руйхат, 37-иш. 1-2-варақлар.

жамоасини топтади», «Сталин ўзининг атрофидагилар билан ишчи ва деҳқонларни қашшоқликка етаклаб келди. Улар нимаики хоҳласалар шуни қилмоқдалар», «Бундай ҳокимиятдан чет элга қочиб қутулган маъқул. Россияда тартиб йўқ», «Совет ҳокимияти ҳатто бозорларда қатъий нархни ўрната олмайди». Хуллас, ишсизлар орасида суҳбат ва тушунтириш ишлари олиб борилмайди».<sup>1</sup>

Бу ҳолат фақат Фаргона водийсида (Фаргона ва Андижон округларида) эмас, республиканинг бошқа округларида ҳам кузатилади. Бошқа бир архив ҳужжатида Самарқанд округидаги ҳолат тўғрисида куйидаги маълумотлар мавжуд:

«Самарқанд округида ЎзССР Меҳнат халқ комиссарлиги томонидан жамоат ишлари учун бериладиган иш ҳақи 4,5 рублдан атиги 2 рублга тушиб қолганлиги учун ишчилар сони камайиб кетди. Шунингдек, ишсизлик учун Самарқанд округи маҳаллий бюджетидан ажратилган 15000 рубль маблағ кам эканлигини қайд қилиб ўтиш лозим. Ишсизларни қайта рўйхатдан ўтказиш етарлича самара бермаслиги боис страхование кассасидан пул олувчиларнинг айримларини қисқартириш ҳисобига янада ночорроқ ишсизларни қўллаш Меҳнат халқ комиссарлигига таклиф қилинди».<sup>2</sup>

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси томонидан республика Компартиялари Марказий Комитетлари ва автоном обкомларга йўлланган циркулярда кўрсатилишича, охириги пайтларда хўжалик органларига ишсиз коммунистларга кўмак бериш мақсадида моддий солиқлар солинмоқда. Бундан ташқари, хўжалик органлари ва қорхоналарда ўзаро партиявий ёрдам комиссиялари тузилди. Бу ҳолат низомда кўрсатилмаганлиги сабабли хўжалик органларига бундай солиқ солишга йўл қўйиб бўлмайди.<sup>3</sup>

Бундан ташқари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан бериладиган ёрдам қатъий меъёрга

<sup>1</sup> ЎзРПДанинг Андижон вилояти ҳокимлиги филиали, 1-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 197–198-варақлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 2-рўйхат, 8-иш, 327-варақ.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 597-иш, 1-варақ.

солиниб, унинг ошиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмаслиги ҳақида қарор қабул қилинди.<sup>1</sup>

Ўзбекистон ГПУ раисининг ўринбосари Астровнинг 1927 йил 10 декабрдаги «Ўта махфий» маълумотларида кўрсатилишича, Самарканд, Фарғона, Бухоро ва Сурхондарё округларида кўп сонли ишсизлар қайд этилган. Ишсизлар орасидаги гап-сўзлар ўткирлашиб, сиёсий тус олмақда. Масалан, Самарқанд округининг ишсизлари фикрича, «Нима бўлганда ҳам бизга яхши бўлмайди, сабаби ҳокимият ҳокимиятлигича қолмоқда». Фарғона округида эса айтишмоқда: «Ҳамма жойда ва ҳамма пайт саноат ишлаб чиқариши урушдан аввалги даражага етди, деб гапиришмоқда. Бу ҳақиқат эмас. Акс ҳолда шунча ишсизлар армияси қаердан келарди». Ўрта Зарафшон округида ишсизлар айтишмоқда: «Ҳар бир совет ходими, хусусан, Ўрта Осиё раҳбарлик идораларидагилари ўзларини «катта амалдор»дек тутишади. Ҳали вақтлар келади, 1917 йилда буржуйларни қандай ағдарган бўлсак, совет ходимларига ҳам шундай хужум қиламиз», «Фуқаролар уруши пайтида олтин погонли офицерлар ва буржуйларга зарба берганмиз, эндиги бўладиган урушда комиссарлар билан жанг қиламиз. Комиссарлар ҳам оқ гвардиячиларнинг ўзи, фарқи уларнинг поғони елкасида бўлса, буларники ёқаларига ёпиштирилган». Ишсиз Шукур Мўминовнинг айтишича, «Оилам бир бурда нонга зор. Агар тез орада иш топиб берилмаса, партия билетимни топшираман». Барча ишсизлар орасида куйидаги фикрлар кенг тарқалган: «Советларни қон тўкиб ташкил қилдик. Қани озодлик, тенглик, фаровонлик? Нима учун кимдир тўқ, кимдир оч яшаши керак? Муҳолифат кучларига сўз эркинлиги берилса, аҳвол яхшиланади»<sup>2</sup>.

Меҳнат биржасининг ишсизлар<sup>3</sup> рўйхатида зиёлилар ҳам кўпчиликни ташкил этган. Уларнинг орасида ҳам норозилик кучли бўлган. Зиёлиларнинг ўзаро суҳбатидан куйидаги парча «мутлақо махфий» маълумотларда келтирилади: «Мана бизда хорижий мамлакатларнинг ишчилар делегацияси айланиб

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 2-рўйхат, 147-иш, 2-варак.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 3-рўйхат, 830-иш, 3–20-вараклар.

<sup>3</sup> Ўзбекистонда ишсизлик фақат 1934 йили тугатилди.

юрибди. Уларга ҳақиқий аҳволни кўрсатдикми? Йўқ, биз хорижликларга ишсизлар орасида юриш ва улар билан суҳбатлашишга йўл қўймадик. Турмушимизнинг ҳақиқий қиёфасини кўрсатганимизда ҳеч бўлмаса хорижда биздаги аҳволнинг яхши ёки ёмонлигини билишарди. Бунинг ўрнига инқилобдан кейин аслида бўлмаган «афсонавий ютуқларимиз»ни уларнинг бурни остига тикиштирдик»<sup>1</sup>.

Марказ томонидан коллективлаштириш сиёсатининг зўравонлик билан амалга оширилиши, индустриаллаштириш сиёсатининг жадаллашуви, ўзига тўқ деҳқон хўжалиklarининг кулоқ сифатида сургун қилиниши, пахта монокультураси сиёсати натижасида 1929–1930 йилларда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларида, шу жумладан, Ўзбекистон ССРда ҳам яна очарчилик бошланди. Бу гал очарчилик минтақанинг аввал бўлмаган худудлари (Хоразм ва Бухоро)га ҳам таҳдид солди. Ана шундай шароитда совет давлати очарчилик чанғалида қолган ўз аҳолисини боқиш ўрнига катта миқдордаги ғаллани экспорт қила бошлади.

Ғалла экспортининг бош ташаббускори бўлган И.В. Сталин 1930 йил август ойида хорижга 130–150 млн пуд ғалла чиқаришни буюрди. Сиёсий бюро топшириқни максимал тарзда бажаришни талаб қилди. 1930 йил 6 сентябрда портларга 1 600 000 тонна (100 млн пудга яқин), 25 сентябрда эса октябрь ойи учун 135 млн пуд ғалла жўнатишга қарор қилинди. 1930 йил октябрь–ноябрь ойларида 2 млн тонна ғалла экспорт қилиниши, 1931 йилда эса ғалла тайёрлаш 117 млн пудга етказилиши лозим эди. Бундан ташқари, 1000 вагон парранда гўшти ва 506 вагон тухумни экспорт қилиш белгиланди. Ғалла экспорти кетидан кувиш шундай шиддатли эдики, жанубий портлардан кунора 950 вагон ғалла хорижга жўнатилади. Шундай қилиб, 1934 йилнинг биринчи ярми учун ғалла экспорти миқдори 100 млн пудга етказилди.<sup>2</sup> 1932 йилда экспортнинг валюта тушуми куйидагича бўлди: ғалладан 167 млн рубль, нефтдан 859 млн

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 3-руйхат, 830-иш, 2-варақ.

<sup>2</sup> Гинцберг И. Массовый голод в сочетании с экспортом хлеба в начале 30-х годов. По материалам особых папок Политбюро ЦК ВКП(б) // «Вопросы истории», 1999, №10. – С. 119–126.

рубль, ёғоч маҳсулотларидан 91,7 млн рубль ва х.к. Ваҳоланки бу даврда расмий статистиканинг ўзи ғалла етишмовчилигини, яъни яққол очарчиликни кўрсатиб турса ҳам хорижга ғалла сотилган.<sup>1</sup>

Халқ очликдан қирилайётган бир шароитда совет давлати миллион-миллион тонна ғаллани арзимас нархларда хорижий давлатларга сотган. Ана шундай шароитда Ўзбекистон ССР ХКС раиси ўринбосари Дунаев СССР МИК, Пахта Бош қўмитаси ва Ўрта Осиё ғалла кооперативи (Средазхлеб)га 1930 йил 3 майда юборган телеграммасида Хоразм округидаги аҳволни қуйидагича тасвирлайди:

«Хоразм округида ғалла ва жўхорининг нархи 8–10 рублга кўтарилиб кетди. Пахта қўмитаси тақсимлайётган ғалла пахтакорларнинг маълум бир қисмига етаяпти, холос. Қолган аҳоли эса очарчиликни ўз бошидан кечирмоқда. Хоразмдаги фавкуллода оғир шароит ҳақида сизларга кўп марта мурожаат қилишимизга қарамай, ҳеч қандай чора кўрилмаяпти. Жиллақурса тезлик билан 50000 пуд буғдой ва 10000 пуд жўхори юборишингизни сўраймиз».<sup>2</sup>

Ўша даврга оид бошқа бир архив ҳужжатида ҳам Хоразмдаги очарчилик тўғрисида сўз боради: «1930 йилда Хоразмдаги таъминотнинг ёмонлашуви очарчилик хавфини туғдирди. Апрель ойида район очарчилик нормасига ўтказилди. Ишчи ва хизматчиларнинг оиласи, болаларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда – 7000 киши нон олишмади. Аҳолининг оммавий кўчиб кетиш хавфи пайдо бўлмоқда».<sup>3</sup>

Москвага берилган «Г» литерли, 1930 йилга оид бошқа бир телеграммада эса Бухоро ва Сурхондарё округларидаги ҳолат кўрсатилган: «Озиқ-овқат танқислиги натижасида норозилик чиқишлари содир бўлмоқда. Бойсун туманида 200 кишилиқ деҳқонлар оломони кооператив дўконни бузиб ташлади, ходимлар қалтакланди. Шундай ҳолат Бухорода ҳам бўлиб ўтди.

<sup>1</sup> Қаранг: ЎзМДА, Р-86-фонд, 4123-иш, 340-варақ; ЎзМДА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 1171-иш, 9-варақ.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РИДА, 58-фонд, 7-рўйхат, 604-иш, 33-варақ.

<sup>3</sup> Ўзбекистон РИДА, 58-фонд, 7-рўйхат, 604-иш, 44-варақ.

Таъминотдаги аҳвол ўта кескин бўлмоқда. Тез чора кўришин-  
гизни сўраймиз».<sup>1</sup>

1933 йилда бутун мамлакатда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам аҳвол оғирлашиб кетди. Ишчилар синфи коммунистларнинг ваъдаларига ишонмай кўйди. Бу ҳолатни юқори совет ва партия ташкилотларига ишчилар томонидан ёзилган турли шикоятлар ва арзномаларда яққол кўриш мумкин. Архив ҳужжатларида ана шундай шикоятномалар кўплаб сақланиб қолган. Ўша давр руҳини очиб берадиган, энг характерли шикоятномалардан айримларини ушбу ўринда келтириб ўтишни жоиз деб топдик.

Ишчи Андреев шикоятидан: «Бу қандай замон бўлдики, оч ўтиришга тўғри келмоқда. Бериладиган нон очимдан ўлиб қолмаслик учунгина етади. Инқилобнинг биринчи йилларида яхши таъминлашарди. Энди ҳокимиятни найзалар билан мустаҳкамлаб олишган, ҳеч нарса қилиш мумкин эмас. Ҳатто бирор нарса десанг, дарҳол оғзингни ёпишади».

Асбоблар цехи бригадири Новиков арзи-ҳолидан: «Биз Совет ҳокимияти учун ишлаймиз. Бунинг эвазига советлар бизга нима бермоқда? Ахир улар бизни мутлақо таъминламаяпти-ку».

Цех мастери Белоусовнинг арзномасидан: «Тез орада биз қора байроқ кўтариб, амалдорлар олдига борамиз. Нон берасан ёки сизларни ер юзидан супуриб ташлаймиз, деб айтамиз. Иккинчи инқилобни амалга ошириш керак. Агар аҳвол келгуси йилгача шундай давом этса, иккинчи инқилоб сўзсиз бўлади».

Токарь Зарубиннинг шикоятидан: «Хўш, бу аблаҳлар нима қилмоқда? Ахир ейишга ҳеч вақо бермаганидан кейин халқ оч юради-да. Бозордан ҳеч нарса сотиб ололмайсан. Кооперативлар терингни шилиб олишади. У газандалар нархларни туширгунча биз ишчиларни гўрга тикмоқчи»<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, бундай антисовет ва антипартиявий чиқишларда, аслини олганда ишчиларнинг совет режимидан норозилик кайфиятларида нафақат янги ишчиларнинг, балки узоқ йиллик иш тажрибаси ва касаба уюшмаси аъзоси бўлган коммунистларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлган. «Ташсельмаш»

<sup>1</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-руйхат, 264-иш, 2-варак.

<sup>2</sup> Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 8-руйхат, 305-иш, 20–50-вараклар.

заводида 1933 йил сентябрь ойида 8 марта, октябрда 20 марта (биттаси қўзғолончилик характерида), ноябрь ойида 30 марта, декабрда 11 марта иш ташлаш ва намоёнлар ўтказишга чақирувчи норозилик чиқишлари бўлган. Шу билан бирга, норозилик ҳолатларидан қўзғолонга айланиш ҳолатлари ҳам бўлган. Бу чиқишларда оддий коммунистлар ҳам фаол қатнашган.<sup>1</sup>

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ССР ташкил топган дастлабки пайтлардан бошлаб республика иқтисодиётининг бошқариш тизими Марказ манфаатлари асосида ташкил қилинди. Бунинг учун Туркистон АССР мавжуд бўлган 7 йиллик давр (1918–1924 й.) тажрибасидан, минтақада совет ҳокимиятининг иқтисодий асосларини вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш даври тажрибасидан ҳам унумли фойдаланилди.

Ўзбекистон ССРда иқтисодий бошқарувнинг Марказ халқ хўжалик тармоқлари манфаатларига бўйсиндирилиши энг аввало ҳукумат фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети фаолияти доимий равишда партия назорати остида бўлди. Ўзбекистон иқтисодиётининг марказлаштирилишида Марказнинг минтақадаги ваколатли ташкилотлари билан биргаликда Ўзбекистон Компартияси асосий ишни бажарди. Саноатни индустриаллаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш жараёнида жиддий хатоларга йўл қўйилди. Хусусан, ўзига тўқ деҳқонларнинг қулоқ сифатида тугатилиши машъум роль ўйнади.

Марказ иқтисодий сиёсатининг асоратлари натижасида Ўзбекистондаги ижтимоий муаммолар тобора кескинлашиб борди. Ўз мол-мулкидан айрилган деҳқонлар ҳамда зиёлилардан ташқари йирик шаҳарлардаги ишчилар ўртасида совет ҳокимиятидан норозилик кучайди. Ишчиларнинг норозилик чиқишлари ва турли ғалаёнлар совет режими томонидан аёвсиз бостирилди. Бироқ бу ҳолат муайян давр мобайнида мавжуд бўлган ишчилар ўртасидаги норозиликни, ишсизликни, очарчиликни, қимматчилик ва қаҳатчиликни йўқота олмади. Аксинча, иқтисодиётдаги хатолар ижтимоий соҳага ҳалокатли таъсир кўрсатди. Ўзбекистон ССР фақат Иккинчи жаҳон уруши

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон РИДА, 58-фонд, 8-руйхат, 305-иш, 45–60-варақлар.



арафасида барқарор сиёсий ва иқтисодий тараққиёт йўлига кирди. Бироқ Германиянинг СССРга қарши агрессияси, фашизм билан коммунизм ўртасидаги аёвсиз кураш Ўзбекистондаги тинч ҳаётни тўхтатиб қўйди. Ўзбек халқи фарзандлари ҳам Германия фашизмга қарши ҳаёт-мамот курашига отландилар.

## ХУЛОСА

Ўзбек халқининг совет даврида кечирган 75 йиллик тарихи аллақачон ўтмишга айланди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида мамлакатни модернизация қилиш ва жамиятни демократлаштириш жараёни қизгин кечмоқда. Мустақилликнинг дастлабки икки ўн йиллигида юртимизда амалга ошаётган улкан ўзгаришлар фикримизнинг исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси (28.01.2005 й.)даги нутқида инқилоблар ва унинг оқибатларини қуйидагича кўрсатиб ўтди: «Маълумки, инқилоблар, одатда, ҳамма даврларда ҳам зўравонлик, қон тўкиш ва аждодлар яратган барча нарсани жоҳиллик билан вайрон қилиш воситаси ва қуроли бўлиб келган.

Ақидапарастлик эса, у қандай қиёфада бўлишидан қатъи назар – бу диний ақидапарастлик бўладими ёки коммунистик ақидапарастлик бўладими – ўз мафқурасига, қарашларига мос келмайдиган ҳамма нарсани инкор этади ва «кимки биз билан эмас экан, у бизга қарши» деган тамойил асосида ҳаракат қилади».<sup>1</sup>

Октябрь тўнтариши Россия давлатига иқтисодий, сиёсий, социал зарба берди. Шунинг учун бир гуруҳ тарихчилар уни ижтимоий қиёматга ўхшатишади. Совет давлатчилиқ институтларининг ибтидосидан интиҳосигача темир интизом, ҳарбийча бошқарув элементлари, ўн йиллар давомида жазо отрядлари системаси мавжуд бўлиб келди. Бироқ СССРдаги умумхалқ саводхонлиги, медицина, фан ва техника инқилоби, саноатлаштириш каби ютуқларни ҳам инкор қилиб бўлмайди. Шунинг баробарида режа кетидан қувиш, капитал фобия туфайли жамиятни бирхиллаштириш, асрий миллий ва диний эътиқодларни унутиш, экологик фожиалар ҳам совет жамиятидан мерос қилиб олинди.

---

<sup>1</sup> Каримов И. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 42-б.

Буларнинг барини кескин инкор этмаган ҳолда тадқиқ этилаётган даврда «халқлар турмаси» бўлмиш Россия, кейинчалик СССРнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи оғир кечганлиги асосий омиллардан бири бўлганлигини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Россия империясида сиёсий ва психологик зўриқиш бир нуқтага тўпланиб қолди. Кучларни бундай йўналтиришда зиёлиларнинг хизматлари ҳам бор эди.

Россия империяси маъмурлари билан маҳаллий тўралар ўртасида билинар-билимас тўсиқ бўлгани баробарида барча ҳудудлардаги инқилобий кучлар интернационаллашиб борди. Аҳолининг кўпчилик қатламига мос келадиган шиорларни, ваъдаларни топишда, нисбатан тезкор ҳаракат қилишда большевиклар илғор эди. Курашларда йўқотилган кучларни қашшоқлик гирдобидидаги йўқсуллар кундан-кун тўлдириб борарди.

Туркистонда аҳвол бундан ҳам оғир бўлди. Аввало, ўлкада ҳеч қандай инқилобий кучларнинг учқуни ҳам бўлмаганлиги баробарида диний эътиқод, маҳаллий урф-одатлар ўта кучли эди.

Большевиклар инқилобининг жанговар кучи бўлган европалик ишчилар синфи мустамлакачилик «шарбати»ни тотган ва бунга мойил эди. Маҳаллий миллатлар орасида эса инқилобий ғоялар кенг тарқалмади. Миллий масала ҳаётий зарурият эди. Марказ вакили Г. Сафаров таъбири билан айтганда, инқилоб даврида маҳаллий миллатларга озодлик ва нон зарур эди. Туркистонда большевиклар партияси совет ҳокимияти зарурияти туфайли ташкил этилди. Айнан шу жиҳатнинг ўзи марксизм-ленинизм ғояларининг буткул тескарсиси эди.

Марказ Туркистон ўлкасини бошқаришда, таъбир жоиз бўлса, янгича бошқарув услубини қўлади. Марказнинг Туркбюро, Турккомиссия, Средазбюро, ТуркЭКОСО, Средаз-ЭКОСО ва қатор ташкилотлари ўлкани иқтисодий барқарорлаштиришда қисман бўлса ҳам ўз хизматларини кўрсатишди. Аммо бундан пировард мақсад ўлкани хом ашё базаси сифатида тутиб туриш эди. Буларга гувоҳ бўлган Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси, қисқа вақт бўлса-да, мустамлакачиликка зарба беришга уринди. Улар ўлка халқлари

манфаати йўлида ижтимоий-сиёсий ҳаракатларни амалга оширдилар.

Аслида большевиклар партияси Россияда якка ўзи ҳокимиятни қўлга киритмаган. Инқилоб меньшевиклар, эсерлар, кадетлар, народниклар, бакунинчилар, анархистлар томонидан тайёрланган эди. Аммо большевиклар инқилобдан аввалги ва кейинги ижтимоий-сиёсий ташкилотлар вакилларини, оппозициядаги барча кучларни сиёсий майдондан сиқиб чиқарди ва жисмонан қагағон қилди.

Мамлакатдаги реал сиёсатни амалга оширишда нафақат давлатдан, балки ўз партиясидан ҳам яширин иш юритиш тизими бу ҳокимиятни амалда бир қолипга сиғмайдиган чексиз ҳуқуқлар соҳибига айлантирди. Бу ҳокимият чиндан ҳам чексиз бўлиб, унинг яққол шаклу шамойилини қандай қарор ва усуллар қабул қилиниши бўйича аниқ белгилаб бўлмас эди.

«Партия диктатураси» сиёсатини амалга ошириш ва ҳокимиятнинг янги механизмини мустаҳкамлаш СССР ташкил этилиши билан бир вақтда кечди. Бу бир жараённинг икки томони эди. СССР номли унитар марказлашган давлатнинг ташкил топиши билан барча республикалар тўғридан-тўғри иттифокдаги марказий органлар бошқарувига тушиб қолдилар. Партия юқори табақасининг кўрсатмалари миллий республикалар компартиялари МКлари учун мутлақо мажбурий тусга эга эди.

Бу даврда «партия диктатураси» сиёсатининг амалга оширилишида иккинчи йўналиш партия комитетларининг Советлар устидан ҳукм юритиши бўлди. Бу Советлар ҳокимиятининг амалда тугатилишини билдирар эди. Сталин ўз ҳокимиятига Советларни бир шакл сифатида киритди, холос. Аммо бу тизимда Советлар ҳеч қандай роль ўйнамадилар. Советлардаги бошқарув аввало уларнинг ижроқўмларига, сўнгра ижроқўм президиумларига берилди ва охир-оқибат ижроқўмлар партия комитетларининг тўлиқ измига туширилди, яъни амалда уларнинг соясига айланди.

Бу энди партия-давлат эмас, балки партиявий давлат бўлиб, партиявий аппарат давлатни тўлиғича ютиб юборди, натижада ўзи ҳокимият структурасига айланди. Янги сиёсий тизим қатъий марказлашган структурани намоён қилиб, партия

комитетларининг иерархияси унинг каркасини вужудга келтирди. Худди шундай иерархия структурасида курилган совет, хўжалик, профсоюз, комсомол, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар партия комитетлари иерархиясидан доимий андоза олдилар ва ўз навбатида унинг доимий назоратида бўлдилар.

Туркистон АССРда совет ҳокимияти мустаҳкамлангач, 1920 йилда Марказ қизил армия найзалари остида Хива хонлиги ва Бухоро амирлигини ағдариб ташлади. 1920–1924 йилларда расман РСФСР ёки СССРга кирмаган Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикаси фаолият кўрсатди.

Ўрта Осиё республикаларида советча бошқарув тизими ўрнатилгач, Марказнинг ваколатли органлари бу республикалар худудларида фаолият кўрсатдилар. Улар аввал РСФСР, кейин СССР манфаатлари учун астойдил хизмат қилди.

Бошқарув тарихида илк бор иш бошлаган бундай сиёсий ва иқтисодий бошқарув институтларининг энг асосий оғрикли нуктаси саводли, тажрибали ходимлар етишмаслиги бўлди. Бу ташкилотларнинг функционал вазифаларида аниқ чегаранинг ўзи йўқ эди. Бундай ҳол «ҳарбий ҳолат»даги барча жараёнларга тегишлидир. Туркбюро, Ўрта Осиё бюроларининг аксарият йиғилишларида иқтисодий масалалар ҳам кўрилиб, қарорлар қабул қилинган. Аксинча, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ўз мажлисларида сиёсий масалани ҳам четлаб ўтмаган.

Марказ ваколатли органлари ичида ҳам ҳарбий, ҳам сиёсий ва ҳам иқтисодий соҳаларни қамраб олган ўлка «хўжайини» – бу Туркистон комиссияси (Турккомиссия) бўлди. Турккомиссиянинг фаолиятидаги мустамакчилик кўринишлари миллий сиёсий раҳбарлар томонидан танқид қилинди. Йўқ-силларни ҳимоя қилиш ғоясига оз бўлса ҳам ишонган шундай матонатли, эрксевар миллий раҳбар коммунистлар совет режими томонидан Иккинчи жаҳон урушигача бир неча босқичда жисмонан маҳв этилдилар.

ТАССР, БХСР ва ХХСР конституциялари, СССР таркибига кирган Ўрта Осиё республикалари ҳамда улар таркибидаги автоном совет социалистик республикалари конституциялари, жумладан, Ўзбекистон ССР Конституцияси

кўриб чиқилди. Тарихийлик нуқтаи назаридан кўрилган ва таҳлил этилган ушбу кўп сонли конституциялар аввал РСФСР, сўнгра СССР конституциялари асосида ёзилганлигини таъкидлаш лозим.

Янги иқтисодий сиёсат узоқ давом этмаган бўлса-да, иқтисодий ўсиш кузатилди. Совет ҳокимиятининг иқтисодий сиёсати пировардида Ўзбекистон ССРда саноатнинг вужудга келишига асос солди. Шу йилларда мутлақо янги саноат корхоналари ишга тушди. Бу даврда 191 та завод ва фабрикалар иш бошлади.

Пахтачилик майдонлари ғаллачилик ҳисобига ошиб борди. Таниқли давлат арбоби Ф. Хўжаев таъкидлаганидек, «Америка ва Англия ҳукуматлари четга пахта сотишни тўхтатиб, ўзларида уни қайта ишлашга киришиши» ва америка пахтасининг олтин ва валюта ҳисобидаги нархи ҳам ошиб кетиши Марказни Ўзбекистонда пахта монокультурасини амалга оширишга ундади. Бунинг натижаси ўлароқ XX аср 20-йилларининг охири ва 30-йилларининг ўрталаригача бутун СССРда бўлиб ўтган очарчиликнинг янги тўлқини оғир кулфатларидан Ўзбекистон ССР аҳолиси ҳам четда қолмади.

Марказнинг ваколатли органлари Ўзбекистоннинг барча жабҳаларини тўрдек ўраб олди. Аҳолини бошқаришда карточка тизими йўлга қўйилди. Булар қаторида бюджет тақсимоти ҳам роль ўйнади. Саноатлаштириш суръатлари ошиб бориши баробарида бюрократик аппарат ҳам кенгайиб, «главкизм» урчиб кетди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки ўн йилликларида Ўзбекистон бутунлай аграр ўлкадан аграр-саноатлашган ўлкага айланиши борасида муҳим қадам қўйилганлигини эътироф этиш лозим. Бунинг натижасида Иккинчи жаҳон уруши арафасида республикада саноат корхоналари сони 1445 тага кўпайди. Ўрта Осиё республикаларини аграр-чорвачилик минтақаларига айлантиришга қарор қилинди.

Ўзбекистонда янги саноат корхоналарининг барпо этилиши ва қишлоқ хўжалиги экстенсив йўл билан ривожлантирилиши ҳам бу даврда ишсизликка барҳам бера олмади. Ўзбекистонда ишсизлик XX аср 30-йилларининг охиригача ўткир муаммо бўлиб турди.

Колхозлаштириш партия раҳбарларининг иккиюзлама-чилик сиёсатини яққол кўрсатди. ВКП(б) МКнинг яширин директиваларида, циркуляр ва «К» литерли хатларда 100% коллективлаштириш талаб этилади. Бунинг учун «боши билан жавоб бериш» таъкидланади. Аммо партиявий сиёсат аҳолининг қаҳр-ғазабини кўзгатиб, намойишлар тўлқини бошланди. Устига устак, ўша даврларда ВКП(б) МКнинг расмий қарорларида партия сиёсатини маҳаллий раҳбарлар, коммунистлар ёки «халқ душманлари», «бузгунчилар» бузганлиги айтилади. Бундай салбий ҳолатни тўғрилаш учун аввалгидек «бош билан» жавоб бериш талаб қилинади. Аммо шу ўринда маҳаллий шароитда Марказ истаклари бузилганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Аммо шуни ҳам унутмаслик лозимки, маҳаллий кадрлар орасидаги саводсизлик, тажрибасизлик, ўз манфаатини кўзлаш зиддиятларни кучайтирди ва катта қурбонлар бўлишига олиб келди. 1931 йилнинг ёзидаёқ 56,7% хўжалик колхозларга бирлаштирилиб, 1933 йили уларнинг миқдори 99,55%га етди. Бунинг эъзига колхозлар Ўзбекистон ССРда етиштириладиган пахта толасининг 89,7%ини тайёрлади. Шунинг баробарида кулоқларни синф сифатида тугатиш фожиалари юз берди (бу даврда Ўзбекистонда 17 та концентрацион лагерлар ташкил этилган).

Ишчилар ва деҳқонлар синфи маълум бир пайт зиёлиларга қарши қўйилди. Маданий инқилоб туфайли барча ижтимоий ютуқлардан, инсон ақлий меҳнати маҳсулидан нафратланиш содир бўлди. Жойларда ўтказилган партиявий текширувда бир неча районларда бирорта топшириқ бажарилмагани аниқланган. ВКП(б) МК Контроль Комиссияси ва ОГПУ ҳисоботларини ўқир экансиз, халқ фақат кучли назорат ва шiorбозлик ҳисобига ушлаб турилгандек тасаввур туғилади. Иш ташлашлар сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, улардан бошқарувда норозилик, ёлғон ваъдалардан тўйиб кетганлик акс этган.

Ишчилар учун яратилган шароит ўта оғир эди. Ишчилар мажлисларда совет ҳокимияти ва касаба уюшмалари уларни буржуа вакилларида ҳам кўпроқ эксплуатация қилаётганлиги тўғрисида очик гапирганлар. Партия юқори доираларида эса гуруҳбозлик, ўрта бўгин партия аъзолари ўртасида порахўрлик, маишлатбозлик, мансабпарастлик авж олди.

Ўзбекистон ССР тарихи СССР тарихи билан узвийликда ўрганилар экан, бу даврда партия яккахукмронлиги қизил ип бўлиб ўтишини кузатамиз. «Бутунжаҳон инқилоби» содир бўлмагач, перманент революция атамаси маъносини йўқотди. Бир мамлакатда инқилобни амалга ошириш эса марксизм гояларида дастлаб кўзда тутилмаган эди.

Советлар бошқарувида «де-юре» билан «де-факто» орасида фарқ катта бўлган масалалар анчагина эди. Шунинг учун мақсадга мувофиқлик тенденцияси – «мақсад – воситани оқлайди» деган қоида барча бўғинларда қўлланиб келинди.



## ФҲЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари

1.1. *Каримов И.* Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 367 бет.

1.2. *Каримов И.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққийт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 328 бет.

1.3. *Каримов И.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998. – 32 бет.

1.4. *Каримов И.* Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 687 бет.

1.5. *Каримов И.* Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 бет.

1.6. *Каримов И.* Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 бет.

1.7. *Каримов И.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 бет.

1.8. *Каримов И.* Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация килиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. Т. 18. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 280 бет.

1.9. *Каримов И.* Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққийтининг асосий мезонидир. Т. 19. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 360 бет.

1.10. *Каримов И.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440 бет.

### II. Ёлон қилинган ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари

2.1. Мусбуро РКП(б) в Туркестане. 1, 2 и 3 Туркестанские краевые Конференции РКП(б) 1919–1920 гг. с введением тов. Рыскулова. – Т.: Туркгосиздат, 1922. – 94 стр.

2.2. Первая экономическая конференция Среднеазиатских республик – Туркестана, Бухары и Хорезма. 5–9 марта 1923 г. Стенографический отчет. – Т.: Туркгосиздат, 1923. – 86 стр.

2.3. Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Т. 1. Упрочение советской власти в Узбекистане. – Т.: Изд. АН УзССР, 1963. – 660 стр.

2.4. Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Т. 2. Установление советской власти в Узбекистане. – Т.: Фан, 1972. – 608 стр.

2.5. Программные документы мусульманских политических партий. 1917–1920 гг. – Оксфорд, 1985. – 136 стр.

2.6. Отчёт о деятельности СНК и Экономического Совета Туркестанских республик на 1 октября 1922 г. – Т.: Изд. ТЭС, 1922. – 405 стр.

2.7. Революция в Средней Азии глазами мусульманских большевиков. – Оксфорд, 1985. – 134 стр.

2.8. Репрессия. 1937–1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 1. Составители: Р. Шамсутдинов, Н. Каримов, Э. Юсупов. – Т.: Шарк, 2005. – 288 стр.

2.9. Репрессия. 1937–1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 4. Составители: Р. Шамсутдинов, М. Абдуллаев, Э. Дустматов, Х. Курбанов. – Т.: Шарк, 2008. – 576 стр.

2.10. РСФСР, ЦСУ Туркеспублики. Статический ежегодник 1917–1923 гг. Составители и под редакцией Д. Красновского. Т. II. – Т.: Изд. ТЭС, 1924. – 598 стр.

2.11. Сборник важнейших декретов, постановлений и распоряжений Правительства ТАССР за 1917–1922 гг. – Т.: Изд. Комиссия СНК, 1922. – 213 стр.

2.12. Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917–1926 гг.). Сборник документов. – Т.: Фан, 1962. – 796 стр.

2.13. Сплошная коллективизация сельского хозяйства Узбекистана (1930–1932 гг.). Сборник документов. – Т.: Узбекистан, 1980. – 341 стр.

2.14. Среднеазиатский кишлак в годы Большого террора. Составители: Р. Шамсутдинов, Э. Юсупов, С. Хошимов, Э. Рустамов. – Андижан, 2007. – 500 стр.

2.15. Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы. 1927–1939 гг. В 5-и

томах. Составители: В. Данилов, М. Кудюкина и др. Т. 3. Конец 1930–1933. – М.: РОССПЭН, 2001. – 1008 стр.

2.16. Тарихнинг номаълум саҳифалари. Хужжат ва материаллар. Биринчи китоб. Масъул муҳаррир Н. Каримов. – Т.: – Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. – 224 бет.

2.17. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929–1955 гг. Документы и материалы. Т. I–III. Составители: Р. Шамсутдинов, Б. Расулов. Под редакцией Д. Алимовой. Т. 2. – Т.: Шарк, 2006. – 496 стр.

2.18. ЦК РКП(б) – ВКП(б) и национальный вопрос. Сборник документов. Книга 1. 1918–1933 гг. – М.: РОССПЭН, 2005. – 784 стр.

### III. Архив хужжатлари ва материаллари

3.1. *Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (Ўзбекистон МДА)*

3.1.1. Р-9-фонд – Среднеазиатский Комитет и бюро профессиональных союзов СССР.

3.1.2. 17-фонд – Туркистон АССР Советлар Марказий Ижроия Қўмитаси.

3.1.3. 25-фонд – Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети.

3.1.4. 27-фонд – Туркистон Халқ Хужалиги Марказий Кенгаши.

3.1.5. 36-фонд – Туркистон АССР Миллий ишлар халқ комиссарлиги.

3.1.6. 111-фонд – Туркистон Пахтачилик Комитети.

3.1.7. 86-фонд – Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Қўмитаси.

3.1.8. 87-фонд – Ўзбекистон ССР Муваққат Инқилобий Қўмитаси.

3.1.9. 2027-фонд – Ўрта Осиё республикалари Иқтисодий Кенгаши.

3.1.10. 837-фонд – Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети.

3.2. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви*

*(Ўзбекистон РПДА)*

3.2.1. 14-фонд – Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети.

3.2.2. 60-фонд – Туркистон Компартияси Марказий Комитети.

3.2.3. 58-фонд – Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети.

3.2.4. 361-фонд – Хоразм Коммунистик партияси Марказий Комитети.

*3.3. Андижон вилояти давлат архиви (Андижон ВДА)*

3.3.1. Р-59-фонд – Исполнительный Комитет Андижонского уездно-городского совета Рабочих, крестьянских и красноармейских депутатов.

*3.4. Фаргона вилояти давлат архиви (Фаргона ВДА)*

3.4.1. Р-121-фонд – Ферганский областной Исполнительный Комитет совета Рабочих, крестьянских и красноармейских депутатов ТАССР.

3.4.2. Р-324-фонд – Исполнительный Комитет Ферганского окружного совета Рабочих, крестьянских и красноармейских депутатов города Коканда.

*3.5. Наманган вилояти давлат архиви (Наманган ВДА)*

3.5.1. 13-фонд – Наманган шаҳар ижроия кўмитаси.

3.6. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архивининг Андижон вилояти ҳокимлиги филиали*

3.6.1. 1-фонд – Финансовый отдел Андижанского областного Комитета.

3.7. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архивининг Фаргона вилояти ҳокимлиги филиали*

3.7.1. 1-фонд – Ферганский окружной суд Народного Комитета Юстиции УзССР.

3.7.2. Р-110-фонд – Кокандский трудовой кустарно-промысловый артель «товарищество».

3.8. *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази архиви*

3.8.1. Россия Федерацияси давлат архиви (ГАРФ); 374-фонд.

## IV. Даврий матбуот

### 4.1. Газеталар

4.1.1. Известия ЦИК Туркеспублики и Крайкома КПТ, ЦК Компартии Туркестанской АССР. (Известия Турк ЦИК) (Ташкент, 1919–1924).

4.1.2. Наша газета (Ташкент, 1917–1924).

4.1.3. Туркестанская правда (Ташкент, 1922–1924).

4.1.4. Узбекистанская правда (Ташкент).

4.1.5. Правда Востока (Ташкент).

4.1.6. Қизил Ўзбекистон (Тошкент).

### 4.2. Журналлар

4.2.1. Военная мысль (Ташкент, 1921).

4.2.2. Жизнь национальностей (Москва, 1922–1923).

4.2.3. За партию (Ташкент, 1927–1930).

4.2.4. Народное хозяйство Средней Азии (Ташкент, 1925–1929).

4.2.5. Народное хозяйство Туркестана (Ташкент, 1919–1922).

4.2.6. Экономическое обозрение (Ташкент, 1922–1923).

4.2.7. Коммунистическая мысль (Ташкент, 1926).

### 4.3. Бюллетенлар

4.3.1. Бюллетень Первой Экономической Конференции Средне-Азиатских Республик (Туркестанской, Бухарской и Хорезмской). (Ташкент, 1923).

4.3.2. Бюллетень Среднеазиатского Государственного Университета (Ташкент, 1923–1931).

4.3.3. Бюллетень VII съезда Коммунистической партии Туркестана (Ташкент, 1921).

## V. Хотиралар ва эсдаликлар

5.1. *Аҳмад Закий Валидий Тўгон*. Бўлингани бўри ер. Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар. Бошқирд тилидан Ш. Турдиев таржимаси. – Т.: Адолат, 1997. – 280 бет.

5.2. *Мунаввар Қори Абдурашидхонов*. Хотираларимдан (Жадидчилик тарихидан лавҳалар). Нашрга тайёрловчи С. Холбоев. – Т.: Шарқ, 2001. – 138 бет.

5.3. *Мухитдинов Н.* Кремлда ўтган йилларим. Эсдаликлар. 1-китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 368 бет.

5.4. *Полвон ниёз Ҳожи Юсупов.* Ёш хиваликлар тарихи (хотиралар). Нашрга тайёрловчи М. Матниёзов. – Урганч: Хоразм, 1999. – 488 бет.

5.5. *Юсупов Э.* Зулмат ичида зиё излаб.... Хотиралар. 1-китоб. – Чимкент, 2000. – 380 бет.

5.6. *Яҳёев Ҳ.* Тилсим. Хотира-роман. 1-китоб. – Т.: Шарк, 2004. – 448 бет.

## VI. Илмий адабиётлар

6.1. *Абдуллаев Р.* Миллий сиёсий ғоялар тарихидан // «Инсон ва сиёсат», 1991. №9, 87–94 бетлар.

6.2. *Абдуллаев Р.* Тарихий онг ва Ўзбекистоннинг замонавий тарих фани // Тарих ва ўзликни англаш. II. Ўзбекистон ва Германия XX асрда. – Т., 2007. – Б. 6–12 бет.

6.3. *Абдуллаева Я.* Қорақалпоғистон хотин-қизлари: кеча ва бугун. XIX асрнинг охири ва XX аср. – Т.: Ижод дунёси, 2004. – 224 бет.

6.4. *Абусейтова М.Х.* и др. История Казахстана и Центральной Азии. Учебное пособие. – Алматы: Дайк-пресс, 2001. – 616 стр.

6.5. *Акрамов А., Авлиякулов К. В.И.* Ленин, Турккомиссия и укрепление советской власти в Средней Азии. – Т.: Ўзбекистон, 1991. – 344 стр.

6.6. *Алимов И.* Аграрные преобразования в Хорезме и Бухаре (1920–1924). – Т.: Узбекистан, 1970. – 80 стр.

6.7. *Алеўтов Ў., Сейтмуратов Қ.* Қорақалпоғистонда жадидчилик ҳаракати ва Сейфулғабид Мажидов. – Т.: Фан, 2010. – 128 бет.

6.8. *Алимов И.* Узбекское дехканство на пути к социализму. – Т.: Узбекистан, 1974. – 240 стр.

6.9. *Алимов И.* Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917–1929 й.). – Т.: Фан, 2009. – 224 бет.

6.10. *Алимова Д. Голованов А.* Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари (1917–1990 й.). – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 72 бет.

- 6.11. *Алимова Д.* История как история, история как наука. В 2-х томах.  
Т. 1. История и историческое сознание. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 280 стр.  
Т. 2. Феномен джадидизма. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 184 стр.
- 6.12. *Авторхонов А.Г.* Технология власти // Вопросы истории. 1992. №2–3. – С. 108–117.
- 6.13. *Авторхонов А.* Империя Кремля (Советский тип колониализма). – Вильнюс, 1990. – 150 стр.
- 6.14. *Алимова Д.А.* Женский вопрос в Средней Азии. История изучения и современные проблемы. – Т.: Фан, 1991. – 133 стр.
- 6.15. Арало-Каспийский регион в истории и культуре Евразии. Материалы международной научной конференции. – Актобе, 2006. 25–27 мая. – 233 стр.
- 6.16. *Аршаруни А., Габидуллин Х.* Очерки панисламизма и пантюркизма в России. – М.: Безбожник, 1931. – 190 стр.
- 6.17. *Аминова Р.Х.* Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. – Т.: Фан, 1995. – 86 стр.
- 6.18. *Аъзамхужаев С.* Туркистон Мухторияти: миллий демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Т.: Маънавият, 2000. – 168 бет.
- 6.19. *Аяган Б.* Методологические проблемы общественно-политической истории советского и постсоветского Казахстана // Отан тарихи. Отечественная история. – Алматы, 2003. №1. – С. 11–14.
- 6.20. *Агзамходжаев С.* История Туркестанской автономии (Туркистон Мухторияти). – Т.: Изд. Тошкент Ислам Университети, 2006. – 68 стр.
- 6.21. *Базарбоев Р.* Кадровая политика советской власти в Каракалпакстане (1917–1941 гг.). – Нукус: Каракалпакстан, 2010. – 160 стр.
- 6.22. *Бердяев Н.* Истоки и смысл русского коммунизма. – М.: Наука, 1990. – 224 стр.
- 6.23. *Болтабаев Ҳ.* Фитрат ва жадидчилик. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 287 бет.
- 6.24. *Бехбудий М.* Танланган асарлар. 2-нашри. Нашрга тайёрловчи Б. Қосимов. – Т.: Маънавият, 1999. – 280 бет.

6.25. *Боффа Дж.* История Советского Союза. В двух томах. Т. 1. Перевод на русский язык И. Левина. – М.: Международные отношения, 1990. – 632 стр.

6.26. Буюк ипак йули ва Фарғона водийси (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). – Фарғона, 2004. – 248 бет.

6.27. *Варейкис И. и Зелинский И.* Национально-государственное размежевание Средней Азии. – Т.: Средазгосиздат, 1924. – 87 стр.

6.28. *Ваҳобов М.* Ўзбек социалистик миллати. – Т.: Ўздавнашр, 1960. – 536 бет.

6.29. *Волобуев П.В., Булдаков В.Л.* Октябрьская революция: новые подходы к изучению // Вопросы истории, 1996. №5–6, 28–38 стр.

6.30. В.И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 1984. – 800 бет.

6.31. *Гаспринский И.* Ҳаёт ва мамот масаласи (Танланган асарлар). – Т.: Маънавият, 2006. – 320 бет.

6.32. *Гайда Ф.А.* Февраль 1917 года: революция, власть, буржуазия. (Вопросы истории, 1996. №3, 31–43 стр.

6.33. *Гафаров Н.* История культурно-просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате (начало XX века). – Хужанд: Госиздат, 2000. – 175 стр.

6.34. *Аяган Б.Г., Шаймерденова М.Д.* Новейшая история Казахстана. Учебник для 9-класса. 2-изд. – Алматы: Атамура, 2009. – 400 стр.

6.35. *Гинцберг Л.И.* По страницам особых папок: Политбюро ЦК ВКП(б) // Вопросы истории, 1996. №10. – 16–30 стр.

6.36. *Голованов А.* Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917–1937 гг. – Т.: Фан, 1992. – 161 стр.

6.37. *Голованов А.А., Саидов И.М.* Дехканство Узбекистана на историческом повороте второй половины XIX – первой трети XX вв. – Самарканд, 2007. – 384 стр.

6.38. *Баберовски Й.* Красный террор. История сталинизма. – М.: Российская политическая энциклопедия, 2007. – 280 стр.

6.39. *Горький М.* Несвоевременные мысли. Заметки о революции и культуре. – М.: Советский писатель, 1990. – 400 стр.



6.40. Государственная власть СССР. Высшие органы власти и управления и их руководители. 1923–1991. Историко-биографический справочник. Автор-составитель В. Ивкин. – М.: РОССПЭН, 1999. – 640 стр.

6.41. *Гуревич А.Д.* Положения на историческом фронте Средней Азии. // Революция и культура в Средней Азии. Сборник первый. – Т., 1934. – 4–13 стр.

6.42. *Дервиш.* Ферганская проблема. // Военная мысль. Кн. 2. – Т., 1921. – 108–118 стр.

6.43. *Дулатова Д., Муртазина Н.* «Докладная записка» Серали Лапина. Вестник КазГУ. Историческая серия. – Алматы, 1997. №5. – С. 10–17.

6.44. *Долимов У.* Туркистонда жадид мактаблари. – Т.: Университет, 2006. – 127 бет.

6.45. Ёш олимлар ва иктидорли талабалар республика илмий-амалий конференцияси иштирокчиларининг илмий ишлари тўплами. – Тошкент, 1997. – 180 бет.

6.46. Ёшлар тарбиясида толерантлик – давр талаби (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). – Тошкент, 2004. – 323 бет.

6.47. Ёш олимлар ва иктидорли талабаларнинг илмий мақолалари тўплами. – Тошкент, 1997. – 217 бет.

6.48. *Ерметов А.* Туркистонда назорат органлари фаолияти (Ишчи-деҳқон милицияси ва Ишчи-деҳқон инспекцияси 1917–1924 йилларда). – Т.: Абу Матбуот-консалт, 2007. – 158 бет.

6.49. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (Туркистон ва Бухоро жадидчилиги тарихига янги чизгилар). Даврий тўплам №1. Масъул муҳаррир Д. Алимова. – Т.: Университет, 1999. – 220 бет.

6.50. *Залесский К.А.* Империя Сталина. Биографический-энциклопедический словарь. – М.: ВЕЧЕ, 2000. – 608 стр.

6.51. *Зиё Саид.* Танланган асарлар. Тўпловчи Ш. Турдиев. – Т.: Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – 208 бет.

6.52. *Зиёева Д.* Туркистон миллий озодлик ҳаракати (Мустабид тузумга қарши 1916 йил ва 1918–1924 йиллардаги халқ курашлари тарихшунослиги). – Т.: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 176 бет.

- 6.53. *Исакова М.* Становление и развитие архивного дела в Узбекистане. – Т.: Университет, 2012. – 204 стр.
- 6.54. *Исхаков Ф.* Национальная политика царизма в Туркестане (1867–1917 гг.). – Т. ART FLEX, 2009. – 224 стр.
- 6.55. *Икрамов А.* Избранные труды в трёх томах.  
Том 1. – Т.: Узбекистан, 1972. – 532 стр.  
Том 2. – Т.: Узбекистан, 1973. – 576 стр.  
Том 3. – Т.: Узбекистан, 1974. – 452 стр.
- 6.56. *Исмоил Гаспиринский ва Туркистон (Ўзбек ва рус т.). Масъул муҳаррир Н. Каримов.* – Т.: Шарқ, 2005. – 288 бет.
- 6.57. *История России. XX век. Ответственный редактор В.П. Дмитренко. Учебное пособие вузов.* – М.: Аст, 2000. – 608 стр.
- 6.58. *История Казахстана. Курс лекций. Под редакцией К.С. Каражана.* – Алматы: Қазақ университети, 2008. – 377 стр.
- 6.59. *Исторический опыт модернизации тюрко-мусульманских народов СССР (Международная научно-теоретическая конференция).* – Актобе, 2008. – 305 стр.
- 6.60. *История Казахстана. В пяти томах. Т. 4. Казахстан в советский период.* – Алматы: Атамұра, 2010. – 768 с.
- 6.61. *Ишанходжаева З.Р.* Репрессивная политика советской власти и культура Узбекистана: трагедия выживания (1925–1953 гг.). – Т.: Tafakkur, 2011. – 288 стр.
- 6.62. *Каррер д`Анкос Э. Ленин.* – М.: Российская политическая энциклопедия, 2008. – 384 стр.
- 6.63. *Кондраткин В.* Голод 1932–1933 годов: трагедия Российской деревни. – М.: Российская политическая энциклопедия, 2008. – 520 стр.
- 6.64. *Лёве Х.-Д.* Сталин. – М.: Российская политическая энциклопедия, 2009. – 252 стр.
- 6.65. *Люкс Л.* История России и Советского Союза от Ленина до Ельцина. – М.: Российская политическая энциклопедия, 2009. – 528 стр.
- 6.66. *История таджикского народа. Новейшая история (1917–1941 гг.). Под редакцией Р.М. Масова.* – Душанбе, 2004. – 752 стр.
- 6.67. *Каримов Н.* XX аср адабиёти манзаралари. Биринчи китоб. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 536 бет.
- 6.68. *Кан Р.* История Казахстана. Учебник для вузов. 3-изд. – Алматы, 2009. – 224 стр.

6.69. *Каримов Р.Х.* Узбекистан в период восстановления народного хозяйства СССР (1921–1925 гг.). – Т.: Узбекистан, 1974. – 196 стр.

6.70. *Карр Э.* Русская революция от Ленина до Сталина (1917–1929). – М.: 1990. – 208 стр.

6.71. *Карр Э.* История Советской России. Кн. 1. Т. 1–2. Большеви́стская революция 1917–1923. Переводчицы: З. Вольская, О. Захарова, Н. Кольцов. – М.: Прогресс, 1990. – 768 стр.

6.72. *Касымов Ф.Х.* Минуя капитализм. Советская историография перехода народов Средней Азии к социализму. – М.: Наука, 1980. – 376 стр.

6.73. *Мунаввар Қори Абдурашидхонов.* Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи С. Аҳмедов. – Т.: Маънавият, 2003. – 304 бет.

6.74. Марказий Осиё тарихи: Манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари, 3-илмий тўплам. Масъул муҳаррир: М. Исҳоқов. – Т., 2011. – 432 бет.

6.75. *Масанов Н.Э.* и др. История Казахстана. Народы и культуры. Учебное пособие. – Алматы, Дайк-Пресс, 2001. – 608 стр.

6.76. *Минзбоев У.* Олий суд: кеча ва бугун. – Т.: Камалак, 1994. – 71 бет.

6.77. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари (1865–1990 й.). Масъул муҳаррир Д. Алимова. – Т.: Шарк, 2000. – 432 бет.

6.78. *Муртазаева Р.Х.* Толерантность как интегрирующий фактор в многонациональном Узбекистане. – Т.: Узбекистан, 2010. – 152 стр.

6.79. *Махкамова Н.Р.* Социальная структура общества на территории Узбекистана: традиции и трансформации (конец XIX в. – 30-е годы XX века). – Т.: 2009. – 239 стр.

6.80. *Назаров С.* Из истории деятельности Средазбюро ЦК РКП(б). – Т.: Узбекистан, 1965. – 120 стр.

6.81. Независимость и история: новые подходы к изучению истории Узбекистана. – Т.: Изд. ТашГУ, 1997. – 52 стр.

6.82. Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения. Ответственный редактор Р.Я. Раджапова. – Т.: Фан, 1991. – 388 стр.

6.83. *Охунбобоев Й.* Танланган асарлар. 2-нашри. – Т.: Ўзбекистон, 1985. – 471 бет.

6.84. Очерки историографии Узбекистана в XX столетии (Сборник статей). Ответственный редактор Д. Алимова. – Т.: Yangi nashr, 2011. – 222 стр.

6.85. Очерки хозяйственной жизни Туркесреспублики. Под редакцией А. Асаткина. – Т.: Изд. ЦСНХ, 1920. – 598 стр.

6.86. Очерки истории формирования и развития предпринимательства в Узбекистане. Ответственные редакторы Д. Зияева, Д. Алимова. – Т., 2011. – 146 стр.

6.87. Очерки революционного движения в Средней Азии. Сборник статей. – М.: Научная ассоциация востоковедения при ЦИК СССР, 1926. – 152 стр.

6.88. *Полвонов Н.* Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1920–1924). – Т.: Академнашр, 2011. – 120 бет.

6.89. *Полвонов Н.* История социальных движений и политических партий Хорезма (1900–1924). – Т.: Академнашр, 2011. – 120 стр.

6.90. *Ражабова Р.Ё.* ва б. Ўзбекистон тарихи (1917–1993 й.). 9-синф учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 400 бет.

6.91. *Раджабов К.* Теоритико-методологическая основа изучения истории вооружённого движения в Туркистане в 1918–1935 гг. // Россия-Узбекистан: история и современность. Журнал «Евро Азия». – Москва, 2008. №3. – 4–16 стр.

6.92. *Ражабов Қ.Қ.* Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917–1935 й.). – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 32 бет.

6.93. *Ражабов Қ.* Файзулла Хўжаев. – Т.: Абу матбуот-консалт, 2011. – 48 бет.

6.94. *Ражабов Қ., Ҳайдаров М.* Туркистон тарихи (1917–1924 й.). Ўқув қўлланма. – Т.: Университет, 2002. – 168 бет.

6.95. *Расулов А.* Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар (1917–1924 й.). – Т.: Университет, 2005. – 200 бет.

6.96. *Расулов А.* Туркистон халқи бағрикенглиги. – Т.: Yangi nashr, 2011. – 136 бет.

6.97. *Ратьковский И.С., Ходяков М.В.* История Советской России. Учебное пособие вузов. – Санкт-Петербург, 2001. – 416 стр.

6.98. Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида. – Т.: Abu matbuot-konsalt, 2012. – 176 бет.

6.99. Раҳмонов Т. XX асрнинг дастлабки йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий ва маданий ҳаёт (муаммо ва ечимлар). – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2011. – 148 бет.

6.100. Российское государство и общество. XX век. – М.: Изд. МГУ, 1999. – 580 стр.

6.101. Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Сборник статей, докладов, речей и тезисов с предисловием автора. Часть 1. 1917–1919 гг. – Т.: Узбекгосиздат, 1925. – 218 стр.

6.102. Рыскулов Т.Р. Собрание сочинений в трёх томах.

Том 1. – Алматы: Қазақстан, 1997. – 336 стр.

Том 2. – Алматы: Қазақстан, 1997. – 384 стр.

Том 3. – Алматы: Қазақстан, 1998. – 448 стр.

6.103. Саидов И.М., Голованов А.А. Истоки независимости: политическое противоборство по национально-государственному самоопределению узбекского народа (1917–1920 гг.) – Самарканд: Изд. СамГУ, 2003. – 143 стр.

6.104. Сафаров Г. Колониальная революция (опыт Туркестана). – М.: Госиздат, 1921. – 147 стр.

6.105. Сафаров Г. Национальная политика Советской власти. // Три года Советской власти. Сборник статей. – Т.: Туркгосиздат, 1920. – 17–33 стр.

6.106. Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. – М.: Политиздат, 1992. – 544 стр.

6.107. Сталин И. Асарлар. Т. 5. – Т.: Ўздавнашр, 1949. – 508 стр.

6.108. Сотти Хусайн. Танланган асарлар. – Т., 1974.

6.109. Султан-Галиев М. Статьи. Выступления. Документы. – Казань: Татарское книжное издательство, 1992. – 519 стр.

6.110. Такер Р. Сталин. Путь к власти. 1879–1929. История и личность. – М.: Прогресс, 1991. – 480 стр.

6.111. Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. Лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир Д.А. Алимова. – Т.: Шарқ, 2001. – 464 бет.

6.112. Тарихнинг ҳасрагли саҳифалари. Масъул муҳаррир Н. Каримов. – Т.: Шарқ, 2006. – 304 бет.

6.113. Тарих ва тақдир: Фарғона водийси тарихини тадқиқ этиш муаммолари. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Наманган, 2002. – 110 бет.

6.114. Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент, 2001. – 327 бет.

6.115. Тарихий манбашунослик муаммолари (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). – Тошкент, 2008. – 405 бет.

6.116. Тарихшунослик ўқишлари – 2010. Конференция материаллари тўплами. Масъул муҳаррир Д. Алимова. – Т.: Yangi nashr, 2011. – 426 бет.

6.117. Бағрикенглик – жамият барқарорлигининг асоси (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). – Тошкент, 2003. – 296 бет.

6.118. Тарихий манбашунослик муаммолари (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). – Тошкент, 2003. – 224 бет.

6.119. *Тойнби А.Дж.* Достижение истории. Сборник. Перевод с английского А.Е. Жаркова. – М.: Прогресс, 1991. – 736 стр.

6.120. *Турдиев Ш.* Улар Германияда ўқиган эдилар. – Т., 2006. – 256 бет.

6.121. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я. Раджапова. – Т.: Шарк, 2000. – 672 стр.

6.122. *Турсунов Х.Т.* Образование Узбекской Советской Социалистической Республики. – Т.: Фан, 1957. – 244 стр.

6.123. *Умняков И.* К истории новометодной школы в Бухаре. // Бюллетень САГУ. Выпуск 16. – Т., 1927. – 81–99 стр.

6.124. *Уразбаева Р.* История образования в Каракалпакстане (последняя четверть XIX – начало XXI в.). – Т.: Yangi nashr, 2011. – 272 стр.

6.125. Устная история в Узбекистане: теория и практика. Сборник статей. Выпуск 1. Ответственный редактор: Р. Абдуллаев. – Т., 2011. – 322 стр.

6.126. *Фёдоров Е.К.* История Коммунистической партии Туркестана. // Коммунистическая мысль. Кн. 2. – Т., 1926. – 48–91 стр.

6.127. *Файзулла Хужаев.* Танланган асарлар. Уч томлик.

- Том 1. – Т.: Фан, 1976. – 536 бет.  
Том 2. – Т.: Фан, 1978. – 676 бет.  
Том 3. – Т.: Фан, 1980. – 596 бет.
- 6.128. *Файзулла Хўжаев*. Бухоро инқилобининг тарихига оид материаллар. (Қайта нашр). – Т.: Фан, 1997. – 176 бет.
- 6.129. *Фитрат А.* Танланган асарлар. 1-жилд. Шеърлар. Насрий асарлар. Драмалар. Нашрга тайёрловчи Ҳ. Болтабоев. – Т.: Маънавият, 2000. – 256 бет.
- 6.130. *Фитрат А.* Рассказы индийского путешественника (Бухара как она есть). Перевод с персидского А.Н. Кондратьева. – Т., 2007. – 100 стр.
- 6.131. *Хайдаров Г.К.* История таджикского народа: XX век. – Хужанд, 2001. – 508 стр.
- 6.132. *Хасанов Б.В.* Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы 1917 – начала 50-х годов. – Т., 2000. – 203 стр.
- 6.133. *Ходжаев Ф.* Джадиды. // Очерки революционного движения в Средней Азии. – М.: Научная ассоциация востоковедения при ЦИК СССР, 1926. – 5–12 стр.
- 6.134. *Ходжаев Ф.* К истории революции в Бухаре. – Т.: Узгиз, 1926. – 77 стр.
- 6.135. *Холбоев С.* Бухоро амирлигининг олтин хазинаси (тарихи, тақдири, тахлили). – Т.: Фан, 2008. – 180 бет.
- 6.136. *Цапкин В.В.* Архивные материалы о числе заключенных в конце 30-х годов. // Вопросы истории, 1991. №4–5. – 157–161 стр.
- 6.137. *Чулпон А.* Гузал Туркистон (Шеърлар). Нашрга тайёрловчи Б. Дўстқораев. – Т.: Маънавият, 1997. – 128 бет.
- 6.138. *Шамсутдинов Р.* Истиклол йўлида шахид кетганлар. – Т.: Шарқ, 2001. – 416 бет.
- 6.139. *Шамсутдинов Р.* Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Т. Шарқ, 2003. – 544 бет.
- 6.140. *Шамсутдинов Р.* Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.: Шарқ, 2001. – 368 бет.
- 6.141. *Шпенглер О.* Закат Европы (Очерки морфологии мировой истории). Т. 1. – Минск: Попурри, 1997. – 404 стр.

6.142. Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида (1870–1917 й.). – Т.: Янги нашр, 2011. – 296 бет.

6.143. Эргашева М. Жадиждларнинг давлат-хукукий қарашлари. – Т.: Адолат, 2007. – 216 бет.

6.144. Юсунов У. Избранные труды в трёх томах. Т. 1–3. – Т.: Узбекистан, 1974.

6.145. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Масъул муҳаррирлар Д.А. Алимова, Э.В. Ртвеладзе. – Т.: Шарқ, 2001. – 224 бет.

6.146. Ўзбекистон замон ва маконлар оша. Социомаданий альманах. Лойиҳа ғояси муаллифи М. Клингерберг. – Т.: Суғдиёна, 2011. – 250 бет.

6.147. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўн икки жилдлик. 1–12 жилдлар. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000–2006.

6.148. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев. – Т.: Шарқ, 2000. – 688 бет.

6.149. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. – Т.: ЎЗМЭ нашриёти, 2006. – 712 бет.

6.150. Ўзбекистон ССР тарихи. Тўрт томлик. Т. 3. (1917–1937 й.). Бош муҳаррир И. Мўминов. – Т.: Фан, 1971. – 712 бет.

6.151. Ўзбекистон тарихи (1917–1991 й.). 10-синф ўқувчилари учун дарслик. Масъул муҳаррир Д.А. Алимова. – Т.: Шарқ, 2000. – 416 бет.

6.152. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номутахассис факультетлари талабалари учун дарслик.) Р.Х. Муртазаевнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – 675 бет.

6.153. «Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари» мавзuidaги илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 1994. – 110 бет.

6.154. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлашда қасаба уюшмалари (илмий-методик ва назарий конференция). – Тошкент, 1996. – 96 бет.

6.155. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар тарихидан. – Тошкент, 1998. – 103 бет.



6.156. «Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал-методологик муаммолар» мавзuidaги республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Т., 1998. – 360 бет.

6.157. Ўзбекистон тарихи ёш олимлар тадқиқотларида. – Т., 2000. – 129 бет.

6.158. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон. Республика илмий-амалий анжумани. – Т., 2003. – 329 бет.

6.159. Ўзбекистон давлатчилиги тараққиёт босқичлари (Республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Т., 2003. – 160 бет.

6.160. Ўзбек давлатчилиги тарихида Фаргона водийси (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). – Фаргона, 2004. – 106 бет.

6.161. Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар (Халқаро конференция материаллари. II қисм). – Т., 2005. – 208 бет.

6.162. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон. Халқаро илмий-амалий анжумани материаллари. – Т., 2007 йил 30–31 март. – 316 бет.

6.163. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан (Қадимги даврдан ҳозиргача). Масъул муҳаррир Д. Зияева. – Т.: Sharq, 2012. – 256 бет.

6.164. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг йўналишлари (Халқаро илмий-амалий конференция материаллари). – Т., 2007. – 215 бет.

6.165. Ўзбекистон тарихидан илмий мақолалар тўплами. – Т., 2009. – 306 бет.

6.166. Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари ёш олимлар тадқиқотларида: асосий йўналишлар ва ёндашувлар. Республика ёш олимларининг аънавий иккинчи илмий конференцияси материаллари тўплами. – Т., 2010. – 286 бет.

6.167. Ўзбекистон тарихи ёш тадқиқотчилар нигоҳида (Ёш тарихчи олимларнинг илмий мақолалари тўплами). – Т., 2010. – 119 бет.

6.168. Ўзбек давлатчилиги ва маданияти тарихида Жанубий Ўзбекистоннинг ўрни. Республика илмий анжумани. – Қарши, 2011. – 261 бет.

6.169. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. – Т., 2011. – 278 бет.

6.170. Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. Республика илмий анжумани. – Т., 2011. – 388 бет.

6.171. Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта аср шаҳар маданияти аёнчалари. ЎЗМУ археология кафедрасининг 70 йиллигига бағишланган республика илмий анжумани. – Т., 2010. – 316 бет.

6.172. Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1968. – 840 бет.

6.173. Қор қўнида лолалар (Очерқлар). – Т.: Академия, 2001. – 213 бет.

6.174. Қорақалпоғистоннинг янги тарихи (XX асрнинг иккинчи ярмидан XXI аср бошигача) (қорақалпоқ т.). – Нукус: Қарақалпоқстан, 2003. – 556 бет.

6.175. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т.: Маънавият, 2002. – 400 бет.

6.176. Қосимов Ф. Бухоро республикаси тарихшунослиги. – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 1996. – 71 бет.

6.177. Қосимов Ф. Истиқлол ва тарихий хотира. Мақолалар тўплами. – Бухоро, 2006. – 157 бет.

6.178. Қўшчинов Д., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XIX аср иккинчи ярми – XX аср биринчи чораги). – Т.: Абу матбуот-консалт, 2007. – 388 бет.

6.179. Ғойибназаров Ш. Ижтимоий ривожланиш сабоқлари. 20-йиллар таҳлили. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 192 бет.

6.180. Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917–1991 й.). – Т.: Абу матбуот-консалт, 2008. – 208 бет.

6.181. Ҳайдаров И. Ўзбекистонда Иқтисодий Кенгашлар фаолияти (1917–1934 й.). – Т.: Абу матбуот-консалт, 2008. – 152 бет.

6.182. Ҳайдаров М.М. Туркистонда Совет ҳокимияти юритган сиёсатнинг маҳаллий аҳолига бўлган таъсири (1917–1924 йй.) // ТошДУ хабарлари, 1998. №1. – 53–58 бетлар.

6.183. Ҳайдаров М.М. Туркистонда бошқарув аппаратини шакллантиришда марказлаштириш тамойиллари (1917–1924 йй.) // ТошДУ хабарлари, 1999. №1, 59–63 бетлар.

6.184. Ҳайдаров М.М. Ҳалокат ибтидоси // Тафаккур, 2003. №3. 123–125 бетлар.

6.185. Ҳайдаров М.М. Иқтисодий районлаштириш ва унинг оқибатлари // Жамият ва бошқарув, 2003. №1, 44–46-бетлар.

6.186. *Ҳайдаров М.М.* Обращение организации «Улема» // История Турана, 2003. №1, 8–14 стр.

6.187. *Ҳайдаров М.М.* Туркистоннинг давлат бошқарувида сиёсий марказлаштириш тизими // ЎзМУ Хабарлари, 2003. №1, 67–70-бетлар.

6.188. *Ҳайдаров М.М.* Туркистон иқтисодиётида «ҳарбий коммунизм» сиёсати // Ўзбекистон тарихи, 2003. №3, 30–39-бетлар.

6.189. *Ҳайдаров М.М.* Иқтисодий районлаштириш ва унинг оқибатлари // Жамият ва бошқарув, 2003. №1, 44–45-бетлар.

6.190. *Ҳайдаров М.М.* Тоталитар совет давлатчилиги // Жамият ва бошқарув, 2003. №4. 78–80-бетлар.

6.191. *Ҳайдаров М.М.* Туркистонда октябрь тўнтаришига оид мулоҳазалар // Қонун ҳимоясида, 2003. №12, 35–40-бетлар.

6.192. *Ҳайдаров М.М.* «Европейский социализм имеет своим первоисточником тот же самый ислам» Письмо русским социалистам от ташкентской организации «Шураи-Улема». 1918 г. // Исторический архив. – Москва, 2004. №21, 72–182 стр.

6.193. *Ҳайдаров М.М.* Туркистон АССР иқтисодиётининг бир томонлама ривожланиш хусусиятлари // ЎзМУ Хабарлари, 2004. №4, 41–44-бетлар.

6.194. *Ҳайдаров М.М.* Тараққийимизнинг маънавий асослари // Жаҳон адабиёти, 2004. №5, 163–167-бетлар.

6.195. *Khaydarov M.M.* The soviet policy of border delimitation in Central Asia as a destabilizing factor: a historical overview // Cooperation and Conflict Management in Central Asia, 2004. Band 10, Frankfurt am Main, Berlin, 23–31 pp.

6.196. *Ҳайдаров М.М.* Туркистон Бюроси фаолияти ҳақида мулоҳазалар // Ижтимоий фикр, 2004. №5, 96–102-бетлар.

6.197. *Ҳайдаров М.М.* Ўзбекистонда советлар тузуми илк давридаги ҳуқуқий муносабатлардаги номутаносибликлар // ЎзМУ хабарлари, 2008. №2, 49–52-бетлар.

6.198. *Ҳайдаров М.М.* 20–30 йиллардаги қонунчиликнинг баъзи жиҳатлари // Жамият ва бошқарув, 2009. № 1, 123–126-бетлар.

6.199. *Ҳайдаров М.М.* Ҳалокатга сабаб бўлган таълимот // Тафаккур, 2009. №2, 84–86-бетлар.

6.200. *Ҳайдаров М.М.* Ўзбекистоннинг совет даври тарихи баъзи хорижий тадқиқотчилар талқинида // СамДУ Илмий тадқиқотлар ахборотномаси, 2010. №2 (60), 28–33-бетлар.

6.201. *Ҳайдаров М.М.* Хорижда Ўзбекистоннинг XX аср 20–30 йиллар тарихини ўрганишнинг баъзи жиҳатлари // ЎЗМУ Хабарлари, 2010. Махсус сон, 68–72-бет.

6.202. *Ҳамид Олимжон.* Миллатчилик ва аксилинкилобчилик билан кураш ва ўзбек пролетар адабиёти // Мукамал асарлар тўплами. Ўн томлик. VI том. – Т.: Фан, 1982. – 45–50-бетлар.

6.203. *Ҳамид Олимжон.* Жадид адабиётининг синфий моҳияти масаласи. // Мукамал асарлар тўплами. Ўн томлик. VI том. – 141–187-бетлар.

6.204. *Ҳамид Олимжон.* Фитратнинг адабий ижоди тўғрисида. // Мукамал асарлар тўплами. Ўн томлик. VI том. – 205–242-бетлар.

## VII. Хорижий адабиётлар

7.1. *Baymirza Hayit.* Turkistan im XX Jahrhundert. – Darmstadt, 1956. – 400 s.

7.2. *Baymirza Hayit.* Turkistan Rusya ile Cin arasinda. – Istanbul, 1975. – 440 s.

7.3. *Baymirza Hayit.* Berichte und Forschungen uber Turkistan. – K`oln, 1997. – 487 s.

7.4. *Wetter G.* Bugungu Soviet ideologiyasi. 2-baski. – Ankara, 1976. – 525 s.

7.5. *Leonhard W.* Bugungu Soviet ideologiyasi. 2-baski. – Istanbul, 1980. – 510 s.

7.6. International Seminar on Etno-National Studies in Central Eurasia. Central University for Nationalities. – Beijing, Jan. 21–22, 2008. – 27 p.

## VIII. Диссертация ва авторефератлар

8.1. *Абдуллаев А.* Хлопковая монокультура в Узбекистане и её последствия (1917–1991). Автореферат дисс... докт. ист. наук. – Т., 2010. – 46 стр.

8.2. *Абдуллаев Р.М.* Национальные политические организации Туркестана в 1917–1918 гг. Автореферат дисс... докт. ист. наук. – Т., 1998. – 62 стр.

8.3. *Аззамходжаев С.С.* Туркистон Мухторияти: борьба за свободу и независимость (1917–1918 гг.) Автореферат дисс... докт. ист. наук. – Т., 1996. – 62 стр.

8.4. *Алимов И.А.* Исторический опыт аграрных преобразований в Хорезмской и Бухарской Народных Советских Республиках. Автореферат дисс... докт. ист. наук. – Т., 1981. – 52 стр.

8.5. *Гоголия Е.А.* Русская революция 1917 года в идейно-политическом наследии евразийцев (1921–1931 гг.). Автореферат дисс... докт. ист. наук. – Т., 1999. – 22 стр.

8.6. *Ерметов А.А.* Туркистон АССРда назорат органлари ва уларнинг тоталитар тузум ўрнатилишидаги ўрни (1918–1924 й.). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2006. – 29 бет.

8.7. *Земцова Б.Н.* Социально-психологические предпосылки революции 1917 г. в России. Автореферат дисс... докт. ист. наук. – М., 1999. – 39 стр.

8.8. *Зияева Д.Х.* Национально-освободительное движение в Туркестане в историографии XX века (проблемы изучения истории восстания 1916 года и движения «истиклолчилик» 1918–1924 гг.). Автореферат дисс... докт. ист. наук. – Т., 1999. – 61 стр.

8.9. *Ишонходжаева З.Р.* Репрессивная политика советской власти и её воздействие на культурную жизнь Узбекистана (1925–1950 гг.). Автореферат дисс... докт. ист. наук. – Т., 2012. – 50 стр.

8.10. *Карлыкова С.С.* Женщины Казахстана: проблемы историографии (20–80 годы XX века). Автореферат дисс... канд. ист. наук. – Алматы, 1997. – 25 стр.

8.11. *Коцанов Б.* Большевики в Туркестане (1918–1922 гг.). Доктрина и реальность. Автореферат дисс... докт. ист. наук. – М., 1995. – 44 стр.

8.12. *Қурбонов Х.Р.* Ўзбекистонда зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш ва унинг оқибатлари. 1925–1938 йиллар (ҳозирги Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари мисолида). Тарих фанлари номзоди... диссертацияси автореферати. – Т., 2010. – 31 бет.

8.13. *Пардаев А.А.* Бухоро ва Хоразмдаги иқтисодий кенгашлар фаолияти (1920–1924 йиллар). Тарих фанлари номзоди... диссертация автореферати. – Т., 2012. – 29 бет.

8.14. *Полвонов Н.Т.* Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1900–1924 й). Тарих фанлари номзоди дисс... автореферати. – Т., 2005. – 31 бет.

8.15. *Панин Е.Л.* Оппозиция в партии большевиков в 1925–1926 гг. Автореферат дисс... канд. ист. наук. – М., 2002. – 32 стр.

8.16. *Орлов Ц.Б.* Новая экономическая политика: государственное управление социально-экономических проблем (1921–1927 годы). Диссертация в виде научного доклада... докт. ист. наук. – М., 1999. – 46 стр.

8.17. *Берёзкина О.С.* Коммунистическая элита: сущность, технология власти (1921–1927 гг.) Автореферат дисс. канд. политических наук. – М., 1997. – 22 стр.

8.18. *Раджабов К.К.* Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918–1924 гг.). Автореферат дисс... докт. ист. наук. – Т., 2005. – 64 стр.

8.19. *Хайдаров М.М.* Централизаторская политика советской власти в Туркестане и ее последствия (1917–1924 гг.) Автореферат дисс... канд. ист. наук. – Т., 1998. – 62 стр.

8.20. *Хайдаров И.М.* Ўзбекистонда Иқтисодий Кенгашлар фаолияти (1917–1934 й.). Тарих фанлари номзоди... диссертацияси автореферати. – Т., 2007. – 29 бет.

8.21. *Эркаев Э.М.* Совет даврида Ўзбекистоннинг пахта хом ашё базасига айлантирилиши ва унинг деҳқонлар ҳаётига салбий таъсири (1917–1940 й.). Тарих фанлари номзоди... диссертацияси автореферати. – Т., 2010. – 30 бет.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши .....	3
<b>I боб. Ўзбекистон ҳудудида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва бошқарув тизими (1917–1920 йиллар)</b>	
1.1. Муаммонинг манбашунослиги ва тарихшунослиги. ....	6
1.2. Совет тоталитар давлатчилиги генезисида асосий омиллар ҳамда инқилобий ғоя ва амалиётнинг тугган ўрни, уларнинг ўзаро алоқадорлиги .....	24
1.3. Туркистон АССРда большевиклар якка партия ҳукронлигининг вужудга келтирилиши .....	35
<b>II боб. Тоталитар бошқарув тизимининг қарор топиши ва унинг марказлаштирилиши (1920–1924 йиллар)</b>	
2.1. Марказнинг ваколатли органлари – мустабид бошқарувнинг негизи .....	68
2.2. Миллий коммунистларнинг марказлаштириш сиёсатига муносабати .....	92
<b>III боб. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ва унинг бошқарув тизими (1925–1941 йиллар)</b>	
3.1. Ўзбекистоннинг «иттифокдош республика» статуси ва унинг ҳуқуқий асослари .....	108
3.2. Ҳукумат ва партия органларининг ваколатлари фаолияти (1925–1936 йиллар) .....	131
3.3. Партия органларининг ўзаро ва Марказ билан боғлиқ сиёсати (1936–1941 йиллар) .....	152
<b>IV боб. Ўзбекистон иқтисодиётини бошқариш тизимининг Марказ манфаатлари асосида ташкил этилиши</b>	
4.1. Туркистон ўлкасида янги иқтисодий сиёсатнинг жорий қилиниши .....	161
4.2. Ўзбекистон ССРда иқтисодий бошқарувнинг Марказ халқ хўжалиги тармоқлари манфаатларига бўйсундирилиши .....	186
4.3. Ўзбекистон иқтисодиётининг марказлаштирилиши ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалигининг зиддиятли ривожланиши .....	202
4.4. Марказ иқтисодий сиёсатининг асоратлари ва ижтимоий муаммолар .....	225
<b>Хулоса .....</b>	<b>241</b>
<b>Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>248</b>

RESEARCH REPORT

THE EFFECTS OF ...  
ON ...

...

...

...

...

...





*Foto ini diambil pada tahun 1911  
di depan gedung sekolah*



"ABU MATBUOT-KONSALT"

ISBN 978-9943-336-94-0



9 789943 336940